По оси ордината сила сокращения аорты, выраженная в процентах от амплитуды контрольного сокращения, индуцированного 1 мкМ фенилэфрином и принятой за 100 %; по оси абсцисс – концентрация норвоганина (мкМ). Во всех случаях  $P < 0,05$  ( $n=5$ ).



Эти результаты указывают на то, что в обеспечении релаксантного эффекта норвогона может участвовать NO, продуцируемый NO-синтазой эндотелиальных клеток кровеносных сосудов. Для проверки этого предположения были изучены эффекты норвогона в присутствии ингибитора NO-синтазы – L-NAME. Как показали результаты этих экспериментов, предварительная инкубация интактных препаратов аорты с L-NAME приводит к существенному подавлению релаксантного эффекта норвогона. При этом в присутствии 100 мкМ L-NAME ингибирующий эффект норвогона (80 мкМ) на ФЭ-индуцированное сокращение аорты составлял  $43.3 \pm 3,8\%$ , который в отсутствии L-NAME составлял  $87,7 \pm 3,9\%$  (рис.7).

Рис. 7.

**Влияние ингибитора NO-синтазы L-NAME на релаксантный эффект норвогона на препаратах аорты с интактным эндотелием.**



По оси ордината сила сокращения аорты, выраженная в процентах от амплитуды контрольного сокращения, индуцированного 1 мкМ ФЭ и принятой за 100 %; по оси абсцисс – концентрация норвогона (мкМ). Во всех случаях  $P < 0,05$  ( $n=5$ ).

Результаты этой серии экспериментов свидетельствуют о том, что релаксантный эффект норвогона имеет эндотелий – зависимый характер и, может обеспечиваться благодаря активации NO/гуанилатциклазной системы.

В целом, на основании полученных данных можно заключить, что норвогонин обладает выраженным релаксантным действием, которое обеспечивается комплексным механизмом включающим активацию NO-гуанилатциклазной системы, ингибирование поступления ионов  $Ca^{2+}$  и их высвобождение из СР, сопровождаемых уменьшением  $[Ca^{2+}]_i$  в ГМК и расслаблением гладкой мускулатуры.

#### Литература

1. Braunwald E. The war against heart failure: the Lancet lecture. The Lancet. 2015, Vol. 385, No. 9970, PP. 812–824, 2015.
2. Kearney P.M., Whelton M., Reynolds K., Muntner P., Whelton P., and He J. Global burden of hypertension: Analysis of worldwide data. The Lancet, Vol. 365, No. 9455, PP. 217–223, 2005.

3. Zambon A., Arfe A., Corrao G., Zanchetti A. Relationships of different types of event to cardiovascular death in trials of antihypertensive treatment: an aid to definition of total cardiovascular disease risk in hypertension. *J. Hypertens.* – 2014. – Vol. 32. – PP. 495–504.
4. Touyz R.M., Alves-Lopez R., Rios F.J., Camargo L.L., Anagnostopoulou A., Arner A., Montezano A.C. Vascular smooth muscle contraction in hypertension. *Cardiovascular Researc.* 2018, Vol 114, No 4, PP. 529–539.
5. Jackson WF. Ion channels and vascular tone. *Hypertension.* 2000. Vol 35, PP. 173–178.
6. Mitchell BM, Chitaley KC, and Webb RC. Vascular smooth muscle contraction and relaxation. In: *Hypertension Primer: The Essentials of High Blood Pressure*, edited by Izzo JL and Black HR. Dallas, TX: Am. Heart Assoc., 2003, p. 97–99.
7. Tabassum N., Ahmad F. (2011). Role of natural herbs in the treatment of hypertension. *Pharmacogn. Rev.* 2011, Vol 5, PP.30–40.
8. Al Disi S.S., Anvar M.A., Eid A.H. Anti-hypertensive Herbs and their Mechanisms of Action: Part I. *Front Pharmacol.* 2015; Vol 6, P 323.
9. Karaki H., Weiss G. Calcium channels in smooth muscle. *Gastroenterology.* 1984. Vol 87, PP. 960–970.
10. Wray S and Burdiga T. Sarcoplasmic Reticulum Function in Smooth Muscle. *Physiol Rev.* 2010, Vol 90, PP. 113–178.
11. Taylor CW. Regulation of IP<sub>3</sub> receptors by cyclic AMP. *Cell Calcium.* 2017, Vol 63, PP.48–52.
12. Cohen R.A., Weisbrod R.M., Gericke M., et al. Mechanism of nitric oxide-induced vasodilation—Refilling of intracellular stores by sarcoplasmic reticulum Ca<sup>2+</sup> ATPase and inhibition of store-operated Ca<sup>2+</sup> influx. *Circ Res.* 1999, Vol 84, PP. 210–219.
13. Sausbier M., Schubert R., Voigt V., et al. Mechanisms of NO/cGMP-dependent vasorelaxation. *Circ Res.* 2000, Vol 87, PP. 825–830.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу ишда норвогонин флавоноидининг каламуш аортаси силлиқ мускули қисқариш фаоллиги таъсирини ўрганишдан иборат. Каламуш аортаси силлиқ мускули қисқариши механографик қурилма ва FT-03 механотрони (Grass–Telefactor, АҚШ) ёрдамида амалга оширилди.

Норвогонин флавоноиди яққол ифодаланган релаксант таъсирга эга бўлиб, жумладан сарколеммада жойлашган потенциал ва рецепторга боғлиқ Ca<sup>2+</sup>-каналлари орқали Ca<sup>2+</sup> ионларининг кириши, ва СР дан чиқишининг сусайиши, шунингдек, NO/гуанилатциклаза тизимининг фаоллашиши билан амалга ошиши аниқланди.

#### РЕЗЮМЕ

*В настоящей работе изучено, влияние флавоноида норвогонина на сократительную активность гладкой мускулатуры аорты крыс.*

Регистрацию изометрической силы проводили с помощью преобразователя силы типа FT-03 (Grass Instrument Co., США).

Обнаружено, что норвогонин обладает выраженным релаксантным действием, которое обеспечивается комплексным механизмом включающим активацию NO-гуанилатциклазной системы, ингибирование поступления ионов Ca<sup>2+</sup> и их высвобождение из СР, сопровождаемых уменьшением [Ca<sup>2+</sup>]<sub>i</sub> в ГМК и расслаблением гладкой мускулатуры.

#### SUMMARY

In the present study, we investigated the effect of flavonoid norvongonin on contractile activity of rat aorta smooth muscle. Isometric tension forces were recorded using a force transducer FT-03 (Grass Instrument Co., USA). Norvongonin posses a pronounced relaxing effect, which is mediated by complex mechanism including activation of the NO-guanylate cyclase system, inhibition of Ca<sup>2+</sup> influx and their release from SR, which leads to a decrease in [Ca<sup>2+</sup>]<sub>i</sub> in smooth muscle cells and and their relaxation.

*Рекомендовано к печати проф. Л.Ёзиевым*

## СТРУКТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВЕГЕТАТИВНЫХ ОРГАНОВ *HIBISCUS SYRIACUS* L. (СЕМ. MALVACEAE JUSS.), ПРОИЗРАСТАЮЩЕГО В УСЛОВИЯХ КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

Рахимов А.Л., Ёзиев Л.Х. (КарГУ), Дусчанова Г.М. (Институт Ботаники АН РУз)

**Ключевые слова:** адаксиальная эпидерма, абаксиальная эпидерма, ксилема, колленхима, кутикула, мезофилл, паренхима, флоэма.

**Таянч сўз ва иборалар:** адаксиаль эпидерма, абаксиаль эпидерма, ксилема, колленхима, кутикула, мезофилл, паренхима, флоэма.

**Keywords:** adaxial epiderma, abaxial epiderma, xylem, collenchyma, cuticle, mesophyll, parenchyma, phloem.

*Hibiscus syriacus* (Гибискус сирийский) – растение семейства Malvaceae, вид рода *Hibiscus*, произрастающее в Китае, Корею и странах Западной Азии. Культивируется в открытом грунте на юге России, в Крыму, на юге Украины, в Молдавии и Средней Азии. *Hibiscus syriacus* является листопадный кустарник высотой до 5-6 м. Стебель толстый, древесный, конусовидной формы, голый, сильнооблиственный, серый, тип ветвления симподиальный. Листья среднего размера (длиной до 10 см), зелёные, пальчатораздельные, слабофрированные. Узел нервов зелёный. Цветки одиночные простые или махровые. Они имеют самую различную окраску от белой до малиновой, иногда двуцветные. Тычиночные нити короткие, светло-жёлтые. Пыльники и пыльца светло-жёлтые. Рыльца невыступающие. Коробочки некрупные, яйцевидной формы, пятигнёздные с 3 семенами в каждом гнезде. Семена средние, неопушённые. Вид высокоплодовый, скороспелый, морозостойчив [1].

Анатомическое строение вегетативных органов *Hibiscus syriacus* в условиях Узбекистана не изучено. Это и определяет актуальность и новизну наших исследований.

Целью наших исследований является изучение анатомического строения листа, черешка и стебля *Hibiscus syriacus*, с целью определения диагностических признаков данного изучаемого вида.

Одновременно с морфологическим описанием вегетативные органы (лист, черешок и стебель) зафиксирован в 70<sup>0</sup> этаноле для анатомического изучения. Для подготовки срезов вегетативных органов был использован ручной способ. Поперечные срезы листа, черешка и стебля приготовлены ручным способом с помощью безопасной бритвы. Поперечные срезы листа сделаны через середину, а черешок и стебель – через основание. Срезы, окрашивали метиленовой синью и сафранину последующим заклеиванием в глицерин-желатин (Барыкина и др., 2004). Описания основных тканей и клеток приведены по К. Эсау (1969), Н. С. Киселевой (1971), эпидерма – по С.Ф. Захаревич (1954). Микрофотографии сделаны компьютерной микрофотонасадкой с цифровым фотоаппаратом маркой A123 фирмы Canon под микроскопом Motic B1-220A-3.


Лист является вегетативным органом растения, выполняющий функцию фотосинтеза, транспирации и газообмена. У растения *Hibiscus syriacus* листья зелёные, пальчатораздельные, слабофрированные.

На парадермальном срезе очертания эпидермальных клеток слабоизвилистые, проекция многоугольная. Однако верхняя эпидерма несколько отличается от нижней эпидермы. Клетки верхней эпидермы крупнее, чем нижние.

Листья амфистоматичные, устьица находятся на обеих сторонах листовой пластинки, расположены поперечно к продольной оси листа. Форма устьиц округло-овальная.

Верхняя (адаксиальная) эпидерма имеет значительно меньшее количество устьиц по сравнению с нижней (абаксиальная) эпидермой. Все это приводит к сокращению потери воды с поверхности листа. Замыкающие клетки устьиц на обеих сторонах листа почти одинаковой длины. Устьица непогруженные, гемипарацитного и аномоцитного типа (рисунки 1, 2).

Рис. 1.



**Строение эпидермы листа *Hibiscus syriacus* на парадермальном срезе:**  
а-в – адаксиальная эпидерма; б-г – абаксиальная эпидерма.

**Условные обозначения:** ОТ – основания трихомы, У – устьица, Э – эпидерма.


Мезофилл листа на поперечном срезе дорсивентрального типа, который представлен палисадными клетками, расположенными под верхней эпидермой мезофилла листа, губчатые клетки – над нижней эпидермой мезофилла листа. Эпидерма представлена одним рядом клеток с толстостенным слоем кутикулы. Клетки адаксиальной эпидермы крупнее, чем абаксиальной. Между адаксиальной и абаксиальной эпидермами расположена ассимиляционная ткань, состоящая из палисадной и губчатой клеток. Под адаксиальной эпидермой расположена палисадная паренхима. Палисадная паренхима хлорофиллоносная, крупная и удлиненная, которая состоит из одного рядов клеток и расположена между адаксиальной эпидермой и губчатой паренхимой листа. Друзы оксалата кальция обнаружены в палисадных и губчатых клетках

Губчатая паренхима хлорофиллоносная, состоит из 4-5 рядов и расположена между палисадной паренхимой и абаксиальной эпидермой. Губчатая паренхима округлая, крупно- и мелкоклеточная с небольшими полостями. Между палисадными и губчатыми клетками расположены многочисленные боковые проводящие пучки, с 3-4 мелкими сосудами (рисунок 2). Главная жилка листа выдается на абаксиальной стороне. Остальная часть жилки занята основной паренхимой, в которую погружены 1 проводящий пучок, клетки

паренхимы тонкостенные округло-овальной формы. Проводящие пучки закрытого коллатерального типа, многочисленные, состоящие из флоэмы и ксилемы. Ксилемы толстостенные, вытянутой формы. Их стенки утолщены в виде спиралей (рисунок 2).


**Черешок.** Черешок листа на поперечном срезе овальной формы, паренхимно-пучкового типа, состоит из однорядной эпидермы. Под эпидермой располагается угловая 5-6 рядная колленхима. Под колленхимой расположено 5-6 рядов паренхимных клеток. В центре черешка имеется 1 проводящий пучок. Проводящий пучок закрытый коллатеральный, форма кольцевидная и склерифицированная, за счет склеренхимных клеток. Паренхимные клетки в центральной части черешка тонкостенные, округлые, овальные и встречаются гидрочитные клетки (рисунок 3).

Рис. 2.



**Анатомическое строение листа *Hibiscus syriacus*:** а – общий вид главной жилки листа; б – мезофилла листа; в – эпидерма и колленхима главная жилка листа; г – палисадная паренхима; д – проводящий пучок; е – губчатая паренхима и непогруженные устьица.

**Условные обозначения:** ГП – губчатая паренхима, Д – друзы, КЛ – колленхима, Кс – ксилема, П – палисадная паренхима, ПП – проводящий пучок, У – устьица, Ф – флоэма, Э – эпидерма.



**Строение черешок листа *Hibiscus syriacus*:** а – общий вид; б-г – эпидерма и колленхима; в – проводящий пучок; д – паренхимные и гидроцитные клетки; е – друзы оксалата кальция.


**Условные обозначения:** Д – друзы оксалата кальция, ГД – гидроцитные клетки, КЛ – колленхима, Кс – ксилема, Пх – паренхима, ПП – проводящий пучок, СК – склеренхима, Ф – флоэма, Э – эпидерма.

**Основание стебля** на поперечном срезе округлое, пучкового типа. Строения стеблей древесных растений обусловлены многолетней активной деятельностью апикальных и латеральных меристем. Они мощные, сильно одревесневшие, с ранним развитием вторичной покровной ткани. Покровная ткань – пробка состоит из нескольких рядов радиально расположенных клеток с толстыми опробковевшими оболочками и ее клетки темно-бурого цвета, толстостенные, плотно сомкнутые. Наружу при делении тангентальными перегородками клетки феллогена образуют клетки пробки, а внутрь – клетки феллодермы (рисунок 4).

Под перидермой расположена округло-овальная вторичная коровая паренхима, которая состоит из 7-8 рядов и сохраняется на всем протяжении. В центральном цилиндре на

границе с вторичной корой находятся группы одревесневших толстостенных клеток, разделенные паренхимой. Эти одревесневшие элементы представляют первичные лубяные волокна. Внутри от волокон располагается вторичный луб или вторичная флоэма, составляющая зону вторичной коры. В ней можно различить трапециевидные участки, узкие основания которых составляют первичные лубяные волокна. Вторичные лучи, образование которых обусловлено только камбиальной деятельностью, имеют меньшую протяженность в тангентальном направлении (рисунок 4).

Рис. 4.



**Анатомическое строение стебля *Hibiscus syriacus* на поперечном срезе:** а – общий вид стебля; б-в – коровая паренхима; г – вторичные проводящие пучки; д – сердцевина.

**Условные обозначения:** ВЛ – вторичный луч, ВПП – вторичные проводящие пучки, ГД – гидроцитные клетки, КП – коровая паренхима, К – камбий, Кс – ксилема, МЛ – мягкий луб, ПЛ – первичные лучи, ПЛВ – первичные лубяные волокна, ППП – первичные проводящие пучки, Пр – перидерма, Пх – паренхима, РЛ – радиальные лучи, СК – склеренхима, ТЛ – твердый луб.

Трапециевидные участки состоят из чередующихся тангентальных полос одревесневших толстостенных клеток, составляющих твердый луб, и тонкостенных элементов – мягким лубом. Элементы твердого луба по строению сходны с первичными лубяными волокнами (рисунок 4).

Камбиальная зона представлена несколькими рядами таблитчатых клеток. Древесина занимает в сплошной цилиндр, окружающий сердцевину, которая расположена центральное положение в стебле.

В стебле сохраняется первичные проводящие ткани, а затем и вторичные сразу образуют сплошной цилиндр, который на поперечном срезе имеет вид почти сплошного кольца. С возрастом, появляющийся камбий меняет анатомические строения стебля. Он ежегодно производит вторичную ксилему (древесину). В сторону ксилемы камбий работает более энергично, отодвигая первичную ксилему к сердцевине (рисунок 4).

Серцевина неширокая, представлена крупными и мелкими округло-овальными, тонкостенными паренхимными клетками и в них имеется гидроцитные клетки (рисунок 4).

Таким образом, изучено анатомическое строение вегетативных органов *Hibiscus syriacus*, произрастающие в условиях Кашкадарьинской области. Выявлены следующие диагностические признаки:

**в листе** – слабоизвилистые очертание эпидермальных клеток; непогруженные устьица аномоцитного и гемипарацитного типа; дорсивентральный тип мезофилла листа; палисадная и губчатая паренхима хлорофиллоносная; наличие друзы оксалата кальция в палисадных и паренхимных клеток;

**в черешке** – паренхимно-пучковый тип строения; под эпидермой располагается многочисленная уголкового колленхима; в краях проводящий пучок закрытый коллатеральный и склерифицированный;

**стебель** пучкового типа и более одревесневшие; одревесневшие элементы представляют первичные лубяные волокна; внутри от волокон располагается вторичный луб или вторичная флоэма, составляющая зону вторичной коры; трапециевидные участки состоят из одревесневших толстостенных клеток – твердый луб, и тонкостенных элементов – мягким лубом; либриформ обширный, сердцевина неширокая. Эти выявленные признаки могут послужить при идентификации растительного сырья.

#### Литература

1. Аллабердиев Р.Х., Камалова М.Д. Электрофоретический состав белков в процессе развития мужского гаметофита у некоторых видов *Hibiscus* L. // Цветоводство: История, теория, практика: Материалы VII Международной научной конференции. – Минск: Конфидо, 2016. – С. 34-37. – 411 с.
2. Барыкина Р.П., Веселова Т.Д., Девятов А.Г. и др. Справочник по ботанической микротехнике (основы и методы). – Москва: Изд. МГУ. 2004. – С. 6-68.
3. Эсау К. Анатомия растений. – Москва: Изд. Мир, 1969. – С. 138-416.
4. Киселева Н.С. Анатомия и морфология растений. – Минск: Изд. Высшая школа, 1971. – С. 89-119. 2-е изд. 2015. – С. 227.
5. Захаревич С.Ф. К методике описания эпидермиса листа // Вестник ЛГУ. – Ленинград, 1954. – № 4. – С. 65-75.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада *Hibiscus syriacus* L. ўсимлигининг вегетатив органлари (барг, новда ва поя) нинг анатомик тузилишини ўрганиш орқали унинг диагностик белгиларини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари келтирилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье приведены результаты изучения анатомического строения вегетативных органов (лист, черешок и стебель) *Hibiscus syriacus* L., с целью определения диагностических признаков.

#### SUMMARY

The article presents the results of the study of the anatomical structure of vegetative organs (leaf, cherry and stem) *Hibiscus siracus* L., in order to determine diagnostic signs.



## ҚИШЛОҚЛАРДА ЯШОВЧИ ЎСМИР ЁШЛАР САЛОМАТЛИГИ ВА ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Курбанов. А. Ш., Искандарова Ш. А (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** ўсмирлар, жисмоний ривожланиш, саломатлик, валеологик таҳлил, биологик ёш, функционал резерв.

**Ключевые слова:** подростки, физическое развитие, здоровье, валеологический анализ, биологический возраст, функциональный резерв.

**Keywords:** adolescence, physical development, health, health analysis, biological age, functional reserve.

Сўнгги йилларда ўсиб келаётган ёш авлоднинг саломатлигини сақлаш билан боғлиқ ислохотларни амалга оширишга дунё миқёсида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, БМТ қошидаги Жаҳон Соғлиқни Сақлаш ташкилотининг 2030 йилгача барқарор ривожланиш соҳасида белгиланган режаларини амалга ошириш учун 10-19 ёшли болалар учун мўлжалланган стратегик инвестицияларни кечиктирмасдан амалга оширишнинг муҳимлигини “Transformative accountability for adolescents” мустақил гуруҳнинг 2017 йилдаги маърузасида таъкидлаб ўтилган [5].

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясига мувофиқ “соғлом фарзандларнинг туғилиши, ривожланиши ва тарбияси масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш; аҳоли, энг аввало, ёшлар орасида тиббиёт ва таълим муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, оммавий ахборот воситалари билан биргаликда соғлом оилани шакллантириш, ўсмирлар, айниқса, ўсмир қизлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича кенг тарғибот ва тушунтириш ишларини ташкил этиш ва олиб бориш муҳим вазифалар этиб белгиланди”.

Айтиб ўтиш жоизки, болаларнинг соғлигини баҳолаш ўзига хос хусусиятга эга бўлган алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бунда ҳар бир ёш даврининг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва биологик ривожланиш жараёнида рўй берадиган морфофункционал ўзгаришлар саломатликни белгиловчи асосий мезонлардан ҳисобланади. Ёш даврлари орасида ўсмирлик инсонни болалиқдан ёшлиққа ўтказувчи ва ўз навбатида бошқа даврлардан ўзининг нисбатан кескинроқ, мураккаброқ кечиши билан фарқланадиган давр бўлиб, бунда психологик, физиологик ва ижтимоий омилларнинг ривожланиш жараёнларига кўрсатадиган салбий таъсири кучли намоён бўлади. Ҳозирги вақтда “ёшариб” келаётган юрак ва қон томир касалликлари айнан ўсмир ёшларда тобора кўпайиб келмоқда. Ушбу муаммони ўрганишга йўналтирилган илмий текширишларда юрак ва қон томир касалликларининг сабаби тамаки чекиш, нотўғри овқатланиш, кам ҳаракатлилиқ, психо-эмоционал стресс, семириш каби омиллар эканлиги ва улар кўпроқ мактаб ёш давридаги болаларда кузатилиши аниқланган [12].

Болалар касалликларни олдини олишда уларнинг биологик ривожланиш жараёнлари билан боғлиқ муаммоларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Республикамизда бу борда қатор илмий текширишлар олиб борилган. Хусусан, мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишини текшириш ишларида Камилова Р.Т. даволаш-профилактик муассасаларида мавжуд бўлган бирламчи ҳужжатлар асосида болаларнинг касалланишини ҳам таҳлил қилган. Текширилган болалар орасида жисмоний ривожланишдан орқада қолганлар сони кўп эканлиги ҳамда улар бир қатор хасталиклар билан касалланганлиги аниқланган [4].

Ш.Т. Искандарова томонидан Тошкент шаҳри ўсмир ёшларида олиб борилган тадқиқотларда жисмоний ривожланиш ва касалланиш орасида яқиндан боғланиш мавжудлиги

кўрсатиб берилган: жисмоний ривожланишда орқада қолган мактаб ўқувчилари орасида ҳазм тизими касалликлари ва ревматизм энг кўп тарқалган [6].

О.Т. Тўхтаева Тошкент шаҳридаги мактаб ўқувчиларининг жисмоний ривожланишини ўрганиб, жисмоний нуқсонлар 7-синф ўқувчиларида, айниқса, ўғил болаларда тез-тез учрашини кўрсатиб берган [4].

Ўсаётган организмнинг функционал захиралари жисмоний ривожланиш хусусиятларининг ажралмас қисми бўлиб, уларни аниқлаш болалар соғлигини ҳар томонлама баҳолаш учун аниқ мезон бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, саломатликни текширишда организмнинг биологик ёшини аниқлаш амалиёти ҳам кенг қўлланилади. Биологик ёш хронологик ёшдан ошган ҳолларда юрак ва қон томирлари, эндокрин, овқат ҳазм қилиш ва нафас олиш аъзолари касалликлари ва бошқа бир қатор хасталикларнинг ривожланиш хавфи мавжудлигини илмий тадқиқотлар натижалари кўрсатади [ 9, 10, 11]. Болаларда биологик ёшни аниқлаш уларнинг саломатлик даражаси, ақлий ва жисмоний меҳнат қилиш қобилияти ҳамда организмнинг адаптив имкониятлари ҳақида хулоса қилишга ёрдам беради [9].

Кардиореспиратор тизим организмнинг компенсацион-мослашувчан имкониятларини белгилаб, унинг универсал кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади ва болалар организмнинг атроф-муҳит шароитларига мослашувини таъминлайди [1, 12]. Шунингдек, кислород ташувчи тизимларнинг функционал имкониятлари саломатлик даражасини белгиловчи асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланади. Олимларнинг таъкидлашича, ўқув жараёнларидаги оғир юкламалар марказий асаб ва кардиореспиратор тизимларнинг функционал ҳолатларида адаптацион мослашувларни юзага келтиради [3].

#### **Тадқиқот мақсади**

Қишлоқ шароитида яшайдиган ўсмирларда биологик ёш ва кардиореспиратор тизимнинг функционал кўрсаткичларини аниқлаш ва валеологик таҳлил қилиш асосида уларнинг саломатлик даражасини баҳолаш.

#### **Тадқиқот объекти ва усули**

Текширишлар Қасби тумани 43- ва 22-сонли умумтаълим мактабларда таҳсил олаётган 162 нафар 14 ва 16 ёшли ўсмир ўқувчиларда (78 нафар ўғил ва 84 нафар қиз бола) антропометрик ва физиометрик кўрсаткичлар умумий қабул қилинган усуллар ёрдамида аниқланди. Текширилувчиларнинг биологик ёши Войтенко усули, кардиореспиратор тизимнинг функционал захиралари Скибинская индекси бўйича баҳоланди [9,10, 3, 11]. Биологик ёшни ҳисоблашда систолик қон босими, пульсли артериал қон босими, тана вазни, статик баланс вақти, нафасни тутиб туриш вақти ва саломатликни субъектив баҳолашда қониқарсиз жавоблар сонидан фойдаланилди [9].

Скибинская индексини аниқлаш учун пульс сони, ўпка тириклик сигими, нафас олгандан кейин нафасни тутиб туриш вақти (Штанге синамаси) ўлчанди ва тегишли формула асосида текширилувчиларнинг кардиореспиратор тизимнинг функционал захиралари қай даражада эканлиги аниқланди [3, 11].

#### **Олинган натижалар ва унинг таҳлили**

Текширишларимизда иштирок этган ўсмирларнинг биологик ёши уларнинг календарь ёшидан анча катта эканлиги аниқланди (1-жадвал). Биологик ёш (БЁ) ва зарурий биологик ёш (ЗБЁ) фарқи (БЁ–ЗБЁ) иккала ёш гуруҳлардаги ўғил болаларда ўрта ҳисобда 18,1 ёшни ташкил қилса, шу ёшларда бўлган қиз болаларда бу кўрсаткич 4,7 ёшга тенг. Биологик ва зарурий биологик ёш нисбати (БЁ/ЗБЁ) ўғил ва қизларда ўрта ҳисобда тегишлича 1,63 ва 1,1 га тенг. Олинган натижалар текширувларда иштирок этган болалар организмда қариш жараёнлари тезлашганлигини ва бу ҳолат айниқса ўғил болаларда яққолроқ намоён бўлишини кўрсатади.

1-жадв.

**Ўсмирларнинг календар (КЁ), биологик (БЁ) ва зарурий биологик (ЗБЁ) ёшлари ҳамда уларнинг фарқи (БЁ–ЗБЁ) ва нисбати (БЁ/ЗБЁ)**

КЁ	БЁ	ЗБЁ	БЁ–ЗБЁ	БЁ/ЗБЁ
Ўғил болалар				
14 (n=39)	45,7±1,0	27,3	18,4	1,64±0,034
16 (n=39)	46,4±0,77	28,6	17,8	1,61±0,023
Қиз болалар				
14 (n=47)	29,7±0,6	25,3	4,4	1,1±0,02
16 (n=37)	31,5±0,5	26,5	5,0	1,1±0,02

Текширилувчилар организмининг жисмоний имкониятларини баҳолаш учун кардиореспиратор тизмининг функционал резрлари текширилди. Олинган натижаларга кўра, болаларнинг барчасида тегишли функционал кўрсаткичлар “қоникарли”, деб белгиланадиган даражада паст эканлиги аниқланди (2-жадвал).

2-жадв.

**Ўсмирларда Скибинская индекси ва Кардиореспиратор тизимининг функционал захираларининг баҳоси**

Ёши	Скибинская индекси	Кардиореспиратор тизимининг функционал захиралари ҳолати
Ўғил болалар		
14 (n=39)	12,75±0,87	Қоникарли
16 (n=39)	18,7±1,0	Қоникарли
Қиз болалар		
14 (n=47)	10,0±0,7	Қоникарли
16 (n=37)	13,3±0,9	Қоникарли

Ўсмирларда аниқланган Скибинская индекси қоникарли кўрсаткичлар чегарасининг паст даражасида эканлиги аниқланди. Бунда ёшга боғлиқ фарқлар мавжуд бўлиб 16 ёшлиларда бу индекс бироз ошганлиги билан фарқланади. Шундай бўлса-да, қизларда Скибинская индекси пастки даражада сақланиб қолган. Бу ҳолат ўсувчи организмда кардиореспиратор тизим ривожланиши меъёрий даражада эмаслигини кўрсатади. Яъни, текширилувчиларда нафас олиш тизимининг функционал имкониятлари ва организмнинг гипоксияга нисбатан чидамлилигининг пасайганлиги билан характерланади.

**Хулоса**

Юқорида келтирилган натижалардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, текширувларда иштирок этган мактаб ўқувчиларининг саломатлигида бир қатор салбий ўзгаришлар мавжуд. Яъни валеологик баҳолаш асосида улар “учинчи ҳолат”да деб айтиш мумкин. Аниқланган биологик ёш ва кардиореспиратор тизимининг функционал захираларидаги камчиликлар биринчи навбатда уларнинг меъёрий биологик ривожланишдан орқада қолиши билан боғлиқ. Бундай ҳолат қишлоқ болаларининг саломатлигини ўрганишга асосланган валеологик текширишларни мунтазам равишда ўтказиш ва шу асосида таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб қилиш долзарблигини кўрсатади

**Фойдаланилган адабиётлар**

1. Алферова О.П., Осин А.Я. Функциональное состояние кардио-респираторной системы у подростков в зависимости от исходного вегетативного тонуса // *Фундаментальные исследования*. 2011. – № 1. – С. 35–40.

2. Борисова Т. С., Лабодаева Ж. П. Гигиеническая оценка состояния здоровья детей и подростков. Методические рекомендации, 3-е издание, дополненное и исправленное. – Минск БГМУ, 2017. – С. 5-6.
3. Вайнер Э.Н. Валеология: учебник для вузов / Э.Н. Вайнер. 9-е изд. – М.: Флинта, 2011. – С. 50-55.
4. Газиева А. С. Динамика физического развития школьников в современных условиях. – Ташкент, 2015. – С. 26-28.
5. Глобальная стратегия охраны здоровья женщин, детей и подростков (2016–2030 гг.): развитие детей раннего возраста. Семьдесят Первая Сессия Всемирной Ассамблеи Здравоохранения, 2018. – С. 2-4.
6. Искандарова Ш.Т., Кувандыкова Д.Э. Физическое развитие и заболеваемость подростков, проживающих в г. Ташкенте // Педиатрия. – Ташкент, 2003. – № 2. – С. 10-12.
7. Камилова Р.Т. Заболеваемость детей г.Ташкента по данным первичных медицинских документов лечебно-профилактических учреждений //Педиатрия. – Ташкент, 2000. – № 2-3. – С. 128.
8. Монаковой А.В. Особенности биологического возраста подростков. – Белгород, 2018. – С. 28-30.
9. Михайлова Н.А., Новикова Т.А., Райкин С.С. Оценка биологического возраста и темпов старения механизаторов сельского хозяйства. 2016. – С. 153-154.
10. Плакуев А.Н., М., Юрьева М. Ю., Юрьев Ю. Ю. Современные Концепции старения и оценка биологического возраста человека. 2011. – С. 18-19.
11. Скворцовой А.Ю. Сравнительный анализ функционального состояния кардиореспираторной системы подростков сельских и городских школ. – Белгород, 2018. – С. 40-41.
12. Тимофеева Е. П., Карцева Т. В., Рябиченко Т. И., Скосырева Г. А. Состояние здоровья современных подростков (Обзор литературы), 2014. – С. 1-6.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Қашқадарё вилояти қишлоқ мактаблари ўқувчиларида биологик ёш ва кардиореспиратор тизимининг функционал кўрсаткичларини ўрганиш бўйича олиб борилган текширишлар натижалари берилган. Ўсмир ёшларда қайд этилган жисмоний ривожланишидаги камчиликларни бартараф этиш учун таълим муассасаларида мунтазам валеологик текширишлар ўтказиш ва шу асосида таълим муассасаларида соғлом турмуш тарзи тамойилларини кенг тарғиб қилишнинг долзарблиги таъкидланган.

#### **РЕЗЮМЕ**

Работа посвящена изучению особенностей функционирования кардио-респираторной системы и биологического возраста детей сельских школ Кашкадарьинской области. У исследованных подростков выявлен пониженный уровень морфо-функциональных показателей и опережение биологического возраста, что свидетельствует о недостаточном уровне их здоровья. Отмечено, что в сельских регионах вопросы организации здорового образа жизни детей на основе систематического-го проведения валеологических анализов требует особого внимания.

#### **SUMMARY**

The Cardio-respiratory system and biologic aging in children of rural schools of Kashkadarya region were studied. It was shown that they have reduced morfo-functional levels and accelerated biological aging which indicates insufficient level of their helth. It is noted that in rural regions organizing a healthy lifestyle for children through systematic helth analysis requires a special attention.

АМИР ТЕМУР ДАВРИ НУМИЗМАТИКАСИ ВА УНИНГ  
ЛИСОНИЯТИ

Бўриев О., Жумаев Т. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Амир Тему́р, иқтисодиёт, нумизматика, тарих, Самарқанд, Ҳирот, валюта, танга, пул, хазина, тамга, олтин, қумуш, мис.*

**Ключевые слова:** *Амир Тимур, экономика, нумизматика, история, Самарканд, Герат, валюта, копеек, деньги, клад, знак, золото, серебро, медь.*

**Keywords:** *Amir Timur, economics, numismatics, history, Samarkand, Herat, currency, coin, money, treasure, sign, gold, silver, copper.*

Ўзбекистон тарихининг энг салмоқли бобларидан Амир Тему́р даври пул-молия сиёсатида оид манбалар кам учрайди, шундай бўлса-да, мазкур ноёб осори атиқалар ўша давр иқтисодий-ижтимоий, сиёсий тарихи ҳамда лисонияти ҳақида маълумот берадиган ҳақиқий ва муҳим ҳужжатлар саналади.

Темурийлар давлати ўзбек адабий тилининг илк даврига тўғри келади: бу пайтда ўзбек тили туркий тиллардан тўла ажралиб чиқмаган эди. Шунинг учун ҳам илмий асарлар араб тилида, бадиий асарлар форс (дари) тилида битилар эди, ҳатто Темурбекнинг шуҳратини оламга таратган асари – “Тему́р тузуклари” ҳам форс-тожик тилида ёзилган эди. Ҳали Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар зоҳирий дунёга келишмаган, ўзбек лисони эса мустақил тил сифатида шаклланиб улгурмаган эди. Шундай бўлса ҳам, темурийлар қандай буюк ишларни амалга оширган бўлмасин, уларнинг таг заминидан туркий коларетит уфуриб туради, жумладан, нумизматика соҳасида ҳам.

Бу давр нумизматикаси тарихи бўйича маълумотлар М.Е.Массон,<sup>1</sup> Э.В.Ртвеладзе,<sup>2</sup> Е.А.Давидович,<sup>3</sup> асарларида ҳамда бир қанча салмоқли тўпламларда<sup>4</sup> келтирилган. Айниқса, И. Тухтиевнинг асарлари Амир Тему́р даври нумизматикаси тарихи теран ёритилганлиги билан алоҳида ажралиб туради.<sup>5</sup>

Амир Тему́р даври (1376–1405) пул-молия сиёсатида қўлланган чора-тадбирлардан энг муҳими, албатта, салтанатнинг барча ҳудудларида ўз номига “хутба” ўқитиб, ягона пул муомаласини йўлга қўйган. Шунингдек, бу бутун салтанатнинг сиёсий, иқтисодий жиҳатдан бир бутун яхлит давлат эканлигини кўрсатувчи ҳам ҳисобланади.

Тему́рбек салтанатида зарб қилинган танга пуллар энг асосий тўлов воситаси сифатида давлатнинг ички ва ташқи савдо алоқаларида қўлланадиган ягона пул бирлиги бўлганлиги учун ҳам бу пуллар Соҳибқирон давлатининг халқаро сиёсий ва иқтисодий қудратини оширишга ва мустаҳкамлашга хизмат қилган.

Мамлакатда молия тизимининг устуворлигини таъминлаш пул муомаласи вазифида амалга оширилган. Бунинг учун пойтахт Самарқандда Амир Тему́р қурдирган зарбхоналарда салтанатнинг турли шаҳарларида ва мамлакатларда ўша жойларнинг бўйсунганлик белгиси сифатида муомаладаги турли қимматга эга тангалар зарб этилган. Зарб этилган тангалар шакли доирасимон ва таркиб жиҳатидан турли оғирликдаги олтин

<sup>1</sup> Массон М.Е. К истории монетного чекана Средней Азии период правления Тимура и Халил Султана. – Т., ОНУ, 1969. – № 8-9. – С. 51-63.

<sup>2</sup> Ртвеладзе Э.В. Термезский клад Тимура и Халил Султана. – Т., ОНУ, 1969, – № 8-9. – С. 95-98.

<sup>3</sup> Давидович Е.А. История денежного обращения средневековой Средней Азии. – Москва: Наука, 1983.

<sup>4</sup> Нумизматика Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1990; Амир Тему́р жаҳон тарихида. 2-нашри. – Тошкент: Ўзбекистон, 2001.

<sup>5</sup> Тухтиев И. Темурийлар сулоласининг тангалари каталоги. – Т., 1996; Шу муаллиф. Амир Тему́р ва темурийларнинг молия-кредит сиёсати. – Т.: Ўзбекистон, 2006.

(дино), кумуш (енгиллари – мири тахминан 16-1,55 г, оғирроғи – танга (тахминан 5, 94–6,24 г) ва мис (фулус, тахминан 2,45–4,13 г) тангалардан иборат бўлган. Кумуш пулдан мири, асосан, Самарқандда, танга эса салтанатнинг бошқа турли шаҳарларида (Ҳирот, Табриз, Шероз, Йазд, Бағдод ва ҳоказо) зарб этилган.<sup>1</sup>

Соҳибқирон даврида давлатнинг танга пулларига талаб ва эҳтиёж кучли бўлганлиги учун ҳам пуллар нафақат Мовароуннаҳрдаги марказий шаҳарларида, балки Хуросон, Эрон, Ироқ ва Озарбайжон ҳудудларида, чунончи, Астрабод, Астора (Ашпара), Боку, Басра, Бағдод, Бомиеън, Дамғон, Дарбанд, Йазд, Исфаҳон, Қарши, Кермон, Қум, Мордин, Маҳмудобод, Машҳад, Сава, Самарқанд, Султония, Табриз, Хоразм, Шибанкар, Шероз, Шемаха, Шайх Абу Исҳоқ ва бошқа қирққа яқин шаҳарларда ҳам зарб қилинганлиги маълум. Масалан, Астрабодда зарб қилинган танганинг орқа томонида қуйидаги ёзув акс этган: *سلطان محمودخان يرليغي امير تيمور كوركان خلدالله ملكه مضب استر اباد* – *Султон Маҳмудхон ёрлиги Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ муликуҳу; зарб Астрабод.*<sup>2</sup>

Шунингдек, Ҳиндистон, Туркия, Миср, Шом подшоҳлари ҳам Амир Темур номи билан тилла, кумуш тангалар зарб қилганликлари маълум. Масалан, муаррих Ибн Арабшоҳ ўзининг “Ажойиб-ул-мақдур” (“Амир Темур тарихида тарих ажойиботлари”) асарига ёзилишича, “...турк султони Боязиднинг устидан ғалаба қилгандан сўнг унинг ўғилларидан (Рум подшоҳларидан) бири Исфандиёр Темур хузурига келиб, унга итоат изҳор этган. Соҳибқирон уни севинч билан қарши олиб, Исфандиёрни Румдаги ўз мартабасига барқарор этган ва уни ўзи теварак-атрофдаги амирларга Маҳмудхон ва Амир Темур Кўрагон номи билан хутба ўқитиб, пул зарб қилишларини амр этган.”<sup>3</sup> *السلطان الاعظم محمودخان امير تيمور كوركان* – *ас-Султон ал аъзам Маҳмудхон Амир Темур Кўрагон: зарб Ҳирот.*

Муаррих Шарафуддин Али Яздийнинг “Зафарнома” сида ёзилганидек, “Амир Темур Турк султони устидан ғалаба қилганидан сўнг элчиларни шу даврдаги Миср ва Шом подшоҳи Барқукнинг ўғли Малик Носирга жўнатади. Малик Носир Соҳибқиронга муҳолифат бўлиш мумкин эмаслигини англаб, ўз тақдирининг омонлигини тилаб, Амир Темур номига хутба ўқитиб, тангалар зарб қилдирган.”<sup>4</sup>

Соҳибқирон ўзи қурган жуда катта давлатнинг пул-молия ишларини бир марказдан туриб бошқариш қийинлигини тушунгани учун ҳам ерли ҳокимларга марказий ҳокимиятни эътироф қилган ҳолда ўз номи билан пуллар зарб қилишга ижозат берган эди.

Темурбек номи билан эмас, ўз шахсий номи билан тангалар зарб қилган шахслар қатъий жазоланган. Шарафуддин Али Яздий “Форс ва Ироқда 1392 йил ҳукмронлик қилган Музаффар ва Султон Аҳмадлар ўз номи ёзилган тангалар зарб қилганидан дарғазаб бўлган Амир Темур уларни тутиб, бутун моллари ва хазинасини мусодара қилдириб, 1393 йили Форсни Умаршайх Мирзога берди, деб ёзган эди.”<sup>5</sup>

Танга пулларнинг давлат белгилаб берган андоза (стандарт) бўйича олтин, кумушнинг софлиги ва вазнига алоҳида эътибор қилган ҳолда зарб қилиниши қаттиқ назорат қилиб турилган. Айни чоғда бу тангалардаги маҳаллий безакларнинг ўзига хос нафислиги сақлаб қолинган бўлиб, Ҳирот, Машҳад, Табриз ва Бағдодда зарб қилинган тангаларда бу хусусият, айниқса, яққол кўзга ташланиб туради. Яъни: *السلطان امير تيمور كوركان ضرب تبريز* – *Султон... Амир Темур Кўрагон халдоллоҳ. зарб Табриз.*

Соҳибқирон ўзининг биринчи танга пуллари 774 (1372–1373) йили Чигатой хонларининг андозаси бўйича зарб қилган бўлса ҳам, 1380 йилларда пул ислоҳоти олиб борилганлиги сабабли янги шаклдаги пулларни ўз номи билан зарб қилдирган. Эски танга

<sup>1</sup> Бўриев О. Соҳибқирон Амир Темур. – Т.: Ўзбекистон, 2011. – Б. 100.

<sup>2</sup> Тухтиев И. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Б. 44.

<sup>3</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. К. 2. – Тошкент: Мехнат, 1992. – Б. 278; Тухтиев И. Келтирилган манба. – Б. 44.

<sup>4</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. – Тошкент, 1997. – 271.

<sup>5</sup> Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома. Келтирилган манба. – Б. 154–155.

пулларни хазинага қайтартириб, уларни эриттирган. Янги андозадаги танга пуллар биринчи зарб қилинганлиги учун ҳам археологлар топган дафина (хазина)ларда улар кам учрайди.

Амир Темур даврида истифода этилган тангалар юзасида асосан, арабча сўзлар, сўз бирикмалари ва гаплар қўлланилган – *خدااللهمکوسلطاننه* – *Оллоҳ унинг подшо ва султонлигини боқий қилсин*). Аммо темурийлар туркийзабон улуснинг вакиллари бўлганликлари учун бу нумизматик ёдгорликлар матнида зарбшунослар – *سوزوم* – *сўзум*, *يرليغي* – *ёрлиги* сингари туркий сўзларни ҳам гап таркибига сингдирганлар, шунингдек, тарихий анъана сифатида мўғулча (*акману* – менинг сўзум), бадий адабиёт тили сифатида форс-тожикча (*ضرب* – зарб) сўзлардан ҳам фойдаланганлар.

Амир Темур давлатида 1380 йиллари Самарқанд ва Хоразмда баъзан олтин тангалар зарб қилинган бўлса ҳам, бу тангалар бутун дунёдаги нумизматика коллекционерлари учун ниҳоятда камёб ва нодир тангалар ҳисобланади.

Соҳибқирон кумуш танга пулларининг кадр-қиммати шунча баланд бўлганки, Самарқанд шахрига ҳар йили жуда кўп турли хил моллар Хитой, Ҳиндистон, Россия, Татаристон (Дашти Қипчоқ) дан келтирилиб сотилган ва савдо-содиқ ишлари шу тангалар асосида олиб борилганлиги тарихий манбаларда таъкидланади.

Амир Темур бевосита Чингизхон авлодидан бўлмагани учун ўзини “амир” деб атаган. Шунинг учун ҳам 1372 йилдан 1388 йилга қадар қўғирчоқ хон Суюрғатмишхон, ундан кейин эса унинг ўғли Маҳмудхон номларидан иш юритган.

Манбаларда кўрсатганидек, “Суюрғатмишхон вафотидан сўнг Амир Темур нўёнлар, амирлар ва давлат арконлари билан ўтказаетган курултойда бу борада баҳс ва машварат қилиб, салтанат тахтига унинг лаёқатли ўғли Султон Маҳмудхонни ўтиргизди ва ўз ҳукми билан тангалар зарб қилдирди. Бу тангаларга эса Амир Темур Султон Маҳмудхон номи билан бирга ўз номини ҳам зарб қилган.<sup>1</sup>

Бу тангаларнинг олд томонига *لااله الاالله محمد رسول الله* (*Ла илаҳа иллаллоҳу Муҳаммадур расулulloҳу*) деган иймон келтириш калимасини ёздирган. Тангаларнинг тўрт бурчагига эса тўрт халифа – Абу Бакр, Умар, Усмон ва Алиларнинг номлари қайд этилган. Танганинг орқа томонига эса: *سيور غتمش خان يرليغي امير تيمور كوركان اكمنو* (*Суюрғатмишхон ёрлиги Амир Темур Кўраган акману*) деб ёзилган.<sup>2</sup>

Уқорида таъкидланганидек, 1402 йили Султон Маҳмудхон вафот этгач, Темурбек бошқа қўғирчоқ хон тутмай, ўша-ўша Маҳмудхоннинг номи билан пул зарб қилишни давом эттирди. Тангалар, асосан, кумушдан зарб этилган бўлиб, вазни 6 граммни ташкил этган. Танганинг тўртдан бирига тўғри келадиган 1,5 граммлик кумуш пуллар эса Амир Темур номи билан “мир” деб юритилган.

Амир Темурнинг геометрик ва ҳар хил нафис нақшлар билан безатилган тангаларига тамға (герб) урилган. Бу тамғалар учта чамбараксимон кичик ҳалқалардан иборат. Испания (Кастилия) элчиси Руи Гонсалис де Клавихонинг ёзишича, бу тамғалардаги ёзув “*Темур дунёнинг уч қисми подшоиси*” деган маънони англатган.

Муаррих Ибн Арабшоҳ “Темур тамғасининг нақши “Рости – русти” бўлиб, бу “*ҳақ-ғўй бўлсанг, нажот топасан*” демақдир. Унинг отларидаги тамға, тангаю тиллоларига зарб бериладиган (асоси) белги ҳам мана шундай уч ҳалқадан иборат эди,” деб ёзади.<sup>3</sup>

Соҳибқирон “Рости – русти”, яъни “Куч адолатда” деган шиор битилган уч ҳалқадан иборат байроқни ўзининг туғи этиб белгилади. Туғдаги уч доира курраи заминнинг Амир Темур ҳукмронлик қилишини истаган уч қисмини билдирар, мўғул урф-одатлари бўйича эса у ўз хўжасига омад келтирувчи ҳисобланган.<sup>4</sup>

<sup>1</sup> Низомиддин Шомий. Зафарнома. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 150 б.

<sup>2</sup> Тухтиев И. Амир Темур ва темурийларнинг молия-пул сиёсати. – Б. 43.

<sup>3</sup> Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. К. 2. – Т., 1992. – Б. 65.

<sup>4</sup> Люсьен Керен. Амир Темур салтанати. – Т.: Маънавият, 1999. – Б. 42.

Демак, Амир Темур даврида барча соҳалар сингари нумизматика ҳам беҳад тараққий этган ва бу ривожланиш мамлакат қудратини белгилашда муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Шунингдек, Соҳибқирон ўз навбатида, она тилининг нуфузини кўтариб, қаерда пул зарб қилдирган бўлса, ўша ҳудудларда ҳам турк лисонининг кенг ёйилишини истаган, ўзининг томирларида туркий – ўзбек қони оқаётганлигини бутун дунёга намойиш қилган эди.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада Амир Темур даврида нумизматика равнақиға чизгилар тарихий манбалар асосида ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье на основе источников освещается штрихи к истории развития нумизматики в период Амира Темура и темуридов.

#### SUMMARY

The article on the basis of sources highlights strokes to the history of the development of numismatics during the period of Amir Temur and the Temurids.

## НОВИНКИ ЗАРУБЕЖНОЙ ИСТОРИОГРАФИИ О СОГДИЙЦАХ НА ВЕЛИКОМ ШЁЛКОВОМ ПУТИ

Ваисова Н.А. (ТГТУ)

**Ключевые слова:** *ВШП, Китай, Запад, Согдийцы, Дуньхуань, Хотан, Средняя Азия, Самарканд, Бухара, старые согдийские письма.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *Буюк ипак йўли, Хитой, Шарқ, Ўрта Осиё, Согдийлар, Дунхуан, Хотан, Самарқанд, Бухоро, Қадимги согд ёзувлари.*

**Keywords:** *Great Silk Road, China, West, Sogdians, Dunhuang, Hotan, Central Asia, Samarkand, Bukhara and old Sogdian letters*

Одной из последних публикаций о согдийцах на Великом Шёлковом пути является книга американской исследовательницы Валерия Хансена. Монография «Великий Шелковый путь» опубликовано на английском языке в 2012 году, переведена с английского на русский язык С.А.Белоусовым 2014 году. Книга получила премию международной конференции учёных Азии в области гуманитарных исследований. Труды Франц Грене из Национального центра научных исследований, Стенли Инслера из Йельского университета, Ли Цзянь из Музея изобразительного искусства Вирджиния, Виктория Майра из Пенсильванского университета, Борис Маршак из музея Эрмитаж, Жун Синьцзян из Пекинского университета, Ангеле Шэн из университета Макмастера, Профессор Гарвардского университета доктор Продс Октор Шёрве, Этьен де ля Вессьер из Практической школы высшего образования, Вану Бинхуа из Народного университета КНР, Сотрудница Британского музея Хелена Ван заслуживает самой высокой оценки за её знания нумизматики, и Ёсиду Ютака с факультета письменных памятников Киотского университета, редактор Оксфордского университета Сюзанна Фербер использованы при написании монографии.

Книга начинается с описания первых предполагаемых контактов между представителями Китая и Запада во II и III вв.н.э., а заканчивается повествование началом XI столетия, то есть временем, к которому относятся последние добытые на раскопках в Дуньхуане и Хотане документы. В каждой расположенной в хронологическом порядке главе даётся описание оазисов на Шелковом пути, выбранных потому, что там обнаружены исторические документы. На северо-западе Китая находятся Ния, Куча, Турфан, Дуньхуан и Хотан. Самарканд в Узбекистане, а близлежащий оазис на горе Муг – через границу на территории современного Таджикистана. Седьмой оазис под названием Чанань, служившей столицей династии Тан, располагался в провинции Шэньси в Центральном Китае.



Глава 1 начинается с описания оазисов Ния и Лоулань, потому что на их территории обнаружены многочисленные документальные свидетельства первых устойчивых культурных связей среди местных народов, китайцев и группы переселенцев из исторической области Гайдара, располагавшейся в долинах северо-западной части Пакистана и восточной части Афганистана. Эти переселенцы внедрили свою собственную письменность и привезли технику хранения письма на дереве; они к тому же числятся среди первых буддистов, проникших в западные области Китая. [1]

Предмет описания главы 2 – город Куча- послужил пристанищем одному из известнейших в Китае переводчиков буддистских текстов Кумарадживе (344-413) составившему первые доходчивые версии буддистских трактатов на китайском языке. [2] На пике торгового обмена вдоль Шёлкового пути самую влиятельную иностранную общину в Китае составляли согдийцы. Многие согдийцы осели навсегда в Турфане на северном пути оазисе, речь о котором пойдёт в главе 3, где они занимались различными делами, в том числе сельским хозяйством, содержанием постоянных дворов, лечением животных и торговлей. В 640 г. Когда войска Танской династии покорили Турфан, все его жители попали под прямое китайское управление. Благодаря чрезвычайно сухим условиям климата Турфана сохранилось необычайно большое количество документальных свидетельств о будничной жизни общины в зоне пролегания Шёлкового пути.

На четвертой главе описывается в основном о родных землях согдийцев вокруг Самарканда на территории современного Узбекистана и Таджикистана. Несмотря на то что Китайцы приобрели репутацию народа, сторонящегося переселенцев, в первом тысячелетии, особенно после сдачи Самарканда мусульманским захватчикам в 712 г на территорию Китая перебрались крупные общины иностранцев. Самые интересные археологические находки последних лет были сделаны при раскопке захоронений иностранных жителей на территории столицы Танской династии города Чананя или современного Сианя. И этим открытиям посвящается глава 5. Около 40 тыс. документов из библиотечной пещеры Дуньхуана, описываемой в главе 6, составляют одну из самых занимательных в мире коллекций сокровищ, в которой находится древнейшая на планете печатная книга под названием «Алмазная сутра». В монастырском хранилище, в этой пещерной библиотеке находились не только буддистские трактаты: на обороте буддистских текстов обнаружено множество надписей всевозможного характера. Пещерные рисунки в Дуньхуане считаются лучше всего сохранившимися и самыми богатыми по содержанию по сравнению со всеми остальными местами проживания буддистов на территории Китая. Правители Дуньхуана поддерживали тесные связи с населением оазиса Хотан, о котором пойдёт речь в главе 7, лежащем на южном маршруте Шёлкового пути как раз западнее оазиса Ния. Среди найденных документов встречаются пособия по изучению иностранных языков, по которым можно представить, как хотанские ученики осваивали санскрит, использовавшийся практически во всех монастырях, и китайский язык широко применявшийся в Западных областях. Жители завоёванного в 1006 г. Хотана первыми на территории нынешнего Синьцзяна приняли магометанство, и сегодня туристы видят свидетельства большого влияния здесь ислама. Данная глава завершается обзором истории и торговли в этом районе со времён введения на его территории ислама.

По описанию автора в то время Самарканд считался главным городом иранской народности под названием согдийцев, которые сыграли такую важную роль в налаживании торговли по Шёлковому пути и сформировали самую крупную и влиятельную общину переселенцев на территории Китая во времена правления династии Тан. [3] Согдийцы разговаривали на среднем иранском языке, называвшемся согдийским наречием, на котором до сих пор говорит население труднодоступной долины Ягноб в соседнем Таджикистане.

Первые следы согдийцев в археологическом описании идут из древнейших культурных слоёв в Самарканде, относящихся к VII столетию до н.э. Несколько столетий позже

биографы Александра Македонского описали яростным и сопротивление жителей Мараканда (так греки называли Самарканд) которые в конечном счёте сдались на милость Александра. После смерти Александра к власти здесь приходили представители различных династий, и большую часть времени город находился под властью каганата, столицей которому служил нынешний Ташкент. [4]

До недавнего времени учёные считали самым древним сохранившимся массивом материалов на согдийском языке тот брошенный мешок с почтой, который Аурель Стерн раскопал неподалеку от Дуньхуана в 1907 г. Но археологи, проводившие раскопки на участке Культобе (находится рядом с Чимкентом на реке Арысь) на юге Казахстана между 1996 и 2006 гг., нашли 10 обломков обожжённых глиняных дощечек с согдийскими письменах на них. После тщательного анализа всех этих материалов Николас Симс-Вильямс, считающийся ведущим в мире специалистом по иранским наречиям Средней Азии, определил, что они появились раньше писем из того самого почтового мешка. Во времена строительства данной стены существовало как минимум четыре согдийских города-государства, только вот тексты представляются настолько разрозненными, что существенной информации о них добыть не удаётся. [5]

Судя по этим письмам уже в начале IV столетия согдийские общины существовали в Лояне, Чанане, Ланьчжоу, Увэе, Цзюйцюани и Дуньхуане. На протяжении этих веков отличившихся частыми политическими сдвигами, согдийцы постепенно заселяли территории от Самарканда до Бухары. В V столетии и дальше согдийцы создавали свои поселения на реке Зеравшан, где возводили здания согдийской архитектуры и прокладывали оросительные системы. В V столетии произошло ускорение экономического роста, а к VI и VII вв. Согдиана превратилась в богатейшую страну Средней Азии [6].

С 705 по 715 г. завоеванием согдианы занимался арабский полководец Кутейба ибн Муслим и в 712 году он покорил Самарканд. Самая большая часть документов на согдийском языке, обнаруженная на территории Согдианы относится как раз к этому периоду истории. В 1933 году на горе Муг расположенной в 120 км восточнее Самарканда на территории Таджикистана советские археологи обнаружили редчайший тайник с почти сотней документов.<sup>1</sup> В этих документах содержатся единственные в своём роде сообщения об исламском нашествии.

Как объясняет в своих мемуарах великий советский арабист И.Ю. Крачковский (1883-1951), ключом к установлению времени появления документов может служить всего лишь один документ на арабском языке. [7]

Письмо Деваштича арабскому правителю Хорасана аль-Джерри составлено на безупречном арабском языке, то есть можно предположить что он пользовался услугами писаря. Называя себя «мавлрой», или клиентом этого правителя, он предлагает отправить к нему безопасности ради двух сыновей предыдущего хана Самарканда-Тархуна. [8] прочитав это письмо И.Ю. Крачковский вспомнил о том, что великий историк Ат-Табари упоминал в своих трудах о попавшем в немилость дворянине Самарканда по имени Дивашни, оказывавшем сопротивление арабскому вторжению в 721-722 гг. В свете такой догадки руководство Академии общественных наук Ленинграда отправило в Таджикистан экспедицию во главе с ведущим советским специалистом по Согдийцы А.А.Фрейманом (1879-

---

<sup>1</sup>Документы с горы Муг изданы тремя томами: Фрейман АА. Описание публикации и исследование документов с горы Муг: Согдийские документы с горы Муг-1. – М.: Издательство восточной литературы, 1962; Лившиц В.А. Юридические документы и письма: Согдийские письма с горы Муг-2. – М.: Издательства восточной литературы, 1962; Боголюбов М.Н., Смирнова О.А. Хозяйственные документы: документы с горы Муг-3. – М.: Издательство восточной литературы, 1963. Совсем недавно В.А. Лившиц осуществил издание этих документов в виде книги «Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семеречье». – СПб. Филологический факультет Санкт-Петербургского государственного университета, 2008.

1968). В ноябре 1933 г. Фрейман на протяжении двух недель руководил специалистами из Академии наук, которые вели раскопки на месте. [9]

Таким образом, автор справилась с целью описать основные события в истории общин каждого из оазисов, на ВШП рассказать о разнообразных группах их населения и многонациональном культурном обмене, охарактеризовать характер самой торговли, а также повествовать об истинной судьбе Шёлкового пути, об истории, написанной на бумажных манускриптах великой дороги.

#### Список использованной литературы

1. Хансен В. Великий Шелковый путь. – Москва, 2014. – С. 52-101.
2. Хансен В. Великий Шелковый путь. – Москва, 2014. – С. 101-143.
3. Сиратори К. Исследование Сутэ... – С. 81-145.
4. Грене Франц. Древний Самарканд: Центр Древнего мира (Old Samarkand Nexus of the Ancient World) Archeology Odissey 6. 2003. – № 5. – С. 26-37.
5. Симс – Ульямс Николас, Грене Франц. Согдийские письма Култобе // Shygys, 2006. – №1. – С. 95-111.
6. Вессьер Э. де ла Согдийские купцы... Санкт-Петербург: Эрмитаж 2005г., С. 112-117.
7. Крачковский И.Я. Письмо из согдианы (1934) ( A Letter From Sogdiana 1934/) // Среди арабских манускриптов: Мемуары библиотек и людей. (Among Arabic Manuscripts Memories of Libraries and Men) / Пер. Т. Минорской. Лейден: Brill, 1953. – С. 142-150.
8. Перевод этого письма у Ричарда Фрая в Tarhun and Central Asian History// Harvard Journal of Asiatic Studies 14 (1951). – С. 105-129.
9. Фрейман А.А. Согдийские документы с горы Муг. – Ленинград, 1934. – С. 1–7.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье описывается монография Хансена В. «Великий Шелковый путь», в которой описаны основные события истории общин каждого из оазисов на ВШП. Большое значение имеет раскрытие о разнообразных группах, их населения и своем основном многонациональном культурном обмене, охарактеризован характер самой торговли, а также рассмотрена истинная судьба Шёлкового пути, история написанная на бумажных манускриптах великой дороги.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада В. Хансеннинг “Буюк ипак йўли” монографияси ва унда Буюк ипак йўлидаги ҳар бир воҳанинг тарихидаги асосий воқеликлар тасвирланади. Асарнинг муҳим аҳамияти шундаки, унда кўп миллатли аҳолининг турли гуруҳлари ва уларнинг маданий алмашинуви очиб берилганлиги, савдонинг ўзига хос хусусиятларини тавсифланиши, шунингдек, Буюк ипак йўлининг хақиқий тақдири коғоз кўл ёзмаларда битилган ҳикоялар асосида ёритилган.

#### SUMMARY

This article describes a monograph “The Great Silk Road” by Hansen. V where the main events in the history of each of the oases on the Great Silk Road are mentioned. One of the most importance is the disclosures of a variety of groups of their population and its main multinational cultural exchange by characterizing the nature of the trading itself as well as to narrate about the true fate of the Silk Road and about their history written on paper manuscripts of the great road.

*Рекомендовано к печати доц. О.Буриевым*

### XIХ АСРДА ҚАРШИ ШАҲРИНИНГ ҲУНАРМАНДЧИЛИК СОҲАЛАРИ ТАВСИФИ

**Каримов Б. (ҚарДУ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** *Нахшаб, Насаф, сардоба, Чорсу, Буюк Ипак йўли, ҳаррот, сарроф, кўнчилик.*

**Ключевые слова:** *Нахшаб, Насаф, дворец, сардаба, Чарсу, Великий Шёлковый путь, плотничные работа, обменник, кожевчества.*

**Keywords:** *Nakhshab, Nasaf, sardaba, Chorsu, Great Silk Road, carpentry, money changer, tannery.*

Халқимиз ўзининг кўп асрлик тарихи давомида анъанавий ҳунармандчилик соҳасида ҳам бебаҳо санъат асарларини яратган. Улар ҳозирги кунда ҳам ўзбек халқи маданий ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олган ҳамда маҳаллий халқнинг дунёқараши ва миллий тафаккурининг нечоғли теран эканлигини ўзида намоён этади.

Қашқа воҳаси шаҳарларида, хусусан, Қарши шаҳрида бунёд этилган тарихий меъморий обидалар, тарихимизнинг ноёб дурдоналаридан бўлмиш бетакрор моддий маданият намуналари аждоқларимиз турмуш тарзи, маданияти ва бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради. Уларни тадқиқ этиш Бухоро амирлигининг энг йирик шаҳарларидан бири ҳисобланган. Қарши шаҳрида мавжуд бўлган ҳунармандчилик марказлари тўғрисида, воҳанинг ўзига хос иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳаёти, миллий анъаналари, тараққиёт даражаси ҳақида кенгроқ маълумотга эга бўлиш имконини беради.

Қарши шаҳри тарихан Қашқадарё воҳасининг муҳим ҳунармандчилик марказларидан бири ҳисобланиб келинган. У қадимда Нахшаб ёки Насаф деб номланган бўлиб, шаҳар қолдиқлари даставвал А. И. Тереножкин, С. К. Кабанов ва М. Е. Массон каби археолог олимлар томонидан ўрганилган. “Нахшаб” сўзи илк бор ҳозирги Афғонистон ҳудудидан топилган, у эрампдан аввалги 328 йилда битилган оромий тилидаги ҳужжатда тилга олинган. Унда Хулма Багаванд ҳокимининг Никсап (Нахшаб) ва Киш (Кеш) ҳимоя деворларини тузатиш учун ўз аскарларини жўнатганлиги хабар қилинган. [1:34]

Қарши шаҳри тарихи бўйича археологик тадқиқотлар натижасида бу ердан шаҳар, воҳа ҳукмдорининг саройи, шаҳар эҳроми, даҳма, макбара, кулоллар, темирчилар маҳаллалари қолдиқлари ва бошқалар топилган. Ерқўрғон (ҳозирги Шайхали бекати ҳудудида, замонавий Қарши шаҳри маъмурий ҳудудининг шимолий чегараларидан бир ярим километр узоқликда жойлашган) топилмалари бизга ёзма манбалардан маълум бўлган сўғдийларнинг кенг савдо ва дипломатик алоқалар олиб борганликлари ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди.

Ёзма манбаларда Нахшабда IV-V асрларда бунёд этилган йирик ва мустаҳкам қалъа VII-VIII асрлардаёқ воҳанинг пойтахт шаҳрига айлангани келтириб ўтилган. IX - X асрлардан бошлаб Насаф гуллаб-яшнаган ўрта аср шаҳарларидан бири сифатида ёдга олинади.

Ушбу даврда Қарши Бухоро - Балх карвон йўлида жойлашган. Шаҳарда қалъа ва работ мавжуд бўлган ҳамда шаҳар тўртта дарвозага эга мудофаа девори билан ўраб олинган [2:27]

XIII асрда эса шаҳарни мўғул босқинчилари босиб олгач, ёндирилиб, бутунлай вайрон этилган. Тарихчиларнинг фикрича, янги Қарши шаҳрининг вужудга келиши Кепекхон фаолияти (1318-1326) билан боғлиқ. XIV асрда қадимги Насафдан 5 км шимолда – ҳозирги Қарши шаҳри ўрнида чиғатой уруғидан бўлмиш Кепекхон томонидан сарой бунёд этилган ва янги шаҳарга асос солинган. [3:43]

XVI асрлардаёқ Қарши шаҳри ички кўрғонга эга бўлган мустаҳкам шаҳар бўлган. Сўнги шайбонийлардан бири бўлган Абдуллахон II томонидан шаҳарда бир қатор янги бинолар – мадраса, масжид, карвонсаройлар, сардоба, ҳаммомлар ва гумбазли савдо иншооти – чорсу, бозорлар ҳамда Қашқадарё устида кўприк барпо этилган. [4:25]

Маҳмуд ибн Валининг ёзишича, бу катта ва саранжом шаҳар жаҳоннинг катта шаҳарлари билан тенглаша олган. [5:167]

Ўрганилаётган даврда Қарши шаҳри тузилиши жиҳатидан Ўрта Осиё шаҳарларига хос тарзда уч қисмдан иборат бўлган. Шаҳар ўрдаси нотўғри тўртбурчак кўринишидаги девор билан ўралган бўлиб, унинг битта сақлов дарвозаси бор эди. Ўрда 2,5 га майдонни эгаллаган ва катталиги бўйича Шаҳрисабз ўрдаси ҳамда Бухоро аркидан каттароқ бўлган. [6:109]

Чор Россияси даврида Қарши шаҳрида бўлган рус тадқиқотчилари шаҳарнинг тузилиши тўғрисида турли фикрлар билдиришган. Жумладан, 1841-1842 йилларда Бухоро амирлигига бир қатор элчилар билан муҳим топшириқларни бажариш учун ташриф буюрган шарқшунос Н.Хаников ўзининг “Бухоро хонлиги тавсифи” китобида Қарши шаҳри тузилиши тўғрисида қуйидагича ёзади: “Шаҳар умумий марказга эга бўлиб, 3 та

девор билан ўраб олинган. Биринчиси, ўрдани, иккинчиси, эски-шаҳар, яъни кўрғонни, учинчиси эса янги шаҳар-қалъани ўраб олган”. [7:109]

Б. Литвиновнинг ёзишича эса қалъа атрофидаги кўрғон девори ва марказий кўчаларга уланган дарвозалари яхши сақланган. Шаҳарда, асосан, юқори табақа кишиларнинг уй-жойлари, кўп растали чорсу бозори ва карвонлар учун тураргоҳлар мавжуд бўлган.

Шаҳар атрофида эса қалин боғлар барпо этилган бўлиб, уларнинг орасида шаҳарлик бойларнинг ёзда дам оладиган дала ҳовлилари, маҳаллий аҳоли уй-жойлари, бозорлари, ҳаммом, масжид каби жамоатчилик бинолари жойлашган. Бухоро амирлигининг бир қатор йирик шаҳарлари каби Қарши шаҳри ҳам хунармандчилик гузарларига бўлинган. Қаршининг эски шаҳар қисмида йигирмата гузар аниқланган. Шаҳар гузарлари қуйидагилар: Мирдуш, Мирзолат, Оғалик, Чубин, Хонақо, Харрот, Шаршара, Бекларбеги, Хитой, Уюйма, Эшонгузар, Қозихона, Ҳарамсарой, Дарвозаи Тутак, Бойгузар, Мирзолатиф, Ҳалвогар, Темирчи, Кулоли, Чилангарон. Шунингдек, эски шаҳар атрофида 8 та гузар мавжуд бўлиб, бу гузарлар шаҳар гузарларидан анча катта бўлган ва маҳалла деб номланган. Тарихий ҳужжатлардаги маълумотларга кўра, XIX аср ўрталарида Қаршида мадрасалар сони 4 та, масжидлар сони эса (ички ва ташқи маҳаллалардаги билан) тахминан 80 та бўлган. XIX аср охирида Қарши гузарларида жойлашган уйлар сони 2,5 – 3 мингга бўлса, аҳоли сони тахминан 15-18 мингга етган. [8:116] Рус тадқиқотчи – сайёҳларининг ёзиб қолдиришича, Қарши ўзбеклари орасида манғит уруғи вакиллари кўпчиликни ташкил этган. [9:22]

XIX аср бошларига келиб, Қарши шаҳри аҳолиси кўпайиб, шаҳар кенгайганлиги боис аста-секин бозорлар, савдо дўконлари, масжидлар ва бошқа жамоатчилик бинолари сони ортиб, янги шаҳар пайдо бўлган. Ушбу ташқи шаҳар-қалъада, асосан, хунармандлар кўним топган. [10:11] Унинг атрофидаги девор ҳақида эса ёзма манбалар ва археологик тадқиқот ишларида маълумотлар келтирилмаган.

Шундай қилиб, Қарши қалъаси кўрғон девордан то Қашқадарё устидан ўтган кўприккача чўзилган. Маълумотларга қараганда, кўприкдан то эски шаҳар худудигача мустаҳкам тошли йўл ўтказилган.

Шаҳар атрофида яшовчи маҳаллий аҳоли фақат Қарши шаҳрига хос бўлинган худудий бўлинма, яъни элга бўлинган. Уларнинг сони иккита бўлиб, ўз навбатида, бу эллар атрофида бир нечта маҳалла ва қишлоқлар бирлаштирилган ҳамда энг йирик аҳоли манзили номи билан аталган. Қарши қалъасида жойлашган маҳаллалар сони 8 та бўлган. Булар: Чармгар, Кўрғонча, Зоғза, Бузругравот, Бешгумбаз, Махсумовот, Қарлуқхона, Арабхона ёки Қумработ. [11:116] Шаҳар марказидаги юқори табақа жойлашган гузарлар ушбу бўлинмага кирмаган. Элни худди хунармандчилик бирлашмаларидаги каби оқсоқол бошқарган. Қаршининг заргар хунармандлари нафақат шаҳар атрофи, балки шаҳар ичидаги гузарларда ҳам кўпчиликни ташкил этган. Жумладан, Бойлар гузари, Ҳарамсарой Заргарлар гузари ҳисобланган. Маҳаллалардан кейин эса кўплаб боғ-роғ, узумзор, полиз ва томорқа майдонларига уланган мавзелар жойлашган. Б. Литвиновнинг ёзишича: "XIX аср ўрталарида уларнинг сони 60 тага яқин бўлиб, улар шунчалар зич жойлашганки, боғлар қаердан бошланиб, қаерда тугганини айтиш қийин". [12:25]

Қарши шаҳри ва унинг атрофидаги аҳоли тўқимачилик маҳсулотлари билан шуҳрат қозонган. Қарши хунармандлари тўқимачиликнинг бир қанча турлари, жумладан, ип йигириш, турли хил матолар тўқиш, тайёр кийим-кечаклар тикиш, гилам, палослар тўқиш ва бошқалар билан шуғулланганлар.

Зоғза гузарида кўпроқ фўта ва олача ишлаб чиқарилган. Махсумовот гузари аҳолиси эса адас ишлаб чиқариш ва яна ипак қурти боқиш, ипак ип тайёрлаш билан шуғулланган. Жумладан, йигирилган ип ва турли-туман гиламлар Қарши атрофидаги чўлларда (Қамаши ва Чирокчи) чорвадор аҳоли томонидан ишлаб чиқарилган.

Ушбу тўқимачилик маҳсулотлари нафақат Қарши бозорларида, балки Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шаҳрисабз, Ҳисор ва кўшни давлатлар бозорларида ҳам машҳур бўлган.

Қарши бозорларида эса гиламлар учун алоҳида расталар ва кўтара савдо учун тимлар ажратилган. [13:25]

Кўчманчи аҳоли ўтовларини мустақкамлаш учун махсус тайёрланган ингичка тасмали гиламнусха палослар ҳам алоҳида расталарда сотилган. Қаршида кўнчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу ҳунар билан, асосан, Чармгар гузари аҳолиси шуғулланган. Бузруг равот гузари аҳолиси эса кўнчилик маҳсулотларнинг алоҳида тури – кемхут тери ишлаб чиқарган.

Қаршида темирчилик, ҳарротлик (ёғоч устачилик), чилангарлик, мисгарлик, кулолчилик, қандолатчилик, ёғ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам ривож топган. Қарши кулоллари “турли шаклга эга жуда юпқа идишлар” ясашда моҳир бўлганлар.

Қарши қандолатчилари ҳам Бухоро ва Самарқанд қандолатчиларидан қолишмас эдилар. Ф. Беневени (XVIII аср) Қарши яқинида аҳолининг қандга ўхшаш “манна” тўплаганликларини ва ундан ширинликлар тайёрлашда шакар сифатида фойдаланганликларини ёзган. [14:85] Юқорида санаб ўтилган алоҳида ҳунармандчилик турлари билан шуғулланувчи аҳоли ўша ҳунармандчилик тури номи билан аталган гузарда яшаган. Масалан, Қаршида Темирчия, Кулолгузар, Ҳарротлик, Ҳалвогар, Чилангар каби гузарларни учратиш мумкин.

Бундан ташқари, Қарши шаҳри ҳунармандчилигининг бир қанча соҳаларини турли хом ашё маҳсулотлари билан таъминлайдиган чорва моллари савдоси марказларидан бири бўлиб, Қарши чўлларида яшайдиган чорвадор аҳоли етказиб берган чорва моллари қўшни туманларга ҳам чиқарилган. Масалан, ўша даврларда ҳам Ғузорда бир нечта чорва моллари бозори бўлганлиги аниқланган.

Қаршида карвонлар учун от-арава ва туяларни ижарага бериш ҳам мавжуд бўлган. Шаҳарларнинг мамлакатдаги мавқеини белгилаб берувчи бозорлар унинг кўрки ҳисобланган. Бухоро амирлигида, жумладан, Қарши воҳасида ҳам бозорлар шаҳарнинг марказий қисмида аҳоли гавжум жойида жойлашган бўлиб заргарлар, саррофлар, темирчилар, турли кийим-бошлар ва бошқа ҳунармандчилик моллари бозорлари жойлашган. Қишлоқ хўжалиги ва чорвачилик маҳсулотларининг айрим турлари савдосига ихтисослашган бозорлар эса кўп ҳолларда шаҳар четлари ва унинг ташқарисида жойлашган эди. [15:43]

Йирик бозорлар бу даврда “чорсу”лар деб аталиб, улар одатда, икки йўл кесишган ерларда бунёд этилган бўлиб, усти гумбаз билан ёпилган. XIX аср ўрталарида Бухоро амирлиги шаҳарларида бўлган сайёх М.Меендорф улар ҳақида қуйидаги фикрларни билдирган: “Шундай чорраҳалар борки, улар бакувват устунлар ушлаб турган гумбазлар билан қопланган. Уларда бўялган ипак кашта, кашта тақилган дўппилар, тасмалар, гиламлар, пичоқлар ва бошқа нарсалар билан савдо қилинган”. [16:107]

Шаҳар савдо расталарининг асосий қисми қўрғоннинг шимолий томонида жойлашган. Қаршининг энг катта бозорлари - Юқорибозор қалъанинг жанубида, Қуйибозор эса шимолида жойлашган бўлиб, душанба ва шанба кунлари бозор кунлари саналган.

1841 йилда Қарши шаҳрида бўлган шарқшунос Н.Хаников шаҳарда учта йирик карвонсарой мавжуд бўлиб, улардан бири яҳудийларга тегишли бўлганини ёзиб қолдирган. [17:85] 1863 йилда Қаршига ташриф буюрган Х. Вамберининг ёзишича эса, бу ерда 10 та карвонсарой мавжуд бўлиб, уларда четдан келтирилган маҳсулотларнинг улгуржи савдоси амалга оширилган ва турли савдо шартномалари тузилган. [18:113] П.И. Демезоннинг ёзишича, “Қарши, Бухоро ва Хива карвонсаройлари четдан келтирилган маҳсулотлар билан тўла эди”. [19:36] Шаҳар ва унинг атрофида жойлашган кичикроқ карвонсаройларга, асосан, камбағал йўловчилар, ўз туяларида юк ташувчи кичик савдогарлар тўхтаб ўтишган.

Қарши шаҳрининг юксалиш сабабларидан биринчиси, унинг Буюк ипак йўли чорраҳаларидан бири Ҳирот – Кобул марказий савдо йўлида жойлашганлиги билан боғлиқ бўлса, иккинчи сабаби эса воҳадаги тинч шароит бўлган. XVIII асрда мамлакат иқтисодий ҳаётида юз берган инқироз ҳунармандчилик марказлари тараққиётига ўз салбий таъсирини кўрсатган. Марказий шаҳарлар инқирози иккинчи даражали шаҳарлар ижтимоий-иқтисо-

дий ҳаётининг яхшиланишига сабаб бўлган. Қарши шаҳри ҳам шундай шаҳарлар сирасига кирган. Бу ерда нотинч марказий шаҳарлар хавфсизлик излаб келган хунарманд усталар хотиржам меҳнат қилиши учун қулай шароит мавжуд бўлган. Чунки Қарши қўзғолончи бекликларга қарши курашда Бухоро амирларининг сиёсий таянч пункти ҳисобланган. Шу сабабли Қарши инглиз сайёҳи А. Бёрнс сўзларига кўра, шаҳар ва унинг гавжум бозорлари катталиги бўйича Самарқанд ва Балхдан қолишмас эди. [20:43]

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Шакед, С. Ранние упоминание о городе Нахшаб // Роль города Карши в истории мировой цивилизации» Сбор. тез. докл. Междунар. конф., посвящ. 2700-летию г. Карши. – Т., 2006. – С. 34.
2. Махмуд ибн Вали. Бахр ал-асрар фи манакиб ул-ахер / Перевод Б.Ахмедова – Ташкент, 1977. – С. 27-167.
3. Массон Е. М. Столичные города в области незовьев Кашкадарьи с древнейших времен. – Ташкент: Фан, 1973. – С. 43.
4. Ахмедов Б. А. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVIII вв. Письменные памятники. – Ташкент: Фан, 1985. – С. 25.
5. Ханьков Н. Описание Бухарского ханства. – СПб, 1843. – С. 108-109.
6. Сухарева О. А К истории городов Бухарского ханства (историко-этнографические очерки). – Ташкент: УзССР, 1958. – С. 116-118.
7. Вяткин В. Л. Каршинский округ организация в нем войска и события в период (1800 – 1803) годов / ИСАОГРГО. – М., 1928. – С. 26.
8. ЎзР МДА, И-1-фонд, 34-руйхат, 54-иш, 11-варақ
9. Литвинов Б. Қарши // Туркестанские ведомости 1879. – №116. – С. 24–25.
10. Аъзамова Г. А. Сўнгги ўрта асрлар ўрта Осиё шаҳарларида хунармандчилик ва савдо. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 43 б.
11. Мейендорф М. К. Путешествие из Оренбурга в Бухару. – М, 1875. – С. 102.
12. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – СПб., 1865. – С. 113-114.
13. Записки о Бухарском ханстве (Отчеты П.И.Демезона и И.В.Виткевича) – М., 1883. – С. 50 -60.
14. Борнс А. Путешествие в Бухару. Ч. 1. – М., 1848. – С. 374.
15. Посланник Петра I на Восток. Посольство Флорио Беневени в Персию и Бухару в 1718-1725 годах. – М.: Наука. – С. 36.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Бухоро амирлиги тасарруфида бўлган Қарши беклигининг хунармандчилик соҳаси турлари, унинг ўзига хос томонлари, ривожланиш босқичлари, хунармандчилик гузарлари тарихи хорижий элчиларнинг маълумотлари асосида ёритиб берилган.

#### РЕЗЮМЕ

Эта статья основана на информации, предоставленной иностранными послами, о типах, особенностях и этапах развития ремесленного сектора Каршинского бекства при Бухарском эмирате.

#### SUMMARY

This article is based on information provided by foreign ambassadors on characteristics, developmental stage and specific handicrafts sector on the Karshi authority under Emirate of Bukhara.

*Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган*

## АНГЛИЯ ШАРҚШУНОСЛИГИНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Ботиров С. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Шарқ цивилизацияси, Инжил ва Таврот, Миср ва Бобил тарихи, Жеймс Рич, Куюнджик тепалиги, Ниневия, Нимруд тепалиги, Ашишурбанипал, Балавот манзилгоҳи, "Рассам цилиндр", оссурияшунослик, Жорж Смит, Луксор, Янги шоҳлик даври, Шоҳлар водийси, Курна қишлоғи, Тутмос III, Сети I, Рамзес II, Иллахун (Кахун) шаҳри, Гиза.*

**Ключевые слова:** *Восточная цивилизация, Евангелие и Ветхий завет, история Египта и Вавилона, Жеймс Рич, холм Куюнджик, Ниневия, холм Нимруд, Ашишурбанипал, месторождения Балавот, "цилиндр Рассам", оссуриеведение, Жорж Смит, Луксор, период нового Царства, долина Царей, деревня Курна, Тутмос III, Сети I, Рамзес II, город Иллахун (Кахун), Гиза.*

**Keywords:** *Civilization of the East, the Gospel and Old Testament, history of Egypt and Babylon, James Rich, Kuyundjik hill, Nineveh, Nimrud hill, Ashshurbanipal, Balavot field, "cylinder of Russam", Ossure studies, George Smith, Luxor, period of new Kingdom, valley of Kings, village of Kurna, Thutmose, Seti I, Ramses II, Illakhun (Kakhun) city, Giza.*

Маълумки, айна даврда Ғарб мамлакатларида Шарқни ўрганишга нисбатан иштиёк жуда юқори ва шу билан бир қаторда, келгусида ҳам ушбу қизиқиш янада баланд бўлиши мумкинлиги омили мазкур мавзунинг ўрганишнинг долзарб томони бўлиб ҳисобланади.

Мазкур қизиқишлар кўп томонлама ва кенг қамровлидир, яъни тарих ва маданият, давлат ва жамият, инсон ва дин ва ниҳоят, Шарқнинг буюк тараққиёти қадимий илдизлари қабилардир. Юқоридаги масалалар ҳозирги даврда нафақат Европа аънарасига хос бўлган Ғарб учун, балки ўз-ўзини англаш учун қатъий интилаётган, ўзининг мавжуд бўлишига доир фундаментал асосларни ўрганишга ҳаракат қилаётган Шарқ мамлакатлари аҳолиси учун ҳам диққат марказидадир [1:3]

Бундай турдаги оммавий қизиқиш тасодифий эмас, ҳолбуки XX аср сўнгида сайёра узра "охир замон" ҳақидаги миш-мишларнинг шиддат билан тарқалиши кўпчиликнинг диний-илоҳий масалалар билан бир қаторда Шарқдаги қадимги маданиятлар ва динлар, шубҳасиз, устувор бўлган ғайриоддий-илоҳиётга нисбатан эътибори фаоллашиши, уларнинг илдизи ва дастлабки манбалари ҳақидаги жиддий қизиқишлари кучайишига сабаб бўлди.

Ундан ташқари, бугунги замонавий дунёда ҳали ечими топилмаган ўткир иқтисодий, демографик ва ижтимоий-маданий муаммолар феноменида ривожланаётган давлатларда кўп масалалар Шарқ билан мустаҳкам алоқадор эканлигини таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу муаммолар қандай ва қачон ҳал этилиши, уларнинг ечимига олиб борадиган йўлларнинг қандай эканлиги аввало дунё аҳолисининг аксарият қисми яшайдиган Шарқ оламини хавотирга солмаслиги мумкин эмас.

Мазкур мақоланинг мақсади – шарқшунослик соҳасидаги тадқиқотларнинг ташкил этилиши ва олиб борилишига оид хусусиятларни тадқиқ этишдан иборат. Тадқиқот натижаларига кўра қуйидаги масалалар ечими кўзда тутилади:

1. Инглиз шарқшунослиги жараёнини таърифлаш.
2. Англиялик шарқшуносларнинг тизимли тадқиқотларини таърифлаш.
3. Инглиз шарқшунослиги тараққиёти истикболи ва муаммоларини ёритиш.

**Англия шарқшунослигининг пайдо бўлиши.** Бизнинг фикримизча, инглиз шарқшунослиги унинг назариясига хос бўлган тенденцияларга кўра юзага келган.

Мазкур йўналишнинг юзага келиши ва ривожланиши, шу билан бир қаторда, ушбу йўлда пайдо бўлган муаммолар ва қийинчиликлар ҳақида яхлит тасвирланган манбанинг мавжуд эмаслиги сабабли ҳам ушбу мақолада ўқувчини улкан шарқшунослик мажмуасининг ташкил этувчи қисмлардан бири сифатида қадимги Шарқ цивилизацияси тарихшунослигининг туғилишини таништириб ўтишга ҳаракат қилинади.

Шарқшунослик асосларини яратишдаги дастлабки йирик муваффақиятли ишлар ҳақи равишда Европа илм-фанида "Тарих асри" деб ном олган XIX асрда бирваракайига икки соҳада амалга оширилди. Булардан бири классик филологияда қадимий ёзув турлари шифрларининг очилиши бўлса, иккинчиси Шарқнинг турли минтақаларида амалга оширилган археологик тадқиқотлардир [6:23-24]

Бизнинг назаримизда, бунга XIX асрда тарихнинг илмийлигига, тарихий далиллар таянчи бўлиб хизмат қиладиган ўтмишнинг тасвирланишига, ундан ташқари, ҳатто тарихий жараённинг дастлабки босқичлари ҳақида бўлса ҳам, асосли маълумотлар бера олиш имкониятларига ишончининг устувор эканлиги сабаб бўлган дейишимиз мумкин.

Шу боис шарқшуносликнинг ёш фан сифатида ривожланишининг биринчи босқичида тарихий далилларни аниқлаш ва тўплаш асосий вазифага айланади. Таъкидлаш жоизки, дастлаб шарқшунослар ихтиёрида жуда чекланган манбалар мавжуд бўлиб, улар биринчи



навбатда антик давр муаллифлари асарлари ҳамда Инжил ва Таврот каби қадимги китоблардан олинган маълумотлар эди. Қадимги Шарқ тарихининг ўрганилиши Инжил матнини танқидий таҳлил қилишдан бошланиб, унинг асосида Миср ва Бобил тарихини тушунишга оид илк илмий ёндашувлар шаклланди.

Шундай қилиб, Европа шарқшуносларининг илк дунёқарашларини кенгайтириш борасида амалга оширган ишлари Инжилнинг таҳлил қилиниши билан боғлиқдир. Кейинроқ эса Шарқ ҳақида тўпланган билимларнинг бойишига сиёсий иқтисодчи ва файласуфлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Таниқли олим А.Смит давлат солиғи ва мулк эгасига тўланадиган ижара ўртасидаги фарқни ўрганиш мобайнида Шарқда мазкур сиёсий ҳамда иқтисодий тоифалар ўртасидаги фарқнинг йўқлигига эътибор қаратди. Натижада олим бу ерда олий ҳукмдор бир вақтнинг ўзида мулк эгаси бўлиш билан бир қаторда ҳокимият вакили сифатида ҳам муносабатда бўлади деган хулосага келди [1:5]

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бу даврда инглиз шарқшунослигининг ютуқлари археологик тадқиқотларнинг ютуқлари билан бевосита боғлиқдир.

Месопотамия археологиясида биринчи қадамни Бағдодда жойлашган Ост-Индия компаниясининг вакили англиялик Жеймс Рич амалга оширди. У қадимий осори атиқаларни тўплар экан, Бобил вайроналари ҳақида ҳикоя қилиш билан шуғулланди. Шу билан бир қаторда у Мосул шаҳри яқинида Куёнжик тепалигини қазиги ҳаракат қилди. Ушбу тепалик ҳақида жуда кўп афсоналар мавжуд бўлиб, маҳаллий аҳоли унинг остида машҳур Оссуриянинг сўнгги пойтахти Ниневия бўлган, деб таъкидлар эди. Аммо Ричнинг уриниши муваффақиятсизлик билан тугаб, у бу ерда арзигулик ҳеч нарса топа олмади. Унинг ўзи эса тез орада вабога чалиниб вафот этди [2:34]

Месопотамия археологиясининг шаклланишидаги кейинги муваффақиятли қадам инглиз дипломати ва шарқшуноси Г.А.Леярд томонидан амалга оширилди. 1845 йилда у Нимруд тепалигида қазиги ишларини бошлади ва дарҳол Оссурия саройининг деворларини топди. Туркия расмийларининг аралашувига қарамай, Леярд ишлашни давом эттирди ва Оссурия давлати пойтахтларидан бирининг асосий қисми - Калхини, қирол саройлари, буқа-одамлар ва шер-одамларнинг улкан ҳайкалларини топишга эришди. Уларнинг баъзилари Британия музейига катта қийинчилик билан олиб кетилди.

Леярд шу билан тўхтаб қолмади. Қазиги ишлари олиб бориладиган кейинги жой сифатида у Шимолий Куёнжик тепалигини танлади. Бу ерда у шоҳ Синаххерибнинг саройини, унинг набираси Ашшурбанипалнинг "сопол китоблар" билан тўлган кутубхонасининг бир қисмини топди. Шундай қилиб, машҳур Ниневия - Оссурия давлатининг сўнгги пойтахти кашф қилинди.

Британия музейи Лейярд ва унинг ҳамкасби Х.Рассамнинг фаолиятини молиялаштириши туфайли улар 1849-1851 йилларда Куёнжик тепалигида қазилма ишларини давом эттирдилар. Улар тез орада Оссурия шоҳи Ашшурбанипалнинг ҳарбий ва ов саҳналарини ифодаловчи деворий қабартма расмларга бой саройини, ундан ташқари машҳур Ниневия шерини ва 30 минг тахтачадан иборат улкан шоҳ кутубхонасини топдилар. Рассам қазиги ишларини мустақил давом эттириб, Лейярддан кам бўлмаган натижаларга эришди. У Балавот манзилгоҳида мил.ав. IX асрга оид Оссурия ёдгорликларини, хусусан, бронза билан қопланган, ҳарбий юришлар саҳналари тасвирланган қалъа дарвозаларини топишга эришди. У қадимги ёзма ҳужжатларни қидирар экан, Сиппар шаҳрининг харобаларини топди. Унинг энг қизиқарли топилмаларидан бири думалоқ лой тахтачадаги Ашшурбанипал солномаси бўлиб, у фанда "Рассам цилиндри" деб номланган. Аммо, минг афсуски, Месопотамия илк тадқиқотчиларининг иш услублари номукамал ва баъзан ҳатто "вахшиёна" эди. Улар қимматбаҳо буюмлар ва санъат асарларини қидирар эканлар, кўпинча ўзларига қизиқ бўлмаган нарсаларни йўқ қилиб юбордилар. Шундай экан Рассам "қадимий буюмларни талон-тароҷ қилувчи" лақабини бекорга олмаган.

Оссурияшунослик фани асосчилари орасида Жорж Смит алоҳида ўрин эгаллайди. Британия музейида ўймакор сифатида ишлаган Ж. Смит орадан вақт ўтиб Месопотамия тарихи бўйича йирик мутахассисга айланди. У ўзи мустақил равишда аккад ёзуви ва тилини ўрганди. Миххат ёзувларини литографик тошга тушириш билан шуғулланиш баробарида, орадан 2 йил ўтиб, у Лондондаги Британия музейининг Миср-Оссурия бўлимида ассистент лавозимига эришади. Фаолияти давомида унинг қўлига Ниневия харобаларида топилган лойдан ясалган катта тахтача тушиб қолади ва бу буюк бобил-оссурия адабиётининг очилиши йўлида биринчи қадам ташланиши учун сабаб бўлади. Ушбу сопол тахтачада буюк сув тошқинлари даврида омон қолган бобоси Утнапиштим олдига абадий ҳаётни қидириб йўл олган буюк қаҳрамон Гилгамиш ҳақида ҳикоя битилган эди. Ушбу табиий офат тавсифи Кўхна Аҳднинг “Ибтидо” қисмида берилган мана шу воқеага айнан мос тушар эди. Афсуски, Смитнинг қўлида матннинг фақатгина бир қисми бор эди, аммо у шундай бўлишига қарамасдан жим ўтира олмади. Чунки у қўлидаги сопол тахтача Инжил матнларидан ҳам қадимийроқ эканлигини билар эди. Смитнинг ушбу хабари протестантлик Англиясида турли ҳаяжонли ғалаёнларга сабаб бўлди, чунки у Инжилнинг бирламчи ва асл манба эканлигига нисбатан ишончга раҳна солди. Лондоннинг «Дейли телеграф» газетаси ёш ассистентни Куюнжик тепалигига экспедиция ташкил этиб, Гилгамиш ҳақидаги дostonнинг қолган қисмини топиши учун тадқиқотларни тўлиқ молиялаштиришга тайёрлигини билдирди.

Шундан кейин А.Смит ушбу ишга киришди. 1872 йилда у Ниневиядаги қазималар олиб бориладиган ҳудудга борганида, у ердаги тартибсизликлар унга керак бўлган тахтачаларни топишга имкон бермаслигини тушунди. [2:35] Аммо тақдир доимо қатъиятли ва матонатлиларга ёрдам берганидек, Смит қадимий Месопотамия адабиётининг энг салмоқли асарини топишга муваффақ бўлди ва ўзининг ҳақлигини исботлади. «Дейли телеграф» газетаси кейинги қазилма ишларини молиялаштиришни тўхтатишига қарамасдан кейинги уч йил давомида у 3 мингга яқин сопол тахтачаларни топишга муваффақ бўлди. [2:35]

1876 йилда навбатдаги ўлат ва вабо эпидемияси бошланганида, барча ишчилар кўрқиб ишни ташлаб кетдилар, Смит эса ёлғиз ўзи ишни давом эттиришга мажбур бўлди. Аммо бу сафар тақдир фидойи олимни аяб ўтирмади ва у вабога чалинди. Қазилмалар ўтказиладиган жойдаги чодирда ёлғиз ташлаб кетилган 36 ёшли тадқиқотчи ўлимидан олдин: "Мен илм учун қўлимдан келган барча ишни қилдим" деган сўзларни ёзиб қолдиради. [2:35]

Мисршунослик соҳасидаги ўзаро рақобатдош икки мактаб намояндалари Г. Масперо ва У.Ф. Питри томонидан амалга оширилган ишлар алоҳида диққатга сазовордир. Г.Масперо О.Мариеттанинг ворисларидан бири сифатида Мисрнинг қадимий буюмларини ҳимоя қилиш ташкилоти раҳбари ва Қоҳира музейи директори вазифаларини эгаллайди. Г. Масперо катта билимга эга филолог бўлиб, унинг раҳбарлиги остида ҳар йили ажойиб натижаларни берган археологик экспедициялар олиб борилди. Аммо Масперо бир жинойи ишнинг очилишида криминалистика мутахассиси сифатида танилди. Маълум бўлишича, профессор Г. Масперо Европадан Қоҳиранинг антиквар буюмлар қора бозорида қадимги Миср фиръавнлари номи билан боғлиқ бўлган кичик ҳайкалчалар, папируслар ва диний маросимларга оид буюмлар яна сотила бошланганлиги ҳақида хат олади.

Масперо кўплаб фиръавнларнинг умумий дафн қилинган жойини кимдир топганини тахмин қиларди ва олим бу иш устида жинойи қидирув ишларини бошлайди. Шундан сўнг Луксорга, ноёб буюмлар савдоси билан шуғулланувчилар олдига уларнинг ишончига кириш вазифаси юклатилган ёш мутахассис юборилади. У эса қадимий буюмлар ноқонуний савдоси билан шуғулланувчиларга тўғридан-тўғри алоқадор араб ака-укалардан бири билан танишишга муваффақ бўлади. Текширув давомида Янги Шоҳлик даври фиръавнларининг аксарият қабрлари жойлашган Шоҳлар водийси қабрлари Курна қишлоғида жойлашганлиги ҳамда ушбу қишлоқ аҳолиси мазкур қабрларни талон-тарож қилувчилар эканлиги

маълум бўлди. Ундан ташқари, 3 минг йил давомида Курна аҳолиси ўз оилаларини қадимги Миср фиръавнлари ҳисобидан боққанликлари аниқланади.

1875 йилда XXI сулола даври руҳонийлари томонидан Ўрта ва Янги давр фиръавнларига тегишли 40 дан ортиқ мумиёларини кўплаб қимматбаҳо дафн жиҳозлари билан биргаликда яширилган қоядаги махфий жой топилди. Ушбу махфий жойдаги йўлакка европалик олимлардан биринчи бўлиб машҳур мисршунос Эмиль Бругшнинг акаси тушади ва бу ерда қадимги Мисрнинг энг машҳур фиръавнларидан Тутмос III, Сети I, Рамзес II ва бошқаларнинг мумиёларини топади. Э.Бругш катта таваккал остида бу ердаги саркофагларни<sup>1</sup> олиб чиқишга ва Нил орқали Қоҳирага жўнатишга муваффақ бўлади. Лекин водийнинг маҳаллий аҳолиси кўп асрлардан буён араб тилида гаплашувчи мусулмонлар бўлишларига қарамасдан мумиёлар ортилган кемаларни ҳақиқий мисрликлардек кутиб оладилар, яъни эркаклар ҳавога ўқ отсалар, аёллар худди минг йил илгаригидек марҳум фиръавнлар учун аза тутадилар.

XIX асрнинг 80-йилларидан буюк инглиз мисршуноси У.Ф.Питрининг изланишлари бошланади. У ўзидан олдинги олимлардан фарқли равишда Миср тарихини ўрганишга пухта ва мақсадли тайёрланади. Питри ёшлигидаёқ нафақат Миср ерлари қаърида яширилган барча сир-синаотларни билиш, балки топилмаларнинг дастлабки жойлашуви ҳақидаги илк тасаввурларга эга бўлиш мақсадида бутун худудни қаричма-қарич ўрганиб чиқишни мақсад қилган эди. У ёшлик йилларидан бошлаб қадимги даврга қизиқишдан ташқари табиий ва аниқ фанларни, хусусан, кимё ва математикани астойдил ўрганади. 1880 йилда у ўзининг орзуларидаги мамлакатга жўнаб кетади ва у ерда қисқа танаффуслар билан 46 йил давомида қазилма ишларини олиб боради. Археолог юнон колонияси Навратис, Миср пойтахтларидан бири – Иллахун (Кахун) каби бутун шаҳарларни, ибодатхоналар ва дахмаларни қазиб топади. Олиб борган тадқиқотлари натижасида у қадимги Миср тарихи ва маданияти соҳасида етук мутахассис бўлиб етишади. У.Питрининг илмий мероси 90 жилдли асарларида жамланган. Унинг уч жилдли “Миср тарихи” (1894-1905) китоби ушбу мавзуга бағишланган илк монографиялардан бири ҳисобланади. Питри Гиза пирамидаларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратади. Ҳатто у ташландиқ дахмалардан бирида яшаб, атрофи турли уйдирма ва ғайриоддий воқеалар ҳақидаги ҳикояларга тўла Хеопс пирамидасини ўлчаш билан шуғулланди. Айнан Флиндерс Питри пирамидашунослик илмий йўналишига асос солади ва археологик ишлар олиб бориш методикасини такомиллаштиради. У мазкур соҳадаги илмий тадқиқотларни молиялаштиришга ихтисослашган “Мисрни тадқиқот қилиш фонди”нинг асосчиларидан бири ҳисобланади. Ундан ташқари, олим очик ёдгорликларни асраб-авайлаш ишини ташкил қилиш соҳасига ҳам катта ҳисса қўшади.

Шундай қилиб, Мариэт, Масперо, Питри каби олимларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мисршунослик чинакам фан сифатида тараққий топди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шундай хулосага келишимиз мумкин. Қадимги Шарқ тарихшунослигининг шаклланишидаги биринчи босқич ёзма ва моддий ёдгорликларни тўплаш ва тизимлаштириш, уларни нашр этиш ва шарҳлаш билан боғлиқ эди ва бу шарқшуносликнинг илк даври эди.

**Инглиз шарқшунослигининг моҳияти.** Муаммони фалсафий англаш билан бир вақтда шаклланган Европа шарқшунослигида, ундан ташқари тўпланган маълумотларни ўзлаштиришга интилган фалсафа, сиёсий иқтисод, антропология, маданиятшунослик, тарихшунослик каби бошқа фанларда ҳам XIX-XX асрлар давомида катта натижаларга эришилди. [1:8] Бу борада нафақат Шарқнинг замонавий халқлари ҳамда уларнинг дини, маданияти, тарихи, иқтисодий алоқалари, ижтимоий тузилиши, бошқарув шакллари, солиқ ва ҳарбий тизими ўрганилди, балки узоқ вақт илгари тарих саҳнасидан ғойиб бўлган Шарқ халқлари ва давлатларини ўрганиш соҳасида ҳам кўплаб ишлар амалга оширилди. [1:8]

---

<sup>1</sup> Қадимги Миср фиръавнлари дафн этилган тобут.

Ушбу манбаларнинг барчаси тўпланиб, қиёсий таҳлил қилинди ва эришилган натижалар антропологларнинг дала тадқиқот маълумотлари билан таққосланди. Ўз навбатида олинган маълумотларни мутахассислар Европа мамлакатлари ва халқлари тарихидаги айнан шундай маълумотлар билан таққосладилар. Бир сўз билан айтганда, йирик ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Эндиги масала эса маҳорат билан ҳақиқатга яқин бўлган барча йирик ҳажмдаги маълумотларни шарҳлаш ва қадимги даврдан то ҳозирги кунгача бўлган дунё халқлари тарихини барча тафсилотлари билан изчил ёритиб бера оладиган умумий хулосани яратиш эди.

Тарихий аслият ва унинг талқин қилиниши – фаннинг асослари ҳисобланиб, уларнинг бири иккинчисига узлуксиз боғлиқдир. Маълум миқдордаги далилларнинг тўпланиши шиддат ва қатъийлик билан уларнинг изоҳланишини тақозо этади, изоҳ эса яратилган умумий режага мос келадиган янги далилларни яхшироқ ўзлаштиришга имкон беради. [1:8]

Жаҳон илм оламида муаллифлари дунё ва Шарқ тарихини умумлаштириб таҳлил қилишни мақсад қилган бир неча концепциялар юзага келди. Мана шундай ёрқин концепциялардан бири – бу инглиз тарихчиси А.Тойнбининг маҳаллий цивилизацияларга оид концепциясидир. Унинг моҳияти шундай иборатки, муаллиф томонидан кўриб чиқилган ўттиздан ортиқ цивилизацияларнинг ҳар бири нафақат ноёб ва бетакрор, балки ўзига яраша бебеҳо ҳам ҳисобланади. Улар барча учун баробар бўлган умумий қонуниятлар асосида ташкил топади, ривожланади, инкирозга юз тутаяди ва охир-оқибат ҳалокатга учрайди.

Шундай қилиб, юқоридагиларнинг барчасини хулоса қилган ҳолда, қуйидаги фикрга келиш мумкин. Бизнинг назаримизда инглиз шарқшунослиги мазкур назария ривожланишига хос бўлган оқим негизида пайдо бўлди. Қадимги Шарққа оид адабиётларнинг аксар қисмида мазкур фаннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, ундан ташқари мазкур йўлда юзага келган муаммолар ва айни пайтдаги фаннинг мавжуд муаммолари ҳақида яхлит тавсиф мавжуд эмас. Шу сабабли мазкур мақолада қадимги Шарқ цивилизациялари тарихшунослигининг пайдо бўлиши тарихини йирик шарқшунослик комплексининг бир қисми сифатида кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилинди.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, Европа шарқшуносларининг илк дунёқарашларини кенгайтириш борасида амалга оширган ишлари Инжилнинг таҳлил қилиниши билан боғлиқ. Кейинроқ эса Шарқ ҳақида тўпланган билимларнинг бойишига сиёсий иқтисод ва файласуф олимлар ўзларининг салмоқли ҳиссаларини қўшдилар. Таниқли олим А.Смит давлат солиғи ва мулк эгасига тўланадиган ижара ўртасидаги фарқни ўрганиш мобайнида Шарқда мазкур сиёсий ҳамда иқтисодий тоифалар ўртасидаги фарқнинг йўқлигига эътибор қаратди. Натижада олим бу ерда олий ҳукмдор бир вақтнинг ўзида мулк эгаси бўлиш билан бир қаторда ҳокимият вакили сифатида ҳам муносабатда бўлади, деган хулосага келди [1:5]

Айни пайтда, XX аср воқеалари ва, айниқса, ушбу асрнинг иккинчи ярмидаги сиёсий воқеалар жаҳон тарихининг умумлаштирилган концепцияси мавжуд бўлишини талаб қилади. Назарда тутилаётган мазкур талаб асосий қисми қарамликдан озод бўлиб, ўз мустақиллигини қўлга киритган Шарқнинг ривожланаётган давлатлар феномени билан узвий боғлиқ. Бу давлатларнинг ўзида нимани намоён этиши ва уларнинг тараққиёти истиқболлари қандай эканлиги бугунги кунда кўпчиликни қизиқтиради.

Ўзликни идрок этиш каби Шарқни идрок этишни ҳам, фикримизча, аввало эволюционизм ғояларидан изламоқ керак. Мазкур ғоя эса инсон табиатининг умумийлиги ва дунё тарихининг бирлиги натижасида юзага келган.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Васильев Л.С. История Востока. В 2-х томах: Учебник. Т.1. –М.: Высшая школа, 1998. – 495 с.
2. Зарецкая Д.М. Западная Европа и Древний Восток / Д.М. Зарецкая, В.В. Смирнова. 5-е изд., испр.– М.: Айрис-Пресс, 2004. – 304 с.

3. История Древнего Востока: Учеб. для вузов / Под ред. В.И. Кузищина. 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Высшая школа, 2002. – 462 с.
4. История Древнего Востока: Учеб.-3-е изд., перераб. и доп. – М.: Высшая школа, 2001. – 462 с.
5. История философии: Запад–Россия–Восток: Учеб. для высших учеб. зав. Кн.1: Философия древности и средневековья / Под ред. Н.В. Мотрошиловой. 3-е изд. – М.: Греко-латинский кабинет Ю.А. Шичалина, 2000. – 480с.
6. Классическое востоковедение и классический ориентализм / Под ред. проф. С.И. Лунева. – М.: Аспект Пресс, 2003. – 128 с.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Европа оламида, хусусан, Англияда Шарққа нисбатан қизиқишнинг бошла- ниши, ушбу мамлакатларнинг Европа илм олами учун кашф этилиши жараёни ёритиб берилди. Шу билан бир қаторда, мазкур мақолада Қадимги Миср тарихини ёритиш учун амалга оширилган экспедициялар, бу борадаги муаммо ва тўсиқлар, эришилган натижалар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье освещается начало интереса к Востоку в Европе, в частности в Англии, а также выясняется процесс открытия этих стран для европейского научного мира. Вместе с этим, в статье предоставляется информация о проведенных экспедициях для освещения историю Древнего Египта, проблемы и препятствия для достижения этих целей.

#### SUMMARY

The article highlighted the beginning of interest of the East in Europe, particularly in England, as well as given information about process of discovery these countries to the European scientific community. Along with this, the article is provided with information about the expeditions which were conducted to discover the history of Ancient Egypt, also problems and obstacles that suffered scholars to achieve their goals.

*Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## БУХОРО ТЕМИР ЙЎЛИНИНГ ҚУРИЛИШИГА ТАЪСИР КЎРСАТГАН ОМИЛЛАР

Юлдашев Б.Э. (ТошТМИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Бухоро темир йўли, Бухоро амири, Туркистон генерал-губернатор- лиги, Чоржўй-Зирабулоқ, Когон-Қарши-Термиз, М. Бородовский, Арминий Вамбери, В.А.Сухом- линов, А.В.Извольский, А.В.Самсонов, сиёсат, ҳарбий стратегия, иқтисодиёт.*

**Ключевые слова:** *Бухарская железная дорога, Бухарский эмир, Туркестанское генерал- губернаторства, Чарджуй-Зирабулак, Каган-Карши-Термез, М. Бродовский, Арминий Вамбери, В.А.Сухомлинов, А.В.Извольский, А.В.Самсонов, политика, военно-стратегия, экономика.*

**Keywords:** *Railways of Bukhara, Bukhara's emir, Turkistan general-governorship, Chardjuy- Zirabulak, Kagan-Karshi-Termiz, M.Borovski, Armini Vamberi, V.A.Suxomlinov, A.V.Izvolski, A.V.Sam- sonov, politics, military strategy, economics.*

Каспийорти ҳарбий темир йўл қурилиши ўз якунига етиш арафасида Россия ҳуку- мати Туркистон ўлкасининг марказий ҳудудларига (Самарқанд, Тошкент, Андижон) темир йўл қурилишини давом эттириш ғоясини илгари сурган. Албатта мазкур йўл Бухоро амирлиги ҳудудларини кесиб ўтиши, темир йўл кўтармаси, станция ва бошқа темир йўл иншоотлари учун ерлар ажратилиши ҳамда улар бевосита темир йўл ихтиёрига ўтказили- шини талаб қиларди. Мазкур ишларни амалга ошириш учун эса расмий бўлса-да, Бухоро амирлигининг розилиги зарур эди. Шунинг учун ҳам 1885 йил 25 июнда Қарши шаҳрида Бухоро амирлиги ҳудудларидан Каспийорти ҳарбий темир йўлини Тошкент шаҳригача давом эттириш ҳақида Бухоро амири ва Туркистон генерал-губернатори ўртасида шарт- нома имзоланган. Унда “Каспийорти вилоятида бошланган темир йўл қурилиши Бухоро амирлиги ҳудудларини кесиб ўтган ҳолда Тошкент шаҳригача давом эттирилади. Туркис-

тон генерал-губернатори бўлажак темир йўл қурилиши йўналишини Бухоро амири билан келишган ҳолда белгилайди, темир йўл қурилишининг техник талаблари, Бухоро амирлиги манфаатлари ҳамда амирлик аҳолисининг фаровонлиги эътиборга олинади,”– деб кўрсатилган эди. Шартномада Бухоро амирлиги “...давлат тасарруфида бўлган жойларни темир йўл қурилишига бепул инъом этиш”, “...темир йўл қуриладиган жойларда хусусий мулкдорларга тааллуқли бўлган ерларни Россия ва Бухоро ҳукуматлари томонидан белгиланган нархларда адолатли баҳолашда дўстона кўмаклашиш”, бундан ташқари “...йўл қурилиши ишларига маҳаллий аҳолини ёллаш”, ўлкада мавжуд бўлган “...қурилиш материалларини сотиб олиш” ишларига ёрдам беришни ўз зиммасига олди [1].

1886 йил 30 ноябрь – 1888 йил 17 апрель оралиғида Закаспий темир йўлининг 246 верст ( 1 верст – 1,06 км.га тенг ўлчов бирлиги) узунлигидаги Чоржўй-Зирабулоқ қисми фойдаланишга топширилиши билан Бухоро амирлиги ҳудудлари бўйлаб илк поездлар қатнови йўлга қўйилди [2]. Мазкур темир йўл аҳолиси зич, қишлоқ хўжалиги ривожланган Зарафшон воҳасини кесиб ўтиб, Ўрта Осиё, шу жумладан Бухоро амирлигининг иқтисодий ривожига муҳим аҳамият касб этди. Аммо Чоржўй - Зирабулоқ темир йўл тармоғи амирликнинг шимолий қисмида қурилган бўлиб, унинг жануби (Қашқадарё ва Сурхондарё) ҳамда Шарқий Бухоро ( Тожикистон) ҳудудлари темир йўлдан 600 километр ва ундан ошиқ олислиқда жойлашган эди. Бухоро амирлигининг Амударё яқинида жойлашган ерлари нисбатан қулай табиий шароитларга эга бўлса-да, дарёда кўп кема ўтказа олмаслиги ҳамда қиш ойида навигациянинг тўхтатиб қолиши сабабли Амударё флоти тобора ўсиб бораётган иқтисодий эҳтиёжларни тўлиқ қондира олмасди.

Амирликнинг тоғли ҳудудларида жойлашган Мозорисув, Яккасув, Сариоб ирмоқларида олтин, Регарда мис, Кўхистонда кўрғошин рудалари, Шеробод ва Кўрғонтепа бекликларида нефть, Дарбандда кўмир ва мрамар каби қимматбаҳо қазилма конлари мавжуд эди [3]. Унумдор тупроқ, иқлим шароитларининг юмшоқлиги одамларни ҳамма вақт ўзига жалб этиб келган. Воҳада кўплаб маъмурий ҳудудлар шаклланган бўлиб, Китоб, Чироқчи, Қарши, Шартовуз, Яккабоғ, Ғузор, Қоратов, Шеробод, Сарижўй, Ҳисор, Душанбе энг йириклари деб ҳисобланарди. Бироқ мазкур ҳудудлардаги табиий бойликлар Бухоро амирлиги иқтисодий тузумининг ўта қолоқлиги ва ночорлиги, шунингдек, арзон ва қулай алоқа йўлларининг йўқлиги туфайли деярли тегилмаган ҳолда сақланиб келинди. Бунинг устига XX аср бошларида мавжуд бўлган қадимги савдо йўллари эса ўта аянчли аҳволга тушиб қолган эди.

Туркистон ўлкасининг, шу жумладан, Бухоро амирлиги бойликларидан Россиянинг тобора ошиб бораётган саноат эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш, унинг табиий ҳамда иқтисодий бойликларини марказга ташиб кетиш, ўлкани хом ашё манбаи ва рус товарларини реализация (сотиш) бозорларига айлантириш масаласига Санкт-Петербург алоҳида эътибор қаратган. Ўлканинг Россия манфаати бобидаги ўрни ва аҳамиятини М.Бродовский шунда ифодалаган эди: “Империяга қўшиб олинган бу ҳудудга империя билан чамбарчас боғланган мустамлака сифатида қаралиши лозим...Бу жой Европа Россияси мануфактура саноати эҳтиёж сезаётган жанубий иқлим маҳсулотларини етиштиришга қодир. Қисман кўчманчи чорвадор ва қисман ўтроқ, асосан деҳқон аҳоли яшайдиган бу мустамлакада мануфактура саноати жуда паст ривожланган. Шунинг учун ҳам у табиий равишда Европа Россияси мануфактура маҳсулотлари чакқон сотиладиган бозорга айланади” [4].

Россия Ўрта Осиёни босиб олишга ҳозирлик кўраётган даврдаёқ Шарқ мамлакатлари масаласида Англия ва Россия манфаатлари тўқнашиб, гоҳ ошқора, гоҳ пинҳона кураш бошланган. Ўрта Осиё Чор Россияси томонидан истило этилгандан сўнг эса, бу зиддият ва ихтилофлар янада кучайган. Агар Россия Ҳиндистонни эгаллаган инглизлар тез орада Афғонистон ҳамда Туркистонга хавф туғдиришидан ташвишланса, ўз вақтида Англия руслар томонидан Ҳиндистон эгалланишидан хавфсирар эди. Қолаверса, Ўрта Осиёнинг туганмас бойликларидан баҳраманд бўлиш, ҳеч бўлмаса ундан бозор ўрнида фойдаланиш

инглизларнинг режасида йўқ, деб бўлмас эди. Шунинг учун ҳам ҳар иккала давлат бир-бирининг Шарқдаги фаоллашувини ошқора душманлик кайфиятида кутиб олар, ўз фойдалари йўлида маҳаллий давлатларнинг (Ҳиндистон, Хива, Бухоро, Қўқон, Афғонистон) манфаатларини мутлақо ҳисобга олмаган ҳолда ўз сиёсий ҳукмронлигини ўтказишга ҳаракат қилар эди. Пешт университетининг Шарқ тиллари ва адабиёти профессори Арминий Вамбери Россиянинг ғаними сифатида 1864 йилдаёқ Англия ҳукуматини рус армияси тобора Ўрта Осиё ҳудудларига яқинлашиб келаётганидан огоҳлантириб, уни Россияга бериб қўймасликка чақириб, “Россия фақат Бухоро билан чегараланадими? ...Мен Россия Туркистонни забт этганидан сўнг, бир кун келиб, Афғонистон ёки Шимолий Ҳиндистонга қараб юришдан ўзини тия олишини тасдиқлайдиган сиёсатдон билан учрашишни истар эдим... Менинг камтарона фикрим шу. Британия шери рус айиғи билан бу мамлакатларда душманлик муносабатида бўладими ёки ака-укаларча ўз ўлжаларини тенг бўлиб оладиларми – бу шундай масалаки, ўзини филологик тадқиқотларга бағишлаган бир дарвеш сифатида мен бунга бошқача ёндаша олмайман,” деб ёзган эди. [5]

1907 йилдаги инглиз-рус келишувига қарамасдан, Россия ҳарбий вазирлиги империя тасарруфидаги Ўрта Осиё чегараларини мустаҳкамлаш ва мулкларни ҳимоя қилиш режаларини ишлаб чиқишни давом эттирди. Россия ҳарбий вазири 1910 йил 30 январда Россия ташқи ишлар вазирига ёзган хатида: “Мабодо инглиз-афғон чегарасида ҳарбий тўқнашув юз берган тақдирда, Бухоро-афғон чегараларини Ўрта Осиё темир йўллари билан боғлаб турувчи темир йўл тармоқларининг биз учун қанчалик зарур эканлиги ойдинлашади. Ҳарбий қисм ва юкларни Қобул йўналиши бўйлаб сафарбар этишни темир йўлсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу боисдан Самарқанд ва Бухоро йўналишидаги бирон-бир станциядан Термизга темир йўл ўтказиш мақсадга мувофиқдир. 1908 йилда Туркистон генерал-губернаторлиги томонидан уюштирилган илмий-қидирув ишлари хулосасига кўра, Когон (Янги Бухоро)-Қарши-Шеробод-Термиз йўналишида темир йўл қуриш нисбатан қулайроқ деб топилган. Бухоро амирлиги мазкур темир йўл тармоғидан катта миқдорда иқтисодий самара кўради, шунинг учун ҳам амирлик пул маблағларини темир йўл қурилишига жалб қилиш мақсадга мувофиқдир, бу эса ўз вақтида темир йўл лойиҳасини амалга оширишни жадаллаштиришга туртки беради,” деб қайд этган эди” [6].

Кўтарилган масала юзасидан 1910 йил 6 февралда Россия ташқи ишлар вазири А.П.Извольский ҳарбий вазирга ёзган жавоб хатида, “Лойиҳалаштирилаётган темир йўл тармоғи биз учун сўзсиз иқтисодий ва стратегик аҳамиятга моликдир. Мабодо бирон-бир ҳарбий ҳаракатларни амалга ошириш тўғри келса, мазкур йўл бизга Афғонистон чегараларига зарур миқдордаги ҳарбий қисм ва юкларни зудлик билан сафарбар этиш имкониятларини яратади. Янги Бухоро-Термиз темир йўл тармоғи узоқ вақт нафақат фойда олиб келмаслиги, ҳатто биз учун зарарга ҳам ишлаши мумкин. Унинг узунлиги тахминан 300 верст деб ҳисобласак, ҳар бир верст темир йўл қурилишига энг кам ҳисобда 60000 рубль сарфлаган тақдиримизда ҳам умумий харажат 18000000 рублни ташкил қилади. Ҳар қандай ҳолатда йўлга сарфланадиган харажат бундан кам бўлиши мумкин эмас. Менинг назаримда, йўлнинг Қарши ва Термиз оралиғидаги тоғли қисми техник жиҳатдан қийинчиликларни туғдириши эҳтимолдагн холи эмас”, – деб таъкидлаган [7].

Шундай қилиб, рус амалдорлари, хусусан, Россия ҳарбий вазири В.А.Сухомлинов, Ташқи ишлар вазири А.В.Извольский, шунингдек Туркистон генерал-губернатори А.В.Самсоновлар Бухоро темир йўли қурилишига стратегик нуқтаи назардан ёндашиб, Когон (Янги Бухоро)-Термиз темир йўл тармоғининг қурилиши Россиянинг жануби-шарқий Бухородаги “афғон чегараларида” мавқеини барқарорлаштиради, деб ҳисоблардилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Бухоро темир йўлининг иқтисодий аҳамияти аниқ эмас, ҳатто мужмал эди. Шунинг учун ҳам, дастлаб (1910 йил) қурилиш ишларига “Бухоро давлат хазинаси пул маблағларини” жалб қилиш, бу борада Бухоро ҳукумати билан музокаралар олиб бориш назарда тутилган бўлса, тез орада бу фикрдан воз кечилиб,

март ойида Туркистон генерал-губернаторлигига “мазкур масала узил-кесил ҳал этилмагунча,... Бухоро амирлиги билан музокараларга киришмаслик” ҳақида кўрсатма берилган [8].

1910 йилнинг 9 апрель куни бўлиб ўтган Россия ҳукуматининг Кенгашида Бухоро темир йўли масаласи муҳокама қилинган. Кенгашда Когон-Термиз темир йўлининг қурилиши “шарофати билан” Бухоронинг бой ҳудудларини Россиянинг маркази билан транспорт алоқалари орқали бевосита боғлаш имконияти пайдо бўлади, деб алоҳида уқтирилган. Аммо Кенгаш аъзолари Бухоро темир йўлининг имкониятлари ва унинг келажакдаги иқтисодий самарасига баҳо бериш борасида, “...йўл даромад келтирмайди”, “...амирликнинг пул маблағларини қурилишга жалб қилиш ноқулай”, “...амирликда қурилиш ишларига етарли даражада маблағнинг ўзи ҳам йўқ”, “...йўл биз учун фақат зарарга ишлайди,” деган нотўғри хулосаларга келишган. Шунинг учун ҳам дастлаб Когон-Қарши темир йўл тармоғини қуриш билан кифояланиш, қурилиш ишларига фақатгина рус сармоядорлари ва тадбиркорларини жалб этиш ҳақида қарор қабул қилинган [9]. Аслида эса Бухоро амирлигида 2200 минг десятина экин майдонининг 1700 минг десятинасини суғорма деҳқончилик ташкил қилиб, шундан 800 минг десятинасида буғдой, 300 минг десятинасида арпа, 200 минг десятинасида маккажўғори, 150 минг десятинасида зиғир, 100 минг десятинасида шоли, 100 минг десятинасида пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилган. Амирликда чорвачиликка катта эътибор берилган бўлиб, 1913 йилдаги статистик маълумотларга кўра ҳудудда 20 миллионга яқин қорамол мавжудлиги аниқланган. Айниқса қорақўлчилик ривож топган бўлиб, 3,5 миллион дона қўйларнинг зотдор турлари парваришланиб, улардан йилига 40 минг пудгача ниҳоятда сифатли, жаҳон бозорларида юқори баҳоланадиган қорақўл терилари олинган [10].

1909–1914 йилларда Россия саноатининг юксалиши, айниқса тўқимачилик саноатининг пахта хомашёсига бўлган талабининг тобора ошиб бориши Туркистонда ички темир йўллар (Когон-Қарши-Термиз) қуриш масаласига амалий жиҳатдан киришишга туртки берган. Мазкур темир йўлнинг қурилиши бир томондан рус сармоядорларига Бухоро ҳудудларидаги табиий бойликларни ўзлаштириш учун катта имкониятлар яратса, иккинчи томондан рус, афғон ва Шарқий Бухоро бозорларини ўзаро боғлаб, ички ва ташқи савдонинг ривожланишига кўмаклашар эди.

Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган ҳудудларда 1911 йилнинг октябрь-ноябрь ойларида қидирув-тадқиқот ишларига киришилди ва 1912 йилнинг бошларида бўлажак темир йўлнинг асосий йўналиши (узунлиги 584,34 верст бўлган Когон-Қарши-Керки-Келиф-Термиз линияси Қарши-Ғузор-Китоб тармоғи билан) аниқланди ҳамда қурилишнинг тахминий умумий қиймати Термизгача бўлган асосий йўл 21 255 348 рубль, Китобгача бўлган қўшимча темир йўл тармоғи 5 279 118 рубль, ҳаммаси бўлиб 26 534 446 рубль қилиб белгиланган [11].

Россия ҳарбий вазирлиги томонидан 1910 йилда илгари сурилган Бухоро темир йўли қурилиши масаласи, 1913 йил 13 июлда Бухоро темир йўл акциядорлик жамиятининг низоми Россия императори томонидан тасдиқлангандан сўнг, 1914 йилнинг апрель ойида Когондан Термизгача бўлган ҳудудларда темир йўл қурилишига киришилди [12]. 1916 йил 9 февралда умумий узунлиги 460 верст (489 километр)лик Когон станциясидан Термиз шаҳригача бўлган масофада темир йўл рельсларини ётқизиш ишлари якунланди ва шу куни Янги Бухородан Термиз шаҳрига биринчи ҳарбий поезд кириб келган [13]. Аммо темир йўл бўйлаб депо, станция, вокзал ва бошқа иншоотлар қурилиши ҳали ўз якунига етмаган, шунингдек, Ғузор-Китоб (70 верст-74 км.) линиясида темир йўл қурилиши ишлари давом этмоқда эди [14].

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро темир йўлининг қурилиши Россия учун иқтисодий жиҳатдан Бухоро амирлиги билан ўзаро савдо-сотиқни қўл остида бирлаштириш, рус товарларини сотишга катта имкониятлар яратиш, амирлик бозорларини ҳеч қандай шерикларсиз, четдан аралашувдан холи том маънода русларникига айлантириш, сиёсий жиҳат-



дан Россиянинг Шарқдаги маънавий устуворлигига замин яратиш, ҳарбий-стратегик жиҳатдан зарур бўлган қисқа муддатда куролли кучларни Каспий денгиздан Орол денгизи ва унинг ирмоқлари орқали Туркистон ўлкасининг ички ҳудудлари томон сафарбар этишга имкониятлар яратиш, ҳеч қандай тўсиқларсиз бошқа Европа давлатлари қўллари етмайдиган жойларда Россиянинг таъсирини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилган. Шунга қарамадан, Бухоро темир йўлининг ишга туширилиши амирликнинг ички ҳудудлари билан Россия ўртасида ўзаро савдо алоқаларининг ривожланишига, амирлик ҳудудларидаги иқтисодий биқиклик ҳолатига барҳам бериб, хўжалик ишлаб чиқариши ва бозор муносабатларининг тараққиётига ижобий таъсир кўрсатган.

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Срене-Азиатской железной дорогой. Часть I. Составитель С.И.Гулишамбаров. – Асхабад, 1913. – С. 191-192.
2. Ковалев П.А., Рахматов М. Страницы строительства Бухарской железной дороги в 1914-1916 годах. Труды САГУ. Материалы к вопросу прогрессивного значения присоединения Средней Азии к России. Нов. сер. Вып. 142. Ист. науки, книга 30. – Т.: Изд.-во САГУ, 1958. – С. 87.
3. Экономический обзор Туркестанского района обслуживаемого Средне-Азиатской железной дорогой. Часть I. Составитель С.И.Гулишамбаров. – Ашхабад, 1913. – С. 215-217.
4. Бродовский М. Колониальное значение наших среднеазиатских владений для внутренних губерний. – М., 1891. – С. 4.
5. Исмагуллаев Х. Вамбери олимми, жосус. Фитна санъати. – Т.: Фан, 1993. – 156 б.
6. ЎзМДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 277-иш. Письмо Военного Министра В.Сухомлинова Министру Иностранных дел А.П. Извольскому 30 января, 1910 года.
7. ЎзМДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 277-иш. Письмо Министра Иностранных дел А.П. Извольского В.Сухомлинову 6 февраля 1910 года.
8. ЎзМДА, 2-фонд, 1-рўйхат, 277-иш. Письмо из Генерального Штаба генерал-губернатору Туркестана А.В.Самсонову. 30 марта 1910 года.
9. Ўша манба.
10. Экономический обзор Туркестанского района. – С. 215-217.
11. Ковалев П.А., Рахматов М. Страницы строительства Бухарской железной дороги в 1914-1916 годах. Труды Среднеазиатского Государственного Университета им. В.И.Ленина. Материалы к вопросу прогрессивного значения присоединения Средней Азии к России. Новая серия, выпуск 142. Исторические науки, книга 30. – Т.: Издательство САГУ, 1958. – С. 92-93.
12. Ковалев П.А., Рахматов М. Кўрсатилган манба. – С. 96-97.
13. Ўша асар. – Б. 107.
14. ЎзМДА, 3-фонд, 1-рўйхат, 924-иш, 9-варак. Отношение главного инженера Бухарской железной дороги Барона Росс. Имп. полит. агенту в Н. Бухаре. 12 августа 1916 года.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада архив ҳужжатлари асосида Бухоро темир йўли қурилишига таъсир кўрсатган сиёсий, ҳарбий-стратегик ва иқтисодий омиллар таҳлил қилинган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье на основе архивных документов раскрыты основные факторы (политические, военно-стратегические и экономические), оказавшие влияние на строительство железной дороги в Бухарском эмирате.

#### **SUMMARY**

In this article archival documents based on the main factors (political, military- strategic and economic) that influenced the construction of the railway in Bukhara were revealed.

*Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ ЎЗБЕКЛАРИНИНГ ГЎДАК ТУҒИЛИШИГАЧА БЎЛГАН ДАВРИ ҚАДИМИЙ ЭЪТИҚОДЛАРИ

Саматова Ф.Н. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** Қашқадарё, воҳа, оила, ҳомиладорлик, гўдак туғилгунигача бўлган давр, удум, расм-русум, чилла, Биби Фотима, Биби Зухра.

**Ключевые слова:** Кашкадарья, долина, семья, беременность дородовой период, обичой, традиция, чилля, Биби Фотима, Биби Зухра.

**Keywords:** Kashkadarya, oasis, family, tradition, pregnancy, chillla, eve of birth period, Bibi Zuhra, Bibi Fotima.

Ўзбек оиласида бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ удумларни этнографик йўналишда ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар яратилган. [1] Жумладан, Қашқадарё воҳаси ўзбекларида гўдак туғилиши ва тарбиясига оид бўйича баъзи асарлар мавжуд бўлса-да, [2] лекин илмий тарзда тўлақонли ўрганилмаган. Қуйида янги тарих - этнология ва дала тадқиқотлари асосида воҳа ўзбекларида фарзанд туғилишигача бўлган удумлар ва расм-русумлар баён этилади.

Бола туғилиши оилада энг қувончли ва муҳим воқеа ҳисобланади. Оиланинг серфайз ва бадавлат бўлиши учун фарзанднинг ўрни бекиёсдир. Фарзанд ота-онанинг кексалигида суянган тоғидир. Оиланинг барча аъзолари, асосан эр-хотин фарзандлари бўлмаса, жуда каттиқ қайғуришган. Фарзандсиз хотинга жамоа ва оилада ножўя айблар, баъзан лақаб ва номлар ҳам қўйилган, тўй ва ҳашамларга чақирилмаган. Фарзандсизлик оила ва энг яқин қариндошларининг бахтсизлиги ҳисобланиб, кўпинча эр ва хотиннинг ажралиб кетишига ҳам сабаб бўлган.

Ўзбекистонда, хусусан, Қашқадарё воҳасида серфарзанд оилалар ҳамиша эътиборли ва ҳурматли саналган. Ёш келин-куёвлар туғилажак фарзанди хусусида орзу қилишган. Эркаклар фарзандлари, хусусан, ўғил боласи борлиги билан обрўли бўлиб, давраларнинг тўрида ўтирган. Серфарзанд аёллар келинлар тўйига яхши ниятлар билан хизмат қилишга таклиф қилинган.

Халқимизда бола улуғланган қатор мақоллар мавжуд: “Болаликнинг бели чинор - боласизнинг бели синар”, “Бола – рўзғор таянчи”, “Болали уй – бозор, боласиз уй – мозор”, “Ўғли борнинг ўрни бор, қизи борнинг қадри бор”, “Балиқ тириклиги сув билан, одам тириклиги фарзанд билан”, “Қирқта бўлса қилиғи бошқа, ўнта бўлса ўрни бошқа” ва ҳоказолар.

Маълумки, ўтмишда иқтисодий ночорлик, тиббий хизматнинг пастлиги туфайли болалар орасида турли юқумли касалликлар тарқалиб, гўдакларнинг ўлими кўп бўлган. Натижада халқимиз асрлар оша гўдакларни асраб-авайлаб ўстириш учун турли ирим-сирим, удум ва маросимлардан ҳам самарали фойдаланиб келишган. [3]

Ўзбек халқи кўпгина маросимларида фарзандлар кўпайишини ният қилиб, тўй маросимларда товук тухуми, қўй гўшти, ёнғоқ, майиз ва турли мева-чеваларнинг ишлатилиши ҳам серфарзандликка ишорадир. Келин отга минганда унинг олдида 4-5 яшар ўғил укаси ёки жияни миндирилган. Келин-куёвлар чимилдикқа киришганда тиззаларига 1-2 яшар ўғил бола ўтқизилган. Хуллас, кишилар келин-куёвларни бахтли, ували-жували, серфарзанд бўлиши учун яхши ниятлар тилашган.

Оилада аёл фарзандсизлик учун айбдор ҳисобланган. У мулла, эшон, кушноч, бахши ва бошқа азайимхонларга кўрсатилган. Аёл фарзанд кўриш учун турли азиз-авлиё ва муқаддас жойларга бош уриб сиғинган. Мулла, эшонлар аёлни қайтарма қилиб ўқиганлар, маросим туширувчи кампирлар эса фарзандсиз аёлни суқ ва кўздан асраш учун товуклар билан қоққанлар. Узоқ вақт аёл фарзанд кўрмаса, эри бошқа хотинга уйланишга мажбур

бўлган, гоҳида эр ва хотин биргаликда азайимхонларнинг берган маслаҳатларига тўла амал қилганлар.

Фарзанд истаб Бухородаги Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, Самарқанддаги Шоҳи Зинда, Қаршидаги Хўжа Убайдуллоҳ Жарроҳ, Касбидаги Мир Ҳайдар Султон, Қамаши туманидаги Катта Лангар ота каби муқаддас жойларга ҳам боришган, уларга атаб жонликлар сўйишган. Шайхларга назр қилишиб, бошдан-оёқ сарпо берилган. Қайтаётганида эса тош олиб кетишган. Агар фарзанд туғилса, бир йилдан сўнг бола билан биргаликда мазкур тош ҳам олиб келинган. [4]

Жиззах воҳасида 40 нафар йигит уйга таклиф этилган. Гўёки 40 нафар йигитнинг берган дуоси ерда қолмас эмиш, баъзан 40 нафар йигит отнинг устидан туриб дуо берган. Ана шу пайтда йигитларнинг бири отдан тушиб улоқнинг қонини чиқарган.

Туғмаган аёллар чиллага ҳам солинган, бу маросим 40 кун давом этган. Бу давр кичик чилла (20 кун) ва катта чилла (40 кун) дан иборат бўлган. Аёл бахши кўлида кўчирма қилиниб боқтирилган, маълум муддат у ташқарига чиқарилмаган. Қишлоқларга айиқ ўйна-тувчилар келганда туғмас аёллар айиқнинг остидан ўтишган, жунидан олиб куйдиришган ва ҳидлашган. Аёллар зиёратгоҳларга борганида, ўша жойнинг сувидан олиб келиб ювинишган ва чой қилиб ичишган. Улар янги сўйилган молнинг қонини юзларига суртишган, катта тўй ва маросимларда ўчоқлар ичига ўтказилган, эски қора чироклар уларнинг этаги остига қўйилган. Кекса аёлларнинг фикрича, туғмас хотинларнинг кўпчилиги қулфланиб қолар эмиш. Шунинг учун садақа қилиб берса, қулфи очилар эмиш. Аёллар фарзанд кўриш истагида Шаҳрисабз, Бухоро, Самарқанддаги катта эшон ва муллаларга бориб ўқитилган. Қишлоқларда “бахши момолар” супра ёзиб, чирок ёқишган, оқ товукни сўйиб туғмаган хотиннинг белидан айлангиришган.

Аёл фарзандсизлигининг сабабини билиш учун фолбинга фол очирганлар. Бунинг учун фол очиш, китоб ўқиш, пиёладаги тоза сувга оқ пахта ташлаш, чилдирма чалиш, қамчи билан уриш, қий, нўхат сочиш каби турли усулларни қўллаш шаклида амалга оширилган. Фолбин ҳам фол кўришда унинг тўғри чиқиши учун Шоҳи Зинда, Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанд, Мир Ҳайдар Султон, Катта Лангар ота каби қадамжоларнинг номларини тилга олган, уларга сиғиниб, улардан мадад сўраган. Агар бефарзанд аёлнинг айби кўп бўлса, қирққиз париларига ёлворишган. Мисқол ва Юнус париларни қирқ қизларнинг раҳбари деб билишган. Фолбин фол очишдан ташқари азиз-авлиёларга сиғиниш кераклигини, уларга назр-ниёз қилишни тавсия этган.

Оилада ҳомиладор аёлни “оғир оёқ”, “иққиқат” деб авайлаб-асраганлар, номи илтифот ва иззат-икром билан тилга олинган. Келинга ота-онаси, қайнота-қайнонаси, эри ва қайинсингиллари томонидан алоҳида эътибор берилган, оғир ишлар буюрилмаган, бегона кўзлардан сақлаш учун тўй ва бошқа жамоавий маросимларга иштирок этиш учун рухсат берилмаган. Туғилажак болага зиён-заҳмат етмаслиги учун аёл яшайдиган уйга ҳар хил жанговар қуроллар, бўри тиши, бургут тумшуғи, исириқ осиб қўйилган. Ҳомиладор аёлнинг мазорларга, хилват жойларга юриши ҳам тақиқланган.

Келинларга инсу жинслардан сақланиш учун гўнг, кул, кир ўраси, мол сўйилган жой, эски ошхона, тандирлар устидан босиб ўтиш тақиқланган. Ҳомиладор аёлнинг кечаси ташқарига чиқиши ҳам мумкин бўлмаган. Баъзан она ва бола нобуд бўлса, “дев босди”, “жин чалди”, “жин уриб кетди” каби ирим-сиримлар сабаб қилиб кўрсатилган. Шунинг учун ҳам ҳомиладор аёлларни, айниқса, кўзи ёриган ёш келинчаларни туғиш вақтида онаси, бувиси ёки янгаси ёнида бўлган. Бегона кишилар, фарзандсиз аёллар уларнинг яқинига йўлатилмаган. [5]

Кексаларнинг айтишларича, жинлар, ажиналар, оқ ва қора девлар ҳомиладор аёлларнинг доимо хаёлларида бўлиб, уларнинг бола кўтаришларига ҳалал берар эмиш. Агар аёлнинг қорнидаги боласи қимирласа ёки тез-тез касал бўлиб турса, унга фол очирилган,

ирим-сирим ўтказилган, бу эса уни руҳий жиҳатдан тинч бўлишига ва боласининг меъёрда ўсишига имконият яратади, деган хулосага келинган.

Ҳомиладор аёл истеъмол қиладиган овқатларга катта эътибор берилиб, унга ширин чой, новвот, тухум, сариеғ истеъмол қилиш тавсия этилган. Туғилган бола киндикка ўралиб қолади, деб аёл нарсалар устидан сакраб ўтмаган. Дард тутганда туғиш енгиллашсин деб хонанинг тўрт бурчагига оқ латта илинган, тўлғоқ тутаётган аёл бошига ҳам оқ рўмол боғланган. Бу оқлик бахт йўли бўлсин, деган рамзий маънони англатган. Туғишни омон-эсон ўтказиш учун киндик кўтариш усули қўлланилган. Баъзан аёллар муддатидан аввал туғишган. Етти ва тўққиз ойлик туғилган гўдаклар омон қолган. Бу чала туғиш билан боғлиқ бўлган кўп ирим-сиримлар ҳам мавжуд бўлган.

Айтишларича, туғиш пайтида она ва болага зиён-заҳмат қаршилиқ кўрсатар эмиш. Шунинг учун боланинг туғилиш вақти ҳеч кимга айтилмаган, ҳатто кўшнилари ҳам сезишмаган. Агар бу ҳақда бошқалар билса, туғиш чўзилиб она қийналади деб билишган. Туғиш жараёни жуда чўзилиб кетса, қишлоқдаги доя кампир қақирилган. Бу пайтда доя кампирлардан ташқари аёлнинг онаси ва энг яқин қариндош аёллари ҳам иштирок этишган. Агар улар бўлмаса, баъзан ёрдамлашиш учун серфарзанд ва тажрибали аёллар ҳам таклиф этилган.

Воҳанинг аксарият қишлоқларида энг тажрибали, серфарзанд доя аёллар бўлиб, туғаётган аёлга бор меҳри билан кўмаклашишган. Агар туғиш қийинлашса, аёлни кўрпага ўраб ётқизишган ва унга тасалли беришган. Бола туғилаётганда доя кампир аёлга қўлини теккизишдан олдин “Менинг қўлим эмас, Биби Фотима билан Биби Зухралар қўли” деб сўз бошлашган (Биби Фотима ва Биби Зухра – Муҳаммад Пайғамбарнинг қизлари бўлишган). Агар бу жараён яна оғир кечаверса, ёмон жинлар тегди деб билишган. Аёллар кўрқиб дарди енгиллашсин деб ёнига чойнак синдириб қўйилган. Яна аёл бошида қилич яланғочланган, бир неча эркак уйга кириб, қурол-яроғларини шарақлатиб, оловга туз сепишган. Ёмон инсу жинслар қочсин деб, эркаклар (асосан ота) милтиқдан ўқ узишган. [6]

Бундан ташқари, кўпинча ота-она чопонининг этаги билан кўзи ёриган аёл силанган. Баъзан мулла келиб сув ичирган ва дам солган. Туғиш вақтида эркаклар ва ёш болалар уйдан узоқлаштирилган. Ҳомиладор аёлнинг йўли очилсин ёки енгиллашсин деб унинг жамалаги ечилиб, сочлари ёйилган. Бу пайтда “қулф”, “ҳалқа”, “калит”, “ангишвона”, “чучвара” каби нарсалар тилга олинмаган. Гўёки булар туғишни орқага сурар эмиш. Инсу жинс хавф солмаслиги учун аёл ёстиғи остига исирик, саримсоқ пиёз, пиёз, зира, пичоқлар қўйилган, эшик қулфлари, баъзан дарча ва деразалар ҳам очилган.

Хуллас, фарзанд туғилишигача бўлган давр билан боғлиқ удумлар Ўзбекистоннинг, қолаверса, Қашқадарё ҳудудида ўзига хос этнохудудий хусусиятларга эга. Гўдакнинг соғлом туғилишигача вақтидаги урф-этиқодларда жамоа аъзолари фаол иштирок этишган. Мазкур этиқод ва расм-русумлардан ягона мақсад: чақалоқни барча ёвуз куч ва бегона кўзлардан сақлаш, унинг соғлом, чиройли, зукко, хушхулқ фазилятларга эга бўлиб ўсиши ва онанинг ҳам соғлом бўлиб, келгусида янада кўплаб фарзандларни вояга етказиш ҳисобланган. [7]

#### **Фойдаланилган манба ва адабиётлар**

1. Бикжанова М.А. Семья в колхозе Сухарева О.А., Бикжанова М.А. Пришлое и настоящее селения Айкьран. – Т., 1955. – С. 173-234.
2. Моногарова Л.Ф. Воспитание детей. – Этнографические очерки узбекского сельского населения. – М., 1969. – С. 212-222.
3. Ферштейн Л.А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением ребёнка у узбеков Южного Хоразма. – Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казакстана. – М., 1978. – С. 189-208.
4. Ташбаева Т.Х., Савуров М.Д. Новое и традиционные в быту сельской семьи узбеков. – Т., 1989. – 160 с.

5. Азимова Н.Х. Система-традиционного воспитание детей в узбекских сельских семьях (на примере Андижанской области): автореф. диссер... канд. ист. наук. – Т., 1987. – 19 с.

6. Жумаев А.Ш. XIX аср охири – XX аср бошларида Бухоро воҳаси ўзбек ва тожикларида бола туғилиши ва тарбиясига боғлиқ урф-одат ва маросимлар: тар. фан. номз. дисс... – Т., 1991. – 212 б.

7. Ҳамроқулова Б.М. Сурхондарё воҳасида бола туғилиши ва тарбияси билан боғлиқ урф-одат ва маросимлар (XIX аср охири – XX аср бошлари): тарих фан. номз. дисс... – Т., 2002. – 181 б.; Убайдуллаева Б.М. Ўзбекларнинг бола тарбиясига доир анъаналари ва инновация (XIX асрнинг 2-ярми-XXI асрнинг бошлари): тарих фан. док. дисс... автореф. – Т., 2018. – 73 б.

8. Шаниязов К.Ш. Узбеки-карлуки. –Т., 1964; Бўриев О ва бошқ. Ўзбек оиласи тарихидан. – Т.: Ўқитувчи, 1995. – 127 б.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тарих-этнография ва дала материаллари асосида Қашқадарё воҳаси ўзбекларнинг бола туғилишигача бўлган даврдаги қадимий эътиқодлари ёритилган.

#### РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе историкоэтнографических и полевых материалов освещается древних мерования до рождения ребёнка у узбеков Кашкадариньского оазиса.

#### SUMMARY

In this article ancient beliefs are highlighted which based on historical-etnography and field materials according to Uzbek eve birth period in Kashkadarya oasis.

*Наишга доц. О.Бўриев тавсия этган*

## ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИДА МУНТАЗАМ ҚУРОЛЛИ ҲАРАКАТ ТАЪМИНОТИ (1921-1926)

Равшанова Г.П. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** воҳа, қуролли ҳаракат, таъминот, вилоят, округ, ижроия, қўмита, басмачилик, амир, Афғонистон, “Аксиланқилобий ташкилот”, қўрбоши, ГПУ (БСБ), начальник, ҳокимият, истиқлолчилик, жади́д, Қизил Армия, қўмондон, фронт, тўқсоба, додҳо, бошқарма, тартиб, амалдор, суд, қамоқ, жазо, милиция, кенгаш, ҳаракат, полк, дивизия, қисм, тарғибот, тўп-понча, ҳукм, очарчилик, уезд, қатагон, рўйхат, қўзғолон, исён, мағлубият, кураш.

**Ключевые слова:** оазис, вооружённое движение, обеспечение, область, округ, комитет, басмачество, эмир, Афганистан, “Контрреволюционная организация”, курбаши, ГПУ, начальник, хокимият, независимость, джадид, красная армия, полководец, фронт, управление, порядок, суд, тюрьма, наказание, милиция, кенгаш, движение, полк, дивизия, часть, пропаганда, пистолет, приговор, голод, уезд, репрессия, список, восстание, поражение, борьба.

**Keywords:** oasis, military action, procurement, province, county, executive, committee, basmachi, emir, Afghanistan, “Anti-terrorist organization”, commander, GPU (BSB), head, government, independence, jadid, red army, commander, front, saddle, dodhoh, board, order, officer, court, imprisonment, penalty, police, council, action, regiment, division, partition, propaganda, pistol, verdict, famine, riot, repression, list, revolt, rebellion, defeat, struggle.

XX асрнинг биринчи чораги охирларида Совет ҳокимияти Россия империясига вассал бўлиб келган Бухоро амирлигига хужум қилиб, уни босиб олган эди. Амирликнинг асосий худудларидан бўлган Қашқадарё воҳаси ҳам қизил салтанат ҳукмига ўтган, совет тузумини ўрнатиш Ўзбекистон жанубий қисмида қаттиқ қаршилиқларга дуч келган эди.

Қашқадарё вилоят ижроия қўмитасининг 1924 йил учун тайёрланган ҳисоботида воҳада “босмачилик 1921 йилда, Амирнинг Афғонистонга қочганидан (1921 йил 5 март – Г.Р.) сўнг бошланганлиги”<sup>1</sup> қайд этилади.

<sup>1</sup> ҚВДА. 83-жамғарма. 1-рўйхат, 12-иш, 63-бет.

Воҳада “Аксилинқилобий ташкилот” томонидан тузилган курулли гуруҳлар сони 40 дан ошиқ бўлиб, улар таркибида 17 минг эл навкар бор эди. Вилоят ижроия кўмитаси ҳисоботида ташкилотнинг Афғонистонда турган Амир билан алоқалар ўрнатилганлиги айtilган. Бухоро халқ совет республикаси нозирлари кенгаши раиси Файзулла Хўжаев “1921 йилнинг охирида босмачилик шу қадар кенгайиб кетдики, босмачилик ҳаракатининг раҳбарлари Фарғона ва Туркистоннинг бошқа қисмларидаги босмачиларнинг ҳатто энг ашаддий кўрбошилари ҳам қилмаган қабиҳликларни қилиш даражасига бориб етдилар. Босмачилик ҳаракатининг раҳбарлари, очиқдан-очиқ сиёсий талаблар қўйиш даражасига бориб етдилар”<sup>1</sup>, – деган эди.

ГПУ (БСБ)нинг Қашқадарё округ бўлими махфий маълумотида “Косон тумани ижрокуми ва начальникилари (милиция ) ва маорифчилари босмачи бўлиб чиққанлиги”<sup>2</sup> кўрсатиб ўтилади. Косон тумани ижроия кўмитаси раиси муовини вазифасида ишлаган Турди Тўқсоба Эштўхтар ўғли (Арабхона кишлғидан) Косонга яқин Майманок тоғида кўл остидаги 600 жигити<sup>3</sup> билан Совет ҳокимиятига қарши курашишга қасамёд қилади.

1921 йилда мунтазам курулли гуруҳлар тузган кўрбошилар орасида Тангри Берди додхоҳ, Эшкул додхоҳ, Дониёрбек, Авлиёқулбек, Бозорбек, Мавлонбек, Мулла Абдурахмонбек, Мулла Жума қоравулбеги, Жума қоравулбеги, Гул оқсокол (Косон тумани ижрокуми раиси), Эшонқул Турсун (деҳқон), Баҳром бойвачча, Мулла Абдурозик Хўжанди, Мулла Абдусаттор Тўрабой, Мулла Муҳаммад Тўрабой, Мулла Муҳаммад Али, Очилбек, Холиқулбек, Баҳромбек, Хўжамқул, Қодир полвон, Жабборбек, Шайман мирохур, Назарбеклар ҳаракат доираси ва жигитлари сони (250 дан – 500 гача) билан алоҳида ажралиб турган.

1923 йилга келиб, собиқ Бухоро амирлиги ҳудудларида Совет ҳокимияти ўрнатишига қарши курулли кучлар – гуруҳлар сони 46 та эканлиги манбаларда қайд қилинади. Шу гуруҳларнинг бир қисми Қашқадарё воҳасида, унинг куйи ва тоғли ҳудудларида ҳаракатланган. Косон ва Бешкент, Жейнов томонларда Қизил Армия қисмларига қарши Турди Тўқсоба мунтазам курулли гуруҳи кураш олиб борган.

1923 йилда Қашқадарё воҳасига – Қарши, Косон, Ғузор, Шаҳрисабзга 4-, 10-, 12-ўқчи полклар, отлик аскарлар жойлаштирилади. Бу пайтда вилоят ҳудудида 1160 та Совет ҳокимиятига қарши кўрбошилар ва жигитлар курашда бўлиб, уларда 6 та пулемёт бор эди.

Қашқадарё воҳасида ҳаракатланган истиқлол жангчиларининг сони, курул-яроғи ва таъминоти масалалари билан Қизил армия кўмондонлиги, партия ва совет органлари, ГПУ (БСБ) ва милициянинг қаттиқ разоратида эди, шунга қараб армия сафарбарлиги таъминланган.

Турди тўқсобанинг мунтазам ҳаракатдаги ҳарбий кучлари мингга яқин эди. Совет ҳокимиятига қарши мунтазам курашувчи гуруҳ сафида бўлиш, ГПУ терговчиси Д.М. Епифанов таъкидлаганидек, Қизил армияга ўхшаш<sup>4</sup> жанговор тузилма хизматида бўлиш деган гап эди. Яшаш манзилидан узоқда, дала, чўл, тоғ шароитида уруш олиб бориш қийин бўлгани каби гуруҳлар таъминоти ҳам оғир муаммо эди.

Қашқадарё вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Г.Я.Вейде тузган ҳужжат билан танишиш Турди Тўқсобанинг лашкари таъминоти ўзига хос ечим топганини кўрсатади. Ҳужжатда Турди Тўқсоба гуруҳининг милиция томонидан аниқланган таъминотчилар рўйхати келтирилган. Рўйхатдаги таъминотчилар Косон туманининг турли қишлоқларидан бўлиб, бойлар, амалдорлар, ўзига тўқ кишилар эди. Уларнинг ҳар бирининг вазифаси аниқ белгилаб қўйилган. Бири курул-яроғ, иккинчиси озиқ-овқат, бошқалари ем-хашак,

<sup>1</sup>Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар, I том. – Тошкент: Фан, 1976. – Б. 247.

<sup>2</sup>ҚВДА, 172-жамғарма, 2-рўйхат, 13/20 иш, 62-бет.

<sup>3</sup>Шу жамғарма, 368-бет.

<sup>4</sup>ҚВДА. 172-жамғарма, 2-рўйхат, 13/20/иш, 6-бет.

кийим-кечак, от-улов етказиб берган. Т.Я. Вейде хужжатида қирқдан ошиқ исм-фамилия ўрин олган, масалан:

Эшқувват Холматов – 68 ёшда, Месит қишлоғидан, 40 йил амир оқсоқоли бўлган. Турди тўқсобани моддий томондан таъминлаган.

Узоқ Муҳаммад Алиев – 38 ёшда, Алачабобдан, 1923-1924 йилларда Турди тўқсобанинг отларини ем-хашак билан таъминлаган, 1080 қўйи, 10 туяси, катта ери бўлган.

Абдулла Набиев – 33 ёшда, Райимсўфи қишлоғидан, Турди тўқсобага ем-хашак етказиб берган.

Мулла Худоёр Доноев – 46 ёшда, Пўлати қишлоғидан, 1400 қўйи, 150 эчкиси, 25 туяси, 3 оти, 30 таноб ери бўлган. Турди тўқсобани қурол-яроғ ва ғалла билан таъминлаган.

Саманқул Жўраев – 38 ёшда, Губалак қишлоғидан, 1916-1919 йилларда жевачи, Бухоро ғалаёни қатнашчиси, 1923-1925 йилларда Турди тўқсобанинг агенти, айни вақтда, уни қурол билан таъминлаб турган.

Равшан Каримов – 48 ёшда, Оброн қишлоғидан, Турди тўқсоба тўдасига ем-хашак етказиб турган.

Ёрқул Каримов – 51 ёшда, Оброн қишлоғидан, 1923-1924 йилларда Турди тўқсоба тўдаси учун озиқ-овқат, ем-хашак тайёрлаб берган.

Мулла Мейли Хўжамуродов – 48 ёшда, Оброн қишлоғидан, 1924-1925 йилларда Турди тўқсоба тўдасига мол етказиб турган.

Эргаш Қорамуродов – 56 ёшда, Мудин қишлоғидан, 1916-1922 йилларда қоровулбеги бўлган. 1922-1925 йилларда Турди тўқсоба тўдасини кийим-кечак билан таъминлаган.

Маҳмуд Хидирназаров – 64 ёшда, обронлик, 1914-1924 йилларда қоровулбегилик қилган, 300 қўйи, 4 оти, 12 туяси бўлган. Турди тўқсоба тўдасини кийим-кечак билан таъминлаган ва у билан охиригача алоқада бўлиб келди.

Аннақул Суяров – 45 ёшда, Мулали қишлоғидан, 700 қўйи, 10 туяси, 2 оти бўлган. Турди тўқсобанинг кўмакчиси бўлиб, уни моддий томондан таъминлаган.

Соат Бекмуродов – 64 ёшда, Қорабайир қишлоғидан, 1600 қўйи, 200 эчкиси, 40 туяси, 3 оти, 25 таноб ери бор бўлган. Турди тўқсоба гуруҳини моддий томондан таъминлаб турган.

Ислон Маъмуров – 46 ёшда, косонлик, 1917-1920 йилларда амир амалдори Гул оқсоқол ва Турди тўқсоба билан яқин алоқада бўлган, уларни моддий томондан таъминлаб келган.

Юсуф Ҳамидов – 54 ёшда, косонлик, 1917-1920 йилларда қоровулбеги бўлган. 1923-1924 йилларда Турди тўқсоба тўдасини озиқ-овқат билан таъминлаган. Мол-мулки, 300 таноб ери тортиб олинган.

Қўрбоши Турди тўқсоба қуролли ҳаракат гуруҳларига мулла Сафар Тўланов (Қатағон), Мурод Раҳимов (Оқжангал), Абдуллабек Турсунбеков (Эсабой), Турғунбек Турсунбеков (Эсабой), Рўзибек қоровулбеги, Рустам Нурмуҳаммедов (Касби), Даврон Буранов (Косон), Баҳром Баротов (Касби), Эрнийез Зарипов, Эрдон Усмонов, Ҳамро Соҳибов, Омонкул Ҳайитов, Берди Отамуродов, Абдусамод Саломов, Эрка Шукуров, Ражаб Ёрмуҳаммедов, Саломхўжа Умаров, Шомирза Розиковлар<sup>1</sup> ҳам таъминот учун масъул бўлганлар.

1918-1920 йилларда бўлганидек, Совет ҳокимияти қуролли кучлари – Қизил армия билан каттиқ жанглар давом этаётган 1922-1925 йилларда Қашқадарё воҳасида иқтисодий аҳвол оғир бўлиб, очарчилик давом этаётган эди. 1925 йилнинг 10 ноябрида Қашқадарё вилоят партия кўмитаси қабул қилган 2-қарорда бу ҳақда қуйидаги фикрлар билдирилган: “Вилоят партия кўмитаси томонидан босмачилик масаласига максимум диққат қаратилганлиги вилоятдаги очарчиликка зарур эътиборни ажратишга имкон бермади. Ҳозирги

---

<sup>1</sup> ҚВҲА. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 881-иш, 16, 23-59-бетлар.

вақтда, барча ташкилотлар олдида очарчилик оқибатлари билан кенг кўламда кураш масаласи турибди деб ҳисоблансин”<sup>1</sup>, дейилади.

Г.Я. Вейде ҳужжати ва партия кўмитаси қарори Қашқадарё воҳасидаги истиқлолчилик қуроли ҳаракатининг қандай шароитда олиб борилганлигини англаб етишга имкон беради. Қуроли гуруҳларга бириктирилган кўмакчилар шундай оғир иқтисодий даврда Совет ҳокимияти ўрнатилишига қарши қурол кўтарган ҳамюртларини кўллаб-қувватлаганлар. Лекин тез орада Совет ҳокимияти қуроли ҳаракат таъминотчилари изига тушади, уларни йўқ қилиш, мол-мулкни тортиб олиш орқали курашчиларга зарба беришга ўтади.

Шундай қилиб, “босмачи” таъминотчиларини аниқлаш ва йўқ қилиш ишига қаттиқ киришилади: декабрь ойининг ўзида 58 нафар киши қамоққа олинади, 23 та милтиқ, 750 та ўқ кўлга туширилган.

Қашқадарё воҳасида Совет ҳокимияти томонидан ташкил этилган “Босмачиликка қарши кураш кенгаши” чекланмаган ваколатларга эга эди. “Босмачилик”ка қарши кураш кенгашини ҳарбий кўмондон Кулешов бошқарган. Унинг ҳисоби бўйича 1925 йилнинг 1 октябри ҳолатида воҳада йўқ қилиниши лозим бўлган 9 та қуроли гуруҳ ва 212 нафар “босмачи” бўлганлиги айтилади. Бу гуруҳларга Сурхондарёдан яна 4 гуруҳ келиб қўшилади ва жигит (йигит) лар сони 359 нафарга етади.

Кулешов қизил аскарларнинг таъминоти ҳақида ҳам тўхталади. Унга: “Қизил аскарлар учун озиқ-овқат ва ем хашакнинг аҳолидан олинаётганлиги уларга оғирлик қилмаяптими?” – деб савол берилганларида, кўмондон шундай жавоб берган: “Қисмларнинг базадан таъминланиши 60 фоиз даражасида бўлади, улар ҳаракатда бўлган пайтда эса озиқ-овқат ва ем-хашакни аҳолидан олишга мажбур бўлинади.”<sup>2</sup>

Маълум бўладики, кўрбошилар ва уларнинг гуруҳлари таъминоти бириктирилган бойлар, амалдорлар зиммасида бўлса, Қизил армиянинг таъминоти 60 фоиз давлат томонидан, қолгани жанг кетаётган ҳудудлардаги аҳолидан олиш билан қопланган.

Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши қуроли ҳаракат олиб бораётган кучларнинг таъминот тизимини йўқ қилиш, кўмакчиларни қамаш ва жазога тортиш Қашқадарё воҳаси бўйлаб бешафқат олиб борилади. Шаҳрисабзда ГПУ кучлари “босмачи” кўмакчилари деб 48 кишини, Ғузурда 35 нафар кишини қамоққа олади, қисқа фурсатда вилоят бўйича қамалганларнинг сони 94 нафар кишига етади.

ГПУ (БСБ) нинг вилоят бўлими раҳбари Б.И. Попов таъминотчиларнинг қамоққа олинишини аҳоли маъқул эмаслигини тан олади ва қуйидаги фикрларни билдиради: “Бу қамоққа олишлар билан, – дейди у, – аҳоли кайфиятида бурилиш бўлади, деб кутган эдик, лекин аҳоли ўз муносабатини ўзгартиришга кўпам шошилмади... Бизга ишонмаслик барҳам топган эмас.”<sup>3</sup>

Қарши шаҳрида ҳарбий базага эга бўлган Совет ҳокимиятининг 4-ўқчи дивизиясининг архивда маърифий ишлар бўйича олиб борилган ҳисобот нусхаси сақланиб қолган. Ҳисобот 1924 йилнинг февраль-март ойлари учун тузилган. Биз ундан олинган айрим далилларни келтирамиз: “Кўрбошилардан Шаҳрисабз туманида мулла Абдурозиқ ва Косон туманида Турди тўқсоба қолди. Лекин мулла Абдурозиқ тўдаси тасодифий кўпайишига қарамадан, аҳоли ўртасида обрўга эга эмас, улар томонидан кўллаб-қувватланмайди ҳам, бундан бойлар орасидаги айрим шахслар мустасно...”

Турди тўқсобанинг нисбатан кам сонли, аммо бойлар томонидан кўллаб-қувватланаётган тўдасини йўқ қилиш бир қадар қийин”<sup>4</sup>.

<sup>1</sup>ҚВХА. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 168-бетлар

<sup>2</sup>ҚВХА. 35 жамғарма, 1-рўйхат, 56-иш, 12-бет.

<sup>3</sup>ҚВХА. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 56-иш, 12-бет.

<sup>4</sup>ҚВХА. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш, 11-13-бетлар.



Қашқадарё воҳасидаги 1921 йилдан буён тинимсиз Совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат олиб бораётган истиқлолчи кучларни тугатиш учун қўшимча армия қисмларини олиб келиш давом этган. Воҳадаги қуролли ҳаракатга қарши Қизил армия қисмларини қўпайтириш билан бир вақтда тарғиботлар, тадбирлар ҳам кучайтирилган. 1924 йилдан бошлаб “босмачилар”ни йўқ қилиш бўйича “зарбдор ойликлар” ўтказилиб, партия ва совет ходимлари, комсомоллар, қишлоқ советлари фаоллари ҳам Қизил армияга ёрдамга сафарбар этилган. Архивда “Босмачиликка қарши 1925 йил 1 октябрга қадар ўтказилган зарбдор компаниянинг натижалари ҳақида” ГПУ (БСБ) ва 4-ўқчи дивизия қўмондонлиги тайёрлаган ҳисобот сақланиб қолган. Ҳисоботда “жазо тадбирлари” деган сарлавҳа остига шундай сўзлар келтирилган: “Босмачиларга қарши ҳарбий ҳаракатни кучайтириш олдин уларнинг таъминот тизимини йўқ қилиш масаласи кундаланг қўйилди. Босмачи тўдалаларининг кўзга кўринган, таниқли кўмакчиларини йўқ қилиш энг муҳим масала бўлиб, жами 102 нафар босмачиларга ёрдам берувчиларни қўлга олиш (қамаш, йўқ қилиш – Г.Р) режалаштирилди”.

Вилоятда вужудга келган иқтисодий-ҳарбий ҳолат воҳа аҳолисининг ҳаётий эҳтиёжи даражасини очарчилик даражасига келтириб қўйган эди. Қашқадарё вилоят партия комитетининг 1925 йилги ҳисоботида аҳоли ва унинг эҳтиёжи учун етишмайдиган дон маҳсулотлари ҳақида: “1925 йилнинг қурғоқ келиши вилоят қишлоқ хўжалигини оғир аҳволга солиб қўйди. Бу оғир аҳвол бутун ҳосилнинг нобуд бўлиши оқибатида юзага келиб, охиروқибатда қўшни вилоятларни ҳам дон билан таъминлаб келган Қашқадарё вилоятининг ўзини муқаррар очарчилик ёқасига келтириб қўйди,” дейилган.

Шу йили Беҳбудий уездида 366028 пуд арпа-бугдой жамғарилган. Бу ғаллани 85800 нафар аҳоли жон бошига тақсимланганда 41,5 кг дан тўғри келади. 41,5 кг ғалла 365 кунга тақсим этилганда, жон бошига бир кунда 80 граммдан ошмайди.

Совет ҳокимияти томонидан 1920 йилдан буён ўтказиб келинган ҳарбий босим ва иқтисодий қатағон, тарғибот воҳа қуролли ҳаракатининг мағлубиятида бош омил бўлган эди. Лекин Қашқадарё воҳасида Совет ҳокимиятининг ўрнатилишига қарши қуролли ҳаракат кейинги йилларда ҳам сўнмаган. Совет, партия ва жамоат ташкилотлари, жазо органлари 1927-1930 йилларда ҳам Қизил армия кучидан фойдаланишига тўғри келган. Айниқса, ГПУ(БСБ), милиция ва “тройка” (учлик) бу даврда қарши кучларни йўқ қилиш, тутиш, қамаш, кулоқ қилиш, бадарға ва отиш чора-тадбирларини кучайтирилган.

Хуллас, Қашқадарёдаги миллий қаршилик ҳаракатига Совет ҳокимияти томонидан барҳам берилган бўлса-да, истиқлол учун кураш анча пайтгача олиб борилган, бу эса юртимизнинг бошқа ҳудудларида давом этган озодлик курашининг кучайишига, бардавом бўлишига катта ҳисса бўлиб қўшилган.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар, I-том (Ўзбекистон тарихи (1917-1991 йиллар). – Тошкент: Фан, 2019. – 536 б.
2. Захаров С.М. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Ташкент: Фан, 1968. – 227 с.
3. Ражабов Қ. Фаргона водийсидаги истиқлолчилик ҳаракати: моҳияти ва асосий ривожланиш босқичлари. –Т., 2015. – 239 б.
4. Қашқадарё вилоят Давлат архиви (ҚВДА), 83-жамғарма, 1-рўйхат, 12-иш.
5. ҚВДА, 172-жамғарма, 2-рўйхат, 13/20 иш, 62-бет.
6. Қашқадарё вилоят давлат архиви (ҚВХА), 83-жамғарма, 1-руйхат, 12-иш. ҚВДА. 172-жамғарма. 2-руйхат, 13(20)-иш.
7. Қашқадарё вилоят ҳокимилиги архиви (ҚВХА), 34-жамғарма, 1-руйхат, 881-иш.
8. ҚВХА. Шу жамғарма, 17-иш.
9. ҚВХА. Шу жамғарма, 1-рўйхат, 56-иш.
10. ҚВХА. 35-жамғарма, 1-рўйхат, 23-иш.
11. ҚВХА. 34-жамғарма, 1-рўйхат, 40-иш.
12. ҚВХА. Шу жамғарма, 158-иш.
13. ҚВХА. Шу жамғарма, 243-иш.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада XX асрнинг 20-26 йилларида Қашқадарё воҳасида Совет ҳокимиятининг ўрнатилиши ва унга қарши вужудга келган қуролли қаршилик ҳаракатининг таъминоти масаласи архив материаллари асосида ёритилади. Ҳаракат кўмакчиларининг гуруҳларни қурол-яроғ, озиқ-овқат, от-улов билан таъминлаган ватанпарвар истиклолчилар номлари ҳужжатлар асосида келтирилади.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье соискатель описывает создание советского правительства в 20-26 годы XX века в Кашкадарьинском оазисе и вопросы обеспечения противovoоружейного движения образовавшего против него по архивным материалам. Документально дается имена патриотов, обеспечивших групп движений оружием, боеприпасами, продуктами, лошадьми.

#### **SUMMARY**

The researcher analyzes the issue of establishment of Soviet power in Kashkadarya oasis in 20-26 years of XX century and provision of armed resistance movement against it on the basis of archival materials. The names of patriotic independents who provided the movement's supporters with weapons, food, and supplies are listed on the basis of documents.

*Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган*

МИҚДОР – МЕЪЁРНИНГ ТАРКИБИ СИФАТИДА

Саломова Х.Ю. (БухДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *миқдор, сифат, меъёр, қатъий меъёр.*

**Ключевые слова:** *количество, качество, мера, строгая мера.*

**Keywords:** *quantity, quality, measure, strict measure.*

Меъёр – фалсафадаги энг фундаментал категорияларнинг бири. Меъёр – миқдор ва сифатнинг диалектик инкори. Миқдор Гегель фикрига кўра, нарсаларнинг ташқи муайянлигидан иборат. Сифатий муайянликсиз миқдор бўлмаганидек, миқдорий муайянликсиз сифатнинг ҳам бўлиши мумкин эмас.

Гегелдан анча илгари Шарқ алломалари миқдор ва унинг таркиби бўлган: катталиқ, доимий миқдор (константа), сон, каср сонлар, маълум сонлар, номаълум сонлар, мукамал сонлар, мутаносиб миқдорлар, узлуклиқ, узлуксизлиқ, даврийлик ва ҳоказоларни ўз асарларида ифодалашган.

М И Қ Д О Р – арабча *مقدار* сўз бўлиб, қуйидаги маъноларни билдиради:

1. Андоза, андозаи муайяни чизе.
2. Маж, ҳажм, ҳажми муайяни чизе.
3. Масофа.
4. Дарозӣ
5. Қадр-қиммат.

*Ҳасадро суи зону дил мадеҳ бор,  
Ки ҳосидро набошад ҳеч миқдор.*

Носир Хисрав.

**Мазмуни:**

1. Андоза, муайян нарсанинг ўлчови – андозаси.
2. Маж, ҳажм, муайян нарсанинг ҳажми.
3. Масофа.
4. Узунлик.
5. Қадр – қиммат.

*Юракка ҳасадни яқинлаштирма,  
Чунки ҳасаднинг миқдори йўқ.*

Носир Хисрав.

Ҳар бир нарсa, предмет, ходиса ўз сифат ва миқдор кўрсаткичларига эга. Ҳаётда миқдорнинг ўз ўрни бор. Дорилар тайёрлашда, қурилишларда, кийим-кечаклар тикишда миқдорлар, аниқроғи, аниқ миқдорларнинг ўрни жуда-жуда қимматли. Бу борада Шарқ мутафаккирлари фикрларига назар ташласак...

Аслида ўнли касрларни Стевиндан 150 йил олдин ал-Коший назарий жиҳатдан тўлиқ асослаб берган ва улар устида амаллар бажаришни амалиётда қўллаган. “Арифметика калити”нинг ютуқларидан бири шундаки, унда Коший ихтиёрий кўрсаткичли илдиз чиқариш қоидасини ва ҳозирда «Ньютон биноми» деб аталадиган қоидани ёрқин мисолларда кўрсата олган.

Коший “π” учун топган қийматни 1597 йил Ван Ромен 230 мунтазам кўпбурчакли ёрдамида қайта топган. 1873 йилда У Шенкс «π»нинг 708 та ўнли хонасини ҳисоблаган. Ҳозирги пайтда унинг электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида топилган 2000 та ўнли хонасини маълум. “Оқсарой” меъморларининг икки каср (иррационал) «π» ва «φ» сонларини

бинонинг ўлчамларига моддий сингдира олганликлари кишини лол қолдиради. Мазкур обида таҳлил қилинганда, фалакиёт илмига оид маълумотлар ҳам унда мужассамлаштирилганлиги аниқланди. Самарқанддаги Амир Темур мақбараси, Бибиҳоним масжиди, Бухородаги Исмоил Сомоний мақбаралари ўлчамларида қўлланилган «олтин кесим», «π» сонлари аниқланди. Айниқса, Амир Темур мақбарасида «φ» ва «π» сонларининг 20 дан зиёд эканлиги, Бибиҳоним масжиди қолдиқлари ўлчамларида 8 таси, Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси ўлчамларида эса 12 таси аниқланди.<sup>1</sup>

Сонлар моҳиятига кўра хилма-хилдир, деб уқтиради Коший, яъни: жуфт-жуфт; жуфт-жуфт ва тоқ; жуфт-тоқ ва тоқ; оддий ва таркибли; рационал ва норационал сонлар; қарама-қарши сонлар; мукамал ва дўстона сонлар; ўлчовли сонлар; мутаносиб ва номутаносиб сонлар; мукамал сонлар; мос келадиган сонлар; мос келмайдиган сонлар; уйғун миқдорлар; бир-бирини тақозо этувчи миқдорлар ва ҳоказо.<sup>2</sup>

Бу сон-миқдорлар оддийгина миқдор ёхуд сон изоҳи эмас, буларни ўйлаганида Коший мазкур сонларга боғлиқ муайян сифатларни (фалсафий ибора билан айтганда меъёрни – С.Х.) ҳам кўзда тутганки, улар биргаликда мукамал бинокорликда сифат, гўзаллик, бардошлилик, уйғунлик, тартиблиликни пайдо қилади. Меъморчиликда эса бу энг катта ютуқ саналади. Айнан мана шу фикрни назарда тутиб, Ўрта Осиё мутафаккирларининг пифагорчилардан фарқи ҳақида А.Ф.Файзуллаев бундай ёзади: ”Марказий Осиё олимлари назаридаги ”сон” тушунчаси билан пифагорчилар орасидаги ”сон” тушунчалари катта фарқ қилади, пифагорчилар сингари Марказий Осиё олимлари ”сон”ларни мистик тушунмай, балки уларни инсон амалий эҳтиёжини ифодаловчилар деб санашган.<sup>3</sup>

Пифагорчилар олам ва ундаги нарсалар рақамдан юзага келган, деб таъкидлашган. Ҳақиқатан ҳам, пифагорчилар предмет, нарсаларга ўзлари сон-миқдор беришган бўлса, (масалан 1-асос; 2-аёл; 3-эркак; 5-мукамаллик; 7-бахт ва ҳоказо). Марказий Осиё алломалари борлиқдаги предмет ва ҳодисалардаги миқдор ва сифатнинг улардан айро эмаслигини тушунишган ва уларни излашган, топишган. Бинокорлик, меъморчилик ва қурилиш жараёнларида ҳам қурилайётган иншоотнинг ўзига мос, самарали, мукамал сон, миқдорлари топилсагина мукамал иншоот саналади, деб ҳисоблашган.

Марказий Осиё мутафаккирларининг математика, геометрия, қурилишга, хунарамандчиликка оид асарларида ”миқдор” категориясига жуда катта эътибор беришган. Миқдорнинг ”сон”, ”катталиқ”, ”оғирлик”, ”енгиллик”, ”катъий миқдор”, ”чегарадаги миқдор”, ”илғамас миқдор”лар каби таркиблари мавжуд. Сонлар хилма-хил. ”Сон, – деб ёзади Ибн Сино, бу – бирликлар тўпламидир”. ”Бир – ҳар қандай мавжуд сон таркибидир.” Сонларнинг моҳияти ҳам турлича:

- а) жуфт сонлар;
- б) тоқ сонлар;
- в) оддий сонлар;
- г) мураккаб сонлар;
- д) туб сонлар;
- е) ”зоид” сонлар (”ал-адад аз-зоид”) – ортиқча, сероб сонлар.
- ё) ”ноқис” сонлар;
- ж) ”мукамал” сонлар;
- з) маълум сонлар;
- д) номаълум сонлар<sup>4</sup> ва ҳоказо.

<sup>1</sup> Саломова Ҳ.Ю. Фан социологияси. – Бухоро: Бухоро нашриёти, 2003. – Б. 53.

<sup>2</sup> Ал-Каши Джемшид Гиясэддин. Ключ арифметики. Трактат об окружности. – М., 1956.

<sup>3</sup> Файзуллаев А.Ф. Научное творчество Мухаммада ал-Хорезми. – Ташкент, 1983. – С. 4.

<sup>4</sup> Қаранг: Ибн Сино. Доношнома. Трактат Абу-л-Вафй Мухаммада ибн Мухаммада, геометра, об арифметике. В кн.: Г.П. Матвиевская., Х.Тиллашев. Математические и астрономические рукописи ученкх Средней Азии X-XVIII в. – Т.: Фан, 1981. – С. 68-70.

“Ал-мунасаб” сонлар деганда пропорционал муносабатдаги сонлар тушуниланган. “Ал-адад ал-муштарак” – умумий бўлинувчиси бир бўлган сонлар; “Ал адад ат-тамм” – мукаммал сонлар

“Мукаммал сонлар” бу сонлар ҳақида Ибн Сино ҳам, Коший ҳам ўз асарларида жуда кўп тўхталишган. Шунини таъкидлаш лозимки, “мукаммал сонлар” тушунчаси жуда қадимий тушунча бўлиб, бундай сонлар пифагорчилар асарларида ҳам баён этилган. “Ноқис сонлар” ва “зоид” сонлар тушунчаси анча кейин пайдо бўлган тушунчалар ҳисобланади.

“Мукаммал сонлар” қандай сонлар? деган саволга Ибн Сино ўзининг “Донишнома” асарида бундай деб жавоб беради: “Агар бирор сон бўлувчиларининг йиғиндиси, у соннинг ўзига тенг бўлса, у “мукаммал” сон деб аталади. Масалан, 6 ва 28 мукаммал сонлар, чунки  $1+2+3=6$ ;  $1+2+4+7+14=28$  Мукаммал сон жуфт сон билан тоқ соннинг кўпайтмасига тенг бўлганлиги сабабли, у жуфт бўлади. Шунинг учун Ибн Сино “мукаммал сон” фақат жуфт сон бўлиши кераклиги ҳақида ёзади. “Мукаммал сон” бирликлар орасида битта, ўнликлар орасида битта ва ниҳоят мингликлар орасида ҳам битта бўлади. Бундай мукаммал сонлар юнон олими Никомахнинг “Арифметикага кириш” китобида келтирилган. Навбатдаги “мукаммал сон” Региомонтан (1436-1576) томонидан топилган. Бу сон

$$k=212(213-1)=33550336.$$

Шунини қайд этиш лозимки, ҳозирги вақтда ҳар қандай жуфт “мукаммал сон” қуйидаги формула шаклида ифода этилиши исботланган.

$$K=(1+2+22+23+\dots+2p-1)\cdot 2p-1=(2p-1)\cdot 2p-1$$

Бунда  $P$  ва  $2P - 1$  туб сонлар.

Марказий Осиё мутафаккирларининг энг катта ютуқларидан бири улар сонлар моҳирлигини аниқ ва чуқур ёрита олганликларидир. Бу миқдорнинг барча таркиб “элемент”ларини қурилишларда қўлладилар.

Бу ерда кўз илғамас, ишнинг энг нозик томони ўлчов билан меъёрни фарқи ҳам қурилиш, архитектураларда катта амалий аҳамият касб этиши ўз давридаёқ ал-Коший томонидан фарқланган. Ўлчов ва меъёр орасидаги фарқлар ҳақида ал-Коший ўз асарида бундай деб ёзган: “Арифметикада текшириш мавжуд: текшириш орқалигина, ўлчов орқалигина ҳисоб-китоблар тўғри ёхуд аксинча нотўғрилиги аниқланади...Ўлчов ҳақиқат ва хато, аниқлик ва ноаниқликни билиш услубидир”.

Ўлчов – меъёрнинг муайян бир функцияси. Ўлчовда асло хатолик бўлмаслиги шарт. Миқдор орқали сифат аниқланади, миқдор ва сифат орқали эса ўлчов жараёнлари бошланади: учбурчакни ўлчаш; квадратни, кўпбурчакни, айланани, цилиндрни, шарни ва ҳоказо. Шундай ўлчовлардан сўнггина биноларни, қурилишларни, гумбаз, қуббаларни ўлчаш, муқарнас баландликларини ўлчаш мумкин бўлади. Ал-Кошийда ўлчов оддийдан мураккабга, бир меъёрни билишдан сўнггина меъёрлар узвий тизимини аниқлашга – топишга ўтилади. Айнан мана шу жиҳат қурилишнинг мукаммал келиб чиқишига асос бўлади. “Мифтоҳ ул-ҳисаб” номли асарининг “Ўлчашлар ҳақида (“Меъморчилик ва бунга алоқадор геометрик маълумот”)<sup>1</sup> деб номланган тўртинчи китоби Ўрта Шарқ архитектура тарихини, қадимий иншоотлар меъёрини билишдаги энг ноёб илмий манба саналади. Айнан юқоридаги китобда Яқин ва Ўрта Шарқ обидалари қурилишида кенг қўлланилган архитектура шакл ва конструкциялари, арklar, гумбаз, қубба ва муқарнасларнинг ўлчамларини аниқлаш кенг ва аниқ изоҳланган.

Муқарнас нима? Муқарнас бу – Ўрта Осиё ва Шарқ меъморчилигига хос бўлган нақш тури. Муқарнас VII-VIII асрларда пайдо бўлиб, XV-XVI асрларда кенг тарқалган. Муқарнас (сталактит), гумбаз ичини безашга мўлжалланган гириҳсимон безак (нақш тури)дир. Асоси 4, 6, 8 бурчак бўлган меҳроб, тахмон ёки равоқларнинг тепасини ярим гумбаз кўринишга келтиришда ҳам муқарнастан фойдаланилади. Муқарнаслар ишланадиган

<sup>1</sup>Қаранг: Ал-Каши Джемшид Гиясэддин. Ключ арифметики. Трактат об окружности. – М., 1956.

жойига қараб турли мураккабликда бўлади. Муқарнаслар бир неча кўриниш-га эга бўлади. Калла муқарнас – агар нусха бир марказ атрофида бўлса, у муқарнасга калла дейилади. Бухорода XVI асрда қурилган Хўжа Зайнутдин хонақоҳи устун муқарнаси калла муқарнасга мисол бўла олади. Хўжа Зайнутдин хонақоҳи устунларининг юқори қисми калла муқарнаслари билан безатилган.

Калла муқарнасдан устуннинг юқори қисми (капитель)ни безашда фойдаланилган. Тепа қисмининг кенгайиб, паст қисмининг торайиб бориши билан гумбаз ичига ишланадиган муқарнасдан фарқланади. Тақсимлар тўғри чизиқ йўналишида бир-бирига уланиб кетаверса, араки, шарафа дейилади. Муқарнасининг пастда кўриниши ва чизмаси гирихга ўхшаганлигидан у ҳажми гирих (гирихнинг чўзилгани) деб ҳам аталади. Гирих қатъий қонунга асосланганлиги сабабли тақсим асосини ташкил этувчи юлдузларни ва бошқа геометрик шаклларни наққош ўз ихтиёрича ўзгартира олмайди. Гирих қатъий меъёрнинг намоён бўлишидир. Қатъий меъёр айнан тегишли миқдорлар калла муқарнасни вужудга келтиради, бошқа миқдорлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Муқарнасда умумий композицияни наққош истаганича тенг бўлақларга (8, 10, 12, 16, 20, 24, 32) бўлиб, шундан бир бўлагига такрорланувчи нусха чизади. Масалан, бунда юлдузлар (5, 6, 7, 8, 9 қиррали бўлиши мумкин) учлари билан ҳамма вақт ўзаро улана-вермай, кўпинча улар орасида маълум бир масофа қолади.

Муқарнаслар ҳақидаги илмларни чуқур ўрганган Коший ўз замонасидаги олимлардан илгарилаб кетиб, муқарнасларни миқдор ва сифат жиҳатдан фарқларини кўрсатиб, уларни тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатди:

1. Оддий муқарнас (ёки қурувчи-архитекторлар ибораси билан айтганда, минбарли муқарнас).

2. Сопол-лойли муқарнас.

3. Ёйли муқарнас.

4. Шерозий муқарнаслар.<sup>1</sup>

Миқдорий мутаносибликлар беқиёс гўзаллик – меъёрнинг яна бир кўринишининг амалиётдаги исботи Кошийнинг назария ва амалиётда қўллаганида кўринади. Кошийнинг тўғри чизиқни аниқлаш услуги Архимед услугига, нукта ва чизиқлар, баландликларни аниқлаш услуги эса Евклидни аниқлаш услугига мос келади.

Коший ўз вақтида қуйидаги ўлчов бирликларидан фойдаланган: фарсанг (фарсах), саржин (касаба), тирсак (зирוף), дюйм (исба) ва ҳоказо. Ўлчов эса меъёр модификацияларидан бири.

Бир фарсанг 2000 саржинга тенг.

Бир саржин 6 тирсакка тенг.

Бир тирсак 24 дюймга тенг.

Бир дюйм 6 ўртача катталиқдаги арпа донасига тенг.

1 дюйм 25,4 мм.

Бир дона арпа донаси кенлиги 6 от сочи толасига тенг миқдорни билдирган.

Агар бирсакни 0,58 см деб олсак, бир фарсанг 6,96 км, бир тола от сочининг қалинлиги 0,067 сантиметрга тенг бўлган.

Шуниси ажабланарлики, Коший томонидан қўлланилган ўлчов бирликлари қадимги Вавилиониядаги ўлчов бирликларидан бошланган.<sup>2</sup> Ушбу ўлчов бирликларининг мослиги дунёдаги ҳашаматли, салобатли ва гўзал обидаларнинг баъзи ўхшашлиги сабабларини очиб бериш қалити бўлади, деб тахмин қилишга асос бўлади.

Меъёр категориясининг моҳияти уни таркибидаги барча моментлар (сифат, миқдор) таркибининг синтези ҳамдир. Меъёр маъносини унинг моментлари синтезигина эмас, бал-

<sup>1</sup> См.: Джемшид Гиясэддин Ал-Каши. Ключ арифметики. – М.: Техничко-теоретической литературы, 1956. – 568 с.

<sup>2</sup> Джемшид Гиясэддин Ал-Каши. Ключ арифметики. Трактат об окружности. Перевод с арабского Б.А.Розенфельда. – М.: Техничко-теоретической литературы, 1956. – 568 с.

ки бу моментларнинг зиддияти ҳам аниқлаб беради. Меъёрда икки хилдаги ўтиш: сифатнинг миқдорга ва миқдорнинг сифатга ўтиш алоқадорлигини кузатиш мумкин. Бошқача иборалар билан ифодалаганимизда, меъёрда икки хил синтез намоён бўлади: биринчиси – миқдор сифатни инкор этади; иккинчиси – сифат миқдорни диалектик инкор этади.

Ал-Коший архитектурада мукамаллик асосини меъёр, айниқса, унинг миқдор, сон моментлари устуворлигини пайкади. У бошқа мутафаккирлардан фаркли ўларок, назарий ва амалий меъёрни ажратиб, борлиқдан ажралмаслигини кўрсата олди. Қадимий обидалар тахлили, уларнинг пештоқ, гумбаз, равоқ, бурчак, шифтларида геометрик –қонун-қоидалар қатъий меъёр шаклида намоён бўлишини ал-Коший ўз асарида ўз замонасидаёқ аниқ кўрсата олди.

Ал-Коший фақат архитектурадаги қатъий меъёрнигина эмас, балки меъёрлар узвий тизимини ҳам кўрсатди. Муайян бир сон билан бошқа бир соннинг сифат жиҳатдан боғлиқлиги; ҳамда уларнинг узвий тизими (модулор)ни кўрсата олди.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада меъёрнинг таркиби бўлган миқдор моҳияти ёритилган. Миқдор таркиби: сон, катталик, жуфт ва тоқ сонлар, муштарақ, мукамал миқдор, доимий сонлар таҳлил этилган. Меъёр – фалсафанинг доно категорияси эканлиги баён этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье исследуется философская категория количество и его моменты: число, величина, прерывность, непрерывность, совершенные величины, четные и нечетные числа и т.д. Мера – мудрая категория философии.

#### SUMMARY

In this article philosophical category of quantity and its moments are investigated: number, size, discontinuity, continuity, perfect sizes, even and odd numbers e.t.c. Measure – wise category of philosophy revealed.

*Наширға проф. С.Чориев тавсия этган*

## ЦИВИЛИЗАЦИЯ ҲАҚИДАГИ ФАЛСАФИЙ ФИКРЛАР ТАРАҚҚИЁТИ

Жамолов Д. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *цивилизация, маданият, прогресс, ижтимоий ва интеллектуал тараққиёт, тарихий тараққиёт, цивилизация босқичлари, аграр цивилизация, индустриал цивилизация, постиндустриал цивилизация, “марказий цивилизация” “бўлинган цивилизация”, “саводсизлик цивилизацияси” цивилизациялар тўқнашуви, Шарқ цивилизацияси, Ғарб цивилизацияси.*

**Ключевые слова:** *цивилизация, культура, прогресс, социальное и интеллектуальное развитие, историческое развитие, этапы цивилизации, аграрная цивилизация, индустриальная цивилизация, постиндустриальная цивилизация, разделенная цивилизация, “центральная цивилизация”, “разделенная цивилизация” “невежественной цивилизации”, столкновение цивилизации, Восточная цивилизация, Западная цивилизация.*

**Keywords:** *civilization, culture, progress, social and intellectual development, historical development, stages of civilization, agrarian civilization, industrial civilization, postindustrial civilization, divided civilization, “central civilization”, “divided civilization,” “ignorant civilization”, clash of civilization, Eastern civilization, Western civilization.*

Ўзбекистонда янгилашиш жараёнлари кечмоқда. Бу жараённинг асл муддаоси мамлакатимизнинг бугунги халқаро ҳамжамиятдаги муносиб ўрнини таъминлашдан иборат. Мазкур мақсад нафақат мамлакат ичидаги жараёнларнинг ўзгариш қонуниятларини, балки инсоният цивилизацияси тараққиёти мантиқини ҳам инобатга олишни тақозо этади. Шу

муносабат билан цивилизация ҳақидаги фалсафий фикрлар тараққиётини кўздан кечириш, мутафаккирларнинг бу борадаги мулоҳазаларини таҳлил қилиш зарурияти юзага келмоқда.

Илмий манбалар таҳлили шуни кўрсатадики, “цивилизация” тушунчасининг мазмуни конкрет-тарихий характерга эга. У замонга мутаносиб тарзда, кишилик жамиятида тўпланган ижтимоий-гуманитар билимлар ҳажмига мос равишда, мазкур муаммолар хусусида бош қотирган мутафаккир ва мутахассисларнинг дунёқарашларига уйғун ҳолда ўзгариб, бойиб ва тўлишиб борган. Бу тушунчани илк бор француз мутафаккири М.Монтень қўллади. У ўз асарида мулоҳаза ва адолатга асосланган жамиятни “цивилизация” деб номлайди. [1]

Орадан икки аср ўтиб, XVIII асрда француз маърифатпарварлари асос солган прогресс назариясида ақлга мувофиқ барпо этилган идеал жамият сари тараққиёт «цивилизация», деб атала бошланди. Франциядаги Реставрация даврида Ф. Гизонинг цивилизация ҳақидаги қарашлари алоҳида эътиборга сазовор бўлди. Унинг фикрича, цивилизация - икки элементнинг – ижтимоий ва интеллектуал тараққиёт даражалари бирлигини характерловчи тушунчадир. [2]

XIX асрда ушбу тушунча кишилик жамияти тараққиётининг босқичларини ифодалаш учун ишлатила бошланди. Л. Морган [3], кейинчалик Ф. Энгельс [4] инсоният тарихининг ёввойилик ва варварликдан кейинги даврини цивилизация даври деб атадилар.

XIX аср охири – XX аср бошларида Л. Морган ва Ф. Энгельс фикрлари мутафаккирлар томонидан турлича ривожлантирилди. Жумладан, К. Ясперс ва унинг тарафдорлари инсониятнинг ёввойилик ва варварликдан кейинги даврдаги яхлит прогрессив тараққиётини цивилизация сифатида талқин этдилар. Карл Ясперс ўзининг «Тарихий тараққиёт ибтидоси ва мақсади» асарида инсоният тараққиётини тўрт босқичга бўлади: тарихгача бўлган давр, буюк тарихий-қадимий маданиятлар (локал тарихлар) даври, умумжаҳон тарихининг бошланиши даври ва техника (яхлит жаҳон тарихига ўтилиши) даври. Бу фикрлардан кўришиб турибдики, К. Ясперс цивилизацияни инсоният босиб ўтган тарихий маданият билан боғлайди. [5]

Бошқа бир гуруҳ файласуфлар «цивилизация» тушунчасини ўзига хос ижтимоий-маданий феномен сифатида таърифлайдилар.<sup>1</sup> Масалан, Н. Данилевскийнинг “Россия ва Европа” деб номланган асарида цивилизация тарихий тараққиётнинг конкрет субъекти билан боғланади. Унинг фикрига кўра, умумжаҳон универсал тарихи йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Шу боисдан индивидуал характерга эга бўлган аниқ цивилизациялар ҳақида фикр юритиш мумкин, холос. [6] О. Шпенглер эса цивилизацияни ҳар қандай маданий тараққиётнинг якуний босқичи сифатида ифодалайди. Унинг фикрига кўра, «цивилизация – бу техномеханик омилларнинг системаси бўлиб, ҳар қандай маданиятнинг интихосидир. Маданият бўлса ўзининг ички имкониятларини инкор эта бориб, цивилизацияга айланади». [7] Маданиятдан цивилизацияга ўтиш – ижоддан бемаҳсулликка, тараққиётдан турғунликка, жасоратдан “механик” ҳаётга ўтиш демак. А.Тойнби эса О.Шпенглердан фаркли тарзда цивилизация билан маданиятнинг алоқадорлигини инкор этмайди. У цивилизацияни аниқ жамиятнинг ижтимоий-маданий шакли (қадимги Миср, қадимги Вавилон, қадимги Араб цивилизациялари) деб ҳисоблайди. [8]

Маданият билан цивилизациянинг алоқадорлиги ҳақидаги мулоҳазаларни М.Вебер қарашларида ҳам кўриш мумкин. Унинг фикрига кўра, маданият билан цивилизация бири иккинчисига алоқадор тушунчалардир, яъни цивилизация кишилик жамиятининг аниқ босқичини ифодаласа, маданият цивилизациянинг сифатий томонини ифодалайди. [9]

---

<sup>1</sup> Данилевский Н. Россия и Европа: Россия и Европа: взгляд на культурные и политические отношения славянского мира к германо-романскому. – М.: Эксмо, 2003; Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. – Москва: АЙРИС ПРЕСС, 2006; Шпенглер О. Закат Европы. Гештальт и действительность. Очерки морфологии мировой истории. – М.: Эксмо, 2006.



Америкалик файласуф, социолог Э. Тоффлер инсоният цивилизациясининг босқичлари ҳақида мулоҳаза юритади. [10] Унинг фикрича, инсоният цивилизациясининг дастлабки босқичи XVIII асрга қадар деҳқончилик маданиятининг шаклланиши билан боғлиқ. Цивилизациянинг бу босқичида жамиятда ўта содда ижтимоий иерархия ҳукм сурган, ҳокимият эса ер эгалари қўлида жамланган. Аграр цивилизация даврида асосан икки ижтимоий институт – черков ва армиягина эътиборга лойиқ қудратга эга бўлган. Иқтисодиётда эса жисмоний меҳнат ақлий меҳнатдан устуворлик қилган.

Цивилизациянинг иккинчи босқичи (XVIII асрдан XX асрнинг 50-йилларига қадар) индустриал цивилизация деб аталиб, саноат ишлаб чиқариши жараёнининг ўзгариши, фан-техника ютуқларининг халқ хўжалигида қўлланилиши, индустрияга инвестицияларнинг ўсиши, малакали меҳнат улушининг ошиши, бандлик таркибининг ўзгариши, шаҳар аҳолисининг кўпайиши билан характерланади. Бу босқичда кишилар фаолияти илмий дунёқарашга асосланган.

Цивилизациянинг учинчи босқичини XX аср 50-йилларидан кейин Э. Тоффлер информатсион цивилизация деб атайди. Бу босқичда фан ва техника тараққиётининг барча босқичлари инсон ҳаётига кириб келди. Маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланди, оммавий истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш кучайди. Бу даврни мутафаккир комплекс автоматизация даври сифатида характерлайди.

XX асрнинг охириги ўн йили давомида цивилизацияга доир янги ва янги концепциялар, қарашлар, ғоялар юзага келди. Жаҳон цивилизациясининг тараққиётига доир моделлар нафақат Ғарб оламида, балки дунёнинг ўзга мамлакатларида ҳам ишлаб чиқилмоқда ва илмий жамоатчилик ҳукмига ҳавола этилмоқда. Масалан, япон тарихчиси Ш. Ито маданият бобида содир бўлаётган ўзгаришларнинг асосий сабабини умумсайёравий цивилизация билан локал цивилизациянинг ўзаро алоқадорлигидан излайди. Тарихчи ҳатто Г. Гегель ва К. Маркснинг цивилизация ҳақидаги қарашларини А. Тойнби ва О. Шпенглернинг локал цивилизациялар назарияси билан синтез қилишга уринади. [11] Бундай концепция ва қарашларнинг таъсири ўлароқ янги ва янги тушунчалар юзага келмоқда: “марказий цивилизация” (Д. Уилкинсон) [12], “бўлинган цивилизация” (С. Хантингтон) [13], “саводсизлик цивилизацияси” (М. Надин) [14]. Янги ва янги муаммолар кун тартибига қўйилмоқда: цивилизация – ёввойилик манбаи (С. Латуш, П. Кауфман) [15], ўз-ўзини маданий идентификациялаш ва цивилизациялар тўқнашуви (С. Хантингтон) [16] ва ҳоказо.

Ўзбек фалсафасида ҳам цивилизациялар тараққиёти, ҳозирги замон цивилизациясининг ўзига хос хусусиятларига бағишланган рисоалар ва мақолалар талайгина. Жаҳон илмий жамоатчилиги атоқли олима Ф. Сулаймонованинг “Шарқ ва Ғарб” номли фундаментал китобини юқори баҳолади. Олима, биринчидан, цивилизацияларнинг турли типлари ўртасида диалектик алоқадорлик мавжудлигини асослаб беришга муваффақ бўлди. Иккинчидан, Ғарб цивилизациясининг тараққиётига айнан Шарқ замин ҳозирлаганини ишончли далиллар ёрдамида исботлади. Учунчидан, Шарқ ва Ғарб цивилизациялари ўртасидаги мулоқот асрлар оша давом этиб келгани, бу мулоқот ўз қонуниятларига эғалигини ёритиб берди. Тўртинчидан, Ф. Сулаймонова китоби, С. Хантингтон ибораси билан айтганда, мамлакатимизда ўз-ўзини маданий идентификациялаш жараёни бошланганини намойиш этди [17].

Хуллас, «цивилизация» тушунчаси турли фалсафий-гносеологик концепцияларда турлича ёндашувлар асосида талқин қилинган. Цивилизация ҳақидаги фалсафий, культурологик, социологик, этнопсихологик, географик концепциялар ва қарашларни охир-оқибатда уч асосий гуруҳга мансуб дейиш мумкин:

1. Цивилизацияни инсониятнинг ёввойилик ва варварликдан кейинги даврдаги яхлит прогрессив тараққиёти сифатида талқин қилувчи.

2. Цивилизацияни тарихий тараққиётнинг конкрет субъекти билан боғловчи, ижтимоий прогресс ёхуд регресснинг, моддий ва маънавий маданият тараққиёти ёки таназзулининг маълум бир босқичи сифатида таърифловчи.

3. Цивилизацияни техноген тараққиёт билан асословчи.

Табиийки, “цивилизация” тушунчасининг мазмунини аниқроқ ифодалаш учун фалсафий фикрлар тараққиётидаги қарашларни таҳлил қилмоқ, бу қарашлардаги эътироз уйғотмайдиган, мантиқан асосланган хулосаларни аниқламоқ мақсадга мувофиқ. Мазкур хулосаларга асосланмайдиган бўлсак, цивилизация деганда, инсониятнинг ёввойилик ва варварликдан кейинги даврдаги яхлит прогрессив тараққиёти, маданиятнинг мавжуд бўлишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Масалага бундай ёндашиш кўпгина замонавий муаммоларнинг табиатини аниқлаш ва бартараф этиш йўллари топиш учун замин яратади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Монтень М. Опыты. – М.: Эксмо, 2007.
2. Гизо Ф. История цивилизации в Европе. – М.: Территория будущего, 2007.
3. Морган Л. Первобытное общество: Исследования прогресса человечества из дикого состояния к варварству и из варварства к цивилизации. – СПб: Л.Ф.Пантелеев, 1900.
4. Энгельс Ф. Происхождение семьи, частной собственности и государства: в связи с исследованиями Льюиса Г. Моргана. – М.: URSS, 2007.
5. Ясперс К. Смысл и назначение истории. – М.: Республика, 1994.
6. Данилевский Н. Россия и Европа: Россия и Европа: взгляд на культурные и политические отношения славянского мира к германо-романскому. – М.: Эксмо, 2003.
7. Шпенглер О. Закат Европы. Гештальт и действительность. Очерки морфологии мировой истории. – М.: Эксмо, 2006. – С. 43.
8. Тойнби А. Цивилизация перед судом истории. – М.: АЙРИС ПРЕСС, 2006.
9. Вебер М. Аграрная история Древнего мира. – М.: Канон-пресс-Ц: Кучково поле, 2001.
10. Э. Третья волна. – М.: Эксмо, 1999.
11. [www.ecsocman.edu.ru/images/pubs/2004/04/03/0000153589/012iONOW.pdf](http://www.ecsocman.edu.ru/images/pubs/2004/04/03/0000153589/012iONOW.pdf).
12. [www.nsu.ru/filf/rpha/papers/civ/wilkinsn.htm](http://www.nsu.ru/filf/rpha/papers/civ/wilkinsn.htm) - 114k.
13. Третья волна: демократизация в конце XX века. - М.: РОССПЭН, 2003.
14. [www.ecsocman.edu.ru/images/pubs/2004/04/03/0000153589/012iONOW.pdf](http://www.ecsocman.edu.ru/images/pubs/2004/04/03/0000153589/012iONOW.pdf).
15. Цивилизации. Выпуск 2. – М.: Наука, 1993.
16. Хантингтон С. Столкновение цивилизаций. – М.: АСТ, 2006.
17. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада “цивилизация” тушунчасининг конкрет-тарихий мазмунга эгаллиги асослаб берилган. Мутафаккирларнинг ушбу тушунчага доир мулоҳазалари таҳлил қилинган. Муаллиф мазкур мулоҳазалар “цивилизация” тушунчасининг мазмунини аниқ ифодалаш имконини беришини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, цивилизация деганда инсониятнинг ёввойилик ва варварликдан кейинги даврдаги яхлит прогрессив тараққиёти, маданиятнинг мавжуд бўлишини таъминлайдиган ижтимоий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Мақолада масалага бундай ёндашиш кўпгина замонавий муаммоларнинг табиатини аниқлаш ва бартараф этиш йўллари топиш учун замин яратиши қайд қилинган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье обоснован конкретно-исторический характер понятия “цивилизация”. Проанализированы взгляды мыслителей о нем. Автор утверждает, что эти взгляды создают основу для более точного определения содержания понятия “цивилизация”. По его мнению, цивилизация означает целостное прогрессивное развитие человечества после варварства, совокупность социальных отношений, обеспечивающих существование культуры. В статье отмечается, что такой подход к проблеме создает предпосылку для выяснения сути и поиска путей преодоления различных проблем современности.

#### **SUMMARY**

The article substantiates the concrete historical notion of the concept of “civilization”. The views of thinkers about it are analyzed. The author claims that these views form the basis for a more accurate definition of the content of the concept of “civilization”. In his opinion, civilization means the integral progressive development of mankind after barbarism, the totality of social relations that ensure the existence of culture. The article notes that this approach to the problem creates the prerequisite for clarifying the essence and finding ways to overcome various problems of our time.

*Наирга проф. С. Чориев тавсия этган.*

## МУСТАҚИЛЛИК АРАФАСИДА ЎЗБЕКИСТОН ФАЛСАФИЙ ТАФАККУРИНИНГ ИЖТИМОЙ ҲОЛАТИ

Бобокулова Х. (СамДЧТИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** мустақиллик, миллат, дунёқараш, тафаккур, тоталитаризм, диалектика, мустабид тузум, синфийлик, марксизм.

**Ключевые слова:** независимость, национальность, мировоззрение, мышление, тоталитаризм, диалектика, тирания, секуляризм, марксизм.

**Keywords:** independence, nationality, worldview, thinking, totalitarianism, dialectics, tyranny, secularism, Marxism.

Тоталитар тузумда инсон тафаккурининг “топталиши”, яъни ижодий фикр тарзидан маҳрум қилиниши фалсафий дунёқарашни тубдан издан чиқарди. Инсон тафаккурининг “топталиш ғояси” ижодий фикрнинг заифлашуви инсон ақлини ўтмаслаштирди, бу ўз ўрнида беқарорликка олиб келди. Мамлакатда, бу жараёнлар Абу Наср Форобий таъкидлаганидек, “бу юртга бегона ғоялар аста кириб олиб, аҳолининг қарашларини бутунлай ўзгартириб юборган”, [6-163] деган фикрнинг исботидир. Натижада, жамият бир-бирига қарама-қарши бўлган кутбга бўлинишгача бориб етди. Ҳодисани “турмушдан”, “жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизи” да деб тушуниш фалсафани бир ёқламали қилиб, бу – “турмуш, ижтимоий борлик онгини белгилайди”, деган анъанавий фалсафага хос бўлиб, унда муайян мақсадлар жамият ҳаётининг “мафқуралашиб” боришига асос бўлган. Буни собиқ тоталитар мафқурага хос бўлган тарихий воқелик тасдиқлайди.

Собиқ иттифоқ даврида жамиятга ягона “марксизм” нуқтаи назаридан ёндашилди. “Диалектика”дан усул сифатида фойдаланилди ва ижтимоий ҳаётга татбиқ этилди. Лекин уни татбиқ этишда “пролетариат” манфаати кўзда тутилди. “Синфийлик” – марксизм фалсафасининг бош тамойили сифатида жамиятнинг ҳаракатлантирувчи кучи, деб баҳоланди. Жамият тарихига эса синфлар кураши тарихидан иборат, деб қаралди. Синфий манфаатлар устуворлик касб этиб, инсон манфаатлари мавҳумлаштирилди.

Аста-секин марксизм бирдан-бир тўғри ва изчил таълимот сифатида қаралиб, собиқ иттифоқ даврида давлат сиёсатининг мафқураси даражасига кўтарилди ва унинг ҳокимлиги таъминланди. Марксизм-ленинизм - материализм ва “дахрийлик” фалсафаси ҳам бўлиб, бир-бирини тўлдирар, инсонларнинг қарашлари, эътиқодлари, миллий тафаккур тарзи билан ҳисоблашмас эди. Унда синф манфаатлари, инсон манфаатларидан устунлик қилди натижада у сиёсат билан уйғунлашиб кетди. [4]

Биз биламизки, юзага келган бундай жараён натажасида халқимизнинг маънавий қиёфаси, тафаккури ва турмуш тарзи, менталитети, урф-одатлари, анъаналари, бағрикенглик тамойиллари, барқарорлик ва бунёдкорликка интилиш каби хусусиятларининг фалсафий моҳияти ва кадр-қиммати ўз аҳамиятини йўқотади. Унинг асосида ҳар бир инсониятга хос маънавият, тарбия, камолотимиз, жамият ва шахс дунёқарашини шакллантирадиган миллий тафаккуримиз тарихига таъсир этиб, фалсафий тамойиллар, тушунча ва категориялар тизимини издан чиқаради. Бундай ижтимоий тизимни издан чиқарган тузумнинг ақидаларини қуйида қайд этамиз: собиқ иттифоқ даврида ҳаётнинг барча соҳалари синфийлик, партиявийлик, худосизлик тамойиллари ва давлат мулки устуворлигига таянгани, сўз ва виждон эркинлиги турли йўллар билан бўғиб келингани, бир ёқлама дунёқараш зўрлик билан сингдирилгани туфайли фалсафанинг қуруқ сафсата ва зерикарли ақидага айланиб қолгани аччиқ ҳақиқатдир. У даврда тоталитар тузум ва яқка партия манфаатлари устун қўйилгани оқибатида фалсафа деганда, инсонни – инсон, халқни – халққа айлантирадиган, унинг кадр-қиммати ва ўзлигини акс эттирадиган, асрлар давомида бир бутун тизим сифатида шаклланиб, ривожланиб келган ҳодиса эмас, балки собиқ мафқуранинг маддоҳига айлантирилган, унинг доирасидаги кичик бир соҳа тушунилар эди, холос.

Кўпчилик, фалсафани алоҳида ва серқирра ҳодиса эмас, балки мавҳум ва ҳаётдан йирок қонунлар ва категориялар йиғиндиси сифатида тадқиқ ва тарғиб қилишга кўникиб, одатланиб қолган эди.

Бу эса фалсафий таълимотларнинг замон билан ҳамнафаслиги, халқ ҳаётининг инъикоси ва узвий ифодаси эканлигининг унутилишига сабаб бўлди. Натижада кўпчилик онгида фалсафа мавҳум ва кераксиз фан эканлиги, уни ўрганишга кетган вақт бекорга ўтгани ҳақидаги аламли тасаввурлар шаклланиб қолди. Фалсафа кўп йиллар мобайнида оддий ва раво тилда тушунтирилмас, аксинча, турли қонун ва қоидалар, хилма – хил таълимот ва ғоялар мажмуидан иборат мавҳум ва мураккаб фан сифатида талқин этиларди. У ёки бу фалсафий қоида нега керак, уларни ўрганишнинг қандай аҳамияти бор, муайян файласуф айнан бирор – бир ғоя ёки таълимотга кўпроқ аҳамият берганининг сабаби нимада, нима учун унинг қарашларида айнан ана шу муаммо устувор бўлди, деган масалалар, кўп ҳолларда, назардан четда қолар эди. Фалсафа тарихий воқелик билан боғлаб тушунтирилмас, фалсафий таълимотлар ўз асосчилари ҳаётининг узвий қисми экани ёддан чиқарилар эди. [4:10]

Истиқлол шарофати билан инсонларнинг тафаккурида туб бурилиш даври бошланди. Бу “моҳият эътиборига” кўра, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган, турмуш тарзимизга бегона бўлган шўро мафқураси ва дунёқарашидан воз кечиш ҳамда демократик жамият қуриш жараёни талабларига жавоб берувчи дунёни янги идрок этиш давридир. Буни ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, бунда бир қанча зарурат ва муаммолар юзага келади. Бу муаммо ва заруратларни сабаби ҳамда ечими, албатта, миллий тафаккур мафқурасига эҳтиёждир. Эҳтиёж замирида мавҳумлашган фалсафий тафаккурни янгилаш масаласи ётади. Бу хусусида академик И.А.Каримов шундай дейди: “Мафқурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдири учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим”. [2:24]

Хўш, ушбу жараёнда бизнинг олдимизда қандай мақсад энг асосий ўринда туради. Бу бир томондан, миллий тарихимиз ва умумбашарий тараққиёт ривожига муҳим ҳисса қўшган фалсафий меросимизни чуқур ўрганишни тақозо этса, иккинчидан, “марксистик” фалсафанинг асосида турган бир ёқламалikka барҳам бериб, унинг ўрнида ривожланган, халқнинг миллий, фалсафий-маънавий меросига таянган ҳолда дунё фалсафий тафаккурдан баҳраманд бўлаётган янги парадигмаларни шакллантириш масалаларидир.

Мустақиллик табиат ва жамият ҳодисаларини тушуниш, таҳлил қилиш ва талқин этишнинг асосий ғоявий негизи бўлиб келган ягона мафқуравий қоидаларнинг илмий асосизлигини кўрсатди. Мамлакатимизда инсонларнинг онги ва тафаккурида туб бурилиш даври бошланди. Бу “моҳият эътиборига” кўра, кишиларнинг онгига мажбуран сингдирилган, турмуш тарзимизга бегона бўлган шўро мафқураси ва дунёқарашидан воз кечиш ҳамда демократик жамият қуриш жараёни талабларига жавоб берувчи дунёни янги идрок этиш даври ҳисобланади.

Мустақиллик тафаккур тарзимизни ўзгартириб юборди, ҳаёт моҳиятини яна ҳам чуқурлаштирди, яшаш стагаи инсон моҳияти ва кадриятига айланди. Онгимиз ва тафаккуримиздаги бундай кескин бурилиш табиий равишда узок ўтмишга – инсоният тарихига янги тарихни тақозо этди. Бу бевосита тарих ҳақиқатини тиклаш, тарихий жараёнларга илмий ҳолислик билан баҳо бериш билан бирга тарихий жараённи фалсафий-мантқиқий тушунишни ҳам тақозо этмоқда. Зотан, тарих фалсафасининг моҳияти ҳам тарихни фалсафий англаш, фалсафий тушуниш, ҳар бир воқелик ва ҳодисага таҳлилий ёндашиш, уни келтириб чиқарган омиллар, манбалар, ижтимоий-тарихий муҳит ва манфаатлар асосида идрок этишни долзарб қилиб қўймоқда. [4:10]

Бунда мустақиллик, истиқлол деган улуғ неъмат аввало халқимизга эркинлик ва озод ҳаётни инъом этди. Инсоний шаънимиз, миллий онгимиз, кадр-қимматимизни тиклаб, барчамизга ўзлигимизни англаш туйғуси, тилимиз, муқаддас динимиз, кадрият ва урф-

одатларимизни қайтариб берди. Бу ўзликни англаш туйғуси биз учун ўз тақдиримизни кўлга олиб, ўлкамизнинг ер ости, ер усти бойликларига эга бўлиш, моддий ва маънавий салоҳиятимизни кўрсатиш, дунё ҳамжамиятида ўзимизга муносиб ўринга эга бўлиш демакдир. Бундан ташқари, мустақиллик миллатнинг, халқнинг умрбоқийлигини таъминлаш воситаси бўлиб, шу орқали озод халқ, миллат маънавий, моддий неъматларидан ўз эҳтиёжларини қондириш манбаини, шунингдек, келгуси авлодлар билан алоқаларини, ушбу алоқаларининг узвийлигини, давом этишини кўради.

Тафаккурнинг мустақиллик туфайли уйғониши ўзликни англаш билан қиёсланади. Ўзликни англаш инсондан, шахсдан бошланади. Шу англаш ғояси фалсафий тафаккур тарихи ва муносабати орқали шаклланади. Инсон, шахс доим манфаатлар, қизиқишлар ва эҳтиёжлар замирида ҳаракатда, айнан ана шу ҳаракат тарихий тафаккурнинг узвийлигини таъминлайди. Бу узвийлик инсон онги ва тафаккури, қалби ва туйғулари орқали юзага келган ҳодиса сифатида қадриятга айланади. Айнан шу ҳаётий фалсафа, жамиятни тараққий эттириш йўлидаги саъй-ҳаракат бутун бир жамият менталитетини белгилайди. Демак, инсоннинг тарихий-маданий меросга муносабатида жамиятнинг, миллатнинг ҳам муносабатлари диалектик тарзда намоён бўлади.

Дарҳақиқат, мустақиллик бизнинг жамият ва унинг тараққиёти тўғрисидаги қарашларимизда туб бурилиш ясади. Яъниким, инсон тафаккури янгича тафаккур асосида шакллана бошлади. Бу ўтмишдаги бир ёқлама тафаккур тарздан воз кечиб, серқирра юксалишга етакловчи, моҳиятан реал жамият қуришни таъминлади. Жамиятда янгича мафкуравий тазйиқлардан озод, эркин тафаккурга мос муносабатлар, бошқарув жараёнлари ва тамойиллари, меъёрлари қарор топди. Демакки, тафаккур эркинлиги ижтимоий фаоллигини ривожлантирувчи ҳаракат объекти эканлиги бугун буни мамлакат олдида ва фаолиятида амалга оширилаётган жараёнлар асосида кўришимиз мумкин.

Тафаккур – инсоннинг энг катта бойлиги. Тафаккурдан маҳрум бўлиш инсоний қиёфадан маҳрум бўлиш демакдир. Агар туздан шўрлик сифати олиб ташланса, уни туз деб атаб бўлмагани сингари инсон вужудидан тафаккур “юлиб олиб ташланса” уни инсон деб аташ ҳам мантикқа тўғри келмайди. Тафаккурни бошқариб бўлмайди, уни бойитиб, чархлаб бориш мумкин, холос.

Тафаккур – инсон ақлий фаолиятининг юксак шакли, объектив воқеликнинг онгда акс этиш жараёни, атроф-муҳитни, ижтимоий ҳодисаларни, воқеликни билиш жараёндир. Тафаккур – инсон миясининг алоҳида функцияси, унинг нерв физиологик асоси биринчи ва иккинчи сигнал системаларининг ўзаро муносабатларидан иборат. Тафаккур жараёнида инсонда фикр, мулоҳаза, ғоя, фараз қабилар вужудга келади ва улар шахснинг онгида тушунчалар, ҳукмлар, хулосалар шаклида ифодаланади. Тафаккур тил ва нутқ билан чамбарчас боғлиқ равишда намоён бўлади. Фикрлаш фаолияти нутқ шаклида воқеланади. Нутқ алоқаси жараёнида инсоннинг ҳиссий мушоҳада доираси кенгайиб қолмай, орттирилган тажриба бошқа кишиларга ҳам берилади. Инсон ўзининг тафаккури, нутқи ҳамда онгли хатти-ҳаракати билан бошқа мавжудотлардан ажралиб туради. У фикр юритиш фаолиятида ўзида акс эттирган, идрок қилган, тасаввур этган нарса ва ҳодисаларнинг ҳақиқийлигини аниқлайди, ҳосил қилинган ҳукмлар, тушунчалар, хулосалар чин ёки чин эмаслигини белгилаб олади. Инсон тафаккури орқали воқеликни умумлаштириб, бевосита (билвосита) акс эттиради, нарса ва ҳодисалар ўртасидаги энг муҳим боғланишлар, муносабатлар, хусусиятларни англаб етади. Бинобарин, инсон муайян қонун, қонуният ва қоидаларга асосланган ҳолда ижтимоий воқеа ва ҳодисаларнинг вужудга келиши, ривожланиши ҳамда оқибатини олдиндан кўриш имкониятига эга.

Тафаккур кўпгина фан соҳалари (фалсафа, мантик, жамиятшунослик, педагогика, физиология, кибернетика, биология)нинг тадқиқот объекти ҳисобланади. Психологияда тафаккур воқеликни умумлаштириш даражасига, муаммони ечиш воситаси хусусиятига, ҳолатларнинг инсон учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига, муаммони

ечиш воситаси хусусиятига, ҳолатларнинг инсон учун янгилиги, шахснинг фаоллик кўрсатиш даражасига кўра бир неча турларга ажратиб тадқиқ қилинади. Ижтимоий, таълим жараёни ва ишлаб чиқаришда одамлар ўртасидаги алоқа ва муносабатлар ҳам тафаккур ёрдамида намоён бўлади. Жамоада танқидий қараш, ўзини ўзи танқид, баҳолаш, текшириш, назорат қилиш, гуруҳий мулоҳаза юритишдан иборат. Ҳозирги замон фанининг жуда кўп мураккаб масалалари тафаккурдаги мантикий жараёнларни янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этмоқда.

Мустабидлик замонида тафаккур қуллиги, доимий тазйиқ халқнинг ўз тарихий илдиларидан ажратиб қўйилгани билан боғлиқ ҳолатларнинг ҳозирги дунёқарашдаги ўзгаришлар жараёнларига таъсирга ҳам эътибор бериш лозим. Илм-фан соҳасидаги туб ўзгариш ва янгиланишлар жараёни тўғрисида ҳам шундай дейиш мумкин. Айнан мустақиллик дунёқарашимизни мустабидлик сиртмоқларидан халос этди. Аслини олганда ушбу мавзунини ўрганиш ҳам истиқлол шарофатидир. [7:106]

Фалсафий тафаккур ривожини инсоният тафаккур ривожини, кишилик жамияти тараққиёти билан узвий боғлиқ жараёндир. Маълумки, ҳаётдаги воқеа-ҳодисаларнинг барчаси ижтимоий онгда акс этади. Тараққиёт жараёнида даврлар ўзгариши билан унга хос маънавий, ҳуқуқий, сиёсий ва фалсафий мезонлар ҳам шакллана бошлайди. Аммо бу ўз-ўзидан юз бермайди. Айниқса, инсон тафаккурининг ўзгариши, дунёқарашнинг янгича тамойилларга эга бўлиши узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Бу ҳол бизнинг кунларимизда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Мустақил фалсафий тафаккурнинг йўқлиги илмий изланишларни сийқалаштиради, ҳар қандай фикрни тайёр қолипу таърифларга солиб, хурфикрликни барбод этади. Мустақил фалсафий тафаккур бўлиши учун муҳит эркин бўлишининг ўзи етарли эмас, бунинг учун шахс тафаккури, ақлу идроки, руҳи эркин бўлиши лозим. “Тананг ва бойлигинг ҳақида эмас, аввало руҳинг озод бўлиши ҳақида қайғур”, деб насиҳат қилади Сукрот. Аммо руҳ озодлиги улғувор, олижаноб мақсадларга даъват этмоғи лозим. Демак, мустақил, бетакрор фалсафий тафаккур инсонни улғувор, олижаноб мақсадларга ундаши билан эъзозлидир. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон ижтимоий-фалсафий тафаккурида дунёни идрок этиш, қарашлар ва муносабатлар ўзгарди. Тафаккур тор доирадаги “моддий манфаатлар доирасидан” чиқди. Энди дунёвий тамойилларга мос инсон қадр-қиммати назарда тутилган она юрт, миллат манфаатига мослаштирилиб, моддий манфаатлар ёки моддий доирасидан четлаштирилди. Энди “мустақиллик”, мустақил тафаккур ижтимоий ҳаёт тарзини давр, замонга қараб муносабатни ўзгартириш билан бирга ҳамма нарсани ва ҳаммани жой-жойига қўймоқда. Эркинлик туфайли шахслар ижтимоийлашиб ўз дунёсига ва фаолиятига мос баҳосини олишида, вақт ўз тарихий ҳакамлик вазифасини бажаришда илдамлади.

Истиқлолга эришганимиздан буён чорак асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса-да, мустақил тараққиёт мамлакатдаги улкан имкониятларни рўёбга чиқаришнинг ягона ва муҳим омили экани ўзининг тўлиқ исботини топди. Зеро, фақат мустақилликкина ҳар бир халққа ўз фалсафасини эркин ривожлантириш, такомиллаштириш имконини беради: “Мафкуравий ақидалардан холи бўлган янги эркин тафаккурни шакллантириш зарурати етилди. Бундай тафаккур ҳар бир мамлакатнинг сифат жиҳатдан янгича ҳолатга ўтишида ғоят хилма-хил шакллар ва йўлларни очиб беради”. [1:10]

Бугунги кунда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёни моҳиятини ва фалсафий асосларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бунда асосий масала шундан иборатки, мустақиллик одамлар дунёқарашининг мазмун-моҳияти ва асосий йўналишларига янгича нуқтаи назардан қарашни тақозо этади. Уларни янги мазмун билан бойитишни, истиқлол талаблари асосида ўрганишни заруратга айлантиради. [7:105] Бу зарурат мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришлар ижтимоий жараёнларни бошқариш зарурлигини жамиятнинг ўзи англаб етишини, демократик қадриятларни ҳаётга татбиқ қилишни халқ-

нинг, миллатнинг ўзи амалга оширишни талаб қилади. Аслида халқни, миллатни ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маънавий-маданий ўзгаришларга жалб қилиш концепцияси негизида ҳам ушбу ёндашув ётади.

Ўтмишни баҳолашнинг энг тўғри ва холисона йўли унга ҳаёт ҳақиқати, инсон ва жамият ўртасидаги боғлиқлик, уйғунлик, кишилик ҳаётининг узлуксиз тараққиёти замирида ётган муносабатлар, қарама-қаршиликлар, манфаатлар орқали баҳо беришдир. Зотан, ҳаёт ҳақиқати, унинг қонуниятлари барча ғоялару назариялардан кўра устуворроқ, кенгрок ва чуқурроқдир. Бизнинг ҳар қандай юксак ғояларимиз, илмий тафаккуримиз ва ноёб назарияларимиз эса ана шу ҳаёт ҳақиқати ва фалсафасининг қайси бир жиҳатинидир, қай бир даражададир қамраб олиши мумкин. Бизнинг ўта чегараланган тушунча ва ғояларимиз тарих ва кишилик тараққиётидаги буюк силжишлар ва таназзулларни бутун кўлами билан қамраб ололмайди.

Бизга маълумки, собиқ иттифоқ ҳукм сурган мустабид тузум даврида ижтимоий-фалсафий фикр ва унинг тарихи тоталитар мафкура талабларига тўғри келадиган ғоялар тизимига қаратилди. Аммо юқорида қайд этилганидек, бу ғоялар бутун бир ҳаётимизнинг тарихини эгаллаб, соя сололмади, аксинча, юксалишига бошлайдиган янгича мустақиллик фалсафий тафаккури асосида шаклланди. Унинг такомилида миллий фалсафа ва жаҳон фалсафаси билан уйғунлашув жараёни шартлашди. Сабаби, миллий фалсафа билан омукташган жаҳон тажрибалари жамиятни ривожланиш сари етаклаши ҳеч кимга сир эмасдир.

Шу нуқтаи назардан бугунги фалсафа дунёқараш ва ҳақиқатни билиш тўғрисидаги фан эканлиги, унинг инсон онги, тафаккури ҳамда маънавий-руҳий олами билан боғлиқ тарзда унинг воқеа ва жараёнларга холис баҳо бериши, кечаги кун сафсатага айланган фалсафани ҳақиқат йўлини танлаганини, тўғрироғи, собиқ иттифоқ даврида бир маддохга айлантирилган, моҳиятан ўрганилмаган боши берк кўчага кириб қолган фалсафа тарихан кескин бурилиш ясаб, моҳиятини англаш, объектив тарзда қонуниятларни тўғри изохлаш орқали маънавий эҳтиёжини қондира оладиган ғоялар тамойилига айланди.

Энди бугунги воқелик собиқ иттифоқ даври мафкурасини ортда қолдирди. Ўтган давр қараш ва ғояларини ўтмишга айлантириб, мамлакатимиз ҳаётини тубдан ўзгартираётган, унинг бугунги кунини ва келажакини белгилаб жамиятимиз барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар янгиланиб, жамиятимиз манфаатларига хизмат қилиб, замонга мос, давр билан ҳамнафас, ҳамма талабларга муносиб фан сифатида реаллашди. Сабаби мустабидлик туфайли ўтмаслашган фалсафа, мустақиллик шарофати билан ўткирлашди, яъни фикр, тафаккур соф муҳит замирида теранлашди.

Ҳозирги кунда жамиятимизда истиқлол ғояларига асосланадиган янги дунёқарашни шакллантириш асосий вазифа бўлиб турибди. Зеро, инсон дунёқарашини, унинг асосий тамойилларини ўзгартирмасдан, янги жамиятни куриш қийин.

Истиқлол талаблари даражасида фалсафий тафаккурни янгилаш вазифаларини бажа-риш ғоят мураккаб бўлиб, қуйидаги қатор муаммоларни ҳал қилишни тақозо этмоқда:

-мустабид тузум мафкурасининг ижтимоий, маънавий ва фалсафий соҳалардаги асо-ратларини батамом бартараф этиш;

-кишилар онги ва турмуш тарзидан собиқ тузумга хос ғайриинсоний тамойилларни сиқиб чиқариш;

-Ўзбекистон фалсафасида жаҳон фалсафий тафаккури ютуқларидан янада кенгрок фойдаланиш;

-бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш жараёнида нафақат оддий фуқаро, балки зиёли ва фалсафа мутахассисларининг онгида ҳамон сақланиб келинаётган лоқайд-лик ва мутелик каби кайфиятларга барҳам бериш;

-маънавий меросимизни қайта тиклаш ва ижодий ривожлантириш жараёнида буюк аждодларимиз фалсафий меросини янада кенг ва чуқурроқ ўрганиш;

-фалсафий адабиётларни миллий манфаатларимизга янада кўпроқ мослаш, қўлланма ва дарсликларимизда миллий ғоя ва истиқлол мафқураси тамойилларини акс эттириш;

-истиқлол талабларига мос келувчи соғлом ғояли маънавий баркамол авлодни тарбиялаш заруратига мос тадқиқотлар олиб бориш, улар асосида таълим-тарбиянинг самарали усул ва имкониятларини излаб топиш;

-жаҳон, Шарқ халқлари фалсафий меросини пухта ва чуқур ўрганиш, бу жараёнда турли ғоя, мафқураларнинг давлатлар ҳамда халқлар тақдирига таъсирини аниқ кўрсатиш ва шу асосда истиқлол мафқурасининг тамойилларини кишилар онгига сингдириш.

Ана шу масалаларни уйғун ҳолда ҳал қилиш фалсафий дунёқарашимизни янгилашга ёрдам беради. [7:106]

Фалсафий дунёқарашимизни янгилаш, энг аввало, жамиятни янгилаш, инсон тафаккури билан пайдо бўлган “эскилик ақидалардан” буткул воз кечиш, шу орқали ўтмишга, бугунга ва истиқболга кенгроқ эътибор бериш орқали энг адолатли, энг асосли, кенг қамровли ҳулосалар чиқаришга ҳаётий муносабат вужудга келди.

Янгича фалсафий тафаккур кишининг ташқи олами нарса ва ҳодисаларга бутунлай янгича муносабатда бўлишини тақозо этса, янгича сиёсий-тафаккур эса ижтимоий ҳодисаларга бўлган муносабатларда умуминсониятнинг тарихий тажрибаларидан келиб чиқиб, умуминсоний қадриятларга умуминсоний манфаатлар нуқтаи назардан ёндашилишини назарда тутди. [5:146]

Янгича тафаккур – янгиланаётган жамият тараққиётида инсонга энг олий неъмат тухфасидир. Бу тухфа инсон манфаатлари учун хизмат қилишни ўзига устувор йўналиш ҳисоблайди. Шу орқали ҳар бир кишининг фаолиятга йўналтирилиши, ҳар қандай шахснинг манфаати умуминсоний манфаатга мос тарзда хизмат қилишга қаратилган бўлиши лозим. Бу унинг жамиятда танлаган йўли, тамойил-принципларига тўғри келадиган инсонни шакллантириш, тарбиялаш мақсадини биринчи галдаги вазифа қилиб қўяди. Ўзбекистон сиёсий мустақилликни қўлга киритиши билан инсонга бўлган муносабат ўзгарди. Энди эскича ижтимоий-сиёсий тизим янги жамият куриш талабларига номутаносиб кўриниш акс этиб, янгиланган тафаккур жамиятда тоталитар, маъмурий-буйруқбозлик тартиботлари, уни амалга ошириш механизмларини рад этиб, янги демократик тамойиллар асосида иш кўра бошлади. “Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз, бу демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир, – деб фикр юритади академик И.А.Каримов ” [3:177]. Бу изчиллик мустақиллик йилларида фалсафанинг янгиланиши учун зарур асосларни шакллантирди. Натижада фалсафий тафаккурни янгилаш жараёнининг тарихий илдизларини ўрганиш ва фалсафий таҳлил этиш, мутақиллик фалсафий тафаккурини инновацион ғоялар билан ўзгартириш учун барча имкониятлар яратиб берилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Каримов И.А. БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясидаги маъруза // Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2. – Т.: Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни – халқ, миллатни – миллат қилишга хизмат этсин // Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т. 13. – Т.: Ўзбекистон, 2005.
4. Жўраев Н. Тарих фалсафасининг назарий асослари. – Т.: Маънавият, 2008.
5. Карим Т. Миллий тафаккур тараққиётдан (“Авесто” замонларидан то XXI аср бошларигача). – Т.: Чўлпон, 2003.
6. Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: А. Қодирий номли халқ мероси нашриёти, 1993.
7. Назаров Қ. Фалсафа асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2005.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада Ўзбекистон фалсафий тафаккурининг мустақиллик арафасидаги аҳволи ва унинг вужудга келиши сабаблари таҳлил қилинади, мустақилликнинг илк йилларида мустабид тузум



мафкуриси асоратларини бартароф этиш, жаҳон фалсафий ютуқларини ўзлаштириш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар баён этилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье анализируется состояние философского мышления Узбекистана накануне независимости, причины его возникновения. Автор излагает суть реализованных в первые годы независимости действий по преодолению последствий тоталитарной идеологии, усвоению мировых философских достижений.

#### SUMMARY

The article analyzes the philosophical thought of Uzbekistan on the eve of Independence and its reasons of formation. The author reveals overcoming the influence of the ideological system of the old system by the continued use of world philosophical achievements.

*Наширға проф. С. Чориев тавсия этган*

### ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ЖАДИДЧИЛИК МАЪНАВИЙ МЕРОСИНИНГ АҲАМИЯТИ

Амридинова Д.Т. (СамДЧТИ)

**Таянч сўзлар ва иборалар:** *маърифий қадриятлар, тараққийпарвар ғоялар, маънавий мерос, комил инсон, комил инсон концепцияси, миллий ифтихор.*

**Ключевые слова и выражения:** *духовное наследие, всесторонне развитая личность, общечеловеческие нравственные ценности.*

**Keywords:** *spiritual heritage, comprehensively developed personality, universal moral values.*

Жаҳон илмий-фалсафий мероси тараққиёти тарихида жадид маърифат-парварлигининг ижтимоий-фалсафий ғояларини бугунги кун талаблари нуктаи назаридан илмий-назарий тадқиқ этиш ёшлар миллий-маънавий қиёфасини шакллантиришда, уларни ахлоқий юксалтиришда, турли хил ёт ғоялардан сақлаш, ғоявий таҳдидлардан ҳимоя қилиш ҳамда улар онгида мафкуравий иммунитетни шакллантиришда муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Мамлакатимизда буюк алломаларнинг илмий-маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни аждоқларимизнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялаш бўйича ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Маънавий-маърифий соҳадаги ислохотлар самарасини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. “Биз аждоқларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, уларнинг ғояларини англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмоқдамиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлида бормоқдамиз”<sup>1</sup>. Бу борада жадидларнинг нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсида эътироф этилган Ватанга муҳаббат ва садоқат, бағрикенглик, оилани муқаддас қадрият сифатида эъзозлаш ва мустаҳкамлаш, маънавий огоҳлик, гуманизм ва маърифий ислом қадриятларига риоя этиш, комил инсонни тарбиялаш каби ғояларининг мазмунини илмий асосда очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, жадидлар мафкурасида ҳозирги кунда ҳам долзарб бўлиб турган инсон маънавий камолоти ижтимоий жараёнларини фаоллаштириш, тараққийпарвар демократик институтларни вужудга келтириш, ўлкада ўзига хос миллий ривожланишни шакллантириш каби тарихий вазифалар жамланган эди.

Бу йўлда жадидлар ривожланган жамият яратишдек ўз ғояларини амалга оширишда мутаассиблик, лоқайдлик, қоқоқликка қарши курашга алоҳида аҳамият берганлар. Бу вазифаларни амалга оширишда улар тараққийпарвар, билимли ёшларга таянганлар. Жадидлар

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: Маънавият, 2017. – 184 б.

тил ўрганиш ва фан-техника тараққиётининг аҳамиятига алоҳида эътибор бериб, Туркистоннинг ўтмишдаги ҳамда замонавий ҳолатининг ўзига хос томонларини ҳисобга олган ҳолда, унинг келажакни кўйидагича тасаввур қилганлар: кучли дунёвий ҳокимият, хусусий мулкнинг дахлсизлиги. Улар қурмоқчи бўлган давлат исломга ҳурматини сақлаган ҳолда барча йўналишдаги маданиятларнинг эркин ривожланишига хайрхоҳ бўлиши лозим эди. Жадидлар халқнинг маданият даражасини халқаро савияга кўтаришни орзу қилганлар, бунинг учун эса ёшларни Европанинг энг яхши ўқув масканларида ўқитиш зарур, деб ҳисобланганлар. Улар давлат келажакни ёшлар қўлидалигини жуда яхши англаганлар.

Жадидлар ёшларга мурожаат қилиб, миллатнинг тараққиёти учун курашишга чақиради ва уларни миллат тараққиётининг пойдеворлари, деб тушунади. Улар бу масалада ёшларга мурожаат қилар экан, Туркистоннинг тараққиёти ва равнақи замонавий таълим-тарбия берадиган мактаб ва олий даргоҳларда таҳсил олиш, ислохотларни амалга ошириш ғайратли ёшларнинг ҳаракати, маърифатпарварлиги, шижоати соясида вужудга келади дейди. Шунинг учун ҳар бир миллий ўзимизда мавжуд бўлган мушкул ишларда ёлғиз ёшларимизни илм салоҳиятидан умидвормиз ва улардан ёрдам сўраймиз деб ёзадилар. Жадид мактаби, илмнинг бешигидир. Бу бешиқдан кейин, албатта, ўрта махсус ва олий ўқув юртинининг бўлиши ва ёшлар таҳсилни шу тарзда, занжирсимон давом эттиришлари зарур.

Истиқлол ва юрт равнақи қайғуси билан яшаган жадидчилар замон кишинининг сиймосини белгилашда икки манбадан озиқ олдилар, бир томондан, улар миллий - маънавий анъаналарга суянган бўлса, иккинчи томондан, Оврупо тажрибасига мурожаат этган.

“Маданият тўлқинлари Осиёдан ўтиб, Оврупо қитъасини босган”, маҳаллий мутаассиб гуруҳлар ислохотларга тиш-тирноқлари билан қаршилик кўрсатиб, халқни ортга – жаҳолат ботқоғига тортаётган бир даврда жадидлар Оврупонинг илғор тажрибасига, хусусан, Оврупо фалсафаси ва адабиёти талқинидаги инсон концепциясига мурожаат этишга, Оврупо “Маданиятига киришмакка” интилади. Улар ўша давр шароитида инсон тарбияси соф миллий замин доирасида қолиши миллатнинг равнақини чеклаб қўйиши мумкинлигини яхши тушунганлар. Шунинг учун ҳам улар ўз изланишларида Ғарб тамойилларига мурожаат этганлар. Оврупо маданияти, Оврупода кенг тарқалган турли назариялар, хусусан, комил инсон концепцияси турли назариялар, турли йўллар билан жадидлар дунёқарашининг шаклланишига таъсир ўтказа бошлади.

XVIII аср француз маърифатпарварлари эса адолатли замоннинг барча фуқароларини дунёвий илмлар билан маърифатли қилиш орқали эришиш мумкин, деб чиқдилар. Улар маърифатли шахс деганда, биринчи навбатда, дунёвий илмлар билан қуролланган, тафаккурга эга бўлиш кераклигини эътиборга олганлар. Иккинчидан, ўз даври ижтимоий муҳит талаблари асосида шаклланган ахлоқ меъёрларига тўла риоя қилишни назарда тутганлар. Учинчидан эса, маърифатли киши, албатта, гуманизм руҳида (яъни бошқаларга эзгулик руҳида) тарбия топган бўлиши керак, деб тушунганлар.

Жадидлар Ғарб мамлакатларининг маънавий ҳаётида миллий анъаналаримиз, халқимиз руҳиятига тўғри келмайдиган жиҳатларни инкор этган ва комил инсонни тарбиялашда миллийликни бош мезон деб билганлар. Шу билан бирга, улар ўтмиш адабиёти ва унда ўз ифодасини топган комиллик асосларининг давр талабларига тўлиқ жавоб бермаслигини ҳам англаганлар.

Ғарб ва Шарқ инсоншунослигини пайванд қилишга интилган жадид ёзувчиларнинг биргина ижобий қаҳрамонларига берилган таърифида комилликнинг замонага мувофиқ “оврупоча андоза”си яққол кўзга ташланади. Маҳмудхўжа Бехбудий ўзининг “Падаркуш” драмасидаги зиёли тили билан давр қаҳрамонини тарбиялаш хусусида шундай фикр юритади: “Олими замоний бўлмоқ учун болаларни аввало мусулмоний хат ва саводуни чиқариб, зарурияти диния ва ўз миллатимиз тилини билатурган сўнгра ҳукуматимизни(нг) низомли мактабларига бермоқ керакдур... сўнг Петербург, Москов дорилфунунларига юбориб, доктурлик, закунчилик, инженерлик, судьялик, илми санъат, илми иқтисод, илми

химмат, муаллимлик ва бошқа илмларни ўқитмоқ лозимдур”<sup>1</sup>. Жадидлар матбуоти ва ана шундай ҳаққонийлик ва жасорат намунаси бўла олади. Асримизнинг 20-йилларидаёқ у миллий ўзликни англаш, миллий ифтихор ва ватанпарварлик ва халқ тақдири учун масъулият туйғуларини шакллантира олди.

Тарихий тажриба шуни кўрсатяптики, ўз даврининг кўзга кўринган ижтимоий-сиёсий оқими сифатида жадидчилик миллий ўз-ўзини англашнинг ўсишига ва миллий-озодлик мафкурасининг шаклланиши ва тараққиётига жуда катта хизмат қилди.

Етук маърифатпарвар Абдулла Авлоний миллат келажаги бўлган ёшлар тарбиясига, айниқса, уларнинг маънавий-ахлоқий қиёфасини умуминсоний қадриятларга мос қилиб тарбиялашга эътиборини қаратади. Унинг таъкидлашича, инсон ёшлигидан бошлаб яхши тарбия топиб, юксак маънавий фазилатларга эга бўлиб, бузук хулқлардан сақланиб ўсган бўлса, бахтиёр ва осуда ҳаёт кечиради, ўзига, оиласига, жамоаси, халқи, миллати ва Ватанига беҳад катта наф келтиради.

Хулоса қилиб айтганда, жадидлар замон кишисининг комиллик сифатларини белгилашда икки манбадан озиқ олдилар: бир томондан, миллий ва исломий анъаналарга, хусусан, мутасаввуф алломаларнинг комил инсон ҳақидаги таълимотига таянган, уларни замон талабларига мувофиқ тарзда ривожлантирган бўлсалар, иккинчи тарафдан, Оврупо фалсафаси ва адабиётида ўз талқинини топган инсон концепциясидан давр ва ўзига хос миллий муҳит, халқнинг турмуш тарзи хусусиятларини эътиборга олган ҳолда унумли фойдаландилар.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи. – Т.: Маънавият, 2017. – 184 б.
2. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. Иккинчи жилд. – Тошкент, 1998. – Б. 28.
3. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент, 1992. – Б. 27.
4. Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2009. – Б. 17.

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада миллий таълим-тарбиямиз тараққиётида муҳим даврни эгаллаган жадидлик таълимотининг ўзига хос хусусиятлари, ундаги инсонпарварлик ғоялари таҳлил қилинган.

#### РЕЗЮМЕ

В научной статье анализированы гуманистические идеи джадидизма в развитии общественно-философской и педагогической мысли нашего народов. При этом приведены высказывания отдельных представителей этого просветительского движения в нашем регионе.

#### SUMMARY

The scientific article analyzes the humanistic ideas of Jadidism in the development of social and philosophical and pedagogical thought of our people. At the same time, the statements of individual representatives of this educational movement in our region are given.

*Наширға проф. С.Чориев тавсия этган*

## ЁШЛАРДА БАҒРИКЕНГЛИК МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ТАЪЛИМНИНГ РОЛИ

Холиқов Ю.О. (СамДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** ёшлар, маънавият, урф-одатлар, ахлоқ, фан ва таълим, тарбия, дунёқараиш, стратегия, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат, тараққиёт, барқарор.

**Ключевые слова:** молодёжь, духовность, традиции и обычаи, этика, наука и образование, воспитание, мировоззрение, стратегия, образование, культура, наука, литература, искусство, развитие, стабильность.

**Keywords:** the youth, spirituality, customs, ethics, education, upbringing, worldview, strategy, culture, science, learning, literature, art, development, stable.

<sup>1</sup> Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2009. – 17 б.

Бугунги кунда жамият ва давлат тараққиётининг барқарорлиги ўз навбатида юрт тинчлиги ва тараққиётига, умуминсоний маданият ва маънавий ривожига туртки бўлмоқда. Жамиятда ёшларнинг бағрикенглик маданиятини шакллантириш масаласи бутун инсоният томонидан ўртага ташланган муаммо ва долзарб умуминсоний қадрият сифатида эътироф этилмоқда. Мана шундай маданиятни ахлоқий тамойиллар билан уйғунлаштирган ҳолда таълим тизимига татбиқ этиш муҳим масаладир. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, «Маълумки, ёш авлод тарбияси ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда «Тарбия қанча мукамал бўлса, халқ шунча бахтли яшайди», дейди донишмандлар. Тарбия мукамал бўлиши учун эса бу масалада бўшлиқ пайдо бўлишига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди»<sup>1</sup>. Дарҳақиқат, ёшлар мамлакат келажаги, мамлакатнинг ишонган таянчи, миллат бардавомлиги ҳисобланади. Шунинг учун ҳам юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳияти кўп жиҳатдан, келажагимиз, эртанги кунимиз эгалари – ёшларни ҳар томонлама етук бўлишларини таъминлайди. Айниқса, ҳозирги таҳликали даврда ҳар бир ёш авлоддан замон талабларига ҳозиржавоблик ва фаолликни талаб қилиш билан бир қаторда, уларнинг маънавий-ахлоқий камолоти ва бағрикенглик ҳар доим долзарб даражага кўтарилмоқда. Чунки маънавий-ахлоқий ва миллий қадриятлар, ахлоқ нормаларига кўра, жамият тараққиётига ижобий таъсир кўрсатади. Аксинча, маънавий-ахлоқий ва миллий қадриятлар, ахлоқ нормаларининг бузилиши жамият ва давлатнинг ривожланишига салбий таъсир этиб, жамиятда бағриторлик шаклланишига олиб келади.

Мустақиллик йилларида маънавий-ахлоқий ва миллий қадриятларимизни ўрганишга, ёшларнинг бағрикенглик маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилди. Биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар билан 1998 йил 26 июнда бўлган суҳбат чоғида: “Модомики ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур,”<sup>2</sup> – деган сўзлари тарихчи олимлар олдида ҳаққоний миллий тарихимизни очиб беришга, аждодларимизнинг юксак бағрикенглик маданиятни тиклашимиздек машаққатли ҳамда шарафли вазифани юклаган эди.

Тарихдан бизга маълумки, жамият ва давлатда миллатлараро тотувлик, бағрикенглик ғоясининг аҳамияти англаб етилмаса, жамият ва давлат ҳаётида турли зиддиятлар, муаммолар вужудга келади, улар тинчлик ва барқарорликка хавф солади. Бугунги кунда ҳам мамлакатимизда яшайдиган турли миллат вакиллари учун тенг имкониятларнинг яратилиши, айниқса, диний бағрикенглик давлат сиёсати даражасига кўтарилиб қонуний асосларда мустаҳкамланганлигини кўришимиз мумкин. Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев нутқлари ва маърузаларида ёшларни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, миллатлар ва динлараро тинчликни таъминлаш, бағрикенглик муҳитини қўллаб-қувватлаш асосий тамойил сифатида илгари суриб келинмоқда. “Маълумки, бизнинг қадимий ва саховатли заминимизда кўп асрлар давомида турли миллат ва элат, маданият ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган. Меҳмондўстлик, эзгулик, қалб саховати ва том маънодаги бағрикенглик бизнинг халқимизга доимо хос бўлган ва унинг менталитети асосини ташкил қилади”<sup>3</sup>. Шу ўринда таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда ёшлар мамлакатимиз аҳолисининг 60 фоизни ташкил этмоқда. Бу жуда катта куч эканлигини ҳар биримиз жуда яхши биламиз. Бундан келиб чиққан ҳолда, ёшларда бағрикенгликни шакллантириш, маънавий-ахлоқий

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б. 50–56.

<sup>2</sup> Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Тошкент: Шарк, 1998. – Б. 24-25.

<sup>3</sup> Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. –Т.: Ўзбекистон НМИУ, 2017. – Б. 29–61 б.

кадриятлар асосида тарбиялаш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов таъкидлаганидек, жамият маънавиятини янада юксалтириш – ислохотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги фаолиятимизнинг устувор йўналишларидан бирини ташкил этади. Ёшларимизнинг маънавий-ахлоқий онги, маънавий дунёси кундан-кунга бойиб бормоқда. Бу эса давлатимизнинг миллий кадриятларимиз асосини янада мустаҳкамлашга имконият яратиб бермоқда. Айниқса, таълим тизимини инсопарварлаштириш, ёшларимизда хорижий тилларга бўлган иштиёқмандликни кучайтириш ва шу аснода бағрикенглик маданиятини оширишга алоҳида эътибор берилган. Бу борадаги меъёрий ҳужжатлар асосида “Бизнинг – Конституциямиз ва қонунларимизда Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари миллати, тили ва динидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга экани мустаҳкамлаб қўйилган. Уларга ўз миллий маданияти, анъана ва урф-одатларини сақлаш ҳамда ҳар томонлама ривожлантириш учун барча имкониятлар яратилган. Мамлакатимизда 16 та конфессияга мансуб диний ташкилотлар эркин фаолият юритмоқда. Давлат таълим муассасаларида ўқитиш 7 тилда олиб борилмоқда. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ўз кўрсатувларини 12 тилда намойиш этмоқда, ўндан ортик тилда газета ва журналлар нашр этилмоқда”<sup>1</sup>. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда таълимга қаратилаётган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб бормоқда.

Тарихдан бизга маълумки, ўзбек халқи қадимдан соғлом фарзанд тарбияси масаласига жиддий эътибор билан ёндашган. Масалан, бола тарбияси билан асосан маънавий-ахлоқий, миллий кадриятлар, дунёвий илм соҳасида оқила энагалар ёки илм-маърифатда катта обрў-эътиборга эга устоз-мураббийлар шуғулланган. Бу ҳақда “Қобусномада” шундай дейилади: “Фарзандингга ҳунар ва фазл ўргатмакда тақсир қилмағил ва ҳар илмни ўргатувчи муаллимлар таълим учун урсалар, сен шафқат кўргузгил, нединким ёш ўғлон илм ва адабни таёқ била ўрганур ва ўз ихтиёри билан ўрганмас. Аммо фарзанд беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг била урмағил, муаллимларнинг таёғи била кўрқутғил. Болаларга муаллимлар адаб берсинлар, токи сендин ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин. Фарзандга адаб, ҳунар ўргатмакни мерос деб билғил”<sup>2</sup> деган фикрлар асосида юртимизда ёшлар тарбиясига қадимдан эътибор берилиб келинганлигини кўришимиз мумкин. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ёшлар тарбиясига шарқ мутафаккирлари ҳар бир даврда ижобий фикрларини билдириб келишган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ташаббуси билан 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ишлаб чиқилди. Стратегиянинг тўртинчи устувор йўналиши “ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимояси ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш” белгиланди<sup>3</sup>. Шу муносабат билан бугунги кунда таълим ва илм-фан, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги усулларини, жумладан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз// Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. 7-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 38–41.

<sup>2</sup> Кайковус. Қобуснома. –Т.: Ўқитувчи, 2006. – Б. 42.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 февраль.

жорий этиш соҳаси давлат сиёсати даражасига кўтарилиб бормоқда. Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларни маънавий-ахлоқий, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, маънавий етук ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ишлари амалга оширилмоқда. Бу борада юртимизда барча соҳалардаги сингари таълим тизимида ҳам ўзига хос фалсафий дунёқараш шаклланган бўлиб, ёшларимизда бағрикенглик маданиятини кучайтириш ўзининг янада долзарблигини кўрсатмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ислом Абдуганиевичнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт» деган чуқур маъноли фикрлари ҳаммамизнинг қалбимизда муҳрланиб қолган. Юртбошимиз мамлакатимизнинг бугунги ва эртанги кунини ҳал қилувчи куч бўлиб майдонга чиқаётган ёшларимизнинг тафаккури ва дунёқарашини кескин ўзгартирган, мутлақо янги таълим ва тарбия тизимини яратиш ва ҳаётга татбиқ қилиш ишларига бевосита муаллифлик ва раҳбарлик қилдилар. Юртимизда илм-фан, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат, спорт каби муҳим соҳалар фаол тарзда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбари халқимизнинг маънавий қадриятларига эҳтиром билан муносабатда бўлиш, муқаддас динимиз, анъана ва урф-одатларимиз, бебаҳо тарихий меросимизни сақлаб қолиш ва ривожлантиришни давлат сиёсати даражасига кўтарди”<sup>1</sup>. Шу боис «Таълим тўғрисида»ги қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий Дастуримизда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштириш, ёшларни юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш, ўз Ватанига содиқ ёшларни тарбиялашга алоҳида аҳамият берилган. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлган маънавий-ахлоқий тарбия ишларида «Ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар такомиллаштириб борилади», – деб кўрсатилади<sup>2</sup>. Бу эса, ўз навбатида, таълимнинг жамият учун нақадар муҳимлигини, ёшларимизнинг келажаги учун давлат доимо раҳнамолигини кўрсатиб беради.

Таълим-тарбия жараёнида ёшлар дунёқарашини бағрикенглик асосида шакллантиришга қаратилган ахлоқий-эстетик тарбия масалаларини кучайтириш замоннинг талабидир. Ёшларимизда ҳуқуқий онг ва маданиятни қарор топтиришга йўналтирилган фаолият негизида бағрикенглик маданиятини ривожлантириш, айниқса, бу борадаги ёшлар тарбиясида миллий қадриятларга таяниш муҳим аҳамиятга эгадир. Инсоннинг дунёга бағрикенг муносабати, воқеа, ходиса, жараёнларни гўзаллик қонунлари асосида идрок этиши муҳим омиллардан биридир.

Таълим муассасаларида ёшларни ижодий фикрлаш, янгиликка, билимга интилиш асосида янги бирор нарсани, техник воситани яратишга ундаш, такомиллаштириш кўникмасини шакллантиришда миллий қадриятларга асосланиш ва бағрикенгликни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидагича хулоса қилиш мумкинки, ёш авлод таълим-тарбияси жараёнида маънавий-ахлоқий, миллий қадриятлардан фойдаланиш, жамиятимиз аъзолари, айниқса, ёшларимизни миллий ғоя руҳида тарбиялаш долзарб масаладир. Бу жараёнда ёшларимизда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, бағрикенглик маданиятини илму-маърифат асосида кучайтириш ва маънавиятини бойитиш, юксак ахлоқий фазилатларни миллий руҳда тарбиялаш жамиятимизнинг таълимга яна бир бор эътиборини намоён этади.

---

<sup>1</sup> Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз // 1-жилд. – Т.: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. – Б. 37–45.

<sup>2</sup> Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг Бош таҳририяти. 1998. – Б. 55.

## РЕЗЮМЕ

Мақолада таълим-тарбия жараёнида маънавий-ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ва ёшларда миллий тафаккурни шакллантириш мезонлари тадқиқ этилган. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган. Шу муносабат билан бугунги кунда таълим ва илм-фан, ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш, таълимнинг янги усуллари асосларида ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш мезонлари ёритилган. Унда бутун инсоният томонидан тан олинган ва эътироф этилган маънавий кадриятлар ҳамда ахлоқий тамойилларни фаол ўзлаштириб, ҳаётга татбиқ этиш масалалари ёритилган.

## РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается роль духовно-нравственного воспитания в образовательном процессе и критерии формирования национального самосознания у молодежи. В Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017–2021 годы рассматриваются критерии развития образования, культуры, науки, литературы, искусства и спорта, а также совершенствования государственной молодежной политики. В связи с этим сегодня выделены критерии формирования культуры толерантности у молодежи на основе новых методов обучения, реализации государственной молодежной политики в сфере образования и науки. В нем обсуждается активное развитие и реализация духовных ценностей и этических принципов, которые признаются и признаются всем человечеством.

## SUMMARY

In the article the role of spiritual and moral education in the education process and the criteria for the formation of national consciousness in young people are investigated. The Strategy of Action on the five priority directions of development of the Republic of Uzbekistan for 2017-2021 examines the criteria for the development of education, culture, science, literature, arts and sports, and the improvement of state youth policy. In this regard, today the criteria for the formation of a culture of tolerance in youth on the basis of new methods of education, the implementation of the state youth policy in education and science are highlighted. It discusses the active development and implementation of spiritual values and ethical principles that are recognized and recognized by all mankind.

*Наширға проф. С. Чориев тавсия этган*

## АНАЛИТИК ФАЛСАФАНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ МУАММОЛАРИ

Эшматов М. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *рационализм, иррационализм, позитивизм, неопозитивизм, сициентизм, антисциентизм, экзистенциализм, структурализм, герменевтика, прагматизм.*

**Keywords:** *rationalism, irrationalism, positivism, neopositivism, ssiyentizm, antissiyentizm, ekzistentzializm, strukturalizm, germenevtika, pragmatism.*

**Ключевые слова:** *рационализм, иррационализм, позитивизм, неопозитивизм, сициентизм, антисциентизм, экзистенциализм, структурализм, герменевтика, прагматизм.*

Маълумки, ҳамма замонларда ҳам фалсафа ўз даврининг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлларини топишга ҳаракат қилган. XIX аср охири ва XX аср бошларига келиб, Ғарб адабиётида эркин ижод даври бошланди. Хусусан, инсон муаммосини ўрганишда унинг рационал жиҳатларига эмас, иррационал жиҳатларига эътибор қаратиш кучайиб кетди. XX асрга келиб инсоният фан ва техника тараққиёти соҳасида улкан ютуқларни қўлга киритди. Шу билан бирга, айнан ушбу аср ижтимоий силсилалар, иккита жаҳон уруши, экологик инқироз, оғир йўқотишлар даври ҳам бўлди. Бу эса фалсафий фикр тараққиётида ўз аксини топди, унинг турли йўналиш ва оқимлари муаммоларининг салмоғи, мақсад-муддаосини

аниқ белгилади. Бунинг натижаси сифатида ҳозирги давр фалсафасида ниҳоятда хилма-хил оқим ва йўналишлар вужудга келди. Ўз навбатида, бу илм-фан ва амалиётнинг ҳамда XIX асрнинг иккинчи ярми ва ҳозиргача бўлган фалсафа илми ривожининг хусусиятларини белгилайди.

XX асрга келиб кўпгина фалсафий оқимлар ўзларининг анъанавий фалсафага алоқадор эканликларини ҳамда улардан фарқ қилишларини таъкидлаш мақсадида, номларига, яъни-янги, замонавийлашган деган маънони англаувчи қўшимчани қўшганлар. Масалан, неопозитивизм, неотомизм ва бошқалар шулар жумласига киради.

Фаннинг жамият ҳаётидаги ўрнини белгилаши ва унга нисбатан муносабатига қараб, замонавий фалсафий таълимотларни асосан икки йўналишга ажратиш мумкин. Улардан бири – сциентизм (lot. *scientia* – фан), яъни фан барча ижтимоий муаммоларни ҳал этиши мумкинлигини, илм-фан тараққиётининг ижобий характерини асословчи фалсафий дунёқараш. Сциентизм ғоялари неопозитивизм, технологик детерминизм каби таълимотларнинг асосини ташкил этади.

Иккинчиси – фан тараққиётининг жамият ҳаётига салбий таъсирини асословчи фалсафий дунёқараш. Бундай дунёқараш экзистенциализм, Франкфурт ижтимоий фалсафий мактаби, Рим клубининг бир қатор тармоқларининг, баъзи диний-фалсафий оқимларнинг фанга муносабатини ифодалайди. Антисциентизм илм-фан тараққиётининг натижаларини назорат остига олиш, бу масалада жамият ҳаётини хавф остига қўймаслик талаби билан боғлиқдир. Антисциентизмнинг айрим ўта ашаддий намояндалари фан-техника тараққиётини тамоман тўхтатиб қўйиш ғоясини ҳам илгари сурадилар. Умуман олганда, XX аср фалсафасида бир-бирига муқобил бўлган йўналишлар рационализм ва иррационализм, антропологизм ва натурализм, сциентизм ва антисциентизм, материализм ва идеализм ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Янгича фалсафий тафаккурга асос солган олимлар орасида кўпчилик немис олими Артур Шопенгауэр (1788-1860) қарашларини тилга олади. У оламдаги барча мавжуд нарсаларни ироданинг намоён бўлиши, иродани эса онгсиз кўр-кўрона интилиш тарзида тушунади. Махлуқотларнинг инстинктлари, хатти-ҳаракатлари ироданинг намоён бўлишидир. Инсон фаолияти ҳам ақлдан бегона бўлган ироданинг натижасидир. Шунинг учун инсон моҳияти иррационал асосга эга, ақл эса тасодифийдир. Инсон ҳаёти доимо айланиб турган ирода ғилдирагига боғлиқдир.

Шопенгауэр таълимотини давом эттирган немис файласуфи Фридрих Ницше (1844-1900) фикрича, “борлиқнинг энг чуқур моҳияти ҳокимиятга эришиш учун бўлган иродадир”. Ницше инсон борлигида махлуқлик ва холиқликнинг бирлашиб кетганини асослаб беришга ҳаракат қилди. Унинг диёримизда бундан уч минг йил аввал шаклланган зардуштийлик таълимотини ўрганиб яратган “Зардушт таваллоси” асарида кучли шахсларни тарбиялаш ғояси илгари сурилган. У ўз ортидан иродасиз кишилар оммасини етаклашга қодир, иродаси кучли шахсларни тарбиялаш тарафдори бўлган.

XX асрга келиб, фан ва техника тараққиёти билан илмий тафаккур ва тил муаммоларини фалсафий таҳлил қилишга қизиқиш ниҳоятда ортди. Бу йўналишда фаолият юритаётган энг йирик оқимларга неопозитивизм, структурализм, герменевтика каби фалсафий қараш намояндаларини айтиш мумкин.

Неопозитивизм оқимининг йирик намояндалари Айер, Рассел, Витгенштейн ва бошқалардир. Неопозитивизм Ғарбда XIX асрнинг 20-йилларида пайдо бўлган, асосчиси XIX асрда яшаган Огюст Контдир. Неопозитивистлар “верификация” принципини илгари сурадилар. Уларнинг фикрича, фақат тажрибада ўз тасдиғини топган билимгина ҳақиқатдир. Лекин назарий, мавҳум билимларнинг ҳаммасини ҳам тажрибада эквивалентини топиш, айнан шундай эканлигини исбот қилиш мумкин эмаслиги туфайли бу тамойил кейинчалик инкор этилди.



Шундан сўнг постпозитивизм вакили К. Поппер фалсификациялаш методини илгари сурди. Бунга кўра, инсон баъзи назарий билимларнинг ҳақиқатлигини эмас, хато эканлигини исботлаши керак. Охир-оқибатда неопозитивизм вакиллари фалсафа билимларнинг ҳақиқийлигини мантикий – лингвистик усул орқали исботлаши ва системалаштириши керак, деган хулосага келдилар. XX асрнинг 60-70-йилларига келиб неопозитивизмнинг мавқеи камайиб, асосий ўринга структурализм, герменевтика чиқди.

Структурализм (асосий вакиллари Леви-Стросс ва Фуко) билишда структуравий усулнинг аҳамиятини мутлақлаштиради. Бу оқим тарафдорлари нарса ва ҳодисанинг структурасини билиш унинг объектив моҳиятини билиш демакдир, деб ҳисоблайдилар. Масалан, Леви-Стросс мифологик тафаккурни таҳлил этиб, турли жойларда яшаган қадимги қабилалар ва халқлар яратган афсоналарнинг умумий структурага эга эканлигини исбот қилди. Унинг фикрича, бу афсоналарнинг асосий мазмуни бир-бирига тўла мувофиқ келади. Инсониятнинг илмий тафаккури ҳам бунга кўра шундай принципга, умумий мантикка эга.

Герменевтика – қадимги юнон афсоналаридаги худоларнинг хоҳиш ва иродасини инсониятга тушунтириб бериш учун ерга юборилган элчиси – Гермус номи билан аталади. Демак, герменевтика – тузилиш, тушунтириш, таҳлил этиш ғояларига асосий эътиборни қаратади. Бу таълимотга кўра, жамият кишилар орасидаги мулоқотга асосланади. Мулоқот жараёнида маданий, тарихий ва илмий кадриятлар яратилади. Шунинг учун фалсафанинг асосий вазифаси ҳаётнинг маъносини, моҳиятини кишилар орасидаги мулоқотдан қидиришдан иборат. Бу оқим вакиллари, Шлейермехер ва Дильтей фикрича, бирор-бир тарихий манбанинг тўғри таҳлил этилиши тадқиқотчининг давр хусусиятларини тўла ҳис этиши, тушуниши билан боғлиқ. Ҳозирги вақтда бу таълимотнинг кўплаб тарафдорлари мавжуд.

XX асрнинг 30-йилларига келиб экзистенциал фалсафа ривожланди. Экзистенция том маънода мавжуд бўлмоқ демакдир. Экзистенциализм ниҳоятда хилма-хил йўналишдаги таълимотларни инсоннинг маънавий дунёси, инсон тақдири, эркинлиги ғоялари асосида бирлаштирди. Бу муаммоларнинг талқини, айниқса, ижодкор зиёлилар орасида оммавий тус олди. Шунинг учун экзистенциал фалсафа бу даврда энг кўп тарқалган оқим бўлиб қолди. Экзистенциализм вакиллари икки йўналишга бўлинадилар. Биринчиси, дунёвий экзистенциализм (М. Хайдеггер, Ж. П. Сартр, А. Камю) ва иккинчиси диний экзистенциализм, (К. Ясперс, Марсел, Г. Маркузи) аммо бундай бўлиниш нисбийдир.

Дунёвий экзистенциалистлар таълимотига кўра, инсон ўзининг яратиш жараёнини ўзи эркин амалга оширади. Инсоният олдида улкан имкониятлар мавжуд бўлиб, улардан қайси бирини танлашда у эркиндир. Демак, инсон ўз моҳиятини ўзи эркин белгилайди, унинг ким бўлиб этилиши фақат унинг ўзига боғлиқ. Шу маънода инсон доимо ривожланиб борадиган, тугалланмаган лойихага ўхшатилади. Эркинлик инсоннинг ўзи томонидан яратиладиган ички руҳий ҳолати тарзида талқин этилади. Инсонга берилган имкониятларни танлаш ниҳоятда масъулиятлидир, чунки бунда инсон ўзини, бошқаларни ҳамда оламни ҳам қайта яратади.

Диний экзистенциализм вакиллари фикрича, инсон ўз эркин фаолияти давомида Худога қараб, камолот томон ҳаракат қилади. Ҳақиқий эркинлик инсонга таҳликали онларда, ташвишда, ёлғизликда намоён бўлади. “Таҳлика, масъулият соф эркинликнинг ўзидир, фақат шундай шароитда инсон ўзини тўлалигича англайди”. Ҳаёт ва ўлим, кўрқинч, даҳшат тушунчалари бу таълимотнинг марказий тушунчаларидир. Экзистенциалистларнинг фикрича, олам маъносиз ва уни билиб бўлмаслиги абадий, инсон умри ўткинчи бўлганлиги учун ҳам даҳшатлидир.

Янги замон фалсафасининг яна бир оқими прагматизм АҚШда кенг тарқалган. Умуман олганда, прагматизм фойдали фаолиятга ундовчи, фойдага қандай қилиб эришиш йўллари ва усуллари ҳақида мулоҳаза юритувчи таълимотдир. Бунда “фойда” тушунчаси “тажриба”, “ҳақиқат” тушунчалари билан айништирилади.

Прагматизм таълимотининг йирик намояндалари Ч. Пирс, У. Джеймс, Ж. Дьюи ва бошқалардир. Уларнинг таълимотида оламнинг ўзгарувчанлиги ўз ифодасини топган. Улар тажрибани турли тасодиф ва кутилмаган вазиятларни ўзида мужассамлаштирган, онгимиздан тезкор қарорларни қабул қилишни талаб этувчи ҳодисалар мажмуи сифатида таърифлайдилар.

Инсоннинг хатосиз фаолият кўрсатиши учун унинг хатти-ҳаракатларини бошқариб турувчи восита – интеллектдир. Ж. Дьюи фикрича, интеллект инсонни ўраб турган оламдан нусха олади ҳамда унга муҳитга мослашишга ёрдам беради. Прагматизм фалсафасининг мақсади инсонга оламда ўз ўрнини топишга ёрдам беришдан иборат. Дьюи тажриба натижасининг “фойдали” томонига эътиборни қаратади. Джеймс фикрича, ҳақиқат фойдали бўлган нарса ёки ҳодисадир.

Прагматизм АҚШ ижтимоий-маданий ҳаётининг қадриятларини ифода этиб, у ердаги ишбилармонлар, менежерлар, сиёсатчилар ва давлат арбоблари ўртасида кенг тарқалган. Америкаликлар бу таълимотнинг назарий-таълимий қадриятларини халқнинг дунёқараши ўзгаришида, ҳозирги америкача ҳаёт тамойилларини кенг оммага сингдиришда катта хизмат қилган файласуфлар сифатида қадрлайдилар. Масалан, Ж. Дьюини “Американинг Арастузи” дея ҳурмат билан тилга оладилар.

Хулоса қилиб айтганда, XX аср охирига келиб ранг-баранг фалсафий таълимотлар шаклланди. Уларнинг барчасини мазкур мавзуда кўриб чиқиш имконияти бўлмаса-да, юқорида баён этилган маълумотлардан фалсафий плюрализм ҳақида, фалсафа замон ва макон билан боғлиқ мураккаб фан эканлиги тўғрисида муайян хулосага келиш мумкин. Бу соҳадаги билимларимиз, ўз навбатида, бизнинг миллий ғоя ва мафкурамизни шакллантиришга, маънавийтимизнинг бойиб, мустаҳкамланиб боришига, интеллектуал камолотимизга хизмат қилади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатнома-си. “Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 28 декабрь.
2. Назаров Қ., Файзихўжаева Д., Нурматова М., Шер А., Абдуллаева Н., Қалқонов Э., Қандов Б. Фалсафа асослари. – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2018. – Б. 115-124.
3. Фалсафа. Қ. Назаров таҳрири остида. Энциклопедик луғат. – Тошкент, 2010. – Б. 17-18.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада XIX асрнинг иккинчи ярмида Ғарб адабиётида вужудга келган эркин ижод натижасида пайдо бўлган янги фалсафий мактаблар ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, ўша даврда инсон муаммосини ўрганишда унинг рационал жиҳатларидан кўра иррационал жиҳатларини ўрганишнинг кучайиши билан боғлиқ янги фалсафий йўналишлар: неопозитивизм, неотомизм, структурализм, экзистенциализм, прагматизм каби йўналишлар фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиб берилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье проанализировано развитие новых философских школ, которые возникли благодаря возникшей в западной литературе второй половины XIX века свободе творчества. Автор рассматривает основные идеи неопозитивизма, структурализма, экзистенциализма и прагматизма в которых особое внимание уделяется изучению не только рациональных, но и иррациональных основ бытия человека.

#### **SUMMARY**

In the article new philosophical schools that appeared as a result of free research as the influence of the western literature in the second half of XIX century is analyzed. The author selected new philosophical directions to learn human problems at that time irrational sides intensified than rational one.

*Наишга проф. С. Чориев тавсия этган*

### КАШМИР МУАММОСИ: ТАРИХ ВА БУГУН

Азимов Х. Я. (Ўзбекистон халқаро ислом академияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** *Ҳиндистон ва Покистон муносабатлари, Кашир муаммоси, этник келишмовчиликлар, Озод Кашир, Жамму Кашир.*

**Ключевые слова:** *отношения между Индией и Пакистаном, проблема Кашмира, этнические конфликты, Азад Кашир, Джамму Кашир.*

**Keywords:** *relations between India and Pakistan, Kashmir problem, ethnic conflicts, Azad Kashmir, Jammu Kashmir.*

Ҳимолай тоғларининг жанубий-ғарбий қисмида жойлашган Кашир водийсида етмиш йилдан бери Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги қарама-қаршилик давом этиб келмоқда. Ҳиндистон ярим оролидаги миллий-озодлик ҳаракатлари 1947 йилда ушбу минтақа тақдирини ўзгартириб юборган оламшумул натижаларга олиб келган бўлса-да, Кашир билан боғлиқ муаммо ўз ечимини топмай қолди. Англиянинг бу ердаги мустамлакаси якунига етганига 70 йилдан зиёд вақт ўтганига қарамасдан, ундан мерос бўлиб қолган қатор этник, диний ва ҳудудий ихтилофлар ҳали-ҳануз ўз ечимини топганича йўқ. Кашир муаммоси уларнинг энг мураккаблари қаторига киради.

Ўша даврда эришилган халқаро келишувлар ва Англиянинг тавсияларига кўра, Ҳиндистон ярим оролидаги майда маъмурий бирликлар диний белги ҳамда уларда истиқомат қилган аҳоли истагига кўра янги ташкил этиладиган Ҳиндистон ва Покистон давлати таркибига қўшилиши, улардан ҳеч бирига қўшилишни истамаган ҳудудлар эса бу ҳақда маълум қилиши назарда тутилган эди. Зикр этилган икки мамлакат таркибига кириш асосан этник ва диний белгиларга кўра амалга ошгани тарихдан маълум.

Аммо баъзи ҳудудлар раҳбарлари ва уларда истиқомат қиладиган аҳолининг турли динларга мансублиги натижасида қатор муаммолар келиб чиқди. Жунагар, Ҳайдаробод ва Кашир ана шундай энг низоли ҳудудларни ташкил этди. [1:164] Улардан Жунагар билан Покистон ўртасида қуруқлик чегаралари йўқлигига қарамасдан, шунингдек, мазкур ҳудуд аҳолисининг кўпчилиги индуизм дини вакиллари билан иборат бўлса-да, ушбу ҳудуддаги бошқарув мусулмонлар қўлида бўлгани сабаб 1947 йилда дастлаб Покистон таркибига қўшилди. Аммо бу кадам Ҳиндистон ҳукумати томонидан ноқонуний хатти-ҳаракат сифатида баҳоланиб, мазкур йилнинг сентябрь ойида Жунагар Ҳиндистон таркибига қўшиб олингани эълон қилинди. Ҳайдарободнинг мусулмон раҳбарият икки мамлакатнинг биронтаси таркибига киришни рад этган бўлса-да, унинг аҳолисининг асосий қисми индуизмга эътиқод қилиши асос қилиниб, бу ҳудуд ҳам Ҳиндистонга қўшиб олинди. Кашир масаласи эса охиригача ҳал этилмай қолди.

Кашир Ҳиндистон, Покистон ва Хитой давлатлари чегарасида жойлашган ҳудуддир. Ҳудуд табиатининг гўзаллиги ва унумдор тупроғи сабабли уни “Шарқ Швейцарияси” деб ҳам аташади. 13 миллион аҳолига эга Каширнинг умумий майдони 151 минг км<sup>2</sup>дан иборат. Ҳозирда Жамму ва Каширнинг 95 минг км<sup>2</sup> майдони Ҳиндистон назоратида, Озод Каширнинг 56 минг км<sup>2</sup> майдони эса Покистон назоратидадир. Ҳудуд аҳолиси таркибининг 85 фоизи ислом, 15 фоизи ҳиндийлик динига эътиқод қилади. Ҳиндистон ҳукумати 1947 йил 26 ноябрдаги Каширнинг Ҳиндистонга қўшилишига доир Ҳари Сингх ва ҳукумат томонидан тузилган келишувга асосланиб, 1955 йилда уни Ҳиндистонга тегишли ҳудудий бирлик деб эълон қилди.

Кашир муаммоси моҳиятини тўғри идрок этиш учун ушбу ҳудуднинг XIX асрдаги тарихига қайтиш тақозо этилади. 1839 йилда Панжоб маҳарожаси Ранжит Сингх ўлғач,

Кашмирда бошланган сиёсий бекарорликдан фойдаланган Гулаб Сингх Жаммуда мустақил давлат тузилганини эълон қилган ва англизлар билан ҳамкорлик қила бошлаган. Аммо 1845 йилда Сингх ва англизлар ўртасида куруллик тўқнашувлар содир бўлиб, натижада сингхлар англизларга таслим бўлади. Бу уруш сўнгида 1846 йил 9 март куни томонлар ўртасида Лаҳор шартномаси тузилди. Бироқ етти кундан кейин, яъни 1846 йил 16 март куни у Амритсар шартномасига алмаштирилди. Кейинги шартномага кўра, Кашмир унинг аҳолиси билан бирга 7,5 миллион рупияга англизлар томонидан жаммулик ҳинду Гулаб Сингхга сотилган эди. Амритсар шартномасига кўра, Гулаб Сингх ҳудудни англиз манфаатларига мос келадиган шаклда бошқариши белгилаб қўйилган эди. Шартномада, шунингдек, англиз ҳукумати рухсатисиз Гулаб Сингх ташқи сиёсий фаолият олиб бориши манъ этилганди.

Кашмирни англизлардан сотиб олган Гулаб Сингх маҳаллий мусулмон аҳолига нисбатан адолатсиз сиёсат олиб бориш йўлини тутди. У мусулмонларга турли оғир солиқлар жорий қилди, мусулмон аҳоли уй хайвонлари, қозон-товок, турмуш ўртоғи, ҳатто мўри учун ҳам солиқ тўлашга мажбур қилинди. Кашмирга келган мусулмон савдогар ёки сайёҳга юкоридаги ҳолат маълум қилинса, камоқ жазоси тайинланиши одатий ҳолга айланди. [2:43]

Ушбу воқеалардан кейин Кашмирда вақти-вақти билан мусулмонларнинг озодлик ҳаракатлари содир бўлиб турди. Улар, айниқса, Биринчи жаҳон уруши даврида кучайди. 1924 йилда Сринагарда бошланган кўзғолон маҳаллий мусулмонлар тарихида озодлик сари бурилиш нуқтасини бошлаб берди. Бу ҳаракатга Ҳиндистонда таълим олиб, ватанига қайтган кашмирлик ёш мусулмонлар раҳбарлик қилгани тарихдан маълум. [3:11-14]

1931 йилда бўлиб ўтган иккита воқеа мусулмон аҳоли сафларини жипслаштириб, озодлик ҳаракатларининг янада кучайишига туртки бўлди. Уларнинг дастлабкиси индуизм эътиқодидаги раҳбарлар томонидан мусулмонларнинг муқаддас китоби Қуръони каримга ҳурматсизлик қилиниши бўлса, иккинчиси, халқни озодлик ҳаракатларига чақирган Абдулқодир ишининг очиқ судда кўрилишини талаб қилиб чиққан аҳолининг ўққа тутилиши эди. Бу воқеалар натижасида икки томондан ҳам кўплаб қурбонлар берилди. Шу вақтларда маҳарожа Кашмирда фавқулодда ҳолат жорий қилиб, озодлик ҳаракати раҳбарларини қўлга олгани ва қатл этгани мусулмонларнинг озодлик ҳаракатлари усулларини ўзгартирди.

1932 йили Кашмирда Шайх Муҳаммад Абдуллоҳ томонидан “Жамму ва Кашмир Мусулмонлар анжумани” (қисқача: Мусулмонлар анжумани) деган ном остидаги сиёсий партияга асос солинди. У Кашмир мусулмонлари ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди. 1934 йилда Кашмирда бўлиб ўтган парламент сайловларида 21 ўриндан 16 ўринни эгаллаган Мусулмонлар анжумани партияси яна икки йил ўтгач парламентдаги 19 ўринни қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бу ҳолат ҳукуматдаги ҳиндийларни саросимага солиб қўйди. Мусулмонларнинг бирлигига зарба бериш мақсадида Ҳиндистон миллий конгресси партияси раҳбари Жавоҳарлал Неру Шайх Муҳаммад Абдуллоҳ билан яқин муносабатидан фойдаланиб, уни Мусулмонлар анжумани партиясининг ўрнига Миллий конгрессни ташкил этишга кўндирди. [4:167-170] Ушбу тадбирдан кўзланган мақсад Кашмирда фақат мусулмонлар ёки ҳиндий аҳоли яшаши мумкин деган фикрни баргараф этиш ҳамда аҳоли онгига “кашмирлик” деган тушунчани сингдиришдан иборат эди.

1946 йилда Кашмирда қайтадан озодлик ҳаракатлари бошланиб кетди. Бунинг натижасида Догра хонадони вакили маҳарожа Ҳари Сингх озодлик ҳаракати раҳбарлари, жумладан, халқ орасида “Кашмир арслони” лақаби билан танилган Шайх Муҳаммад Абдуллоҳни ҳам қамади. Бу воқеалар аҳоли норозилигини янада авж олдириб юборди.

Айтиш жоизки, Ҳиндистон ва Покистон ташкил топаётган даврда Кашмир водийси аҳолисининг 80 фоизи мусулмонлардан иборат эди. Унинг Ҳиндистон ёки Покистон таркибига кириши масаласи плебисцит йўли билан ҳал этилиши назарда тутилган эди. Аммо маҳарожа Ҳари Сингх катта миқдордаги пул эвазига Кашмирни Ҳиндистон ҳукумати

назоратига ўтганлигини эълон қилиб, ўзи Англияга қочиб кетди. Натижада Кашмир масаласи халқаро ҳуқуқ нуқтаи назардан яна ҳал этилмади қолди.

Табиийки, Ҳиндистон ҳукумати Кашмир масаласидаги маҳорожа қарорини қонуний деб топди. Ҳудуд аҳолиси истакларига зид равишда Кашмир Ҳиндистон назоратига ўтганлиги эълон қилинди. Покистон бунга кескин норозилик билдириб, Кашмирда БМТ Хавфсизлик Кенгаши қарорининг бажарилиши масаласида плебисцит ўтказиш кераклигини қатъий талаб қилиб чиқди. Бу талаб инobatга олинмагач, 1947 йил октябрь ойида бўлиб ўтган биринчи Кашмир урушида Покистон армияси Кашмирнинг ҳозирда улар назоратидаги Озод Кашмир ҳудудларини ишғол қилди. Бунга жавобан Ҳиндистон армияси ҳозирда ўз таркибидаги Жамму ва Кашмирга тегишли ҳудудларда ўз назоратини ўрнатди. Кашмирнинг бугунги сиёсий харитаси ана шундай сиёсий, диний ва этник зиддиятларга тўла жараёнлар натижасида шаклланди.

1965 йилда икки мамлакат ўртасида иккинчи Кашмир уруши бўлиб ўтди. 1962 йилда Хитой ва Ҳиндистон ўртасида бўлиб ўтган урушда енгилган Ҳиндистон ўзининг халқаро мавқеини тиклаш йўли сифатида Покистон билан “ҳисоб-китоб қилиш” танланди. Бунга Покистон ҳукуматининг Хитой-Ҳиндистон урушидан фойдаланиб, гарчи бу режа амалга ошмаган бўлса-да, Кашмирни бутунлай ўз таркибига қўшиб олишга урингани сабаб бўлди. Айтиш лозимки, у даврда замонавий қурол-аслаҳа билан қуролланган Ҳиндистон армияси Покистон каби рақибни яқсон қилишга қодир эди. Икки мамлакат ўртасидаги уруш собиқ СССР саъй-ҳаракатлари билан 1966 йил 10 январь куни Тошкентда ташкил этилган икки мамлакат раҳбарлари учрашуви натижасига кўра тўхтатилган эди. Тошкентда бўлиб ўтган учрашувда Ҳиндистон томонидан бош вазир Лал Баҳодир Шастри ва Покистон томонидан президент Айюбхон иштирок этгани тарихдан маълум. Учрашув интиҳосида “Тошкент декларацияси” деб номланган тарихий ҳужжат имзоланди. Унга кўра, ҳар икки мамлакат армияси 1965 йил 5 августдан олдинги чегараларга қайтиши, икки мамлакат ўртасидаги келишмовчиликлар тинч йўл билан ҳал этилиши ва томонлар бир-бирининг ички ишларига аралашмаслиги белгиланган эди. [5]

1965 йилдаги урушда ғолиб бўла олмаган Ҳиндистон Кашмирдаги озодлик ҳаракатларини аёвсиз бостирди. 1971 йилда дунё тарихи икки мамлакат ўртасидаги яна бир урушга гувоҳ бўлди. Бу сафар урушга Кашмир эмас, балки 1947 йилда мустақил Покистонга асос солингач, Шарқий Покистон ва Ғарбий Покистонга ажралгани сабаб бўлган эди. Ўшанда Шарқий Покистоннинг Ғарбий Покистондан мустақил давлатга айлантиришга қаратилган Мужибур Раҳмон бошчилигидаги ҳаракатнинг Ҳиндистон томонидан қўллаб-қувватлангани икки мамлакат ўртасидаги янги урушга йўл очган эди.

Таъкидлаш ўринлики, Шарқий ва Ғарбий Покистон ўртасида ҳудудий туташликнинг умуман йўқлиги, формал нуқтаи назардан бир мамлакат ҳисобланган икки ҳудудни қарийб 2200 км масофа ажратиб тургани мазмун-моҳиятига кўра сепаратистик бўлган мазкур ҳаракатни келтириб чиқарган объектив сабаблардан бўлиб хизмат қилган эди. 1971 йилда Исломобод томонидан Шарқий Покистонга етарлича иқтисодий кўмак кўрсатилмаётганлиги рўқач қилиниб, тартибсизликлар бошланиб кетди. Ўша даврдаги Покистон раҳбари Зулфиқор Бхутто Шарқий Покистондаги тартибсизликларни куч ёрдамида бостириш йўлини танлади. Бунинг натижасида катта миқдордаги аҳоли Ҳиндистон томонига қочиб ўтишга мажбур бўлди. Ҳиндистон томонидан ўша даврдаги ягона Покистоннинг икки қисми ўртасидаги мулоқотлар учун ҳаво ҳудудининг ёпилиши Ғарбий ва Шарқий Покистон ўртасидаги алоқаларнинг бутунлай узилиб қолишига олиб келди.

Ғарбий Покистон томонидан ҳарбий кўмакнинг етиб келмаганлиги боис, Шарқий Покистондаги ҳарбий кучлар 1971 йил 15 декабрь куни Ҳиндистон армиясига таслим бўлди. Ушбу воқеалардан сўнг 1972 йил 2 июль куни Ҳиндистон ва Покистон ўртасида Симле шартномаси имзоланди. Унга кўра, Шарқий Покистонда тузилган мустақил Бангладеш давлати Покистон томонидан тан олинди. Ушбу мақоланинг асосий мавзуси

бўлган Кашмир масаласи ҳам Симле шартномасида ўз аксини топгани диққатга сазовордир. Кашмир масаласига доир алоҳида моддаларда, жумладан, “ҳеч бир тараф Кашмирдаги чегара чизикларини ўзгартиришга ҳаракат қилмайди. Икки томон ҳам чегарада қуроли ҳаракатларга йўл қўймайди” деб белгилаб қўйилганини Ҳиндистон дипломатиясининг ютуқлари қаторига киритиш мумкин. [6:178-179]

1974 йилда Ҳиндистон ядровий қурол эгасига айлангач, минтақадаги кескинлик янада кучайди. Ядровий қуролсиз ўзини Ҳиндистон олдида заиф ҳис қилган Покистон ҳукумати тезда ўзининг ядро қуролига эга бўлиш чораларини кўра бошлади. Ушбу вазифа, мажозий маънода, Покистон учун умуммиллий ғоя аҳамиятини касб этди. Мазкур маънода Покистоннинг ўша даврдаги бош вазири Зулфиқор Бхуттонинг Мултан шаҳрида бўлиб ўтган мажлисда айтган “оч қолсақ ҳам, ҳатто халқимиз ўт еса ҳам, биз ядро қуролини ишлаб чиқамиз” деган сўзлари диққатга сазовордир.[7] Абдулқодир Хон ва Абду Саллом исмли покистонлик олимларнинг саъй-ҳаракатлари натижасида 1998 йилда Покистон дунёдаги ядро қуролига эга еттинчи мамлакатга айланди.

Минтақадаги рақибларнинг ядро қуролига эга бўлиши, икки мамлакатни ҳам Кашмир масаласида эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилишга ундаши табиийдир. 1999 йилда Покистон мудофаа вазирлиги 1984 йилдаги Ҳиндистоннинг Сиячин ҳудудида Покистон армиясига қарши олиб борган ҳарбий ҳаракатларига жавобан Кашмирнинг Каргил ҳудудида ўз ҳарбийларини жойлаштирди. Бу пайт ҳинд аскарлари қиш фасли бўлганлиги сабаб ҳудудни тарк этган эди. Қисқа вақт Ҳиндистон армияси Покистонга қарши ҳаводан ва денгиздан ҳужум қилиб турди. Бироқ АҚШ ва бошқа давлатларнинг босими билан Покистон бош вазири Навоз Шариф ўз ҳарбийларини Каргилдан олиб чиқиб кетишга мажбур этилди. Экспертлар таҳлилига кўра, ўшанда дунё ядро уруши ёқасида турган эди.

Икки мамлакатнинг Кашмир билан боғлиқ ҳудудий даъволари XXI асрда ҳам ҳам давом этмоқда. Айрим ҳолларда улар қурбонларга сабаб бўлаётган қуроли актларга айланиб кетмоқда. Жумладан, 2019 йилнинг 14 феврал куни Ҳиндистон назоратидаги Жамму ва Кашмир ҳудудларида содир этилган теракт натижасида 40 киши ҳалок бўлди. Бу террорчилик ҳаракатини Кашмирни тўлалигича Покистон назоратига ўтказиш тарафдорлари бўлган “Жайш-е Муҳаммад” террорчи ташкилоти амалга оширганлиги маълум қилинди. Содир этилган терактдан кейин Ҳиндистон ҳукумати Покистонни Кашмирдаги террорчи гуруҳларни молиявий ва қурол-аслаҳа билан таъминлашда айблади. Натижада Ҳиндистон ва Покистон ўртасидаги муносабатларда янги инқироз палласи бошланиб кетди.

Ҳиндистон, Покистон ва Хитой ўртасида уч қисмга бўлинган Кашмир водийси, бир пайтлар аталганидек, “жаннат водийси” эмас, аксинча, “ўлим водийси” деган сифат билан юритилаётгани ушбу ҳудуд билан боғлиқ муаммонинг ўта кескин бўлиб қолаётганидан далолат беради. Ҳудуддаги беқарор вазият сабабли 100 мингга яқин тинч аҳоли ҳалок бўлгани, икки миллионга яқин инсон доимий яшаш жойини тарк этишга мажбур этилгани [8] ҳам ушбу ҳулосани тасдиқламоқда. Воқеалар ривожини шундан далолат бермоқдаки, Ҳиндистон ва Покистон Кашмир масаласида ўзаро қатъий келишувга эришмас экан, ушбу минтақанинг сиёсий-ҳарбий ҳавфсизлиги ҳамда барқарор иқтисодий ривожланиши муаммолигича қолаверади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Jalal, Ayesha. The struggle for Pakistan: a Muslim homeland and global politics. The Belknap Press of Harvard Univ Press, 2014.–P. 164.
2. Zaheer, Nigar Sajjad. “Keşmir davası(1819-1949)”.Keşmir Dosyası.Halil Toker(ed). İstanbul: TATAV (Tarih ve Tabiat Yayınları), 2003.–S. 43.
3. Arzu Güler, “Absence of a Common Kashmiri Identity and Future Claims in The Region of Kashmir: Paradox of Distinct Nationalisms”, Ömer Halisdemir Üniversitesi İktisadi ve İdari Bilimler Fakültesi Dergisi 2017–S. 11.
4. Menon, Jisha. The performance of nationalism: India, Pakistan, and the memory of Partition. Cambridge: Cambridge Univ. Press, 2013.–P.167.

5. Интернет манба: Tashkent Declaration.-1966, Hindustantimes [http://www.hindustantimes.com/india/tashkent-declaration-1966/story-62AdmExtq4cG6uP6DnfbBM\\_amp.html](http://www.hindustantimes.com/india/tashkent-declaration-1966/story-62AdmExtq4cG6uP6DnfbBM_amp.html)

6. Jalal, Ayesha. The struggle for Pakistan: a Muslim homeland and global politics. The Belknap Press of Harvard Univ Press, 2014.–pp.178-179.

7. Интернет манба: [https://www.academia.edu/31069541/N%C3%BCkleeer\\_G%C3%BC%C3%A7\\_Olarak\\_Hindistan\\_ve\\_Pakistan](https://www.academia.edu/31069541/N%C3%BCkleeer_G%C3%BC%C3%A7_Olarak_Hindistan_ve_Pakistan)

8. Интернет манба: <https://www.yeniakit.com.tr/haber/72-yildir-cozulemeyen-kesmir-sorunu-602962.html>

#### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақола бугунги кунга қадар Ҳиндистон ва Покистон ўртасида келиб чиқаётган бир қанча низоларнинг сабаби бўлган Кашмир муаммосига бағишланган. Мақолада муаллиф Кашмир муаммосининг юзага келиш сабаблари, низоларнинг ривожланиши, уни бартараф этишга бўлган уринишлар, бу жараёнларда халқаро ташкилотларнинг иштироки, муаммони бартараф этиш юзасидан кейинги 70 йил давомида амалга оширилган келишувлар ва уларнинг натижалари, самарадорлиги каби масалалар устида атрофлича фикр юритган.

#### РЕЗЮМЕ

Эта статья посвящена проблеме Кашмира, которая является причиной многих конфликтов между Индией и Пакистаном до настоящего времени. В статье рассматриваются причины возникновения кашмирской проблемы, а также попытки разрешить конфликт, попытки его преодоления, участие международных организаций в этих процессах, договоренности, достигнутые за последние 70 лет, их действенность и эффективность.

#### SUMMARY

This article is devoted to the problem of Kashmir, which today is the cause of many conflicts between India and Pakistan. The article reveals the causes of the Kashmir problem, reasons to resolve the conflict, attempts to overcome it, participation of international organizations in these processes, agreements reached over the past 70 years, their effectiveness and efficiency.

*Наширға проф. С.Чориев тавсия этган*

## ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА КОРРУПЦИЯ

Жумаева Ш. (ТерДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *коррупция, беқарорлик, иқтисодиёт, адолатсизлик, ҳокимият, пора, давлат, жамият, муаммо, имтиёз, бизнес.*

**Ключевые слова:** *коррупция, нестабильность, экономика, несправедливость, власть, взятка, государство, общество, проблемы, льготы, бизнес.*

**Key words:** *corruption, instability, economy, injustice, power, bribery, state, society, problems, benefits, business.*

Коррупция – ижтимоий ўзаро таъсирнинг бир шакли сифатида мураккаб ва кўп функционал ҳодисадир. У ўз табиатига, динамикасига, тузилиши ва ҳажмига эга. Коррупция – узоқ тарихга эга бўлган универсал ижтимоий ҳодисадир. У давлат билан бирга пайдо бўлди. М. А. Бакунин фикрига кўра, бошқарув воситаси сифатида коррупцияга мурожаат қилмаган давлатнинг ўзи йўқ.

Коррупция муайян турдаги сиёсий тизим билан боғлиқ эмас; у репрессив тоталитар ва либерал демократик тузумларда ҳам кузатилмоқда. Тарихий ва маданий илдизларга эга бўлган коррупция давлат бошқаруви тизимида ривожланишида хатоликлар борлигини кўрсатади.

Коррупция жиддий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммодир. У қонунийликни, самарадорликни ва давлат ҳокимиятининг тартибини бузади. Ҳар бир давлат сиёсий тузилишидан қатъи назар ўз мафқурасидан келиб чиқиб моддий бойлик ва имтиёзларнинг тақсимланишини назорат қилади, имтиёзлар ва солиқ юки миқдорини белгилайди. Пора

эвазига ўз моддий эҳтиёжини (имтиёзлар олиш, вазифага эга бўлиш, солиқ юкини камай-тириш ва ҳ.к.) қондириш имкониятига эга бўлиш коррупция омили ҳисобланади. Давлат мол-мулки ва харажатларини тақсимлаш жараёнида коррупция кучайса, адолатсизлик ва тенгсизлик келиб чиқади, бу эса сиёсий тизим умуман жамоатчилик манфаатларига ғам-хўрлик қилмаслиги ва давлат бошқаруви фуқароларнинг шахсий манфаатларини самарали таъминлашга қодир эмас деган қарашларнинг кўпайиб кетишига олиб келади.

Агар ҳокимият жамиятнинг баъзи қатламларига ноқонуний ёки бошқаларнинг ҳисобидан адолатсиз фойда олиш имконини берса, давлатнинг сиёсий қонунийлик даражаси жиддий зарар кўради. Коррупция жамиятни беқарорликка, стагнация ҳолатига ва охи-роқибат, давлатнинг қулашига олиб келадиган кўплаб мисолларни тарихдан биламиз. Шу сабабларга кўра, коррупциянинг ўзига хос хавфини ҳисобга олган ҳолда, унга қарши кура-шиш муросасиз бўлиши керак; у қонунийлашмаслиги ёки эътиборсиз қолдирмаслиги аксинча, у назорат қилиниши, таъқиб этилиши ва зарарсизлантирилиши керак<sup>1</sup>.

Шу боис халқаро ҳамжамият учун коррупция масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқ-да, чунки бир томондан, давлат аппаратининг коррупцияси қай даражада эканлиги, унинг муайян мамлакатлар билан муносабатларни ўрнатишида салбий таъсир этувчи омиллари-дан бирига айланади-қолади; бошқа томондан, халқаро бизнес ҳамжамияти коррупцияга қарши кураш сиёсати катализатори ролини бажариши ҳам мумкин. Мамлакатда корруп-цияга қарши курашда сезиларли даражада самарадорликка эришиш учун унинг оқибатла-рига қарши эмас, аксинча, келтириб чиқарувчи омилларга қарши курашиш керак.

Глобал миқёсда коррупцияга қарши курашишда қуйидаги назарий таҳлиллар аҳами-ятли эканлигини кўришимиз мумкин:

1. Коррупцияни бутунлай йўқ қилиш имконсиз, аммо унинг етказадиган зарарини камайтириш чораларини кўриш мумкин. Агар илгари коррупция давлат ва жамият муноса-батлари даражасида таҳлил қилинадиган бўлса, бугунги кунда у бутун ижтимоий макон тузилиш масаласи нуқтаи назаридан ўрганилмоқда. Коррупция зарарли ижтимоий ҳодиса деб тан олинishi учун барча зарур белгиларга эга, чунки у бутун жамиятнинг, турли ижти-моий гуруҳларнинг ва айниқса шахсияларнинг манфаатларига салбий таъсир кўрсатади.

2. Коррупция мураккаб ҳодиса бўлиб, уни фақат бир томонлама талкин қилиш мумкин эмас. Коррупция ривожини натижасида пайдо бўладиган муаммолар икки характерга эга. Бир томондан, коррупцион муаммолар ечими ҳокимиятнинг коррупциясини камай-тиришга ёрдам беради. Иккинчи томондан, айниқса ўтиш даврида кенг кўламли коррупцияга қарши курашиш йўлида, ҳокимиятнинг коррупцияга дучор бўлганлиги тўсиқ ҳосил қила-ди. Демак, коррупцияни камайтириш ва чеклаш фақат коррупцияни келтириб чиқарадиган сабаблар ечими ҳал қилингандагина амалга оширилиши мумкин ва бу ҳаракатлар қатъий-лик билан амалга оширилиши керак.

3. Бугунги кунда коррупция, ижтимоий патология сифатида, глобал иқтисодиётнинг мазмунига, ривожланиш векторига ва бошқарувчанлигига қараб баҳоланади. Ўтган ўн беш – йигирма йиллар ичида содир бўлган асосий ўзгаришлар, коррупция миқёси ва даражаси-нинг ошиши, унинг айрим давлатлар иқтисодиётига таъсири билан эмас, балки коррупция-ни глобал иқтисодий жараён шароитида иқтисодий хавф ва беқарорлик манбаига айлани-ши билан боғлиқ.

Коррупциянинг икки тури мавжуд: "институционал" ва "индивидуал". Институцио-нал (бошқарув) коррупция элитар характерга эга бўлиб, унда юқори бюрократик аппарат иштирокида сармоядорлар, банклар, трансмиллий корпорациялар, йирик миллий компа-ниялар билан ўзаро тили бириктириб ваколатларини суистеъмол қилади ва жуда юқори фойда олиш имкони яратилади. Индивидуал коррупция "паст" даражали характерга эга

---

<sup>1</sup> Қаранг: Бакунин М.А. Коррупция. Макиавелли ҳақида. Давлатчиликни ривожлантиришда фалсафа масалалари. – Т., 1990. – № 12. – Б. 23.



бўлиб, одатда, турли давлат назорат қилувчи ва назорат олиб боровчи идоралар вакиллари, масалан, божхона, лицензиялаш органлари, солиқ хизмати ва ҳ.к. каби ташкилот вакиллари томонидан амалга оширилади. Умуман юқори лавозимли амалдорларнинг коррупцияга йўл қўйиши оддий ходимларга нисбан жамият учун хавфлироқдир.

Шундай қилиб, коррупция инсониятнинг доимий камчиликларини акс эттиради; у ҳар қандай давлат бошқарувида - демократик, авторитар, тоталитарликда, ҳуллас, ҳаммасида у ёки бу даражада мавжуд. Жамоат онгида ва оммавий ахборот воситаларида, одатда, коррупция давлат ҳокимиятининг турли даражадаги вакиллари томонидан содир этиладиган порахўрликда намоён бўлади деб тушунтирилади. Аслида, пора - бу коррупциянинг энг ёрқин, кўзга ташланадиган кўринишидир. Ҳокимиятга эга бўлган шахслар ўзларининг лавозимларидан фойдаланиб, шахсий даромад олиш учун бошқа бир қанча таъсирчан манбаларига эга. (депутатлар овозларни сотиб олишлари мумкин; бюрократлар лицензиялар ва рухсатномаларни сотадилар ва ҳоказо.)

Коррупция одамлар ўртасидаги муносабатларда барқарор ва универсал меъёрлар, принциплар тўплами асосида фаолият кўрсатади. Давлат хизмати тизимидаги коррупция шакллари коррупцион мансабдор шахсларнинг шахсий, гуруҳ ва корпоратив манфаатларини қондириш билан боғлиқ бўлган мақсадларга эришишнинг аниқ шартлари ва усулларига боғлиқдир. Умуман олганда, коррупция, сунъий яратилган, криминал ва ижтимоий ҳодисадир. Коррупциянинг ижтимоий моҳиятини тушунтирмасдан, давлат-хизмат муносабатлари тизимида унинг олдини олиш ва уни бартараф этиш бўйича муҳим масалаларни ҳал қилиб бўлмайди.

Биринчидан, коррупция иқтисодий ривожланишга ва иқтисодий ресурсларни самарали тақсимлашга таъсир қилади. Сўнгги пайтларда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, коррупция даражаси юқори бўлса, иқтисодий ривожланиш ва инвестициялар пасаяди. Коррупция, ишлаб чиқариш самарадорлигини пасайтиради ва хусусий бизнесни солиққа оид қонунларни бузиш орқали пинҳона ҳаракат қилишга ундайди. Юқори даражадаги коррупция тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун тўсиқ яратади. Коррупцияга кўпинча бозорни бузадиган ҳодиса сифатида қаралади - коррупцион битимлар халқаро савдонинг ривожланишига тўсқинлик қилади, рақобатни бузади, транзакциялар нархини оширади, эркин ва очиқ бозорларни бузади.

Иккинчидан, қонунларнинг ижроси ҳамма учун тенг бўлмаслиги, бир томондан, оддий фуқаролар орасида, қонунга ҳурматсизликни ва ёшлар орасида айниқса паст қатламларда жиноятчилик ошишини рағбатлантиради. Ижтимоий ривожланиш мақсадларига ажратиладиган катта маблағлар эгасига етиб бормайди. Шундай қилиб, бюджет инқирози кучайиб боради, ҳукуматнинг ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш қобилияти камаёди. Аҳоли каттагина қисмининг кескин мулкый тенгсизлиги ва қашшоқлиги мустаҳкамланиб, ортиб боради. Коррупция аҳолининг энг заиф қатламлари ҳисобига, тор элита гуруҳлар фойдасига маблағларни ноҳақ қайта тақсимлашни рағбатлантиради. Давлат ва жамият ҳаётини тартибга солиб турувчи қонунлар бузилади. Аҳоли орасида ҳокимият олдида фуқароларнинг ҳимоясизлиги ҳақидаги фикрлар пайдо бўлади. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг коррупцияси уюшган жиноятчиликни мустаҳкамлашга ёрдам беради. Натижада ижтимоий кескинлик ҳолати нафақат иқтисодиётга, балки мамлакат барқарорлигига таҳдид солади.

Коррупцияга қарши кураш сиёсати, албатта, уюшган жиноятчиликка қарши кураш ва жиноий даромадларни қонунлаштиришга қарши олиб бориладиган ҳаракатлар билан бирга олиб борилиши керак. Бунинг иккита сабаби бор. Биринчидан, ноқонуний равишда олинган сармояларни қонунийлаштириш чет элда осон кечса, порахўрлик даражаси ошиб кетади. Натижада, ноқонуний капитални расмийлаштиришга қарши кураш ҳар икки муаммони ҳам ҳал қилишга ёрдам беради. Иккинчи сабаби катта ҳажмдаги ноқонуний бизнеснинг мавжудлиги, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва давлат тузилмаларига

коррупцион таъсир кўрсатади. Чунки коррупцион мансабдор шахслар ва яширин ишбилармонлар бир-бирининг ҳисобидан яшайдилар ва уларнинг бирига зарба бутун коррупцион тизимни бузишга кодир.

Бугунги кунда коррупция эпидемия даражасига кўтарилди ва илгари тарихий жихатдан маҳаллий, ички муаммо сифатида қаралган ҳодиса глобал даражада тарқалди, шунинг учун коррупцияга қарши кураш бирлашган саъй-ҳаракатларни талаб қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 24 йиллигига» бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси 07-12-2016. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 491 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруза, 2017 йил 14 январь. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

4. Бекмуродов М. ва бошқалар. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгилаш сари. – Т.: Фафур Ғулом НМИУ, 2017.

5. Бақунин М.А. Коррупция. Макиавелли ҳақида. Давлатчиликни ривожлантириш // фалсафа масалалари. – Т., 1990. – № 12, – Б. 23.

6. Сатаров Г.А. Некоторые задачи и проблемы социологии коррупции // Россия и современный мир. 2003. – № 4. – 152.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада коррупция жиддий иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий муаммо эканлигининг моҳияти, турлари кўрсатиб берилган ҳамда унга қарши кураш йўлида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар тўғрисида фикрлар билдирилган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются виды коррупции, охарактеризовано влияние коррупции на экономическую, политическую и социальную жизнь общества, обоснованы идеи комплексной борьбы с коррупцией

#### SUMMARY

The article considers the types of corruption, describes the impact of corruption on the economic, political and social life of society, justifies the idea of a comprehensive fight against corruption

*Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган*

## ВОЛОНТЁРЛИК (КЎНГИЛЛИЛИК) ҲАРАКАТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Қудратов А.М. (ЎР Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси)

**Таянч сўз ва иборалар:** волонтерлик, кўнгиллилик, кўнгил иши, Бирлашган миллатлар ташиқилоти, декларация, концепция, ихтиёрлик, эзгулик, инсонпарварлик.

**Ключевые слова:** волонтерства, добровольчество, дела души, ООН, декларация, концепция, свобода, доброта, человечность.

**Keywords:** volunteering, volunteering, deeds of the soul, UN, declaration, concept, freedom, kindness, humanity.

Бизга маълумки, 5 декабрь – Халқаро волонтерлар куни (International Volunteer Day) ҳисобланади.

Ушбу байрам БМТ Бош ассамблеяси ташаббуси билан 1985 йилдан буён нишонла-

ниб келинмоқда. Волонтерлар – халқ бойлигидир, улар шунчаки томошабинлар эмас, балки халқ учун беминнат хизмат қилувчилардир. Улар бўш вақтларини аямасдан жамоат ишларида, турли тадбирларда беминнат, бегараз кўмак беради.

Волонтерлар ҳаётларини хавф остига қўйиб бўлса-да, ёрдамга шошадилар. Ўз хошига кўра ва ўз ҳисобидан жамоат жойларини тартибга келтиради, дарахтлар экади, атрофни чиқиндилардан тозалайди, боғлар барпо этади, кексалар ва ногиронларга ёрдам беради, болалар учун ўз ҳисобидан саёҳатлар уюштиради.

Ўзбекистонда ҳам сўнгги пайтларда волонтерлик фаоллашмоқда, бошпанасиз қолган хайвонларни ҳимоя қилувчилар сафи ортмоқда, айниқса, атроф-муҳит ва она табиатни асраш, дарахтлар кесилишининг олдини олиш, ён-атрофни ҳар хил чиқиндилардан тозалаш масалаларида кўнгиллиларимизнинг ҳаракатларига эҳтиёж ортиб бормоқда. Бугунги кунда волонтерликка энг тез ривожланаётган ва оммалашаётган ижтимоий ҳаракат десак, ҳато қилмаган бўламиз.

Биринчидан, бугунги кунда дунёда волонтерлик ва бу фаолият билан шуғулланувчилар сони ортиб бормоқда. Ҳалқаро инсонпарварлик ташкилотларининг «Charites Aid Foundation» маълумотларига қараганда биргина 2014 йилда дунёнинг 145 та мамлакатида 18 ёшдан катта бўлган 1 миллиарддан ортиқ инсонлар волонтерлик билан нотижорат секторида (21 фоиз) шуғулланган, 2,2 миллиард киши (48,9 фоиз) нотаниш одамларга бегараз ёрдам кўрсатган. Социологик сўровномалар шуни кўрсатмоқдаки, жаҳонда бундай фаолият билан шуғулланувчилар ва унга хайрхоҳ бўлаётганлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2014 йилда 23 миллион (19 фоиз) россияликлар йил давомида камида бир марта фаолият билан волонтерлик (кўнгиллилик) асосда нодавлат ва нотижорат ташкилотлари фаолиятида фаолият кўрсатган бўлса, ҳар учтадан битта россиялик (32 фоиз) муҳтожларга инсонпарвар ёрдамларини кўрсатишган [1:13].

Иккинчидан, волонтерлик фаолияти барча назарий ва амалий жиҳатлари билан ижобий ҳаракат ҳисобланиб, у мавжуд аниқ ижтимоий аҳамиятга эга бўлган муаммога йўналтирилган бўлади ҳамда жамиятнинг айрим соҳаларини ривожлантиришда ушбу ҳаракатга эҳтиёж борлиги сезилади ва бугунги кунда волонтерлик ҳаракати фаолияти йўналишлари ва турлари тобора кенгайиб бормоқда. Шу билан бирга ҳозирги кунда жамиятда волонтерлар фаолиятига доимий эҳтиёж мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Айниқса, глобаллашув ва бозор муносабатлари тобора чуқурлашиб ҳаётимизга кескин кириб келаётган бугунги кунда (экологик, иқтисодий, ижтимоий, маданий, сиёсий каби) муаммоларга ижобий ечим топишда муҳим аҳамият касб этади.

Учинчидан, волонтерлик фаолияти фуқаролик жамияти билан ўзаро ҳамоҳангликни ҳам англатади ҳамда унинг ажралмас атрибути ҳам саналади. Айнан ўша омил унинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланади. Агар фуқаролик жамияти ривож топса, волонтерлик ҳаракати ҳам риволаниши учун кенг имкониятлар очилиб боради. Агар у инқирозга юз тутса, волонтерликка ҳам катта зарар етади. Шунинг учун фуқаролик жамияти ривожини билан волонтерлик ҳаракати ривожини ўзаро бир бирига чамбарчас боғлиқ дейиш мумкин. Бу нарса дунёда фуқаролик жамият куриш ва уни ривожлантириш йўлидан бораётган давлатларнинг саъй-ҳаракатларига боғлиқ.

Тўртинчидан, волонтерлик ҳаракати турли хил давлатлар, уларнинг ҳудудлари ёки маълум бир минтақалар билан чегараланиб қолмайди. У бугунги кунда маҳаллий, миллий ва минтақавий чегаралардан чиқиб глобал, яъни бутунжаҳон аҳамиятига молик интернационал характерга эга бўлган ҳаракатга айланиб бормоқда. Шунингдек, жаҳонда маданиятлараро алоқаларни таъминлашда ва ўзаро уйғунликнинг шаклланишида ўзига хос роль ўйнамоқда.

Замонавий ахборот маконида шаҳарларда, мамлакатларда ва бутун дунёда волонтерлик (кўнгиллилар) ҳаракатини ривожлантириш тўғрисидаги маълумотлар тобора кўпроқ эшитилмоқда. Улар ушбу ҳодисанинг қамрови, ушбу ижтимоий ҳаракатнинг инсоният

жамиятига берадиган фойдалари ҳақида тобора кўпроқ фикрлар билдирмоқдалар ва ёзмоқдалар. Ҳар бир расмий ва норасмий тан олиниш ортида, унинг мазмуни ва ривожланишидаги ўзига хос тафовутларга қарамай, волонтерлик (кўнгиллилар) ҳаракатинининг аҳамияти тўғрисида ва унинг аниқ тушунча сифатида талқинларига тўхталиб ўтаемиз.

Сарлавҳада эълон қилинган ижтимоий-сиёсий муаммони таҳлил қилиш учун биз волонтерлик (кўнгиллилар) ҳаракати тушунчасининг келиб чиқишига мурожаат қиламиз. Унинг замонавий тушунчасини ўрганар эканмиз, ижтимоий ҳодисани мураккаб тизим сифатида ўрганишга қаратилган тизимли ёндашувни оламиз. Волонтерлик (кўнгиллилар) тушунчасининг асосий таърифларини тавсифлаб берамиз. Таҳлил қилинаётган ҳодисанинг тузилишини таъкидлаймиз ва уни яхлитлик, ўзини ўзи таъминлаш, давлат, сиёсий, ижтимоий-маданий ва иқтисодий тизимлар билан тизимли муносабатларда иштирок этиш нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз ва биз аллақачон ташкил этилган ва пайдо бўлган институционал нормаларни аниқлаймиз. “Волонтерлик” тоифасини таҳлил қилишда яна бир муҳим ёндашув - бу фаолиятга ёндашув. Бу ушбу тоифани мақсад, натижа, субъекти, объекти, фаолиятнинг шакллари ва усуллари, вақтинчалик хусусиятлари, амалга ошириш омиллари ва шартлари каби таркибий қисмларини ажратиш нуқтаи назаридан ўрганишни ўз ичига олади. Институционал ёндашув нуқтаи назаридан, кўнгиллилик тушунчалари ижтимоий муносабатлар соҳасини тартибга солувчи ролларни, мақомларни, қоидалар ва нормаларни тақсимлаш орқали кўриб чиқилади. Жамоа ёндашуви кўнгиллиликни ижтимоий хулқ субъектлари ҳамжамияти сифатида изоҳлаш, унинг аъзоларининг ички ва ташқи ўзаро таъсирининг хусусиятларини ўрганиш орқали таҳлил қилиш имкониятларини тўлдиради.

Кўрсатиб ўтилган ёндашувлар ижтимоий ҳодиса сифатида кўнгиллиликка нисбатан турли хил фикрларни тизимлаштиришга имкон беради. Улар бир-бирини тўлдирадиганга ўхшайди. Бу, ўз навбатида, ижтимоий тушунча сифатида кўриб чиқилаётган ҳодисанинг маълум бир талқинига келишимизга имкон беради.

Волонтерликнинг (кўнгиллилик) семантик таърифига бўлган эҳтиёж бизни ушбу атаманинг асосий муҳим хусусиятларини ажратиш кўрсатиш учун этимологиясига мурожаат қилишга мажбур қилади. “Волонтерлик” – бу французча **volonte сўзидан** келиб чиққан бўлиб, инсоннинг нияти ёки хоҳишини англатади [2:169]. Ўтган асрда ушбу атама ўз маъносини анча кенгайтди, чунки дастлаб фақат ихтиёрий равишда ҳарбий хизматга келган кўнгиллилар ҳисобланар эди. Француз тилида бу сўз 1606 йилдан бери қўлланила бошланди ва асосан ихтиёрий равишда аскар бўлиб, махсус ҳарбий қисмларда хизмат қилган одамларни англатган [3:148].

“Волонтерлар” (кўнгиллилар) тушунчаси инглиз тилида сўзлашадиган мамлакатларда кенг тарқалган эмас. Луғатларда, «волонтер», «волонтерлик иши», «волонтерлик меҳнати» ва «волонтерлик ташкилотлари» каби атамаларнинг кўпроқ луғавий маъноси очиб берилган. Кўпинча кўнгилли иш деганда ҳеч қандай моддий манфаатдорликка асосланмаган ҳолда одамлар томонидан бажариладиган иш тушунилади. Кўнгиллилар ташкилотлари манфаатдор шахслар томонидан тузилган ва уларнинг ҳисобидан ишлайдиган ташкилотлар деб номланади.

Луғатларда “волонтерлик” деганда, авваламбор бирон бир ишни ихтиёрий ва мажбурийатсиз бажарадиган, унинг эвазига ҳеч қандай мукофотни кутмайдиган одамлар ва одамлар жамоаси ёки қуролли кучларга ихтиёрий равишда қўшилган шахслар тушуниланган[4:1600]. Шуниси қизиқки, замонавий инглиз тилининг изоҳли луғатида “кўнгилли” деганда ёқимсиз ёки хавфли ишни қилишга рози бўлган шахс дея таъриф берилган[5:456]. Америка луғатида “волонтер”(кўнгилли)ни ҳар қандай хизматда ўз ихтиёри билан ишлайдиган шахс дея таъриф берилган[6:1408]. Умуман олганда “волонтер” (кўнгилли) деганда турли хил ишларни бажариш лозим бўлган тадбирларда ўз хоҳиши билан қатнашувчи ёки хизмат вазифасига кирмайдиган юмушларни бажарувчи ёки бошқа шахсларга ёрдам кўрсатадиган ва эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдиган ижтимоий фаол шахс тушунилади.

Инқилобдан аввалги ва Совет Россиясида нашр этилган маълумотномалар таҳлили шуни кўрсатадики, «кўнгилли» ва «кўнгиллилик» тушунчалари фақат ҳарбий нуқтаи назардан тушуниланган. Таърифлар ушбу ҳодисани махрум бўлган ижтимоий гуруҳлар билан боғлиқ бўлган бепул меҳнат фаолияти билан боғлиқ ҳодисаларни камайтиради. Этимологик даражада таҳлил қилинган “волонтёрлик” «кўнгилли» ва «кўнгиллилик» тушунчаларининг маънолари синонимдир. Луғат таърифларини мазмунли изоҳлашда уларни изоҳлашнинг таркибий бирлиги мавжудлигини ҳам айтишимиз мумкин. Аслида, улар ўзига хос мақсад ва вазифаларга эришишга қаратилган фаолиятнинг муайян турини амалга оширувчи “волонтёрлар” “кўнгиллилар” жамоасини белгилайди. Шундай қилиб, “волонтёр”, «кўнгиллилик» ва «кўнгилли» атамалари қуйидаги хусусиятларга эга: 1) акторлар (иштирокчилар) ўзларининг хоҳиш-иродалари, ниятлари, хоҳиш-истаклари билан ўзлари хоҳлаган ишлар билан шуғулланидиган фаолиятга асосланади; 2) ушбу турдаги фаолиятни (ишларни) бажарадиган одамлар ўзларининг ишларининг натижалари учун бирон-бир моддий мукофот кутмайдилар; 3) ушбу фаолият институционал консолидация белгиларини кўрсатади.

Манбалар ва илмий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, XIX асрнинг ўрталарига қадар “волонтёрлик” (кўнгиллилик) ҳаракатлари диний омиллар билан суғорилган ҳамда унинг ғояларига таянган бўлса, XX аср ўрталарига келиб «давлатга хизмат қилиш» ғояси билан бирлаштирилган. XX асрнинг охирига келиб «ватанга хизмат» маъноси билан боғлиқни кўпроқ ўзида ифода эта бошлаган.

Халқаро миқёсда “волонтёрлик” (кўнгиллилик) концепциясининг асосий маъноси 1990 йилда Парижда бўлиб ўтган Халқаро кўнгиллилар ҳаракати ассоциациясининг XI Бутунжаҳон конференциясида қабул қилинган «Умумжаҳон кўнгиллилик декларацияси» да ўз аксини топган. Ушбу ҳужжатнинг кўнгиллилик маъносини аниқлашга оид асосий қоидаларида учта муҳим белгини таъкидлаш керак: 1) субъект даражасида (индивидуал-шахсий даражадаги), фаолиятнинг шахс томонидан ўз хоҳиши асосида танланиши; 2) жамоавийлик даражасида (ижтимоий даража) - ҳаёт сифатини ошириш мақсадида бирдамликка эришиш ҳамда бошқа одамлар билан қўшма ишларда бирлашиш; 3) жамият даражасида (ижтимоий даражадаги) – мувозанатли иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш учун ҳамкорлик[7:17-18].

Декларациянинг янги версияси уни аниқлаш ва оммалаштириш мақсадида глобал миқёсда ўтказилган мунозаралар натижасида 2001 йилда Амстердамда Директорлар Кенгаши IAVE томонидан тасдиқланган. Ушбу ҳужжатда «кўнгиллилик фуқаролик жамиятининг асоси» деб белгиланган. [8:7]

Унда ихтиёрий шахснинг ёки гуруҳнинг ҳаракати сифатида моҳияти янада аниқроқ кўрсатилган. У умуминсоний қадриятларни тарғиб қилиш ва қўллаб-қувватлаш, жамоалар ичида ва ундан ташқарида ижтимоий алоқаларни мустаҳкамлашдан иборат бўлган жамият учун “волонтёрлик” (кўнгиллилик)нинг аҳамиятини белгилайди. Айнан шу хусусият дунё бўйлаб “волонтёрлик” (кўнгиллилик) ҳаракатларини (хатти-ҳаракатларини) мақсад ва вазифаларининг бирлиги туфайли нисбатан яхлит ҳолда баҳолашга имкон беради. Декларация қабул қилинди ва дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда “волонтёрлик” (кўнгиллилик)ни ривожлантириш бўйича миллий стратегияларни белгилайди. Кўриниб турибдики, ушбу ҳужжатда эълон қилинган тамойиллар умумбашарий, фуқаролик жамияти мафкураси билан ўзаро боғлиқ ва муайян мамлакатларнинг ҳозирги ҳолатида ўз аксини топган.

БМТ Бош ассамблеясининг резолюциясида волонтёрлик (кўнгиллилик) “ўзаро ёрдам ва ўзига ўзи ёрдам беришнинг анъанавий шакллари, хизматларни расмий тақдим этиш ва иқтисодий ва ижтимоий ривожланишда фуқаролик иштирокининг бошқа шакллари, умуман бутун жамият, жамоалар ва кўнгиллиларнинг манфаати”[9:11] дея таъкидланган. Ушбу ҳужжатда “волонтёрлик” (кўнгиллилик) қашшоқликни камайтириш, барқарор ри-

вожланиш, соғлиқни сақлаш, табиий офатларнинг олдини олиш, бошқарув ва ижтимоий интеграцияга (ижтимоий ажратиш ва камситишни енгиш) қаратилган ҳар қандай стратегиянинг муҳим таркибий қисми эканлиги қайд этилган. Халқаро ҳужжатларда “волонтерлик” (кўнгиллилик) фуқаролик жамиятининг элементи, глобал муаммоларни ҳал қилиш механизми сифатида тавсифланганлигини кўриш мумкин.

Шундай қилиб, биз кўриб чиққан халқаро меъёрий ҳужжатларнинг асосий маъносидан келиб чиқадиган бўлсак, “волонтерлик” (кўнгиллилик) ҳаракати салоҳияти фуқаролик ташаббусларида, ижтимоий ҳамжамиятлар аъзоларининг фаолиятида, жамият, ижтимоий ҳамжамиятлар ва уларнинг алоҳида аъзоларининг ушбу ҳаракатларда иштирок этиш хоҳишлари, истаклари ва амалий ишларида намоён бўлади.

“БМТ волонтерлари” халқаро ташкилотининг навбатдаги ҳисоботида таъкидланишича: Турли тиллар ва маданиятларда кўнгиллиликни белгиловчи атамалар бир-биридан фарқ қилади, аммо уларнинг асосини умумий манфаатга ҳисса қўшиш истаги, ирода эркинлиги, бирдамлик руҳи, моддий муқофотни кутмаслик каби омиллар ташкил этади. Кўнгиллиларга адолат, тенглик ва эркинлик каби қадриятлар ёрдам беради. “БМТ волонтерлари” халқаро ташкилоти миссиясида биз юқорида айтиб ўтган кўнгиллиликнинг асосий хусусиятларига расмий равишда эълон қилинган мажбуриятлар ёки бошқача қилиб айтганда фаолиятга масъулиятли муносабат қўшилади.

Бизга маълумки, Ўзбекистонда ҳам “волонтерлик” (кўнгиллилик) ҳаракати фаолиятини тартибга солиш ва ривожлантириш мақсадида 2019 йил 2 декабрь куни “Волонтерлик фаолияти тўғрисида” қонун қабул қилинди. ушбу қонунда “Волонтерлик фаолиятининг мақсадлари жисмоний ва юридик шахсларга, умуман жамиятга ёрдам кўрсатиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий аҳамиятга молик тадбирларда уларни ташкил этувчиларнинг розилиги билан иштирок этиш, жамиятда фуқаролик нуктаи назарини, ўзини ўзи ташкил этишни, ижтимоий масъулият, бирдамлик, ўзаро ёрдам бериш ва раҳм-шафқат туйғуларини шакллантиришдан иборатдир” [10:12] деб белгилаб берилди.

Волонтерлик фаолияти вазифалари эса қуйидагилар этиб белгиланди:

- фуқароларни аҳолининг турмуш сифатини яхшилашга қаратилган турли хил жамоат фаолиятига жалб этиш механизмларини шакллантириш;
- ижтимоий вазифаларни ҳал этишда жамиятга ёрдам кўрсатиш;
- волонтерлик фаолиятини ташкил этишга қаратилган фуқаролик ташаббусларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш;
- аҳолида соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, ватанпарварлик туйғусини тарбиялаш;
- фуқаролар томонидан ижтимоий вазифаларни ҳал этиш учун ўзини ўзи намоён этиш ва ўзини ўзи ташкил этиш кўникмаларини олиш [11:4-5].

Волонтерлик фаолияти қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилади:

кам таъминланганлар, ишсизлар, кўп болалилар, бошпанасизлар, қаровсиз қолганлар, шунингдек ижтимоий реабилитацияга муҳтож шахсларни қўллаб-қувватлаш мақсадида волонтерлик ёрдами кўрсатиш;

беморлар, ногиронлиги бўлган шахслар, ёлғизлар, қариялар ҳамда ўзининг жисмоний, моддий ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли қўллаб-қувватлашга ва ёрдамга муҳтож бўлган шахсларни парваришлашни амалга ошириш;

табиий ёки техноген тусдаги фавқуллодда вазият оқибатида, алоҳида режим, фавқуллодда ҳолат жорий этилганда, ижтимоий можаролар, бахтсиз ҳодисалар натижасида жабрланган фуқароларга, шунингдек жиноятлардан жабрланганларга, қочқинларга, мамлакат ичкарисида кўчиб юрганларга ёрдам кўрсатиш;

ўзининг жисмоний ёки бошқа ўзига хос хусусиятлари сабабли ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириши чекланган шахсларга ёрдам кўрсатиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, маданий мерос, тарихий-маданий муҳит, тарихий ва маданий ёдгорликлар, дафн этиш жойларини сақлаб қолиш билан боғлиқ тадбирлар ўтказиш;

оммавий спорт, маданий тадбирларни ва бошқа жамоат тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ миллий ҳамда халқаро аҳамиятга молик тадбирларни ўтказишга кўмаклашиш; алоҳида давр ва фавқулодда ҳолат ҳуқуқий режимларининг амал қилиши вақтида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига, бошқа ҳарбий идораларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига волонтерлик ёрдами кўрсатиш.

Ўн саккиз ёшга тўлган жисмоний шахслар волонтерлик фаолияти субъектлари ҳисобланади.

Ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган жисмоний шахслар волонтерлик фаолиятини, башарти бу фаолият уларнинг соғлиғига ҳамда ахлоқий ривожланишига зарар етказмас ва ўқув жараёнини бузмаса, амалга ошириши мумкин.

Волонтерлик фаолияти қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин:

- яқка тартибдаги волонтерлик фаолияти;
- волонтерлар гуруҳи таркибидаги волонтерлик фаолияти;
- волонтерлик ташкилоти орқали волонтерлик фаолияти [12: 5-6].

Биз биламизки, волонтер – бу бошқалар тўғрисида ўйловчи, уларнинг бахт-саодати, манфаати учун фидокорона хизмат қилувчи, шу билан биргаликда ихтиёрий, беминнат, беғараз, ижтимоий аҳамиятга эга фаолиятни амалга оширувчи шахс ҳисобланади. Бундан ташқари, у Сиз каби фаол, қувноқ, оқ кўнгил, меҳрибон, эътиборли, мактаб ўқувчиси, талаба ёки оддий ишчи бўлиши мумкин, яъни ундай инсон (волонтер)лар учун “ёрдам” сўзи нафақат бебаҳо, балки алоҳида маъно ҳамда аҳамиятга эгадир.

Волонтерлик фақатгина қоғозда мавжуд бўлган оддий лойиҳа эмас. Бу нафақат турли шаҳарлардан, балки турли мамлакатлардан ва бутун китъалардан одамларни бирлаштирадиган, дунё миқёсидаги энг катта ижтимоий лойиҳалардандир. Халқаро форумлар, алмашув дастурлари, чемпионатлар, саммитлар, Олимпиадалар ва бошқа минглаб лойиҳалар дунё буйлаб эзгулик йўлини танлаган инсонлар сонини кўпайтирмоқда.

Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциациянинг асосий мақсади – Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлган ва хорижий мамлакатларда ўқиётган ҳамда меҳнат қилаётган ёшлар билан иш олиб бориш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, ихтиёрий меҳнат тамойиллари асосида уларнинг ўз ғоялари ва ташубусларини амалга оширишдир. Ҳозирги кунда хорижий мамлакатларда Ассоциация ўз координаторларга эга, улар ихтиёрий, беминнат, бепул ўз ватандошлари бахт-саодати, манфаати учун фидокорона хизмат қилишмоқда.

Волонтерлар ҳаракатини ташкил қилишдан асосий мақсад эса аҳолини, айниқса, ёшларни жамият ҳаётига яна ҳам жалб қилиш билан, бағрикенглик, ўзаро ёрдам, ҳурмат, сабр, ўзгалар муаммосига бефарқ бўлмаслик, дахлдорлик ҳисси ва бошқа фазилатларни ривожлантириш орқали, фуқаролик жамиятини барпо қилиш - бош вазифа қилиб белгиланган. Айнан шунинг учун бутун дунё беғараз волонтерликни тарғиб қилмоқда. Европа Ҳамжамияти бу йўлда илк қадамини 2001 йилни “Волонтерлик йили” деб эълон қилиш билан бошлади.

Агар волонтерлар сони 1987 йилда 80 миллион бўлса, 2009 йилга келиб эса, 130 миллионни ташкил этди. Бугунги кунда эса уларнинг сони 150 миллиондан ошиб кетган. Уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади.

Волонтерликка кириш эса, истаган одамнинг ўз индивидуал ҳаракатидан бошланади: масалан, текинга, яхшилик учун қабрларни озода сақлаб, тозалаб юриш, меъморчилик обидаларини таъмирлаш, қурувчиларга, қарияларга ёки имконияти чекланганларга ёрдам бериш ва бошқалар. Албатта, булар савоб иш учун қилинган ёрдам бўлиши мумкин, лекин волонтерлик шундай кичик ишлардан бошланади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. CAF.World giving index 2015. A global view of giving trends [Электронный ресурс]. 2015. P. 13. URL: [http://www.cafrussia.ru/page/mirovoi\\_reiting\\_blagotvoritelnosti\\_1](http://www.cafrussia.ru/page/mirovoi_reiting_blagotvoritelnosti_1).
2. Толковый словарь иностранных слов. – М.: Эксмо, 2010. –169 с.
3. Васюкова И. А. Словарь иностранных слов. – М.: АСТА-ПРЕСС, 2001. –148 с.
4. Dictionary of contemporary English. [Б. г.] : Longman, 2001. P. 1600.
5. Oxford advanced learner's dictionary of current English: спец. изд. Для СССР: в 3 т., Т. 2. pp 456.
6. Standart dictionary of the English language. N.Y.: Funk and wagnalls company, 1963. pp1408.
7. Всеобщая Декларация добровольцев. Париж, 14 сентября 1990 г. [Электронный ресурс] URL: [http://www.volunteer.ru/5/1/5\\_1\\_dekl2.htm](http://www.volunteer.ru/5/1/5_1_dekl2.htm).
8. Всеобщая декларация волонтеров. Амстердам. январь 2001 г. [Электронный ресурс]. URL: [http://www.volun- teer.ru/5/1/5\\_1\\_dekl\\_e.ht](http://www.volun- teer.ru/5/1/5_1_dekl_e.ht)
9. Всеобщая Декларация добровольцев. Париж, 14 сентября 1990 г. [Электронный ресурс] URL: [http://www.volunteer.ru/5/1/5\\_1\\_dekl2.htm](http://www.volunteer.ru/5/1/5_1_dekl2.htm).
10. Всеобщая декларация волонтеров. Амстердам. январь 2001 г. [Электронный ресурс]. URL: [http://www.volun- teer.ru/5/1/5\\_1\\_dekl\\_e.ht](http://www.volun- teer.ru/5/1/5_1_dekl_e.ht).
11. Ўзбекистон Республикасининг “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. <http://xs.uz/uzkr/post/volontyorlik-faoliyati-togrisida>.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Волонтёрлик фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. <http://xs.uz/uzkr/post/volontyorlik-faoliyati-togrisida>.

### РЕЗЮМЕ

Мақолада волонтёрлик (қўнгиллилик) ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил этилган. Шунингдек, мазкур мақолада волонтёрлик ҳаракатидан кўзланган мақсад ва унинг жамиятдаги асосий вазифалари очиқ берилган. Фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантиришда волонтёрлик ҳаракатининг ўзига хос ўрни борлиги кўрсатиб берилган.

### РЕЗЮМЕ

В статье анализируются особенности становления и развития волонтерства (добровольчества). Также в статье описывается цель волонтерского движения и его основные задачи в обществе. Показано, что добровольчество играет особую роль в становлении и развитии гражданского общества.

### RESUME

The article analyzes the features of the formation and development of volunteering (volunteering). The article also describes the purpose of the volunteer movement and its main tasks in society. It is shown that volunteering plays a special role in the formation and development of civil society.

*Наишга проф. С. Чориев тавсия этган*

## ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАР ВА БАҒРИКЕНГЛИК СИЁСАТИ

Очилова Г.А., Омонов Б.Н. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** бағрикенглик, сиёсий бағрикенглик, диний бағрикенглик, маърифат, инсонпарварлик, этиқод, эркинлик, қадрият, плюрализм, демократия.

**Ключевые слова:** толерантность, политическая толерантность, религиозная толерантность, просвещение, гуманизм, Вера, свобода, ценность, плюрализм, демократия.

**Keywords:** tolerance, political tolerance, religious tolerance, enlightenment, humanism, belief, freedom, value, pluralism, democracy.

Глобаллашув жараёнлари янада фаоллашиб бораётган асрда нафақат Ўзбекистонда, балки бутун инсоният ҳаёти ва тараққиёти, турли алоқа ва ўзаро муносабатларда бағрикенглик сиёсати улкан аҳамият касб этмоқда. Зеро, бағрикенглик шахсининг бошқаларга бўлган муносабатини ифодаловчи хусусият бўлиб, у ўзаро ён-атрофдагилар билан маълум муносабатлар жараёнида юзага чиқади. Шунингдек, бағрикенглик инсонни инсон билан,



инсонни атроф-муҳит ва табиат билан, энг муҳими, шахнинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, тили, дини, жинси, маданияти ва иркидан қатъи назар ўзгаларга хайрхоҳ бўлиш, ўзаро ёрдам беришга тайёр эканлигини англатади. Шу боис, бағрикенглик масаласига давлатимиз сиёсати даражасида амал қилинаётганлиги фикримиз далилидир.

Ҳар бир давлат жадал ривожланиш ва барқарор тараққиётга эришиш учун мамлакатдаги ижтимоий, иқтисодий жараёнларга, жамиятда вужудга келган муносабатларга, инсонларнинг дунёқарашига, тафаккурига, диний эътиқодлари ва руҳиятига алоҳида эътибор қаратиши зарур.

Бу борада ўз позициясида қатъий турган Ўзбекистон давлати ўз тарихий-маданий тажрибаси, интеллектуал салоҳиятидан келиб чиқиб, мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширмоқда. Жумладан, сиёсий тафаккур ва диний муносабатлардаги номуносивликлар бугунги куннинг долзарб муаммоларига айланган бир шароитда Ўзбекистон ўзининг ривожланиш стратегиясини барқарор суратларда белгилаб борапти. Умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқнинг тўла ҳуқуқли субъекти сифатида “Бағрикенглик” тамойиллари асосида тинчликсевар, инсонпарвар сиёсат олиб бормоқда.

Маълумки, 1995 йил 16 ноябрда Парижда ЮНЕСКО бош конференциясининг йигирма саккизинчи сессиясида йиғилган Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича БМТга аъзо давлатлар “Бағрикенглик тамойиллари декларацияси”ни қабул қилган эди. Мазкур тамойил инсоният тамаддунини сақлаб қолиш ва келгусидаги ривожни ғояси, хусусиятлари, янги шароитларга энг мураккаб муаммоларни тинч йўл билан одилона ҳал қилишга қаратишни назарда тутди. Бунинг учун назарий ва амалий фаолиятни жаҳон тараққиётидаги барқарорликни таъминлаш, зўравонлик ва тоқатсизликни бартараф этиш, асосий таҳдид ва хатарларнинг пайини қирқиш йўллари қидиришга йўналтириш лозим. Шу нуқтаи назардан, сиёсий бағрикенглик жаҳондаги воқеалар, жараёнлар, интилишлар ва ходисаларни тушуниш учун ўзига хос ечим ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёев БМТ нинг 72-сессиясида бу масалага жаҳон аҳлининг эътиборини қаратганининг ўзи бағрикенглик сиёсатининг намунаси. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Президентимиз сессияда БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” деб номланган резолюцияни қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилдилар. Бундан мақсад – барчанинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга кўмаклашишдан иборат. Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қаратилган<sup>1</sup>. [1]

Бугунги кунда Ўзбекистон ўз фуқароларининг ҳуқуқ ва манфаатларини, улар қаерда бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишга қодир мамлакат сифатида ўзини намоён этмоқда. Чет элларда ишлаётган ва таълим олаётган ватандошларимиз билан алоқалар мустаҳкамланиб, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари таъминланмоқда. Ўзбекистонга қайтиб, иш ёки ўқиш фаолиятини давом эттириш истагида бўлган фуқароларимиз учун зарур шароитлар яратилмоқда. Мамлакатимизда маҳбусларни афв этиш институти жорий этилди. Кейинги уч йилда етти марта афв эълон қилинди. Натижада қилмишидан чин дилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 4 мингга яқин маҳбус жазони ўташ жойларидан озод этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жаслик кўрғонидаги жазони ижро этиш колонияси ёпилгани инсонпарвар бағрикенглик сиёсатининг яна бир ифодаси бўлди.

2019 йил июль ойида “Меҳр операцияси”да 156 нафар ватандошимиз – асосан аёллар ва болалар жанговар ҳаракатлар давом этаётган Суриядан қайтариб олиб келинди ва уларнинг фуқаролик ҳуқуқлари тикланди.

---

<sup>1</sup>Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь.

Албатта, кечиримли, меҳр-оқибатли бўлиш халқимизга хос хусусиятдир. Мана шундай эзгу фазилатлар бизнинг бағрикенг халқимизни, давлатимизни янада улуғлайди.

Шу ўринда “Бағрикенглик” тушунчасини алоҳида изоҳласак. У ўзида нималарни акс эттиради?

“Бағрикенглик – бизнинг дунёмиздаги турли бой маданиятларни, ўзини ифодалашнинг ва инсоннинг алоҳидалигини намоён қилишнинг хилма-хил усулларини ҳурмат қилиш, қабул қилиш ва тўғри тушунишни англатади. Уни билим, самимият, очиқ мулоқот ҳамда хур фикр, виждон ва эътиқод вужудга келтиради”. [3:153]

Биз “бағрикенглик” тушунчасига миллий давлатчилик тафаккурининг бунёдкорлик, яратувчанлик салоҳиятини юзага чиқарувчи омилларидан бири сифатида сиёсий бағрикенгликнинг намоён бўлишини – миллат ва халқнинг маънавий-маърифий камолотида деб биламиз. Шу нуқтаи назардан, мустақиллигимиз асосчиси Биринчи Президент И.А.Каримов таъкидлаганларидек: “Миллат ва халқнинг маънавий камолотига, маърифатига умумдават сиёсати сифатида қараш лозим. Одамлар онгидаги миллий ифтихор туйғуси билан бошқа миллатлар тарихи, маданияти ва кадр-қимматини ҳурмат қилишнинг диалектик уйғунлигини таъминлаш зарур. Жамият онгида ҳозирги дунёда рўй бераётган барча ҳодисалага дахлдорлик ва масъуллик ҳиссини вужудга келтириш ва мустаҳкамлаб бориш даркор”. [4:109]

Бизга тарихдан маълумки, асрлар давомида инсон ижтимоий бошқаришнинг турли усулларини қўллаб кўрди: кироликлар, султонликлар, олигархиялар, диктатуралар ва демократиялар. Бироқ ҳар бир даврда адолатсизликка қарши кураш, тинч яшаш инсониятнинг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келмоқда. Чунки бу муваффақиятсизликларнинг асл сабабчиси ҳам инсоннинг ўзидир. Шунинг учун ҳам давлатимиз сиёсий бағрикенглик тамойилларини инсон онги ва қалбига сингигандагина ҳақиқий моддий кучга айланиши муқаррар эканлигини англаган ҳолда янги қонунчилигини яратди. Фуқаролар онгида миллий давлатчилик тафаккурини маърифатли демократик давлат қуришга йўналтирди. Бинобарин, декларацияда келтирилганидек, “Бағрикенглик – турли туманликдаги бирликдир. Бу фақат маънавий бурчнигина эмас, балки сиёсий ва ҳуқуқий эҳтиёж ҳамдир. Бағрикенглик – тинчликка эришишни мушарраф қилувчи ва уруш маданиятсизлигидан тинчлик маданиятига элтувчидир”. [3. 1-модда, 1-банд] Зеро, бағрикенглик бўлмаса, тинчлик бўлмайди, тинчликсиз эса тараққиёт ва демократия бўлмайди.

“Бағрикенглик – ён бериш, андиша ёки хушомад эмас. Бағрикенглик – энг аввало, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабатдир. Ҳар қандай вазиятда ҳам бағрикенглик ана шу асосий қадриятларга тажовузларнинг баҳонаси бўлиб хизмат қилмайди. Бағрикенгликни алоҳида шахслар, гуруҳлар ва давлатлар намоён қилиши лозим” [3. 1-модда, 2-банд].

Шу жиҳатдан, сиёсий бағрикенглик миллий давлатчилик тафаккурининг таркибий қисми сифатида – инсонпарварлик, жамият ва алоҳида шахс манфаатларини бирдай акс эттиради. Ҳолбуки, инсоннинг универсал ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тан олиш асосида шаклланган фаол муносабат замирида жамият ва шахс манфаатларининг уйғунлашуви, мутаносиблиги ва мувозанати ётади.

Жамият ва шахс манфаатлари уйғунлиги, инсон ҳуқуқларининг давлат сиёсатида устунлигини, инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги ва мухторийлигини ҳимоя қилиш, эркин танлаш имкониятларини яратиш, ўзгача фикрга ҳурмат, қарашларда плюрализм, бошқарувда демократизм, инсон омилини ривожлантириш, миллий давлатчилик тафаккури эркинлигини юзага чиқариш йўлларининг асосий йўналишларидир.

“Бағрикенглик – инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм, демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун кўмаклашиш мажбуриятидир. Бағрикенглик – ақидабозликдан, ҳақиқатни мутлақлаштиришдан воз кечишни англаувчи ва инсон ҳуқуқлари соҳасидаги

халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда ўрнатилган қоидаларни тасдиқловчи тушунчадир”. [3. 1-модда, 3-банд]

Албатта, инсон ҳуқуқларини қарор топтириш, плюрализм, демократия ва ҳуқуқнинг тантанаси учун ҳеч бир инсон бошқа инсоннинг, ҳеч бир шахс бошқа шахснинг ва жамиятнинг устидан ноқонуний ҳукмронлик қилиши мумкин эмас. У фақат қонун доирасидагина бошқаларни, жамоани, давлатни бошқариши мумкин. Демократик ҳуқуқий давлат шахснинг шахсга ёки жамоанинг шахсга қарамлигини тўла инкор этади, лекин унинг амрига хизмат бурчи доирасида бўйсуннишни тақозо қилади.

Миллий муштараклик, жипсликнинг мустаҳкамланиши, умуммиллий манфаатларни тор синфий, табақавий, минтақавий, партиявий муносабатлардан устун қўя билиш, уларни ўзаро мослаштириш сиёсий бағрикенглик асосида кечади.

Бағрикенгликни намоён қилиш инсон ҳуқуқларига эҳтиром билан ҳамоҳанг, у ижтимоий адолатсизликка нисбатан сабр-тоқатли муносабатда бўлишни, ўз иймон-этиқодидан воз кечиш ёхуд бошқаларнинг этиқодига ён беришни аниқламайди. У шуни аниқладики, ҳар ким ўз этиқодига амал қилишда эркиндир ва ҳар ким бу ҳуқуққа бошқалар ҳам эга эканлигини тан олмоғи лозим. У яна шуни аниқладики, одамлар ўз табиатига кўра, ташқи кўриниши, қиёфаси, ўзини тутиши, нутқи, хулқи ва қадриятлари жиҳатидан фарқланиши этирофга лойиқлиги баробарида, улар дунёда яшашга ва ўзларининг ана шу индивидуаллигини сақлаб қолишга ҳақлидир. У яна шуни аниқладики, бир кишининг қарашлари бошқаларга мажбуран сингдирилиши мумкин эмас.

Ҳозирги пайтда Республикамизда 2000 дан ортиқ диний ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Улардан 1800 дан ортиғи мусулмон бўлса, қолганлари турли диний йўналишга мансубдир. 16 та диний конфессия фаолият олиб бормоқда. Бу шароитларда давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, турли диний қарашларга ва миллатларга мансуб бўлган фуқаролар ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва бағрикенгликнинг таъминланишига эришмоқликдир. Бу ҳолат тўғрисида эса, 1999 йилда қабул қилинган диний сиёсий терроризм ва экстремизмга қарши Тошкент резолюцияси ҳам гувоҳлик беради. Ушбу ҳужжатнинг 7-бандида динлар, конфессиялар ва маданиятлар ўртасида ўзаро ҳурмат ва юқори инсоний қадриятларга асосланган мулоқат шартлиги алоҳида таъкидланади. Биз биламизки, Ўзбекистон дунёвий давлат ва дунёвий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ўз стратегик мақсадлари сари интиломоқда. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган ҳаракатлар стратегиясининг бешинчи йўналиши ҳам “Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишларга қаратилди. Фуқаролик, миллатлараро ва конфессиялараро тинчлик ҳамда тотувликни мустаҳкамлаш белгилаб қўйилди. [2:58]

Ўзбекистондаги бугунги тинчлик, осойишталик ва барқарорлик туфайли ҳам жаҳондаги иқтисодий жиҳатдан ривожланган кўпгина давлатлар билан ўзаро манфаатли муносабатларини ўрнатиши ва ривожлантиришга қизиқишлари умумбашарий муаммоларни ҳамкорликда ҳал этишга бўлган интилишлар кундан-кунга ортмоқда. Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат доирасини муттасил кенгайтириб бориш, ташқи давлатлар билан, энг аввало, Марказий Осиё республикалари билан инсонпарварлик, ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, давлатимизда бағрикенглик сиёсатининг далолатидир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги маънавий ва диний жабҳаларда кечаётган мураккаб жараёнлар даврида барча миллат ва дин вакилларининг ҳамжиҳатлиги, бағрикенглик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилишлари барқарорликнинг муҳим омилларидан биридир. Буюк мутафаккир Абу Райҳон Беруний таъкидлаганидек: “Барча халқлар бир оиладир. Дўстлик ва ўртоқлик – бу ҳаётнинг қимматбаҳо тухфасидир”. [5:58]

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. “Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 20 сентябрь.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг Фармони. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7 февраль. (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017, 6-сон).
3. Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Т.: Академия, 2008. – 232 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997.
5. Абу Райхон Бериуни. Избр. произв. Т. II. – Тошкент, 1963. – С. 58.

### **РЕЗЮМЕ**

Кейинги пайтда жаҳон миқёсида глобаллашув жараёнларининг жадаллашуви – миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик масаласини нафақат бир мамлакат, балки бутун дунё миқёсида тинчлик ва тотувлик, умуминсоний бирлик ва барқарорликнинг муҳим омилига айлантирмоқда. Мақолада масаланинг ушбу долзарблигидан келиб чиқиб, бағрикенгликни сиёсий даражага кўтарилиши, унинг ҳуқуқий асослари, мамлакатимиз равнақида аҳил қўшничилик, миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, инсонпарварлик тамойилларининг стратегик аҳамияти атрофлича ёритиб берилган.

### **РЕЗЮМЕ**

В последнее время ускорение глобализационных процессов мирового масштаба – вопрос межнациональных отношений и толерантности становится важным фактором не только в стране, но и во всем мире-мира и согласия, всеобщего единства и стабильности. В статье, исходя из этой актуальности вопроса, подробно освещено повышение толерантности на политическом уровне, ее правовые основы, стратегическое значение в развитии нашей страны принципов добрососедства, межнационального согласия, религиозной толерантности, гуманизма.

### **SUMMARY**

Recently, the acceleration of globalization processes on a global scale-the issue of interethnic relations and tolerance is becoming an important factor not only in the country but also in the world-peace and harmony, universal unity and stability. The article, based on this relevance of the issue, highlights in detail the increase of tolerance at the political level, its legal basis, the strategic importance in the development of our country of the principles of good neighborliness, interethnic harmony, religious tolerance, humanism.

*Наширға проф. С. Чориев тавсия этган*

АБДУЛЛА ОРИПОВ ҲАЖВИЁТИДА  
КОНФЛИКТ ВА ТАСВИРИЙ ВОСИТАЛАР

Равшанова Г.Қ. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *конфликт, сюжет, юмор, ҳажв, сатира, усул, тип, характер, иллат, кулги, беозор кулги, тимсол.*

**Ключевые слова:** *конфликт, сюжет, юмор, юмор, сатира, метод, тип, характер, иллюзия, смех, мягкий юмор, воплощение.*

**Keywords:** *conflict, plot, humor, satire, method, type, character, illusion, laughter, mild humor, embodiment.*

Бадий асар сюжети асосида, унда иштирок этувчилар ўртасидаги кураш замирида ётган келишмовчилик, ихтилоф, бошқача айтганда, бадий асардаги ғоялар, характерлар, кайфиятлар ўртасидаги зиддиятдир. Конфликт асарнинг ҳаётийлигини, реаллигини, унинг ғоявий-бадий жиҳатдан юксаклиги ва таъсирчанлигини таъминловчи асосий категориядир [1.153]. Дарҳақиқат, бадий асарнинг асосини, қимматини, салмоғини белгилашда конфликтнинг ўрни бекиёсдир. Сатирик асарларнинг конфликтини белгилашда ҳар бир ижодкор ўз тажрибаси ва маҳоратидан келиб чиқиб, қамга олган мавзусини қайси йўналишда очиши унинг маҳоратидан дарак беради. Конфликт, аввало, эстетиканинг гўзаллик категорияси билан боғлиқдир. Ҳаётда гўзал ва хунук, яхши ва ёмон нарсалар орасида доимо қарама-қаршиликлар мавжуд. Шу боис хунук ва ёмон нарсаларнинг фош этилиши гўзаллик ва яхшилиқнинг улуғланишига сабаб бўлади. Ҳажвий асарлар ана шу хунук воқеаларнинг фош этилиши асосига қурилади. Бесўнақай, хунук кишиларнинг ўзларини гўзал қилиб кўрсатишга уриниши кулгили ҳолатларни юзага келтиради.

Ҳажвий асарларда конфликт салбий ва ижобий кучлар қарама-қаршилиги асосига қурилади. Ҳажвиётда ижобий кучлар характер даражасига кўтарилмай қолиши ҳам мумкин, аммо салбий қаҳрамонлар ҳажвий тип даражасигача кўтарилади. Бундай асарларда яхшилиқ- ёмонликка, гўзаллик-хунукликка, олижаноблик-пасткашлиқка, илм-саводсизликка, қаҳрамонлик-кўрқоқликка қарши қўйилади ва конфликт юзага чиқарилади. А.Орипов ҳажвиётда ҳам конфликтнинг турли кўринишларини кўриш мумкин. У ўзининг “Илғор ишчи ва чакқон мухбир қиссаси” ҳажвий шеърда замон, жамият ва шахс ўртасидаги конфликтни кўрсатиб беради. Оддий ишчи эрта тонгда туриб қурилишга, иш жойига боради: ғишт теради, тош йўнади, шағал қоради. Аммо қўли ишда-ю бошида бошқа ҳаёл кезади: боғчадаги қизига лента керак, кенжатоёғига телпак, яна бирига папка керак. Бу муаммоларни ўйлаб, улардан қутулишни кўзлаб ишчи шу қуни “норма”сини икки ҳисса бажарди:

*Кун ярмидан оғмай туриб*

*Мухбир келиб қолади,*

*Илғор,-дея уни, дарров*

*Суратини олади.*

*Эртасига газетада*

*Хабар чиқар бир қулоч:*

*“У Янги йил шарафига*

*Меҳнат қилди...” На илож! [2.87]*

Газетани ўқиган ишчи кулиб қўя қолади, илғорлигининг сабабини янги йилга йўяди. Оддий ишчи халқининг қийинчиликлари, дарди, ўй-кечинмалари ва ўша даврнинг унга нисбатан бепарволиги, ҳамма ўзининг ғамида эканлиги, биров билан бировнинг иши йўқлиги юмористик кулги воситасида очиб берилади. Ишчи нима қайғуда-ю, мухбир нима-

нинг ташвишида. Кунлар шу зайда ўтиб, вақти етиб ишчининг хотини ўғил фарзанд кўради. “Ўғил кўрдик” деб ишчининг оғзи қулоғида:

*Ўлмай бир кун катта бўлса,  
Одам бўлар чақалоқ.  
Аммо ҳозир боқши керак,  
Оч қолмасин бақалоқ.  
Ишчи шу кун уч баравар  
Бажаради нормасин.  
Эртасига газетада  
Хабар чиқар бир қулоч:  
“Балиқчилар кунига у  
Меҳнат қилди...” На илож! [2.87]*

Яна газетани ўқиган ишчи кулибгина кўяди, илғорлигининг сабабини балиқчига йўяди. Кунлар шу зайлда ўтади:

*Ажал етиб бир кун унинг  
Қазо қилар онаси.  
Марҳум деган ўзи бориб  
Кирмайди-ку қабрга.  
Чиқим керак кўмишига-ю,  
Майда-чуйда тадбирга [2.87].*

Олдиндан маблағи йўқлиги сабабли ишчи яна ўйловга тушади: марҳумани кўмиш керак, қабрга тош керак, маъракаларни ўтказиш... буларни ўйлаб ишчи шу кун “норма”сини тўрт баравар бажарди:

*Кун ярмидан оғмай туриб,  
Мухбир келиб қолади.  
Пешқадамни қаққайтириб  
Суратини олади.  
Эртасига газетада  
Хабар чиқди бир қулоч:  
“Май байрами шарафига  
Меҳнат қилди...” На илож! [2.88]*

Хабарни ўқиган ишчининг жаҳли чиқди, ўйда таъзия бўлса-ю, бунда ишчининг масхараомуз сурати газетада чиқиб турса. Шоир бунда аза билан байрамни бир-бирига зид тарзда қўллайди. Ишчининг қаққайиб турган сурати ўқувчида кулгини кўзгайди. Ишчи мухбирни ҳам бир боппай деб таҳририятга йўл олади:

*Кейин билса мухбир ҳам  
Бор экан ўз ноласи,  
Чиқим учун ёзган экан,-  
Туққан экан холаси [2.88].*

Ишчининг ўз моддий эҳтиёжларини қондириш, етишмовчилигини тўлдириш учун қилган меҳнатининг “Янги йил шарафига...”, “Балиқчилар куни шарафига...”, “Май байрами шарафига...” дея мухбир ҳам ўз дардида, эҳтиёжидан келиб чиқиб мақола ёзади. Бу эса ўқувчида “Қассобга мой қайғуси, эчкига жон қайғуси” нақлини эслатади. Бунда шоир конфликтни кульминацион нуқтага олиб чиқса-да охир-оқибат қаҳрамонни юмористик кулги билан шунчаки енгилгина ҳажв қилиб ўтади. Ҳаётий типларни яратиш ва уларнинг моҳиятини ишонарли тарзда очиб беришда конфликтнинг ўрни катта. Жамиятдаги айрим шахслар фаолиятида учраб турадиган ўз манфаатлари йўлида ҳеч нарсадан қайтмаслик, ифвогарлик, хушомадгўйлик, мансабпарастлик, ўзликдан воз кечиш каби иллатлар Абдулла Орипов ҳажвларининг мавзуидир. Бунда шоир ҳажвий тип ва характердаги нуқсон, иллатларни акс эттириш орқали конфликтни юзага чиқаради.

Ҳаётдаги салбий иллатлар, жамиятимизга номуносиб бўлган иккиюзламачи, қаллоб, мунофиқ, хоин, ахлоқи бузуқ кишилар ҳажвий асарларнинг асосий тасвир объекти бўлиб хизмат қилади. Ҳажвчи ижодкор яратган ҳажвий тип ўз индивидуал хусусиятлари, ўз тақдири, урф-одати, шахсиятига эга бўлган шахсдир. Умумлаштириш характернинг моҳиятини чуқурлаштиради, уни бутун борлиғи билан намоён этади. А.Орипов ҳажвий асарларида ҳажвий қаҳрамоннинг биргина салбий илллати билан чекланмайди, у ҳажвнавислик йўналишидан бориб иллатларни бўрттириб кўрсатиш йўлини танлайди. Дейлик, у ҳажвга олган шахснинг манфаатпарастлигини очиб бермоқчи бўлса, у ўзи таниган ва билган барча манфаатпарастларда учрайдиган оригинал белгиларни қўшиб образни бойитади, натижада юксак маҳорат билан яратилган образлар дунёга келади:

*Ёзғувчилик эса, оҳ, бу гаройиб,  
Менинг талантимга шу соҳа нуқта.  
Пасту баландларга турфа, ажойиб  
Мактублар битганман гоявий пухта.  
Хуллас, ўртоқ раис, айлангиз имдод,  
Мен сизга ҳақ гапни айтаман тикка.  
Кўпириб ётибди менда истеъдод,  
Мени қабул қилинг ёзғувчиликка [2.107].*

Шоир қаҳрамонига хос қусур фақат маълум бир шахснинг ўзигагина тааллуқли иллат эмас, балки жиддий, тараққиётга, жамият аъзоларининг манфаатларига тўғаноқ бўлишга қодир ижтимоий иллатдир. Бундай иллатни тағ-томири билан кўпириб ташлаш лозимлигини шоир кулги воситасида маҳорат билан юзага чиқаради. Унинг кулгиси баъзан аччиқ заҳарханда, баъзан қувноқ қаҳқаҳа даражасига кўтарилади. А.Орипов ижодида ҳажвий асарларнинг тили сатира ва юмор билан суғорилганлиги кўзга яққол ташланади. Равон услуб, киноя, пичинг, ўринли заҳарханда кулгидан фойдаланиб яратилган ҳажвий шеърлари ўқувчини гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатиб, гоҳида ғазабноқ қилиб мулоҳазага чорлайди. Салбий иллатларни ўзида мужассамлаштирган кимсалар ҳажв қамчиси билан саваланар ёки ҳажвий образ камчиликлари беозор кулгига олинар экан, бунда ўз олдига қўйган мақсадга эришиш учун турли воситалардан фойдаланади. Ҳажвий тимсолнинг ўз-ўзини фош этиш усули бунда шоир учун қўл келади.

Шоир ҳажвияларида характернинг индивидуал хусусиятларини кичик кулгили эпизодларда очишга ҳаракат қилади ва буни кулгили вазиятлар орқали кўрсатади. “Гуруҳбоз” шеърда жамиятдаги айрим кишиларнинг салбий хатти-ҳаракатлари, аянчли аҳволи кулги остига олинади:

*Битта ўзи паишани ҳам йиқолмайди,  
У жойга ҳам битта ўзи чиқолмайди.  
Қайга борса атрофига шерик тўплар,  
Йўқолса ҳам битта ўзи йўқолмайди...[2.111]*

Ёки:

*Ҳозир гадолар ҳам гоят мукамал,  
Ишни дипломатик йўлдан бошлайди.  
Эгасидан у-бу сўрашдан аввал  
Итига, албатта, суюк ташлайди [2.144].*

Ўтган аср адабиётимиз тарихида ўчмас из қолдирган ёзувчию шоирларимиз, сара насрий ва назмий асарларимиз билан бой. Тарихга назар ташласак, Қодирий, Чўлпон, Ҳамза, Фурқат сингари ўнлаб ижодкорларимизнинг қатағон қурбонлари бўлганликларининг гувоҳи бўламиз. Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб эса бу шаклнинг кўриниши ўзгарди, холос. Энди отиш, осиш шарт эмас, мажлисларда, йиғинларда тухмату бўҳтонлар билан “ўлдириш” авж олди. Бу ҳолат шоир эътиборидан четда қолмади:

*Парво қилманг, бўлмаганни бўлдирамиз,  
Паймонаси тўлмаганни тўлдирамиз.  
Бир замонлар отар эдик, осар эдик,  
Энди эса мажлис қилиб ўлдирамиз [2.146].*

Кўринадики, Абдулла Орипов сатирик ва юмористик образлар яратишда анъанавий усулда поэтик характеристикалар бериб, персонажларнинг ўз-ўзини фош этиш усули, конфликт ва турли тасвирий усуллар орқали очишга эътибор беради. Образнинг характерини, психологиясини бевосита унинг ўйлари, сўзлари, хатти-ҳаракатлари билан ёрқин очиб беради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ҳатамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли лугати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1979. – 153 б.
2. Абдулла Орипов. Ишонч кўприқлари. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 283 б.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада Абдулла Орипов ҳажвиётининг ўзига хослиги, конфликт ва тасвирий воситалардан фойдаланиш маҳорати очиб берилди. Сатирик асарларда конфликтнинг аҳамияти ва ҳажвга олинган объектни фош этишда тутган ўрни мисоллар воситасида исботланади.

#### **РЕЗЮМЕ**

В этой статье объясняется особенность юмора Абдуллы Арипова, его способность использовать конфликт и наглядные пособия. В сатирических произведениях важность конфликта и его роль в разоблачении сатирического объекта иллюстрируется примерами.

#### **SUMMARY**

This article explains the peculiarity of Abdulla Aripov's humor, his ability to use conflict and visual aids. In satirical works, the importance of conflict and its role in exposing the satirical object is illustrated by examples.

*Наируга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган*

## **ЎЗБЕК ФОРМАЛ ТИЛШУНОСЛИГИДА МЕТАФОРАНИНГ ЎРНИ**

**Суярова Н. (ҚарДУ)**

**Таянч сўз ва иборалар:** *метафора, узуаллик, окказионаллик, лисоний метафора, нутқий метафора.*

**Ключевые слова:** *метафора, длина, окклюзия, лингвистическая метафора, речевая метафора.*

**Keywords:** *metaphor, length, occlusion, linguistic metaphor, speech metaphor*

Анъанавий филология, хусусан, формал тилшуносликда, метафора, одатда, иккига бўлиб ўрганиб келинди: поэтик метафора; лингвистик метафора [7,55; 1,42; 2,49].

Бунда метафоранинг узуаллик/окказионаллик сифатларига таянилади. Бу эса ҳодисанинг барқарорлик/беқарорлик, такрорланувчанлик/бетакрорлик, ижтимоийлик/индивидуаллик каби лисон ва нутқни фарқлаш учун хизмат қиладиган дихотомик (жуфт, нисбатли) тушунчалар билан боғланиб кетади. Ўзбек тилшунослари рус тилшунослари изидан бориб, жуфтликдаги тушунчаларнинг иккинчи қисмини ифодалайдиган нутқий метафорани тилшуносликнинг ўрганиш предмети сифатида қарашмайди ва бундай анъанавий қарашларга зид фикрларни айтган айрим тилшуносларнинг қарашлари инкор этилади [10,35; 1,42; 5,34]. Хусусан, ўзбек тилшуноси Т.Аликулов рус лингвисти А.И.Ефимовнинг окказионал метафораларга таянган ҳолда айтган “метафора қуш ва ҳайвонни ифодаловчи сўзлардан ҳам ҳосил бўлади” деган қарашини ва бу фикрини далиллаш учун келтирган иллюстратив фактларни ҳам қўллаб-қувватламайди [1:41].



Нутқий метафорада ҳам, лисонийлашган метафораларда бўлгани каби шахс, хай-вон/парранда, жонсиз предмет/ҳодисаларнинг ташқи ва ички хусусиятларни ифодаловчи сўзлар асосида янги, кутилмаган маънолар ҳосил бўлади ва бу ҳосила маънолар узуаллашган метафоралардан ижтимоийлашмаганлиги ва индивидуаллиги билан фарқланади.

Лисоний метафорада лексеманинг ҳосила маъноси яхлитлашган, алоҳида бир тушунчани ифодалайди. Бу тушунча тил соҳиблари учун ифодаси билан яхлит ҳолда умумий идрокий моҳият касб этади. Нутқий метафорада эса ҳосила маъно тушунчани ифодаламайди, балки тушунча аталмишнинг аввалги ифодаси билан боғлиқ идрок этилаверади. У нутқнинг муваққатлик хусусиятига эга бўлиб, муайян бир контекст, муайян бир синтактик курилма, муайян бир сўзловчи (адиб) билан боғлиқ ҳолда тушунилади ва бошқа вақтда худди шу маънода қўлланмайди. Унинг ном даражасига кўтарила олмаслиги ижтимоийлашмаганлиги, оммалашмаганлиги билан боғлиқ. Мустақил маъно асосдан узоқлашганлик ҳамда ижтимоийлашганлик билан боғлиқ [2,50].

Ўзбек семасиологлари, хусусан, метафорология билан жиддий шуғулланиб, унинг тамал тошларини кўйган профессорлар Саидзода Усмонов, Миразиз Миртожиевларнинг бу борадаги яқдил фикрлари ҳали ҳам ўзининг методологик қимматини йўқотгани йўқ. Ўзбек анъанавий тилшунослигида метафорологиянинг тамал тошларини кўйган бу олимлар ушбу ҳодисани гарчи нутқий метафора деб атаса-да, барибир, уларни тилшуносликнинг ўрганиш доирасидан ташқарига чиқаришиб, метафорани лисоний тур билан чеклайдилар. Бироқ нутқий метафорага асосий эътибор қаратишмагани учун, *лисоний метафора* терминини ҳам қўллашмайдики, бу ўзбек тилшунослигининг ўша даврдаги ҳолати, тараққиёт даражаси, қолаверса, ижтимоий талаб тақозоси билан боғлиқ равишда баҳоланиши керак бўлади.

Ўзбек тилшунослиги тараққиётининг кейинги даври ўз тенденцияларига эга бўлди.

Ўзбек субстанциал тилшунослиги тилнинг лисоний ва нутқий структурасини фарқлаш, лисоний структура ва лисоний бирликларни, уларнинг имкониятларини аниқлаш бора-сида изчил тадқиқотлар олиб бориб, тилнинг фонетик, лексик, морфологик, синтактик лисоний структураларини ва бирликларини диалектик тадқиқ методологияси асосида текширишга киришди.

Метафорология соҳасида замонавий парадигмалар асосида тадқиқот олиб борган тилшунос З.Тоҳиров нутқий метафорик маъно, улар вужудга келишининг лисоний ва нолисоний омиллари хусусида анчайин янги фикрларни баён этди. [9:77] “Ўзбек тилида нутқ жараёнида метафора содир бўлар экан, бу ходиса ҳосила семемадаги прагматик сема ҳосил бўлиши билан характерланади. Масалан, *шер, бургут, лочин, оҳу, қашқир* лексемаларининг шахс билдирувчи семема, *лаъл, чарос, бодом, гул* лексемаларининг киши аъзосини билдирувчи семема ҳосил қилиши метафора бўлиб, бунда ҳосила семемалар прагматик маънога эга бўлади”. [9:74] Бунда олим ўзбек субстанциал тилшунослиги эришган ютуқлар орасида лексик маънода барқарор ва ўткинчи жиҳатларни фарқлаш алоҳида ўрин тутди. Ўткинчи жиҳатлар нутққа хос бўлиб, нутқий сатҳнинг лисоний сатҳдан фарқли энг муҳим жиҳати унинг прагматик хосланганлигидир. Умуман олганда, нутқий бирликлар нолисоний омиллар билан боғлиқ ҳолда мавжуд бўлиб, улар сирасида қуйидагилар алоҳида ўрин тутди: нутқий вазият/шароит; макон; замон; коммуникант.

Бу унсурларнинг ҳар бири яна ички бўлинишларга эга бўлади. Масалан, макон омили жой, муҳит кабилардан иборат бўлса, коммуникант омили ўз ўрнида шахс ва шахсий омиллардан иборат бўлади.

Тилшунос З.Тоҳиров нолисоний омилларнинг барчасини прагматик омил остида бирлаштиради. Тилшунос Г.Қобулжонованинг метафора талқинига бағишланган иши ўзбек тилшунослигини янги босқичга кўтарди. Олима нутқий метафорани лингвистиканинг ўрганиш объекти эканлиги ҳақидаги ғоясини дадил кўтариб чиқди ва поэтик ҳамда нутқий метафора бир ҳодисанинг турли томондан ёндашиш асосидаги ҳар хил номлари эканли-

гини, бундан нарсанинг серқирралик тамойилига таяниш лозимлигини таъкидлайди: “...гарчи поэтик метафорадаги метафорик маъно нутқий ҳодиса бўлса-да, у лисоний имконият ва қонуниятларга таянади”. [11:30] З.Тоҳировдан фарқли ўлароқ, Г.Қобулжонова метафора талқинида лисон ва нутқни фарқлашга изчил ёндашди. Олима талқинида метафоранинг нутқда шаклланиши, уларнинг ижтимоийлашуви натижасида лисоний метафоралар вужудга келиши, лисоний метафоралар луғатларда барқарор тил ҳодисалари қаторидан ўрин эгаллаши, метафора дастлаб лисоний ва нутқий турларга таснифланиши, таснифнинг кейинги босқичларида метафорик жинслар ажратилиши, бу жинслар ҳосил бўлиш усуллари ва омиллари билан боғлиқ ҳолда вужудга келиши каби фикрлари билан ўзбек тилшунослигида субстанциал метафорологиянинг шаклланишига туртки берди. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лисоний ҳодисаларни талқин этишда ана шу омилларга асосланган тамоман янги ва ўзига хос тадқиқот тилшунос С.Ҳожиёв томонидан яратилди [12].

С.Ҳожиёв диссертациясида маъно кўчиши фақат номинатив вазифа бажарибгина қолмайди, балки маълум бир ижтимоий онгда борлиқнинг лисоний тасвирини бериш воситаси сифатида талқин қилинади. Олимнинг фикрича, сўз маъноларининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ҳодисалар дунёнинг миллий ўзига хослигини акс эттирувчи тил тасвирини яратишнинг асосий воситаси, у ҳар бир тил учун ўзига хос. Лекин тафаккур умуминсоний характерга эгаллиги сабабли айрим умумий тушунча ва концептлар тиллар томонидан ўхшаш тил структуралари ёрдамида намоён этилади. “Сўз маъносининг кўчиши – матндаги муайян бир фреймли структурага эга бўлган ҳодиса, ўзига хос семантик-стилистик, когнитив ва миллий культурологик компонентларнинг тил юза сатҳидаги фаоллашувидир. Маъно кўчиши нутқни жонлантириш, бадиийлаштириш ва эмоционал-экспрессив жиҳатдан кучайтириш воситасидир. Маъно кўчиши ҳодисаси сўзларнинг янги маънолари юзага келишига асосланган лингвистик когнитив воситадир.” [12:4].

Маълум бўладики, тилнинг лексик сатҳини семасиологик тадқиқ этишнинг бу босқичи олдинги босқичлардан моҳиятан кескин фарқланади. Чунки метафоранинг кучли маданий хосланиш хусусиятига эгаллиги, борлиқни билишда маданий факторлар миллий тилларнинг ўзига хослигини кўрсатувчи омил эканлиги метафорани тадқиқ этишнинг биринчи босқичида умуман ҳисобга олинмаган, балки асосий эътибор унинг номинатив функциясига қаратилиб, метафоранинг юқоридаги жиҳатлари тилшуносликнинг текшириш объекти бўла олмайди, деб ҳисобланган. [1:36; 5:34; 6:13; 10:36] Шу нуқтаи назардан ўзбек тилшунослигида зооморфик, теоморфик ва антропоморфик метафоралар мазкур таснифий тамойилларга таянилган ҳолда ажратилаётганлиги эътиборга молик.

Маълумки, тилшунослик фани таракқиётининг ҳозирги босқичи структурал-функционал изланишлардан тилда инсон омили ва шунга алоқадор масалалар, яъни тилнинг дунёни билишдаги роли ва борлиқнинг лисоний картинаси яратиш, дунёни билишда когнитив моделларнинг миллий ўзига хослиги каби тушунчаларни талқин қилишга қаратилган когнитив-семантик, социолингвистик ва культурологик йўналишлар томонига эътиборнинг кучайиши билан характерланади. [12:9] Бу борада тадқиқотчи Ш.Махмараимованинг филология фанлари бўйича фалсафа доктори илмий даражаси учун тайёрлаган диссертацияси ўзбек тилшунослигида янги ҳодиса бўлди.

Ш.Махмараимова теоморф образларнинг локал мифологик тизимлар таъсиридаги этногенезисини текшириб ва унинг диний метафорадан фарқини очиб, *теоморфик метафора* атамасининг жаҳон тилшунослигидаги талқинини мумтоз Шарқ эътиқодий фалсафаси нуқтаи назаридан танқидий кўриб чиқди. Теоморфик ва диний метафоранинг объектига доир образлар синтези ва содир бўлиш механизмига муносабат билдирди, теоморф метафоранинг бошқа базавий (фундаментал) метафоралар системасидаги ўрнини аниқлади, теоморф метафоранинг когнитив-дискурсив табиатини очиб берди. Олима талқинича, барча базавий метафоралар каби теоморфик метафоралар ҳам замон ва макон ўлчамига эга, улар ҳам турмушнинг фундаментал тавсифини беради, ҳаётнинг ўзгармас қонуниятларини

уктириб туради. Илдизлари теоморфизмга тақалувчи бу метафоралар “амал ва қиёмат охир” тамойили остида оламни билишнинг бош мезонини ўзида намоён этади. Антропоморфик, зооморфик, фитоморфик, техноморфик метафорадан фарқли ўлароқ теоморф метафорада коммуникатив, когнитив, онтологик ва моделлаштирувчи функцияни кўриш мумкин. Бу вазифалар референтлараро кўчириладиган когнитив структура билан бирга фаоллашади, натижада, адресат ва реципиент ўртасида алмашинаётган ахборотда шартланган репрезентациядан фарқли, ўзаро мувофиқ интерпретацияни кузатиш мумкин бўлади. Шунга кўра, теоморф метафора воқеликни когнитив-дискурсив моделлаштирувчи муҳим концептуал бирлик сифатида намоён бўлади. Маълумки, теоморфик метафора заминиди ғайритабиий кучларга бўлган эътикод ётади. Бундай эътиқодлар турли миллат ва халқларда ҳар хил бўлганлиги сабабли битта вазиятга нисбатан турли маданият вакиллари-нинг таъсири бирламчи метафора орқали берилди. Воҳаланки, ўзбек тилида бу таъсири ифодаловчи шаблон теоморф метафоралар мавжуд (*пари, шайтон, дев, аждарҳо (аждаҳо), ялмоғиз, алвасти, девона, Хотамтой, анқонинг уруги*). Ўзбек тилидаги қатор теоморф метафоралар (масалан, *девона, пари*) ушбу метафораларнинг муқобили ўзга тилларда деярли учрамастлигига кўра, бугунги кунда лингвокультуреда даражасида баҳоланса арзийди. Гарчи, русларда *парига* муқобил *русалка* образи мавжуд бўлса-да, унинг метафорик интерпретацияси *парида* кузатилганичалик юқори даражада эмас. Бунинг эса лингвокультурологик асослари бор. [4:21]

Ўзбек тилшунослигида метафорик эвфемизация бўйича тадқиқотчи Д.Рустамова томонидан яратилган диссертация метафоранинг янги бир қиррасини очди. [8:19] Олима ўз ишида миллий дунёқараш тилнинг метафорик таянчлари билан уйғунлигини, иккиламчи номинация механизми ва маҳсули бўлиб, бунда эвфемизмлар етакчи ўрин эгаллашини таъкидлайди. Метафорик эвфемизмлар миллий-ментал муносабатнинг борлиқни акс эттиришида намоён бўлади, у маданий қадриятларнинг тилда намоён бўлишини кўрсатади, метафорада аниқлик ва таъсирчанлик, жозибadorлик билан бирга, мавҳум муносабат ҳам кузатилиши олима томонидан жиддий асосланади. Шуниси муҳимки, метафорик эвфемизм нутқий шахснинг қандай лингвомаданий муҳитга дахлдорлиги, тафаккур тарзи ва тил билимига боғлиқ ҳолда содир бўлади. Метафорик эвфемистик ифодалар асосий ахборот мазмуни ва унинг устида қаватланган коннотатив маъно ҳамда муносабатдан ташкил топади. Ахборот эвфемистик коннотатив маъно билан мураккаблашади, коннотатив маънолар сирасида метафорик образга асос бўлган салбий ёки ижобий муносабатдан бири етакчилик қилади. Коннотатив маънонинг кучайиши денотатив ва функционал маънонинг кучсизланишига кўра вужудга келиши [8:20] ҳақидаги фикрлар алоҳида эътиборга молик.

Кўринадики, ўзбек метафорологияси фанимизмининг янги бир йўналиши сифатида шаклланиб, алоҳидалик ва мустақиллик касб этиб бормоқда. Ўзбек метафорологияси формал, субстанциал босқичларни босиб ўтиб, ўз таракқиётининг антропоцентрик босқичига қадам қўйди. Бу босқичда метафора лисоний ва нолисоний омиллар яхлитлигида ва нутқ соҳиби билан биргаликда таҳлил қилинмоқда. Биринчи босқичда лисон ва нутқ фарқланмай фақат тил метафоралари поэтик метафоралардан ажратилган бўлса, субстанциал босқичда лисоний ва нутқий метафора ажратилди, учинчи босқичда лисоний метафоранинг лисонда яшаш ва нутқий воқеланиш механизми чуқур ўрганилмоқда.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Аликулов Т. Полисемияларнинг ҳосил бўлиши ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти, 1963. – № 6. – Б. 42.
2. Аликулов Т. Ўзбек тилида полисемантик отлар: филол. фан. номз. дис... – Тошкент, 1963. – Б. 49.
3. Галкина-Федорук Е.М. Современный русский язык. Лексика. – М., 1954. – С. 54-56.
4. Махмараимова Ш.Т. Оламнинг миллий лисоний тасвирида теоморфик метафоранинг когнитив аспекти: филол. фанлари. фалсафа доктори (Phd) дисс. ... автореф. – Қарши, 2018. – Б. 21.

5. Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1973. – № 4. – Б. 34-37.
6. Мукаррамов М. Ўзбек тилида ўхшатиш. – Тошкент, 1976. – Б.13-14.
7. Реформатский А.А. Введение в языкознание. – М., 1960. – С. 54-55.
8. Рустамова Д. Ўзбек тилида метафорик эвфемизация: филол. фанлари. фалсафа доктори (Phd) дисс. автореф. – Фарғона, 2017.
9. Тоҳиров З. Метафора лексема семемасининг прагматик семаси. – Тошкент, 1983. – Б. 73-77.
10. Усмонов С. Метафора // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1964. – № 4. – Б. 35.
11. Қобулжонова Г. Метафоранинг системавий лингвистик талқини: филол. фан. номз. дисс. – Тошкент, 2000. – Б. 30.
12. Ҳожиев С. Сўз маъносининг кўчиши билан боғлиқ лингвистик ходисалар: филол. фан. номз... дис. автореф. – Тошкент, 2007.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада метафора ва унинг турлари, лисоний метафора ва нуткий метафорани юзага келтирувчи омиллар хусусида сўз боради.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются лингвистическая метафора, типы метафор и факторы, составляющие метафору

#### SUMMARY

The article discusses the metaphor and its types, the linguistic metaphor, and the factors that produce speech metaphor.

*Наширға доц. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

## БЕЛГИ АНГЛАТУВЧИ ТЕРМИНЛАРНИНГ ЛИСОНИЙ ТИЗИМДАГИ ЎРНИ

**Набиева М. (ҚарДУ).**

**Таянч сўз ва иборалар:** *белги англатувчи термин, терминосистема, ички систем муносабат, ташқи систем муносабат, аташ-номлаш функцияси, коммуникатив функция.*

**Ключевые слова:** *символические терминов, терминология, внутренняя системная связь, внешняя системная связь, функция переименования, коммуникативная функция.*

**Keywords:** *symbolic terminology, terminology, intravenous system, transverse system, function overlapping, communicative function.*

Ўтган аср ўрталарида педагогика, кибернетика қаторида буржуа фанлари сифатида қаралган системалогиянинг ҳар қандай назарий ва амалий муаммоларни ечишдаги аҳамияти – системавий тафаккур ва тасавурларнинг муҳимлиги ва фойдалари ҳақидаги қарашлар бугунги кунда шу қадар ривожландики, ҳеч иккиланмасдан, у одатдаги ва умумэътироф этилган ходиса дейиш даражасигача етди дейиш мумкин. Дастлаб фақат олимлар томонидан тан олинган ва фақат назарий тадқиқотлардагина ишлатилган систем ёндашув энди ишлаб чиқариш, таълим, маданият соҳаларида ҳам қўлланадиган энг фаол усулга айланди. Ҳар хил соҳа мутахассислари ўз фаолиятини тизимли ташкил этиш ва қарор қабул қилишни кундалик одатга айлантирдилар. Албатта, бу системавий ёндашув яқин ўтмиш маҳсули деган хулосага олиб келмайди. Айтилган фикрларни системавий ёндашувнинг онгли қабул қилиниши ва эътироф этилиши деб тушунмоқ лозим. Бошқача айтганда, бутун борлиқ – табиат, жамият, тафаккурнинг катъий системавий қонуниятлар асосида мавжудлиги англаб етилди, холос. *Система* ва унингсиз тушунилмайлиган *структура* терминлари жуда оммалашди, улар нафақат, илмий, ҳатто публицистик матнлар ва оғзаки нутқда ҳам фаол истеъмолда бўлмоқда. “Қуёш системаси”, “тил системаси”, “қон айланиш системаси”, “ўсимликлар систематикаси”, “ҳайвонлар систематикаси”,

“таълим системаси”, “терминосистема” каби тушунчаларнинг оммалашганлик даражаси – фикримиз далили. Демак, амал қилиши *homo sapiens* га тенгдош бўлган системавийликнинг онгли идрок этилишигина навқирон ҳодиса.

Инсоннинг тафаккури, нутқи ва фаолияти системавий табиатга эга. Бу системавийлик куйидаги хусусиятларга эга ёки уларда намоён бўлади:

- 1) таркибий қисмларга эгалик;
- 2) қисмларнинг ўзаро боғланганлиги;
- 3) бир умумий (мақсад)га йўналганлик.

“Система зидланган ва ўзаро боғланган, ҳамда умумлашган хусусият ва қонуниятларга эга унсурларнинг барқарор бирлик ва яхлитлик ҳосил қилиши”дир[1].

Масалан, киши бир ишни амалга оширмакда. Бу иш таркибий қисм, яъни босқичлардан иборат. Бу босқичлар ўзаро узвий, бир бутунликнинг таркибий қисмлари сифатида боғланган, бири бошқасини тақозо этади. Фаолият эса маълум бир мақсадни кўзлаб амалга оширилади. Фаолиятнинг системавийлиги нутқ (дейлик, маълум бир матн) системавийлигидан деярли фарқ қилмайди. Тилдаги келишик категорияси ва эгалик категорияси ҳар хил ҳодисалар, лекин уларнинг системавий сифати бир хил:

- 1) таркибий қисмлардан ташкил топган;
- 2) бу қисмлар ўзаро боғланган;
- 3) бир умумий маъно/вазифага эга.

Тил системаси икки турга эга:

а) лисоний система; б) нутқий система.

Бу системаларга мисол келтираемиз.

А – лисоний система:

–0;

–нинг;

–ни;

–га;

–гача;

–дан;

–дан;

–дек/дай);

–даги;

Б – нутқий система:

*...Юксак тоғ қояларидан эсаётган муздек шамол қоронғи даралар ичидан куч билан отилиб чиқиб, тоғ этакларига равона бўларди. Пастда овул уйқуга чўмган. Атроф жимжит, деразалардан кўриниб турган чироқлар секин ўча бошлади. Қиров қоплаб, эндигина очилай деб турган баҳор куртаклари, ой шуъласида гира-шира кумушдек товланиб турарди. Фақат шамолнинг томга ёпилган қамишларни шитирлатган товуши билан уйқу аралаш улиган ит овози эшитиларди. Узоқлардан эса тоғ дарёсининг шовуллаши ва моторларнинг гувиллаши аранг қулоққа чалинарди... (Ч.Айтматов, Оқёмғир).*

Ҳар икки системада бир умумий маъно (вазифа, мазмун) остида ўзаро боғланган таркибий қисмлар мавжуд. Лекин умумий маъно ҳам, таркибий қисмлар ҳам, уларнинг ўзаро боғланиши ҳам фарқ қилади. Буни жадвалда яққолроқ тасвирлаш мумкин:

Система Тури	Таркибий қисмлар	Таркибий қисмларнинг боғланиши	Умумийлик
А Система	Бир хил бирликлар	Зидланиш	Умумий маъно
Б Система	Ҳар хил бирликлар	Мослашиш	Умумий мазмун

Буни энди юкоридаги муайян системалар мисолида жадвалда кузатамиз:

Система Тури	Таркибий қисмлар	Таркибий қисмларнинг боғланиши	Умумийлик
Исмни тобеловчилар системаси	Тобеловчи грамматик воситалар	Зидланиш	Исмни исм ёки феълга тобелаш
Борлиқ тасвири	Ҳар хил бирликлар	Мослашиш	Эрта баҳордаги тоғ овули

Лисоний ва нутқий системаларнинг умумий фарқ ва тафовутларини жадвалда куйидагича умумлаштириш мумкин:

Система Тури	Мавжудлик ўрни	Мавжудлик шarti	Мавжудлик замони	Мавжудлик тури
А Система	Онгда	Зиддият	Доимий	Номоддий
Б системаси	Борлиқда	Мослашиш	Ўткинчи	Моддий

Бу ҳолатни яна юкорида келтирилган мавҳум ва аён системалар мисолида кузатамиз:

Система тури	Мавжудлик ўрни	Мавжудлик шarti	Мавжудлик замони	Мавжудлик тури
Исмни тобеловчилар системаси	Лисонда	Нотўлиқ зиддият	Ҳозирги замон	Виртуал
Борлиқ тасвири	Нутқда	Гапларнинг мазмуний боғланиши	Ўтган замон	Вербал

А-система инсоният фаолияти маҳсули бўлса, Б-система муайян шахс фаолияти маҳсули. “Фақат танлаб олинган ва ўзаро таъсири кўзланган фойдали натижа-маҳсулни берадиган бутунлик”[3] сифатида олинган система, албатта, Б-система моҳиятини ифодалайди. Чунки мақсадни кўзлаш А-система нуқтаи назаридан бемаънилик, уни фақат реал системаларга нисбатан қўллаш мумкин.

Системанинг унсурларига қўйилаётган муҳим талаблардан бири танлашдир. Танлаш ижтимоий ва индивидуал кўринишга эга.

Ижтимоий танлаш лисоний системаларга хос, унда якка шахс иштирок этмайди, танлов жамият аъзолари томонидан эмас, балки лисоний жамиятнинг ўзи томонидан амалга оширилади. Тилдаги барча лисоний системалар аъзолари танлови жамият томонидан амалга оширилган. “Жамият” ва “жамият аъзолари тушунчаси” фарқланади. “Жамият” бўлинмас, яхлит тушунча, “жамият аъзолари” эса бўлинувчан эканлиги кундай равшан. Лисон яхлит яратувчи субъект, бу лисоний системани жамият аъзолари бир қарорга келиб, келишиб яратган деган сунъий ва сохта фикрга олиб келмайди. Албатта, системанинг мавжудлиги ва унинг аниқланиши бошқа-бошқа нарса. Системанинг вужудга келиши ва мавжудлиги ҳақидаги гаплардан кейин унинг аниқланиши ҳақида сўз юритиш лозим бўлади. Лисоний системалар тилда мавжуд, бироқ олимларнинг меҳнати ўлароқ улар маълум бўлади. Олимлар эса жамият эмас, балки жамиятнинг аъзолари, шунинг учун системалар қанчалик мукамал бўлмасин, уларнинг аниқланган ҳолати шунчалик ночор, тадқиқотчи талқинларида системадаги хусусиятларга “путур етади”. Масалан, ўзбек тилидаги келишиклар сонининг расман 6 талиги, бироқ унда бир нечта аъзо “унутиб” қолдирилганлиги ҳақидаги қарашлар [4] – бунинг ёрқин далили.

Лисоний системалардан фарқли ўларок, нутқий системаларнинг вужудга келтирилиши (келиши эмас) ва ундаги унсурларнинг танланиши мутлақо шахсий, индивидуал характерга эга. Хусусан, юқорида келтирилган матн – алоҳида шахснинг нутқий фаолияти маҳсули. Албатта, бунда “алоҳида шахс”, “индивидуаллик” тушунчаларини жўн ва ҳарфма-ҳарф тушунмаслик керак. Бу талқинларда “индивидуаллик”, “алоҳида шахс” тушунчалари “ижтимоий эмас” деган маънода англономоғи лозим.

А-система ҳам, Б-система ҳам функционал табиатга эга. А-системанинг функционаллиги Б-системани вужудга келтиришда иштирок этиш бўлса, Б-системанинг функционаллиги муаяйн аниқ маҳсулот ва натижанинг қўлга киритилишидир.

Унсур системанинг бўлинмас аъзоси, аммо шу тизимда нисбий мустақилликка эга. Матн таркибидаги исталган гап ўз мазмунига эга. Аммо бу мазмун матн мундарижаси билан шу даражада боғланиб кетганки, уни матндан ташқарида олиш ва таҳлил қилиш шу системани яхлит идрок этиш учун ҳеч қандай амалий самара бермайди.

Элемент моҳияти ташқарига йўналганлиги билан характерланади. Аниқроғи, элементнинг функционаллашуви бошқа элементга нисбатан белгиланади. Масалан, тушум келишигининг функционаллашуви унинг маъновий моҳиятига қараб эмас, балки бошқа келишиқларга нисбатан белгиланганлиги каби матн таркибидаги маълум бир гапнинг функцияси унинг ташкил этувчиларига нисбатан эмас, балки матннинг бошқа ташкил этувчиларига нисбатан баҳоланади. Демак, система учун бирликнинг ичкарига йўналган хусусияти эмас, балки ташқарига йўналган хусусияти аҳамиятлидир.

Система ҳақидаги ушбу фикрлардан сўнг таҳлилларимизни белги англлатувчи терминларнинг лисоний системалаги ўрни масаласига йўналтирамиз.

Белги англлатувчи терминларнинг икки семаси тадқиқотимиз учун муҳим:

- 1) “сифат туркумига мансублик”;
- 2) “терминсистемага мансублик”.

“Сифат туркумига мансублик” семаси белги англлатувчи терминларни терминсистемадаги бошқа (предмет, ҳаракат, миқдор) англлатувчи терминлардан фарқловчи белги бўлса, “терминсистемага мансублик” семаси улар билан бирлаштирувчи белги ҳисобланади. Шу билан бирга, “терминсистемага мансублик” семаси белги англлатувчи терминларнинг сифат туркумидаги бошқа турдаги лексемалардан фарқловчи белги бўлса, “сифат туркумига мансублик” уни сифат туркумидаги бошқа тип лексемалар билан бирлаштирувчи белги вазифасини ўтайди. Буни жадвалда система ҳосил қилувчи (бирлаштирувчи) ва системада вужудга келувчи (фарқловчи) белгилар кесимида куйидагича акс эттириш мумкин:

<b>Тизими</b>	<b>Фарқловчи белги</b>	<b>Бирлаштирувчи белги</b>
Белги англлатувчи сўзлар системасида	Терминсистемага мансублик	Сифат туркумига мансублик
Терминсистемада	Сифат туркумига мансублик	Терминсистемага мансублик

Маълум бўладики, белги англлатувчи терминлар лисоний тизимда ички ва ташқи систем муносабатларга эга бўлади. Аввало, терминларда аташ-номлаш ва матн ҳосил қилишда бу систем муносабатлар намоён бўлади. Шу асосда терминлар, хусусан, белги англлатувчи терминларнинг икки функциясини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади:

- а) номинатив систем муносабатлар;
- б) коммуникатив систем муносабатлар.

Терминларнинг номинатив вазифаси мутлақ ижтимоий моҳиятга эга эмас, шу босидан улар номемаси (фонетик шакли) нинг танланиши тушунчанинг англаниши ва у асосда ташкил топган матн (фикр)нинг тушунилишида тилнинг айрим фойдаланувчила-рига

кулайлик яратиш эҳтиёжидан келиб чиқади. Шунинг учун терминнинг умумлексик тизимдаги қатъий ўрнини аниқ белгилаш унинг семантик моҳиятини чуқур таҳлил қилиш, бунда дифференциал-семантик усулдан устувор даражада фойдаланиш ана шу имкониятнинг воқеланишини таъминлашга хизмат қилади. Бошқача айтганда, ҳар бир терминнинг семантик мундарижасини аниқ ва қулай очиш учун хизмат қиладиган семик таҳлил методологиясининг ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши терминлар танланишига талабларни янада кучайтиради.

Белги англатувчи термин терминологик тизимда ўзига хос ўринга эга бўлар экан, у мансуб тизим термин учун ташқи система ҳисобланади [5]. Умуман олганда, ҳар қандай термин ўзи мансуб системанинг бирлиги сифатида унга ташқи систем муносабатда бўлади. Системанинг ички муносабатлари тизими эса ушбу система учунгина ички система сифатида қаралади. Демак, маълум бўладикки, терминологик системалар – у хоҳ луғавий мавзувий, хоҳ луғавий-мазмуний ва хоҳ луғавий-маъновий система бўлсин, термин учун ташқи система ҳисобланади. Терминсистемада ташқи систем муносабат лексик-семантик моҳиятга эга. Чунки термин алоҳида ва тугал шаклланган семантик қийматга эга мавжудлик сифатида ўзи мансуб бутунликка қисм сифатида муносабатда бўлади.

Терминнинг ўз таркибий унсурларига муносабатида унинг семантик моҳияти ва уни ташкил этувчи birlikларни кўраимиз. Буни тилшунослар семеманинг референтив белгиларга, семеманинг семантик мундарижа таркибига муносабати сифатида ҳам қарайдилар [6] ва бунда терминнинг фонетик қобиғи – номага муносабат мўътадиллашади. Терминнинг умумий луғавий маъноси (семема ёки семемалар синтезидан иборат бутунлик) ва унинг ташкил этувчилари орасидаги ана шу муносабат термин учун ички систем муносабат ҳисобланади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Клир Д. Системология / Д. Клир. – М. : Радио и связь, 1973. – 262 с.
2. Основы общей теории систем : учеб. пособие. – СПб.: ВАС, 1992. – Ч. 1.
3. Анохин П.К. Избранные труды: филос. аспекты теории систем / П.К. Анохин. – М.: Наука, 1978.
4. Неъматов Х. Чегара келишиги // Ўзбек тили ва адабиёти, 1971, - № 4. – Б. 73–77.
5. Солнцев В.М. О понятии уровня языковой системы // Вопросы языкознания, 1972, – № 3. – С. 3.
6. Philipp Marthe. Semantik des deutschcen. Berlin, 1998. – S. 21.
7. Кунин А.В. Фразеолог. уровень языка // Уровни языка и их взаимодействие. – М., 1967. – С. 90.
8. Сувонова Н.З. Фразеологиянинг систем-сатҳ бирлиги сифатидаги талқини (француз тили материалида): филол. фан. номз. дисс. ...автореф. –Т., 2008. – Б. 15-16.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада белги англатувчи терминлар терминсистемасида ички ва ташқи систем муносабатлар билан боғланган бўлиб, ички систем муносабатлар терминнинг аташ-номлаш функцияси асосида воқеланади. Ташқи систем муносабат ҳам аташ-номлаш, ҳам коммуникатив функция нуқтаи назаридан юзага чиқади. Ички систем муносабат терминнинг семантикасига, ташқи систем муносабат унинг функциясига йўналтирилган бўлиши ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье рассматриваются внутренние и внешние системные отношения в терминологии символических терминов, в основе которых лежит так называемая функция именования термина. Внешние системные отношения возникают как из имени, так и из коммуникативной функции. Идея состоит в том, что внутренние системные отношения ориентированы на семантику термина и что внешняя системная связь является его функцией.

#### **SUMMARY**

The article discusses internal and external systemic relations in the terminology of symbolic terms, which are based on the so-called term naming function. External systemic relations arise from both the name and the communicative function. The idea is that internal system relations are oriented to the semantics of the term and that external system communication is its function.

*Нашрга доц. Б.Бахриддинова тавсия этган*



## ШЕЪРИЯТ ТИЛИ РЎЙХАТЛИ ЛУҒАТИНИ ТУЗИШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Тўраева У.Э. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *бадий объект, рўйхатли луғат, синхрон ясама, маъно торайиши, синхрон ясамалик, диахрон ясамалик, эскирган қатлам, архаик сўз, тарихий сўз, бетараф қатлам, янги қатлам.*

**Ключевые слова:** *арт-объект, список словаря, синхронная компиляция, сужение смысла, синхронная компиляция, диахроническое создание, устаревший слой, архаичное слово, историческое слово, нейтральный слой, новый слой.*

**Keywords:** *art object, dictionary list, synchronous compilation, narrowing of meaning, synchronous compilation, diachronic creation, obsolete layer, archaic word, historical word, neutral layer, new layer.*

Бугунги кунда тил дурдоналаридан адибларимиз қандай ва қанчалик фойдаланаётганлигини аниқлаш фан учун ҳам, луғатчилик амалиёти учун ҳам бирдай қимматли аҳамиятга эга. Адиб ўзи тасвирлаётган бадий объектни тўлақонли тавсирлай оляптими, у ўз асарларида ўз она тилининг маълум бир даврга хос ёки умумий хусусиятларини ўз асарларида қай даражада акс эттирди ёки тил хазинасига ўз ҳиссасини қай даражада қўша олди деган саволнинг қўйилиши маълум бир даврда ижод қилган ёки қилаётган ижодкорнинг асарлари луғатини тузиш қанчалик қиммат қасб этишини яққол кўрсатади.

Рус лексикографиясида 1956 йилда “Пушкин тилининг луғати”, 1964 йилда “Шевченко тилининг луғати”, 1970 йили “Унсурий частотали луғати”, 1980 йили “Абай тилининг луғати” яратилди. Хорижда яратилган “Гёте луғати”, “Адам Мицкевич луғати” каби ишлар бу борадаги энг сермахсул тадқиқотлардан саналади.

Ўзбек лексикографияси ҳам бу борада узоқ тарихий йўлни босиб ўтган. Хусусан, Алишер Навоий ҳаётлигида тузилган “*Бадоеул-луғат*”, “*Луғати Навоий*”, кейинчалик яратилган “*Санглоҳ*”, “*Абушқа*”, “*Ал-луғату ало лисонин Навоий*”, “*Луғати чигатойи ва турки усмоний*” луғатлари фикримизнинг далилидир.

Индивидуал бадий нутқ рўйхатли луғатлари давр тили ва ижодкор идиолекти, шунингдек, замондош адиблар ижодини чоғиштириш методи ёрдамида ўрганишнинг асосий қуролидир. Шунингдек, ижодкор эстетик дунёқараши, унинг бадий тафаккурида борлиқнинг, даврнинг тарихий муҳитнинг акс этиш даражасини аниқлашда ҳам мазкур типдаги луғатларнинг аҳамияти катта.

Демак, кўринадики, адиб индивидуал нутқининг рўйхатли луғати унинг ижодини ўрганишдаги калитдир. Ижодкор идиолекти луғати ўзига хос усул ва тамойиллар асосида яратилади.

Луғатда сўзлар тавсифи жадвал кўринишида бўлиб, жадвал юқорисида берилган тегишли ва зарур тавсифий белгиларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Биз уни қуйидагича белгилашни маъқул топдик.

### **1.Тартиб рақами. 2.Сўзнинг бош шакли ва қўлланган грамматик шакллари. 3.Сўзнинг тарихий-этимологик хусусияти.**

3.1.Тарихийлик хусусияти. 3.1.1.Эскирган қатлам. 3.1.1.1.Архаик сўз. 3.1.1.2.Тарихий сўз. 3.1.2.Тарихийликка бетараф қатлам. 3.1.3.Янги қатлам.

3.2.Сўзнинг этимологик хусусияти. 3.2.1.Ўз қатлам. 3.2.1.1.Умумтуркий қатлам. 3.2.1.2.Ўзбекча қатлам. 3.2.2.Ўзлашма қатлам. 3.2.2.1. Арабий ўзлашма. 3.2.2.2.Форсий ўзлашма. 3.2.2.3. Байналмилал ўзлашма. 3.2.2.4. Бошқа хил ўзлашмалар.

### **4.Сўзнинг деривацион-композицион хусусияти.**

4.1. Сўзнинг деривацион хусусияти. 4.1.1. Туб сўз. 4.1.2.Ясама сўз.

4.1.2.1. Тарихий ясалиш.4.1.2.1. 1.Ихтисослашган.4.1.2.1.2.Соддалашган.

4.1.2.1.3.Тублашган. 4.1.2.2.Синхрон ясалиш. 4.1.2.3.Ясалиш қолипи.

4.2.Сўзнинг композицион хусусияти.4.2.1.Содда сўз. 4.2.2.Мураккаб сўз.

## 5. Сўзнинг қўлланиш хусусиятлари.

5.1. Сўзнинг қўлланиш доираси. 5.1.1. Қўлланиш доираси чегараланган.

5.1.1.1. Шевага хос сўз. 5.1.1.2. Термин. 5.1.1.3. Жаргон. 5.1.1.4. Арго.

5.1.2. Қўлланиш доираси чегараланмаган.

5.2. Сўзнинг қўлланиш миқдори (марта ҳисобида) 5.2.1. Умумий қўлланиш миқдори.

5.2.2. Ўз маъносида қўлланиш миқдори. 5.2.3. Кўчма маънода қўлланиш миқдори.

Улардан характерлиларини шарҳлаш лозим бўлади.

1. Луғатда сўзлар жадвалга солиниб, у қатъий рақамланган тартиб асосида бўлади. Тартиб рақамидан кейин сўз барча шеърларда неча марта ва қандай шаклда қўлланишидан қатъи назар битта кўриниши, яъни инвариант бош шакли олиниб, бошқа сўзшаклларнинг грамматик воситалари келтирилади.

1	2			
№	Сўзнинг бош шакли ва қўлланган грамматик шакллари			
1	<i>аёл/лар/имиз/ингиз/и/нинг/ни/га/да/дан</i>			
2	<i>ўқи/ил/ш/т/тир/моқ/ган/ётган/аётган/эди/ди/ган/ эрур</i>			

2. Луғатда сўзларнинг тегишли белгига муносабати ойдинлаштирилиб борилади ва бу (+) ёки (-) белгиси билан берилади. Масалан,

1	2	3								
		Тарихий - этимологик хусусияти								
№	Сўзнинг бош шакли ва қўлланган грамматик шакллари	3.1. Тарихийлик хусусияти			3.2. Этимологик хусусияти					
		3.1.1. Эскирган		3.1.2. Беғараф	3.1.3. Янги	3.2.1. Ўз қатлам		3.2.2. Ўзлашма қатлам		
		Архаик	Тарихий			умтуркий	ўзбекча	арабий	форсий	байналмилал
1	<i>аёл/лар/имиз/ингиз/и/нинг/ни/га/да/дан</i>	-	-	+	-	+	-	-	-	-
2	<i>ўқи/ил/ш/т/тир/моқ/ган/ётган/аётган/эди/ди/ган/ эрур</i>	-	-	+	-	+	-	-	-	-

тарзида.

3. Сўзларнинг ясалиш хусусиятларини беришда ўзига хосликлар мавжуд. Маълумки, сўз ясалиши ҳам тил тараққиёти натижасида тарихийлик ва замонавийликка дахлдор бўлади. Шу боисдан фанда тарихий ва синхрон деривация фарқланади. Демак, луғатда тарихий ва синхрон ясама сўзлар фарқланади. Синхрон ясамаларда ясама сўз билан деривацион (сўз яшаш) қолип орасида алоқа мавжуд, қолипнинг шаклий ва мазмуний томони ҳосила сўзда ўз изларини қолдирган бўлади. *китобчи* ясама сўзида [от+чи=шу от билан шуғулланувчи шахс оти] қолипидаги тенглик аломатининг чап (шаклий) ва ўнг (мазмуний) томони излари шундоқ кўриниб турибди.

3.1. Синхрон ясалишда ҳам икки ҳолат мавжуд: а) умумий сўз яшаш ва б) индивидуал сўз яшаш.

Умумий сўз яшаш деганда бирор тил жамияти аъзолари нутқида кундалик мулоқот жараёнида ясалиб турадиган сўзлар тушунилади: *нончи, балиқчи, ҳаволи* каби. Умумий табиатли ясама сўзлар тезда лисонийлашиб кетади. Чунки унинг умумийлиги шундан

далолат беради. Хусусий ясама сўзлар *оқказионал ясамалар* ҳам дейилиб, фақат инди-виудал нутқ кўриниши сифатида қолаверади.

Тарихий сўз ясалишида ясама сўзнинг шакли ва маъносига мос қолип мавжуд бўлмайди. Бу махсус текширишлар натижасида аниқланади. Масалан, *қишлоқ, овлоқ* сўзларининг маъносини уларнинг ташкил этувчилари ва ясалиш қолипларидан чиқариб бўлмайди. *Силлиқ, ясовул, қоровул лексемаларида* ҳам шу ҳолат излари мавжуд.

4. Луғатда сўз яшаш (деривацион) қолипларини бериш ҳам мақсадга мувофиқ. Маълумки, ҳар қандай сўз сўз яшаш қолиплари асосида ҳосил қилинади. Ҳосила лисонийлашиб, ўз қолипидан узилиб кетса ҳам, унда билинар-билинемас қолип билан (агар қолип яшовчан бўлса) боғланишлар барибир сақланиб қолади.

Деривацион қолип икки қисмдан ташкил топади: а) қолип шакли; б) қолип маъноси. Сўз яшаш қолипнинг шаклий томони икки қисмдан ташкил топади: *ясовчи асос* ва *ясовчи восита*. Масалан, [от+чи=шу от билан шуғулланувчи шахс оти] қолипнинг шаклий қисми бўлган [от+чи] нинг *от* қисми ясовчи асос, *-чи* қисми эса ясовчи восита ҳисобланади. Луғатда қулайлик мақсадида ясама сўзлар қолипнинг шаклий томонига берилади.

Нутқий ясама сўзларнинг айримлари нутқ босқичидагина мавжуд бўлса, баъзилари ўзларини чиқарган қолиплардан узилиб кетган бўлади.

Нутқий ясама сўзларнинг лисоний сатҳга кўтарилиши бир неча босқичда кечади. Уларни нутқдан лисонга силжиши, лисонийлашиши даражасига кўра қуйидагича тартиб-лаш мумкин ва луғатда ҳам бунга алоҳида эътибор қаратилади:

- 1) ихтисослашган лексемалар;
- 2) соддалашган лексемалар;
- 3) тублашган лексемалар.

“*Ихтисослашган* лексемалар деганда нутқий ясама сўзлар лисонийлашувининг энг қуйи даражаси тушунилади. Улар ясамалигини йўқотмаган, яъни ўзида қолипнинг шаклий томони изларини сақлаган, бироқ маъновий томондан қолипдан узилган, яъни маъносини қолипнинг ўнг (мазмуний) томонидан келтириб чиқариш имкони бўлмаган, торайган маъноли лексемалар. Масалан, *ишчи* лексемаси « завод ёки фабрикаларда ишловчи, ўрта маълумотли мутахассис» маъносига эга бўлиб, у [от]+[чи]=отдан англашилган нарса устида ишловчи киши] қолипи ҳосиласи. Қолип ҳосиласи сифатида у қолипнинг чап томони хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Чунки ишчи лексемасининг шаклий томони, яъни номемасида қолипнинг [от+чи] умумийлиги зарраси, кўриниши тажаллиланган. Лексема семемаси эса «шу отдан англашилган нарса билан шуғулланувчи шахс» моҳияти кўринишига эмас, балки унинг торайган, маълум бир ихтисосни англаувчи кўриниши ҳолатига эга бўлиб қолган. *ишчи* лексемасига қиёсан олиндиган, дейлик, *китобчи* сўзида сўз яшаш қолипнинг шаклий томонидан ҳам, маъновий томонидан ҳам узилиши кузатилмади. Ёки *ёзувчи* лексемаси ва *ёзувчи* ясама сўзини қиёслайлик. Ҳар иккала ҳосила ҳам [[феъл]+[увчи]+шу феълдан англашувчи ҳаракат билан шуғулланувчи шахс] қолипи маҳсули. *Соддалашган* атамаси остида маълум бир сўз яшаш қолипнинг ҳосиласида ўзак ва кўшимчанинг ўзаро ажралмас ҳолга келиши, сўзшаклдаги грамматик шаклларнинг қотиб қолиши натижасида янги маъно ифодалаши тушунилади. Ўзбек тилидаги *олдин, кейин, ташқари, ичкари, юқори* каби юзлаб сўзлар соддалашган ясама сўзлар - лексемалар. Сўз бирикмаларининг синтактик қолиплардан узилиш ҳолатлари (*бошнинг оғриғи - бошогриқ, белнинг боғи – белбоғ, бу кун - бугун*) ни ҳам соддалашишга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

*Тублашган лексемалар* шундай лексемалашган ясама сўзларки, уларнинг ясалишини, таркибини этимологик маълумотга эга бўлмасдан аниқлаб бўлмайди. Масалан, *син* феълнинг ўзаги *си*, *тингла* феълнинг ўзаги *динг*, *тўқ* сўзи ўзагининг *тў* эканлигини тил тарихи бўйича чуқур маълумотга эга бўлмасдан билиш қийин.”<sup>1</sup> Биз ишда Б.Менглиев қарашларига қўшилиб ушбу ҳолатни луғатда тавсифлашда унинг хулосаларига таяндик.

<sup>1</sup>Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Қарши: Насаф, 2005. – Б. 56-58.

Демак, рўйхатли луғатда ясама сўзларнинг тарихий ва ҳозирги кўринишлари, сўз яшаш қолиплари, лисоний ясалмаларнинг ихтисослашган, содалашган ва тублашган турларини кўрсатиш унинг мукамаллигини оширишга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар

1. Менглиев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Қарши: Насаф, 2005. – 127 б.
2. Иброҳимов С. Муқаддима // Навоий асарлари луғати. Тузувчилар: П. Шамсиев ва С. Иброҳимов. Мухаррир филол. фан. докт. С. Муталлибов. – Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – 671 б.
3. Кўнгулов Р., Каримов С. Зулфия поэзияси тилининг луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1981. – 273 б.
4. Ҳожиев А. Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1985. – 144 б.

#### РЕЗЮМЕ

Мақолада шеърят тили рўйхатли луғатини тузиш тамойиллари ҳақида фикр юритилган бўлиб, ижодкор идиолекти луғатининг ўзига хос усул ва тамойиллари кўрсатиб берилган. Луғатдаги сўзларнинг тавсифи жадвал кўринишида бўлиб, жадвал юқорисида берилган тегишли ва зарур тавсифий белгиларни танлаш муҳим аҳамиятга эга. Тавсифий белгилар: 1. Тартиб рақами. 2. Сўзнинг бош шакли ва қўлланган грамматик шакллари. 3. Сўзнинг тарихий-этимологик хусусияти. 4. Сўзнинг деривацион-композицион хусусияти. 5. Сўзнинг қўлланиш хусусиятлари кабилар луғат тузилишида асосий белгилар сифатида кўрсатилган ва изоҳланган.

#### РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются принципы составления списка поэтических языков, а также конкретные методы и принципы словаря творческой интеллигенции. Описательные слова в словаре являются табличными, и важно выбрать соответствующие и описательные символы, приведенные выше. Характеристики: 1. Номер заказа. 2. Основная форма слова и используемые грамматические формы. 3. Историко-этимологические особенности речи. 4. Производный и композиционный характер слова. 5. Объясняются и объясняются особенности словарного запаса, такие как ключевые особенности в структуре словаря.

#### SUMMARY

In the article the principles of formation poetical language as well as concrete methods and specific ways of creative intelligencial dictionary. Descriptive words in the dictionary are given in tables and it is necessary to choose appropriate and descriptive symbols given above. Characteristics: 1. Number of order. 2. Main form of word and used grammar forms. 3. Historical-etymological characteristics of a word. 4. Derivational characteristics of a word. 5. Application characteristics of a word, so on shown and described as key items in the structure.

*Нашрга доц. Б.Баҳриддинова тавсия этган*

## ТЕРМИНЛАРНИНГ МАЪНОДОШЛИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Норходжаева Х.Ш. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** терминология, синонимия, тартибга солиш, соҳа терминлари, тараққиёт босқичлари.

**Ключевые слова и выражения:** терминология, синонимии, регламентация, термины отраслей, этапы развития.

**Key words and word expressions:** terminology, synonymy, editing, industry terms, stages of development.

Тилдаги лексик бирликлар, хусусан, терминларнинг семантик структураси доимо тилшуносларнинг эътиборини тортиб келган. Маълумки, ҳар бир тилнинг лексик қатлами моносемантик ва полисемантик лексемалардан ташкил топади. Яратилган ёки ўзлаштирилган лексеманинг дастлабки қўлланиши моносемантик хусусиятга эгаллиги билан характерланади. Вақт ўтиши ва зарурият тақозоси (масалан, юзага келган ҳар қандай

маъноларни янги лексема билан ифодалашга тилдаги тежамкорлик қонуниятининг йўл қўймаслиги ва бошқалар) билан моносемантик лексеманинг полисемантик лексемага айланиши лисоний қонуниятлар асосида рўй беради. Бинобарин, тил лексикасида моносемантик ва полисемантик лексемалар гуруҳи таркиб топади. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» дарслигида лексемаларнинг деярли ярми полисемантик хусусиятли, деб кўрсатилган<sup>1</sup>. Бу, албатта, тахмин бўлиб, илмий исботини талаб қилади.

Ҳозирги даврда илмий жиҳатдан тўғри ва аниқ терминлар яратиш, бу ишни ўзбек тилининг ички ва ташқи имкониятларидан етарли даражада фойдаланган ҳолда амалга ошириш долзарб масалалардан бири бўлиб қолди. Бу масала бевосита калькаланишга ҳам алоқадордир. Таъкидлаш жоизки, ўзбек тили терминологиясида терминларни калькаланишда хилма-хилликка йўл қўйилмоқда. Натижада бир терминнинг уч-тўрт ва ундан ортиқ синонимлари пайдо бўлмоқда. Бу борада бир қанча ишлар қилинаётган бўлса-да, ушбу масала ечимини топгани йўқ. Жумладан, айрим мақолаларда терминлардаги синонимияни бартараф этиш масалалари кўтариб чиқилганлигини алоҳида эътироф этиш лозим. Айниқса, Н.Маҳкамов<sup>2</sup>, Р.Дониёров<sup>3</sup>, Н.Қосимов<sup>4</sup>ларнинг бу масалага доир мақолалари эътиборлидир.

А.Ҳожиёв синонимларга шундай таъриф беради: «Синонимлар талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маънолари бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, эмоционал бўёғи, қўлланилиши каби бир қатор хусусиятлари билан фаркланадиган сўзлардир»<sup>5</sup>. Муаллифнинг кейинги луғатида синонимларга юқоридагидан фарқлироқ таъриф берилган: «Синонимлар (юн. *synonymus* – бир номли) – бир умумий маънога эга бўлган (денотатив маъноси бир хил), қўшимча маъно оттенкаси, услубий бўёғи, қўлланишдаги хусусияти ва шу каби белгилари билан фаркланадиган сўзлар...»<sup>6</sup>. Бу таърифдан синонимларнинг нафақат коннотатив, балки денотатив маъноларни ҳам англатиши мумкинлиги маълум бўлади. А.Ҳожиёв томонидан тузилган «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» буни далилловчи илмий манбадир<sup>7</sup>. Мазкур луғатда, асосан, адабий тил учун характерли бўлган, кўпинча бадиий асарларда қўлланувчи синонимларнинг изоҳлари берилган. Воҳаланки, ўзбек тилининг терминологик тизимларида ҳам синонимик терминлар кўплаб қўлланмоқда. Буни жараён англатувчи терминологик тизим мисолида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ўзбек тили терминологиясида синонимия ҳодисасига бағишланган кўплаб тадқиқотлар амалга оширилаётган бўлса-да, терминлар синонимияси масаласида аниқ тўхтамга келинмаган. Чунончи, баъзи тилшунослар терминологиядаги кўпмаънолилиқ ва синонимия ҳодисасига салбий муносабат билдиришади. Д.С.Лотте терминологияда кўпмаънолилиқ ва синонимия ҳодисасини зарарли деб ҳисоблайди<sup>8</sup>.

Ўзбек тилининг терминологик тизимлари тадқиқ этилган ишларда синонимия масаласига алоҳида эътибор қаратилганлиги диққатга сазовор. Масалан, Р.Шукуровнинг терминлар синонимиясига бағишланган ишида ўзбек тили терминологиясида кўпмаънолилиқ ҳодисаси ҳам, синонимлик ҳодисаси ҳам учраб туриши таъкидланади. Мазкур

<sup>1</sup> Турсунов У. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 80.

<sup>2</sup> Маҳкамов Н. Ўзбек тили терминологиясида синонимларнинг плеонастик қўлланилиши // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 122-132.

<sup>3</sup> Дониёров Р. Составли кўшма терминлар ва уларнинг имлоси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1971. – № 6. – Б. 41-43.

<sup>4</sup> Қосимов Н. Ўзбек техникавий терминологиясида синонимлик ва уни бартараф этиш йўллари // Ўзбек терминологиясида лексик вариантлар. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 63-79.

<sup>5</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974. – Б. 3-4.

<sup>6</sup> Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2002. – Б. 88.

<sup>7</sup> Ҳожиёв А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1974.

<sup>8</sup> Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – М., 1961. – С. 21-22.

ишда терминологик синонимия билан дублетликнинг фарқи масаласига кенгроқ тўхтаб ўтилган<sup>1</sup>.

Терминологик синонимия масаласига бағишланган ишлардан яна бири Қ.Сапаевнинг мақоласидир<sup>2</sup>. Мазкур ишда қурилиш терминларидаги синонимия масаласи ўрганилган. Олимнинг қуйидаги фикрлари эътиборлидир: «Терминологик лексикада синоним терминлар, биринчидан, шу тилнинг ўзига хос ички имкониятлари асосида, иккинчидан, бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш ёки диалектал сўзларнинг терминологик системаларга кириб келиши натижасида содир бўлади»<sup>3</sup>.

Тилнинг синонимик кўлами четдан ўзлашган сўзлар ҳисобига яна ҳам бойиб боради. Аслида синонимия бирдан ортиқ тил бирлигининг аташ маънолари бир хиллиги асосида вужудга келади<sup>4</sup>. Бу тил birlikлари ўз ичида мунтазам бир системани ташкил этади. Шу хусусиятларини ҳисобга олиб, синонимик муносабат ҳосил қилувчи тил birlikлари тизими синонимик уя ёки синонимик қатор деб юритилади. Албатта, бу ўринда икки тил birlikи назарда тутилса, булардан бири иккинчисига нисбатан синоним бўлади.

Тадқиқотимиз объекти бўлган жараён терминлари тизимида *-лаш* аффикси асосида ясалган синонимлар нисбатан кўпроқ. Буни синонимлар изоҳли луғатида қайд этилган мисоллар ҳам тасдиқлайди. Жараён англатувчи терминлар синонимиясида синонимик қатордаги сўзлар кенг ёки тор маънони ифодалаши, маълум бир нутқий услубга ҳослиги сингари белгилари орқали фаркланади.

Терминологик тизимдаги терминлашган сўзларнинг маънодошлик муносабати умумистеъмол лексикадаги шундай муносабатдан фаркланади. Бошқача айтганда, умумистеъмол лексикада грамматик шакллар сўзларнинг синонимик муносабатини юзага келтирмайди. Лекин терминологик тизимда бундан ўзгача ҳолат кузатилади. Буни грамматик шаклланган терминларнинг луғатларда берилиши ҳам тасдиқлайди.

Жараён англатувчи терминологик тизимда мутлақ синонимлар кўплаб учрайди. Масалан: *агитация – таъвиқот, таъсирлаш – таъсир этиш, таъсир қилиш; ташкиллаштириш – ташкил қилиш, ташкил этиш; барпо этиш – барпо қилиш* кабилар.

Синонимлар бир неча қаторни ташкил этса-да, барчасининг мазмунини ифодаловчи биргина бош термин мавжуд бўлади ва у доминанта ҳисобланади. Масалан: *айирбошламоқ, айирбош қилмоқ, алмашмоқ, алмаштирмоқ, алишмоқ* каби синонимик қаторда *айирбошламоқ* бош маъно ҳисобланади.

Республикамиз иқтисодий тизимидаги кенг ислохотлар, иқтисодиётга чет эл сармояларининг жалб этилиши билан шу соҳада қўлланивчи ўзлашма терминлар тилимизга кириб келди ва мустаҳкам ўрин эгаллади. Масалан, иқтисодиётга оид *бартер* термини инглиз тилидан ўзлашган бўлиб, «товар айирбошлаш» маъносини ифодалайди ва шу маъноси билан юқорида келтирилган синонимик қатордан жой олади. Бу синонимик қатордаги сўзлар иқтисодиёт термини сифатида қўлланила бошланди. ЎТИЛда унинг маъноси қуйидагича изоҳланган:

«**БАРТЕР** [ингл. *barter* — товар айирбошлаш] *иқт.* Пул маблағлари иштирокисиз бевосита товарга товар айирбошлаш ва шу ҳақдаги шартнома»<sup>5</sup>.

Ўзбек тилида ўзлашмалар асосидаги аффиксларни ўзбекча аффикс билан алмаштириш орқали ҳам синонимик муносабатга кириша оладиган янги термин ясалиши кузати-

<sup>1</sup> Шуқуров Р. Терминлар синонимияси хусусида // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараккиёт перспективалари: 1 республика терминологияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 32-34.

<sup>2</sup> Сапаев Қ. Қурилиш терминологиясидаги синонимия масаласига доир. // Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараккиёт перспективалари: 1 республика терминология конференцияси материаллари. – Тошкент: Фан, 1986. – Б. 37-39.

<sup>3</sup> Сапаев Қ. Ўша манба. – Б. 38.

<sup>4</sup> Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1992. – Б. 136.

<sup>5</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. Биринчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 172.

лади. Тилимизда содир бўлган бу ҳодиса лингвистик луғатларда ёнма-ён келтирилганини кўрамиз:

«АККРЕДИТАЦИЯ, аккредитлаш [ишонмоқ, ишонч билдирмоқ] ҳуж. 1. Дипломатик ваколатхона бошлиғи ёки давлатнинг бирон-бир халқаро ташкилотидаги доимий вакилини лавозимга тайинлаш ва шу лавозимни бажаришга киришиш тадбирлари.

2. Журналистга муайян ҳудудда бўлиш ва у ерда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларни ёритиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат» (ЎТИЛ-1. – Б. 62).

Лингвистик луғатларда ўзлашма сўзларнинг ўзбекча маъноси қавс ичида берилган бўлиб, айнан шу маънолар ўзлашма сўз билан маънодош бўла олади:

«АППЛИКАЦИЯ, мойиллик; бирлашиш, қўшилиш;

1. Бирор газлама, қоғозга ранг-баранг газлама ёки қоғоз парчаларини ёпиштириб ёки тикиб нақш солиш усули.

2. Шу усул билан солинган сурат, нақш; шундай нақшли буюм». ЎТИЛ-1. – Б. 91).

«АПРОБАЦИЯ, маъқуллаш, тасдиқлаш. 1. Текшириш, синаш ва муҳокама асосида расмий суратда маъқуллаш.

2. қ. х. Энг яхшиларини уруғликка ажратиш мақсадида экинларнинг ҳосили сифатини аниқлаш»<sup>1</sup>.

Кўринадики, *апликация* термини ўзбек тилидаги *бирлашиш*, *қўшилиш*; *апробация* термини эса *маъқуллаш*, *тасдиқлаш* жараён терминлари билан синонимик муносабатга кириша олади.

Жараён англатувчи терминларнинг синонимик қатори турли миқдорга эга. Айрим синонимик қатор икки-уч сўздан иборат бўлса, бошқалари беш ёки ундан ортиқ сўз ва бирикмадан иборат. Бундай фактик мисолларни лингвистик луғатлардан кўплаб келтириш мумкин. Хусусан, «Русча-ўзбекча юридик тезаурус»да қайд этилган жараён англатувчи терминлар синонимик қаторига диққат қаратамиз:

*гармонизация, уйғунлаштириш;*

*идентификациялаш, тасдиқлаш;*

*хато қилиш, янглишиш, адашиш;*

*инквизиция, қийнаш, азоблаш, исканжага олиш;*

*тўплаш, тўпланиш, йиғиш;*

*тамғалаш, белги қўйиш;*

*акцепт, тўлов;*

*анализ, таҳлил, текшириш;*

*аранжировкалаш, мослаштириш;*

*қўзғатиш, уйғотиш*<sup>2</sup> ва ҳ.к.

Жараён англатувчи терминлар таркибий тузилишига кўра содда ва мураккаб бўлгани сингари, уларнинг синонимиясида ҳам шу ҳолат кўзга ташланади. Жараён англатувчи терминлар тизимида содда ва мураккаб тузилишли синонимик терминлар кузатилади. «Русча-ўзбекча юридик тезаурус» луғатидан айрим мисолларни келтираамиз:

*жалб қилиш, тортиш;*

*тониш, инкор қилиш;*

*тақиқлаш, ман этиш;*

*синиш, дарз кетиш;*

*айблаш, айб қўйиш;*

*қасодга учраш, емирилиш, барҳам топиш*<sup>3</sup>.

Баъзан ясама жараён терминининг содда тузилишли ўзлашма термин билан синонимик муносабати кузатилади. Қиёсланг:

<sup>1</sup> Кўрсатилган луғат. – Б. 91.

<sup>2</sup> Русча-ўзбекча юридик тезаурус луғати. –Тошкент, 2011. –Б. 278.

<sup>3</sup> Кўрсатилган луғат. – Б. 278.

«ШИКОЯТ ҚИЛИШ (шикоят қилмоқ) 1) нолиш сўзини айтмоқ; нолимоқ, ҳасрат қилмоқ. 2) арз, шикоят билан мурожаат қилмоқ»<sup>1</sup>.

«АПЕЛЛЯЦИЯ [лат. appellatio - мурожаат, шикоят] 1. Бирон-бир қарор, фикр, олинган натижа юзасидан юқори ташкилот ёки идорага шикоят аризаси билан мурожаат этиш...»<sup>2</sup>.

Хуллас, синонимия ҳодисаси жараён англатувчи терминлар системаси учун ҳам хос. Бунда, албатта, жараён англатувчи терминларда бошқа лексемаларда бўлгани каби синонимик муносабат бирёқлама характерга эга. Негаки синонимик қатордаги доминанта парадигмадаги бошқа аъзолар ўрнини алмаштира олади, лекин доминанта мавқеида бўлмаган аъзо унинг ўрнини алмаштира олмайди. Уларнинг услубий хосланиши бунга йўл қўймайди.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ўзбек терминологиясининг талқини, улардаги синонимлик хусусиятлари, камчиликлар ва уларни бартараф этиш борасидаги таклифлар баён этилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В данной статье речь идёт об исследовании терминологии, у неё синонимии, недостатки регламентации и предложения по искоренению в области терминологии.

#### **RESUME**

This article presents an overview of Uzbek terminology, stages of development to date, and suggestions and shortcomings in the field terminology regulation.

*Наширға доц. Б.Бахриддинова тавсия этган*

---

<sup>1</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдди. Тўртинчи жилд. – Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б. 569.

<sup>2</sup> Ўша жойда. – Б. 90.



ИМИТАЦИОН РОЛГА АСОСЛАНГАН АХБОРОТ  
МОДЕЛЛАШТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСПЕКТЛАРИ

Қахрамонова Х. (ҚарМШИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** лойиҳалаштириш, ахборот модели, фасет, маълумот кванти, ёндашув, имитацион рол, ролли моделлар.

**Ключевые слова:** дизайн, информационная модель, фаска, квант данных, имитационная роль, образцы для подражания.

**Keyword:** designing, information model, facet, data quantum, approach, imitation role, role models.

Ҳозирги кунда инновацион технологиялар, педагогик технологияларни ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш кундан-кунга ортиб бормоқда. Таълимда ўқитувчиларнинг ўқув маълумотларини режалаштира олиши муҳим аҳамият касб этмоқда. Таълимий ахборотнинг виртуал макони турли хил таълим-тарбия мақсадларини амалга ошириш учун мўлжалланган ҳамда унинг алоҳида қисмлари билан ифодаланади (биз уларни "квант" деб номлаймиз). Бунда аксиологик ёндашувнинг бир қисми сифатида ишлаб чиқилган мақсадни белгилаш, ўқитиш учун мўлжалланган маълумотларнинг ҳар бир кванти учун асосий омили ҳисобланади. Шу муносабат билан таълим-тарбия жараёнидаги ҳар бир маълумот кванти ва мос равишда имитацион рол турлича бўлиши мумкин.

Шунинг сабабдан, олдиндан белгиланган хусусиятларга эга бўлган таълим маълумотларини тузишни назарий жиҳатдан асослаш учун бир-биридан мустақил бўлган таснифлаш белгиларини танлаш керак бўлади. Бир вақтнинг ўзида бир нечта асослар бўйича амалга ошириладиган мустақил таснифларнинг комбинациясини фасет таснифланиш ёки Ранганатан таснифи деб номланади [3]. Таснифлаш белгилари фасетлар деб аталади. Ҳар бир фасет таснифлаш белгисининг бир жинсли қийматлар тўпламини жамлайди, шу билан бирга фасетдаги қиймат ихтиёрий тартибда жойлашиши мумкин. Таснифлаш тартиби ҳар бир объектга (бизнинг ҳолатларимизда ўқув маълумот квантига) фасетдан тегишли қийматни тақдим этишдан иборат.


Таълим маълумотларини лойиҳалашда ишлатиладиган фасетлар икки қисмдан иборат: *инвариант ва вариатив*. Инвариант фасетлари касбий-ахборот ва педагогик фаолиятнинг таркибий тузилиши билан аниқланиши керак. Вариатив фасетлар эса ривожланишнинг ҳар бир аниқ тарихий даврида жамият эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда устувор таълим муаммоларини ҳал қилиш зарурати билан аниқланиши лозим, аммо уларнинг таркиби доимо "энг юқори қадриятларга" таяниши керак [1, 572-б.]. Бундай ҳолда, кўп ўлчовли бўлиши мумкин бўлган маълумот квантининг тегишли моделини яратиш мумкин бўлади.

1-расмда уч ўлчамли модель кўрсатилган, бу ерда  $\Phi_1$  – касбий-ахборот тайёргарликнинг етти та қийматини сакловчи компонент (маълумот кидириш, олиш, тақдим этиш, ўзгартириш, таҳлил қилиш, сақлаш ва узатиш) – инвариант фасет;  $\Phi_2$  - тарбиявий иш соҳаларини (маънавий, экологик, ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқалар) ўз ичига олган вариатив фасет;  $\Phi_3$  - замонавий иш берувчилар томонидан талаб қилинадиган олий таълим битирувчиларининг устувор фазилатлари (мижозларга диққат-эътибор, мустақиллиги, гуруҳда ишлай олиш қобилияти ва бошқалар) – вариатив фасет.

Танланган фасетлар ўқув маълумотларини ахборот моделлаштиришнинг мақсадли бошқичлари учун зарур шарт-шароитларни яратади.

Компьютерда ахборот моделини ишлаб чиқиш учун вазифаларни таснифлашга мисоллар келтирамиз (биз юқорида танланган учта фасет билан чекланамиз).

## Ахборот квантининг уч ўлчовли модели



Топширик. "Синема" ахборот моделини ишлаб чиқиш, унинг фойдаланувчилари бўлиб: кино томошабинлар, кассир ва кинотеатрнинг эгалари ҳисобланади. Шубҳасиз, ушбу топширик ахборотни тақдим этиш соҳасидаги кўникмаларни шакллантиришга қаратилган бўлиб, у бошқа одамларга ғамхўрлик қилишни (маънавий аспект) назарда тутди; мижозлар манфаатларини ҳисобга олишга қаратилган (мижозларнинг эътиборини жалб қилишга мўлжални олиш). Агар биз фасетлардаги мос рўйхатдаги қиймат рақамларини 3, 1 ва 5 деб фараз қилсак, у ҳолда таклиф қилинган моделни уларнинг рўйхатларидаги фасетларнинг ва қийматлар сонини акс эттирувчи рақамлар (индекслар) жуфтларида кодлаш мумкин:  $\Phi_{1,3}$ ;  $\Phi_{2,1}$ ;  $\Phi_{3,5}$ . Бундай кодлаш ўқув ахборот банкларини яратиш учун қулай асос бўлиб хизмат қилади.

Шундай қилиб, биринчидан, контцептуал-функционал даражада имитацион ролга асосланган ахборот моделлаштириш – ўқув маълумотларини акс эттирадиган модели ролини бажариши лозим.

Иккинчидан, аксиологик даражада, таълим мақсадларининг аниқлаштириш амалга оширилади, бу вариатив фасетларнинг шаклланишидан иборат (эътибор қилинг, фасетлардаги қийматлар ҳар қандай тартибда жойлаштирилиши мумкин, гарчи уларнинг тартибланиши афзалроқ бўлса, бу кейинги тадқиқотлар учун истиқбол сифатида кўриб чиқилиши мумкин, масалан, [5]). )

Учинчидан, имитацион ролга асосланган ахборот моделлаштириш – жиҳозлар ролига асосланган моделларни мақсад функциялари тўпламига мўлжални олган ҳолда конструкциялашни намоён этади. Ҳар бир жиҳоз ролига асосланган модел маълум педагогик потенциалга эга бўлиб, у таълим олувчиларда турлича касбий-ахборот тайёргарлик компонентини ўзлаштиришларида, интеллектуал ва шахсий фазилатларини шакллантиришни тавсифловчи имкониятларни тавсифлайди.

Ушбу тартиб ҳозирда қабул қилинган интуитив ёндашувдан фаркли ўларок, имитацион ролга асосланган ахборот моделлаштириш (бундан кейин ИРААМ) моделларида берилган фасетлар ва уларнинг аҳамиятига мувофиқ шакллантирилган. Шу сабабли, учун ушбу моделлар тўплами исталганча катта бўлиши мумкин. ИРААМ назарияси барча мумкин бўлган моделларнинг тўлиқ тавсифини беришни мақсад қилиб қўймайди, бунда уларни қуриш бўйича назарий кўрсатмалар берилади ва улар мақсад функциялари ҳамда таркибий тузилишига қараб ўзгариши мумкин. Шундай қилиб, жиҳоз роли моделлари (ЖРМ) деб номланган имитацион ролга асосланган ахборот моделлаштириш назарияси доирасида

яратилган ўқув материаллари моделлари аслида мавҳум тузилмалар бўлиб, улар ҳар қандай таркиб билан тўлдирилиши мумкин ва кейинчалик мавзу мазмунини ўзлаштириш учун амалий восита бўлиб хизмат қилади ҳамда мақсад функцияларида ўз аксини топади.

Тўртинчидан, ИРААМ лойиҳалаштиришга мўлжалланган тематик ўқув мажмуасининг педагогик мақсадларига мос келиб, ушбу турдаги жиҳоз ролларини барча тўпламида танлаш тартибини ўз ичига олади. ЖРМ тўплами иккита асосий таълим мақсадига, мавзу таркибининг ўзига хос хусусиятларига бўйсунуши ҳамда ўқитилган контингентнинг хусусиятларига боғлиқ бўлиши мумкин.

Жиҳоз роли моделлари турларининг типологияси моделларнинг ҳар бири турли хил таркиб билан тўлдирилиши билан бирга ундаги ўқув маълумотларини тақдим этиш шаклида ҳам фарқ қилиши мумкин.

Таълим мақсадларига эришиш педагогик фаолиятга мос ёндашувларни талаб қилади. Г.М. Нурмухамедовнинг фикрига кўра, анъанавий педагогик технологиялар асосан талабаларнинг билим олиш, тушуниш ва қўллаш каби таълим мақсадларига эришишига қаратилган. Нисбатан юқори даражалар - таҳлил қилиш, синтез ва баҳолаш - биринчи навбатда ўқитиш фаолиятига асосланган ёндашув ёрдамида амалга оширилиши мумкин [2].

Педагогик фаолиятнинг турли функционал таркибий қисмларига ИРААМни қўллаш методологияси: тақдимот, рағбатлантириш, ташхис қўйиш ва тузатиш - турли хил ЖРМларнинг тегишли бирикишига асосланган.

Унда ЖРМнинг энг катта миқдори маълумотни тайёрлашнинг учта энг муҳим компонентига тўғри келади (тақдимот, маълумотни ўзгартириш ва таҳлил қилиш) ҳамда шу моделлардан маълумот тайёрлашнинг турли компонентлари ҳамда педагогик фаолият компонентлар учун фойдаланиш мумкин. Ташхислаш компонентини таъминловчи даврий акс алоқага асосан ўқитувчи томонидан ўқув жараёнини оптималлаштирадиган тузатишлар киритилади (тузатувчи компонент).

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, ишлаб чиқилган ўқув ахборот моделларини дидактик қўллаб-қувватлаш учун янги товар ва хизматларни ишлаб чиқишда замонавий иқтисодий фанда қабул қилинган аналогия ёндашувидан фойдаланилади. Таълимда сифат ва мақсадга эришиш учун педагогикдаги фаолиятга мос ёндашувларни татбиқ этиш талаб қилинади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Гершунский Б. С. Философия образования для XXI века: в поисках практико-ориентированных концепций. – М.: Совершенство, 1998. – 608 с.
2. Нурмухамедов Г.М. Мультимедийный учебник - универсальное педагогическое средство обучения в современном образовании // Информатика и образование. 2010. – № 6. – С. 29-34.
3. Фасетная классификация – Википедия. [Электронный ресурс]. URL: <http://ru.wikipedia.org/wiki>
4. Шодиев Р.Д., Тўраев С.Ж. Дастурий воситалар ёрдамида педагогик тажриба-синов натижаларини таҳлилий умумлаштириш. «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириў». – №3. 2018. – Б. 22-28.
5. Юное С.В., Архипова А.И., Грушевский С.П. Создание инновационных учебных материалов на основе теории ролевого информационного моделирования // Школьные годы, 2011. – № 35. – С. 53–61.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ўқитувчиларнинг ўқув маълумотларини лойиҳалаштиришдаги фаолияти ҳамда жиҳоз ролига асосланган модель маълум педагогик потенциалга эга бўлиши, у таълим олувчиларда турлича касбий-ахборот тайёргарлик компонентини ўзлаштиришларида, интеллектуал ва шахсий фазилатларини шакллантиришни тавсифловчи имкониятларни тавсифлай олиши каби маълумотлар ёритилган.

#### **SUMMARY**

This article describes how a teacher-centered model of instructional design and equipment has a certain pedagogical potential, which describes the ability of students to develop a variety of professional and informational training components, as well as their intellectual and personal qualities.

## РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются характеризующие формирование личностных и социальных качеств, в которых деятельность педагогов по проектированию учебной информации, а также модель, основанная на роли педагога, обладает определенным педагогическим потенциалом, заключающимся в усвоении различных компонентов профессионально-информационной подготовки у реципиентов образования.

*Нашрга пед. ф. д. Р.Шодиев тавсия этган*

## ЁШ АВЛОД ТАРБИЯСИДА МУСИҚА САНЪАТИНИНГ ЎРНИ

Примов Р.Т. (ҚарДУ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *мусиқа педагогикаси, мусиқа тарбияси, мусиқа санъати, комил инсон, мусиқий дид, мусиқий маданият.*

**Ключевые слова:** *музыкальная педагогика, музыкальное образование, музыкальное искусство, идеальный человек, музыкальный вкус, музыкальная культура.*

**Keywords:** *music pedagogy, music education, music art, perfect person, musical taste, musical culture.*

Мусиқа миллатнинг ўзига хос қиёфасини белгиловчи муҳим омиллардан бири саналиб, инсон рухий-маънавий камолоти, тафаккурининг ривожланишида, қалбига юксак ва беғубор туйғуларни сингдириш, уни эзгу ва хайрли ишларга даъват этишда, маънавиятини юксалтиришда беқиёс аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан фикр юритадиган бўлсак, ёшларимизнинг маънавиятини юксалтириш, уларни теран тафаккур, эзгу фазилатлар соҳиблари этиб тарбиялашда, қалби ва онгида она Ватанга мухаббат, миллий анъана ва қадриятларимизга садоқат туйғуларини мустаҳкам қарор топтиришда мусиқа санъатининг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, инсоният мураккаб технологиялар, глобал муаммолар, шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги кунда рухий юксаклик намунаси бўлган бу санъатнинг ҳаётимиздаги ўрни ва кадр-қиммати бениҳоя ортиб бораётир.

Ҳозирги вақтда мусиқа, жумладан, миллий мусиқамизнинг комил инсон шахсини шакллантиришдаги аҳамияти ва ролига янгича ёндашиш ниҳоятда долзарб вазифа сирасига киради. Чунки бугунги глобаллашув даврида ғаразли манфаат пайидаги тажовузкор кучлар қайсики миллатни, халқни мавҳ этмоқчи бўлишса, аввало, унинг маънавиятига таҳдид қилмоқда. Таассуфлар бўлсинки, кейинги вақтларда маънавият сарчашмаси бўлган миллий мусиқа ва эстрада санъатимизда кузатилаётган «оммавий маданият» аломатлари анчайин хавотирлидир.

Миллий қадриятларимизнинг муҳим таркибий қисми, муайян маънода, унинг таянчи бўлган миллий мусиқасиз инсон, бинобарин, халқ руҳиятининг кучини, унинг ҳис-туйғу ва кечинмаларини англаш мумкин эмас. Шу маънода айтиш мумкинки, халқимиз, хусусан, ёшларнинг мусиқий диди ва маданиятини юксалтирмай туриб, маънавий ҳаётимизда пайдо бўлаётган ва асоратли из қолдираётган айрим оғриқли масалаларни бартараф этишнинг имкони йўқ. Бунинг учун эса таълим муассасаларида ўтилаётган мусиқа дарслари сифатини тубдан яхшилаш, мусиқа ўқитиш методларини такомиллаштириш, ёш авлод қалбига миллий мусиқий оҳангларни сингдириш, уларнинг мусиқий дид ва маданиятини янада юксалтириш зарур.

Дунёда шундай мусиқалар борки, элат, миллат деган тушунчалардан қатъи назар, ҳар қандай қўнгилни ўзига ром эта олади, бинобарин, ўзига хос жиҳатлари билан инсон камолотини юксалтиришга хизмат қилади. «Мусиқа садолари қайси халқ ёки миллат

вакили томонидан ижро этилмасин, энг эзгу, юксак ва нозик инсоний кечинмаларни ифода этади».<sup>1</sup>

Таъкидлаш ўринлики, юртимизда нафақат миллий мусиқа ижрочилиги, балки жаҳон мусиқа санътининг кўплаб йўналишларини чуқур ўрганиш, ўзлаштириш борасида катта ютуқларга эришилмоқда. Санъаткорларимиз, айниқса, ёш ижрочиларимизнинг нуфузли халқаро танлов ва фестивалларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани барчамизга гурур бахш этади.

“Мусиқа инсон ҳис-туйғуларини, орзу-умидларини, хоҳиш-истакларини ўзига хос бадиий тилда ифода этади ва кишининг ҳис-туйғуларига фаол таъсир этади. Мусиқа ҳам фан, ҳам санъатдир”<sup>2</sup>

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, қадим замонлардаёқ мусиқа «тилсиз фалсафа» деб эътироф этилган. Бу бежиз эмас. Чунки мусиқа атрофдаги ҳодисаларни, гўзалликни идрок этиш ва қадрлашга ўргатади, нозик дид ва хур фикрлик орқали маънавий оламни янада кенгайтиради.

Мусиқа моҳиятига кўра инсон омилини тадқиқ қилиш ва дунёни бадиий ўзлаштиришнинг муҳим усулларида ҳисобланиб, инсон руҳий, ахлоқий камолоти ва маънавиятининг шаклланишида, ёшларнинг маънавий тарбиясида етакчи омиллардан биридир.

Мусиқанинг инсон руҳиятига таъсир қилиш борасида кенг имкониятлари қадимданок мусиқашунослар, мутафаккирлар ва олимлар диққатини ўзига жалб этган. Улар мусиқа санъатининг инсонни шахс сифатида шаклланишига таъсир қиладиган хусусиятларини аниқлашга уринишган.

Дарҳақиқат, жаҳон фани ва маданияти ривожига катта таъсир кўрсатган улуғ аждодларимиз комил инсонни тарбиялашда мусиқанинг ўрнини чуқур англаб, унинг шахс камолоти тарбиявий аҳамиятига юксак баҳо берганлар. Буюк мутафаккирлар Фаробий, Ибн Сино, Абдулқодир Мароғий, Шарофиддин Али Яздий, Исмаилов Мўжизий, Маҳмуд Қошғарий, Қутбиддин Шерозий, Жомий, Кавкабий, Фахриддин Муборакшоҳ, Ҳусайний, Дарвеш Али Чангий, Комил Хоразмий, Навоий, Бобур каби алломаларнинг қатор асарларида келтирилган мусиқага оид маълумотлари бугунги кунда ҳам ўз илмий ва тарбиявий аҳамияти билан долзарблигини гувоҳи бўламиз.

Маълумки, тарбия инсон онги, ҳис-туйғулари, тасавури, эътиқоди, дунёқараши, хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атворида доимо ижобий таъсир ўтказиб келган. Шу нуқтаи назардан айтиш мумкинки, мусиқий тарбия гўзаллик ва хунукликни, юксаклик ва тубанликни, шодлик ва кулфатни англашга ҳам ўргатади. Мусиқа тили барчага тушунарли ва яқин бўлгани учун мусиқа товуш товланишлари орқали фикр ва туйғуларни акс эттиради. Мусиқий тарбия фақат нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятини англаш, гўзал жиҳатларини кўра билишнигина эмас, балки ички гўзалликни ҳис қилиш ҳислатини ҳам тарбиялайди. Инсондаги хулқий гўзалликни қадрга етишга ундайди. Бунда мусиқанинг фалсафий моҳияти ҳам намоён бўлади. Эътибор бериб қарайдиган бўлсак, ажойиб мусиқа асарлари чуқур ғоявий мазмун билан суғорилган бўлиб, уларда ҳаёт ва ўлим, шахс ва жамият, эзгулик ва зулм, қудрат ва заифлик каби масалалар акс этади.

Инсоннинг доимий йўлдоши бўлган мусиқа ҳар доим ривожланиб турадиган жонли санъат ҳисобланади. Инсоннинг ички кечинмаларини акс эттиришга қодир бўлган мусиқа санъати эстетик тарбиянинг муҳим омилдир. Шу боис оила, боғча, мактабда мусиқа машғулотларини мақсадга мувофиқ тарзда уюштириш ёш авлоднинг ички дунёсини бойитиш ва санъатни тўғри тушунишдаги самарали йўлдир.

Инсон камолотида муҳим ўрин тутувчи маънавий ва ахлоқий поклик, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат сингари инсоний фазилатлар оила,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 140.

<sup>2</sup> Асафьев Б. В. Музыкальная форма как процесс. – Л.: Госуд. муз. изд., 1971 г., – С. 24.

мактабгача таълим, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ҳамда олий таълим тизимида амалга оширилаётган таълим-тарбия мазмуни, ғоявий йўналишида шаклланади.

Бинобарин, ўсиб келаётган ёш авлоднинг замон талабларига мос, баркамол инсон бўлиб шаклланишлари учун ижтимоий тарбиянинг муҳим таркибий қисмлари - ақлий, маънавий-ахлоқий, жисмоний, меҳнат, эстетик, ҳуқуқий, экологик, иқтисодий тарбиялар билан қаторда мусиқий тарбияни ташкил этишга ҳам янгича нуқтаи назардан ёндашиш, уларнинг самарали йўлларини ишлаб чиқиш алоҳида долзарблик касб этади. Бу эса таълим-тарбиядаги энг муҳим вазифалардан биридир.

Назаримизда, мусиқий тарбияни аввало, оилада ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бола шахсини шакллантиришда ва ривожлантиришда оиладаги муҳитнинг таъсири жуда катта бўлиб, боладаги энг муҳим индивидуал хусусиятлар оиладаги мавжуд ижтимоий психологик муҳит таъсирида шаклланади. Бунда ота-она, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабат, санъат, маданиятга бўлган муносабатларни ҳам қайд этиш жоиз.

Маълумки, яхши оилавий муҳитда тарбияланган боланинг ҳаёт ҳақидаги, турли воқеа-ҳодисалар, урф-одатлар, санъат, маданиятга оид таассуротлари кўпинча ижобий тарзда кечади. Оиладаги биргаликда телевизор кўриш, концерт томоша қилиш, театр томоша қилиш ва ўз таассуротларини ўртоқлашиш каби мулоқотлар болалар дунёқарашини ўстириб, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни акс эттирувчи бадиий адабиёт, санъат мусиқани моҳиятини тушунишга, бадиий ва ғоявий идрок этишга олиб келади.

Бундан кўринадики, оилада ташкил этиладиган машғулотлар боланинг шахс сифатида шаклланишига ҳисса қўшиш билан бирга келгусида жамият мустаҳкамлигини таъминлашга, яъни жамиятнинг кенг дунёқарашга эга, онгли аъзосини тарбиялашга хизмат қилади.

Болаларга мусиқа тарбияси беришнинг асосий вазифаларидан бири мусиқага ҳавас уйғотиш, қизиқиш ва муҳаббатини ошириш, мусиқанинг ҳаётий мазмунини тушунишни шакллантиришдан иборатдир. Қизиқиш билан орттирилган билимлар анча чуқур бўлиб мусиқа билан шуғулланиш истагининг уйғонишига сабаб бўлади. Ўқувчиларда мусиқа билан шуғулланиш истагининг мавжудлиги эса мусиқа тарбиясининг, шунинг билан бирга иқтидорли, ижодкор шахсни шакллантиришнинг гаровидир.

Мусиқа педагогикасида ўқувчиларнинг мусиқий маданиятининг шакллантиришда қизиқиш муаммоси энг муҳим муаммо ҳисобланади. Биринчи синфдан бошлаб ўқувчиларни мусиқага қизиқтириб бориш учун ўқитувчи болаларни севиши, дарсга яхши тайёргарлик кўриши, мусиқа ўқитишнинг барча метод ва тамойилларидан тўғри фойдалана олиши, сўз маҳоратига уста бўлиши, болаларга хос бўлган қўшиқларни чиройли, майин, болалар овозига мослаб ёқимли ижро этиб куйлар мазмунини очиб бериши зарур.

Ўқувчиларнинг мусиқага қизиқишини тарбиялашда ўқитувчи биринчи дарсларданок ўқувчиларнинг ҳаётий тажрибаларига асосланган ҳолда ҳар бир мусиқа асари замирида маълум ҳис туйғу ва фикрлар акс эттирилишини тушунтириши, мусиқа асари ўз ўзидан пайдо бўлмаслиги, уни кимдир катта ижодий меҳнат қилиб яратиши ҳақида суҳбатлар ўтказилиши керак.

Ҳозирги даврда оммавий ахборот воситаларининг тезкор ривожланиши телевидение, радио, грамёзувлари ва магнит тасмалари оқими олдинги қўлами билан мутлақо таққослаб бўлмайдиган товушлар дунёсини яратмоқда.

Кейинги йилларда эстрада мусиқаси болаларимиз ҳаётига тобора чуқурроқ кириб келмоқда. Эстрада мусиқасининг оммабоплиги ва тингловчиларнинг ёшидан қатъи назар осон идрок этилиши унинг тез оммалушувига сабаб бўлди. Бу ҳол маълум даражада ўқувчиларнинг мусиқага қизиқишини ривожлантирмоқда. Бироқ бу ҳолатларнинг салбий томонларини ҳам унутмаслик керак. Чунки уйда тингланадиган мусиқаларнинг мазмуни болаларнинг ёшлик хусусиятларига мослиги анча кам назорат қиланади. Шунинг учун оилада ҳам болаларга бадиий жиҳатдан қимматли, ёшлик хусусиятларига мос, юқори са-

виядаги асарларни тинглаш орқали мусиқага қизиқишини тарбиялашга эътиборни қаратмоғи лозим.

Бу соҳада оилада ота-оналарнинг янги ва мураккаб бу вазифани бажариши маълум даражада мусиқий педагогик тайёргарликни талаб этади. Мактаблардаги мусиқий педагогик кадрлар билан оилаларнинг ҳамкорлиги ота-оналарга мусиқавий-педагогик билимлар беришга катта ёрдам беради. Бундан ташқари ота-оналар билан яқка тартибда болалар мусиқаси ҳақида суҳбатлар ўтказиш, ўқувчилар иштирокида тайёрланган барча мусиқий тадбирлар ва концерт дастурларига ота-оналарни таклиф этиш, оилада болаларни мусиқага қизиқишини тарбиялашга замин тайёрлайди.

Ўқувчиларга мусиқий тарбия бериш орқали мусиқий маданиятини тарбиялаш уларнинг маънавий-ахлоқий камолотида муҳим аҳамиятга эга. Мактабда мусиқа тарбияси масалаларини амалга оширишда ўқувчиларнинг мусиқа идрокини тарбиялашга жуда эътибор бериш керак. Ҳеч кимга сир эмаски, бугунги тезкор даврга ҳамоҳанг равишда инсон дунёқарashi, тафаккури, инчинун, тарбияси ҳам ўзгариб бормоқда. Бироқ фан-техника қанчалик жадал ривожланиб, жамият ҳаётида муҳим жой олиб, ишлаб чиқариш жараёнларининг тезлашувига қанчалик самарали таъсир этмасин, ёшларни комил инсон этиб тарбиялаш, уларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш асло мазмун-моҳиятини йўқотгани йўқ. Фикримизча, бу борада чинакам мусиқа намуналари ва уларда илгари сурилган эзгу ғояларни ёш авлод онгига сингдириб бориш ҳам ижобий натижаларни беради.

Мусиқа инсон шахсини шакллантирувчи етакчи омиллардан бири бўлган таълим-тарбия билан уйғунликда ёшларнинг борлиқ, инсонлар ҳақидаги билимини кенгайтириб, ижодий қобилиятини ва истеъдодини ўстиради ҳамда уларда юксак маънавий фазилатларнинг таркиб топишига ёрдам беради. Шундан келиб чиққан ҳолда айтадиган бўлсак, мусиқий тарбияни оилавий ҳамкорликда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу жараёнда, аввало, ҳамкорликни мақсадли йўлга қўйиш, самарали иш шакл ва усулларидан фойдаланиш ўқувчиларни маданият ва санъатнинг муайян соҳаларига изчил боғланиб қолишлари, келажакда етук хонанда, созанда, бастакор-композитор бўлиб етишишларига замин яратеди. Бунинг учун аввало:

-мусиқа ўқитувчилари ҳар бир ўқувчининг оиласи билан яқиндан танишиши, доимий алоқани йўлга қўйиши;

-ўқувчиларни мусиқа санъатининг муайян турларига қизиқиши, қобилиятига қараб, уларни ота-оналарини бу ҳақда хабардор қилиш, мактабда ва оилада мустақил қўшимча шуғулланишлари учун шарт-шароит яратиши;

-мусиқа дарсларига, тўгараклар, ижодий марказларга қатнашишларини ота-онаси томонидан ҳам назорат қилиб борилишига эътибор қаратиш;

-ўқувчилар иштирок этадиган турли маданий-оммавий тадбирлар, кўрик-танловлар, концертларга уларни ота-оналарини таклиф қилиш;

-ота-оналар учун махсус маъруза концертлар, маданият, санъат вакиллари билан учрашувлар ташкил этиш;

-ўқувчиларга индивидуал топшириқлар бериш, мустақил шуғулланишлари ва топшириқларнинг бажарилиши юзасидан ота-оналар фикрларини сўраб туриш керак бўлади.

Фикримизча, бундай ҳамкорлик бўйича ташкил этиладиган ишлар ўқувчиларни мусиқа санъатига бўлган қизиқишларини, уларнинг мусиқа бўйича индивидуал қобилият ва иқтидорларини ўстиришга, истеъдод куртакларини кенг очишга, асосийси, комил инсон бўлиб шаклланишида катта ўрин тутеди.

Мусиқий тарбиянинг ўзига хос хусусияти шундаки, у шахс сифатида шаклланаётган болаларнинг ҳиссиёти ва фикрларини такомиллаштиради. Шу боис болалар тинглайдиган ёки ижро этадиган мусиқа асарлари ўз характери, жанри, такрор баён қилиш усулларига кўра ҳар хилдир ва улар ўртасидаги алоқа ўхшашлиги ва фарқи, мувофиқ ва зидлигига кўра ўрганилади.

Музыка санъат сифатида ижтимоий онг шакли бўлиб, у кишининг ҳис-туйғуларини ифодалаш билан бирга воқелик ва давр руҳини ҳам ўзида акс эттиради. Машҳур поляк композитори К.Шимановский ўзининг «Жамиятда музыканинг тарбиявий аҳамияти» номли мақоласида музыканинг табиий кучи ҳақида: унинг икки қарама-қарши йўналишда – яратиш ва бузиш учун ишлатиш мумкинлигини — «керакли ишга йўналтирган ҳолда, тез оқар дарёнинг сувларидан фойдаланиб, фойдали ва унумли ишлар учун, яъни тегирмонни айлантириш учун ишлатгандек, музыка кучидан ҳам унумли фойдаланиш керак»,<sup>1</sup>– деб ёзади.

Музыканинг инсонга таъсири, шахснинг ва жамиятнинг руҳий ҳаётидаги ўрни кенг қамровли муаммо ҳисобланади. Ушбу мураккаблик ва серқирралик музыка фанининг ўзига хос жиҳатларини акс эттиради. Зеро, куй ва унинг музикаий ифодаси кишининг ҳиссиётига чуқур таъсир қилиб, унда ҳар хил ҳисларни уйғотади, турлича кайфиятларни ҳосил қилади. Қўшиқнинг матни, гоёвий мазмуни фақат ҳиссиётга эмас, балки тингловчиларнинг онгига ҳам таъсир қилиб, уларни ҳаяжонлантиради ва фикрлашга мажбур этади. Кишиларда асарда акс этган маънавий муаммоларга нисбатан муайян муносабат уйғотади. Бундай таъсир гоёқ мураккаб ва қадратлидир.

Мухтасар айтганда, музыка ёш авлод тарбиясида муҳим аҳамият касб этадиган санъат ҳисобланади. Инсон музыка билан она алласи орқали танишиб умрбод музикадан завқ олади ва чексиз маънавий куч-қудратга эга бўлади. Шу сабабли музыка тарбияси нафосат тарбиясининг асосий йўналишларидан бири бўлиб, инсонни атрофдаги гўзал нарсаларни тўғри идрок этишга, уларни қадрлашга ўргатади, инсонда юксак ва маънавий дунёқарашни шакллантиради.

Айниқса, инсоният шиддаткор тараққиёт асрида яшаётган бугунги глобаллашув даврида ёшларни «оммавий маданият»нинг салбий таъсиридан ҳимоялашда, ёшларда мафкуравий иммунитетни шакллантиришда, инсон маънавий камолотини юксалтиришда музыка тарбиясининг ҳаётимиздаги ўрни ва кадр-қиммати бениҳоя ортиб бормоқда.

Музыка санъати азалдан гўзал ва бетакрор таъсир кучи билан инсонларни бирлаштиришга, миллатлар ва элатлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатликни тарғиб этишга хизмат қилиб келади. Шу боис, кишилар яхши кунларини, хурсандчилик дамларини, албатта, музыка жўрлигида ўтказишади.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, музыка тарбияси шахс сифатида шаклланаётган болаларнинг қалбида миллий руҳни камол топтириш, маънавий ва ахлоқий маданиятни, музикаий дунёқараш, музикаий дидни шакллантириш, миллий ғурур ва ватанпарварлик, мустақиллик ва ташаббускорликни тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Асафьев Б.В. Музыкальная форма как процесс. – Л., 1971. –372 с.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т., 2008. – 176 б.
3. Соипова Д. Музыка ўқитиш назарияси ва методикаси. – Тошкент. 2009. - 225 б.

#### **РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақолада ёш авлод тарбиясида музыка санъатининг ўрни ҳақида фикр мулоҳазалар билдирилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В этой статье обсуждается роль музыки в воспитании подрастающего поколения.

#### **SUMMARY**

This article discusses the role of music in educating the younger generation.

*Нашрга пед. ф. д. Р.Шодиев тавсия этган*

---

<sup>1</sup> Соипова Д. Музыка ўқитиш назарияси ва методикаси. – Тошкент, 2009. – Б. 11.



## 5-СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА “ТУРДОШ ВА АТОҚЛИ ОТЛАР” МАВЗУСИНИ ЎРГАТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСПЕКТЛАРИ

Мўминова Н. (ҚарДУ), Жумаева Ш.Т. (Қарши тумани 19-ўрта мактаб)  
Жумаева К.Т. (Қарши шаҳар 15-мактаб), Шаропова М. (Қарши тумани 26-ўрта мактаб)

**Таянч сўз ва иборалар:** *она тили, от, турдош от, атоқли от, синтаксис, пунктуация, морфология, фонетика, графика, лексикология, метод, интерфаол метод.*

**Ключевые слова:** *родной язык, имя существительное, имя существительное нарицательное, собственное имя существительное, синтаксис, пунктуация, морфология, фонетика, графика, лексикология, метод, интерактивный метод.*

**Keywords:** *native language, noun, common noun, proper noun, syntax, punctuation, morphology, phonetics, graphics, lexicology, method, interactive method.*

Она тили таълими фақат ўзбек тилига оид билим ва кўникмаларни ўқувчиларга ўргатиш билан чекланиб қолмаслиги лозим. Ўқувчи тилга доир билимларни ўрганиш билан бирга оқилона тафаккур қилиш имкониятларига ҳам эга бўлиши керак. Хусусан, улар ўз фикрини ёзма ва оғзаки шаклда равон, эркин, таъсирчан ва тўғри баён қила олиш кўникма ва малакаларини ҳосил қилиши зарур. Шу боисдан ҳам она тили таълимига ўқув фани сифатида қараш билан биргаликда, у кишига ўз фикрини моҳирона зукколик билан, мантиқан изчил, шунинг билан бирга, зеҳнининг ўткирлигини таъминлаш учун хизмат қиладиган муҳим восита сифатида қараш зарур.

Бугунги кунда 5-синф ўқувчиларига, уларнинг жисмоний ва тафаккур қобилиятини ҳисобга олмаган ҳолда, она тилининг деярли барча сатҳлари: синтаксис ва пунктуация, морфология, фонетика, графика ва лексикология ўргатилади; 4-синфда қарийб она тилининг барча бўлимлари бир анча содда ҳамда анча қисқарган шаклда ўргатилади, 5-синфда эса шу билимлар бир оз мураккаброқ ҳамда илмийроқ қилиб ўқувчиларга етказилади.

Янада аниқроқ қилиб айтганда, ўқувчилар «Морфология» бўлимидаги айрим материаллар билан бошланғич синфда танишиб чиққанлар. Улар от, унинг маъноси ва сўроқлари, бирлик ва кўпликда қўлланиши, келишиқ қўшимчалари билан турланиши, келишиқларнинг номи, қўшимчалари, сўроқлари, эгалиқ қўшимчалари кабиларни ўрганганлар. Бу маълумотлар 5-синфда мустаҳкамлаш, тўлдириш зарурати мавжудлиги туфайли материаллар энди анчайин кенгайтирилган ҳолда ўқувчилар шуурига етказиш мўлжалланган.

Бундан ташқари, бу ўқув курсига келиб “Фонетика” ва “Синтаксис” бўлимларига оид билимлар атрофлича ўтилгандан кейин “Морфология” талқинига киришилади. Бу бўлимнинг биринчи сўз туркуми от ҳисобланади. Бу мавзуга киришишдан олдин 4-синфда ўтилган билимлар такрорланади, мазкур туркумга оид сўзлар икки – мустақил ва ёрдамчи сўзларга бўлиниб ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилинади.

In the process of developing a project for the construction of any facility, safety must be taken into account. This is necessary in order to avoid the occurrence of various kinds of injuries and the development of occupational diseases. The list of relevant aspects contains many items, each of which must be observed without fail. Among other things, the construction management not well enough organized required safety practise in sites. A rather serious danger is represented by territories in which works have to pay attention safety signs, instructions and daily trainings. Cost for the construction projects increasing over time in Uzbekistan. Current paper work deals with scientific and practical approaches on how to reduce cost for different not expected expenditures. Main results of the paper can be considered theoretical approaches and econometrical discussions of the taken research area. As for the conclusion it has been studied different findings for organizing professional health and safety regulation in construction sites in Uzbekistan.

### РЕЗИЮМЕ

Мақолада ҳар қандай объектни қуриш учун лойиҳани ишлаб чиқишда хавфсизликни ҳисобга олиш кераклиги баён этилган. Бунинг учун ҳар хил шикастланишлар ва касб касалликларининг ривожланишига йўл қўймаслик учун керак. Тегишли жиҳатлар рўйхати кўп нарсаларни ўз ичига олади, уларнинг ҳар бири, албатта, бажарилиши керак. Қолган нарсалар қаторида, қурилиш маъмурияти жойларда хавфсизликни талаб қиладиган даражада ташкил этилмаган. Хавфсизлик белгилари, кўрсатмалар ва кундалик машғулотларга эътибор қаратиш керак бўлган ҳудудлар жиддий хавф тугдиради. Вақт ўтиши билан ободонлаштириш лойиҳалари нархи ошмоқда. Ҳозирги қоғоз иши қутилмаган харажатлар учун харажатларни қандай камайтириш бўйича илмий ва амалий ёндашувлар билан боғлиқ. Қабул қилинган тадқиқотнинг назарий ютуқлари ва ижтимоий-иқтисодий мунозаралари асосий натижалар ҳисобланади. Хулоса сифатида Ўзбекистонда қурилиш конструкцияларида касбий саломатлик ва хавфсизликни тартибга солишни ташкил этиш бўйича турли хил маълумотлар ўрганилганлигини кўрсатиш мумкинлиги ёритилган.

## РЕЗЮМЕ

В процессе разработки проекта для строительства любого объекта, безопасность должна быть принята во внимание. Это необходимо для того, чтобы избежать возникновения различных видов травм и развития профессиональных заболеваний. Список соответствующих аспектов содержит множество пунктов, каждый из которых должен обязательно соблюдаться. Помимо прочего, управление строительством недостаточно хорошо организовано, требуется практика безопасности на участках. Довольно серьезную опасность представляют территории, на которых на работах необходимо платить знаки безопасности, инструкции и ежедневные тренировки. Стоимость строительных проектов в Узбекистане со временем возрастает. Текущая документальная работа посвящена научным и практическим подходам к тому, как снизить затраты для разных непредвиденных расходов. Основными результатами работы можно считать теоретические подходы и эконометрические дискуссии по выбранной области исследований. Что касается заключения, были изучены различные выводы для организации профессионального регулирования безопасности и гигиены труда на строительных площадках в Узбекистане.

*Recommended for printing by doctor of economics A. Ochilov*

## ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ КЕЛАЖАГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ ЎРНИ

Пардаев М.К. (СамИСИ)

**Таянч сўз ва иборалар:** *инновация, инновацион иқтисодиёт, инновацион гоя, инновацион ривожланиш, технология, фан, илм, топириқ, ижро, ҳисобот, назорат, имтиёз.*

**Ключевые слова:** *инновация, инновационная экономика, инновационная идея, инновационное развитие, технология, наука, задание, выполнение, отчетность, контроль, привилегии.*

**Keywords:** *innovation, innovative economy, innovative idea, innovative development, technology, science, task, execution, reporting, control, privileges.*

Мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётининг келажаги асосан инновацион ривожланиш орқали таъминланади, чунки ҳозирги глобаллашув жараёни, тез ўзгариб турган дунёдаги ходисалар ҳар бир мамлакатнинг, шу жумладан бизнинг ҳам рақобатбардошлигимизни тизимли равишда тўлиқ таъминлаб боришимизни тақозо қилади. Инновациясиз келажак йўқ, келажакимиз эса инновациясиз инқироз ботқоғига ботиб боради ва ундан чиқиши жуда қийин кечади. Буларни инобатга олиб, халқнинг хоҳиш-истакларига мос ҳолда 2018 йилга юртимизда “Фаол тадбиркорлик, инновацион гоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” деб номланди. Ушбу йилда ва келажакда бажарилиши лозим бўлган мукамал Давлат дастури ишлаб чиқилди. Чунки бугунги глобаллашув шароитида мамлакатимизда инновацион иқтисодиётни ривожлантириш объектив заруриятга айланди. Зеро, дунё тараққиёти айнан шу инновацион омиллар эвазига таъминланмоқда. Буни инобатга олиб, мамлакатимизда ҳам инновацион тараққиётни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати томонидан тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, устувор вазифалар белгиланиб, улар босқичма-босқич амалга оширмоқдалар.

Мамлакатнинг инновацион ривожланишини таъминлаш учун бир қанча қарор ва фармонлар қабул қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон қарори, 2018 йил 21 ноябрда “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли қарори, 2018 йил 13 декабрда “Ўзбе-

кистон Республикаси давлат бошқарувиға рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлида имзолаган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-916-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони билан “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси” ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Ўзбекистон Республикасининг “Илмий ва инновацион фаолият” тўғрисидаги қонун лойиҳасининг ишлаб чиқилганлиги ҳам мазкур соҳага мамлакатимизда катта аҳамият берилаётганлигидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, инновацион иқтисодиёт барча соҳаларда фаолликни талаб қилади. Буни иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий омили бўлган тадбиркорликда ҳам кўриш мумкин. Бу борада Президентимиз: “Фаол тадбиркорлик бизнес фаолиятини инновацион, яъни замонавий ёндашувлар, илғор технология ва бошқарув усуллари асосида ташкил этадиган иқтисодий йўналишдир” [1:1]<sup>1</sup> деб атади. Кўриниб турибдики, фаол тадбиркорлик мазмунида инновацион ғоя, яъни замонавий ёндашувлар билан биргаликда илғор технологиялар ҳам ўрин олган. Бу эса ўз навбатида, унинг таърифини ишлаб чиқишни тақозо қилади. Ушбу тушунчанинг мазмуни ҳам Президентимизнинг ўзлари очиб берди. “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиш, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт” [1:1]<sup>2</sup>.

Ушбу жараён жуда катта ташкилий-иқтисодий тадбирларни амалга оширишни тақозо қилади. Буларнинг бир йўналиши, хориждаги етакчи компания ва ташкилотларда тажриба орттириши, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиши учун фаол тадбиркорларга ҳар томонлама имконият туғдириб беришимиз лозимлиги ҳам уқтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти: “Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”, – деб ўринли таъкидлади. [1:1]<sup>3</sup>

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида инновация ҳақида гапириб: “Инновация – бу келажак дегани. Биз буюк келажакимизни барпо этишни бугундан бошлайдиган бўлсак, уни айнан инновацион ғоялар, инновацион ёндашув асосида бошлашимиз керак. Шунинг учун биз Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этдик ва унинг олдида аниқ вазифаларни қўйдик. Бу вазирлик нафақат иқтисодиёт соҳасида, балки бутун жамият ҳаётида энг муҳим лойиҳаларни амалга оши-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “XXI аср” газетаси. 2017 йил 23 декабрь. 52-сон. – Б. 1-6.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “XXI аср” газетаси. 2017 йил 23 декабрь. 52-сон. – Б. 1.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “XXI аср” газетаси. 2017 йил 23 декабрь. 52-сон. – Б. 1.

ришда ўзига хос локомотив ролини бажаради, деб ишонамиз” [1:1]<sup>1</sup>, деб таъкидлади. Бундан кўриниб турибдики, келажагимизни инновациясиз тасаввур қилишимиз қийин.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, инновация фақат инновация учун, жаҳон шу йўлни танлади биз ҳам шу йўлдан боришимиз керак, деган мода учун эмас, балки ушбу тадбирлар халқ манфаати, халққа хизмат қилиш ва халқни эъозлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Энди раҳбарлар шунчаки раҳбарлик қилиш билан эмас, балки инновацион ғояларни ишлаб чиққан ҳолда илғор усул ва тадбирларни қўллаган ҳолда раҳбарлик қилиши керак бўлади. Оддий ходим ўз фаолиятини таҳлил қилган ҳолда, ёшлар ўзларининг шижоатидан келиб чиққан ҳолда, кексалар эса ўз тажрибасига таянган ҳолда инновацион ғоялар асосида илғор усуллардан фойдаланиб ҳолда фаолият кўрсатишлари лозим бўлмоқда.

2018 йилдан бошлаб илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, бунинг учун зарур молиявий ресурсларни сафарбар этиш, ушбу жараёнда иқтидорли ёшлар иштирокини, ижодий ғоя ва ишланмаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вазифаси эътиборимиз марказида бўлади. Чунки инновацион ғояларни амалга оширадиган йилда узоқ йилларга мўлжалланган инновацион ривожланишнинг пойдевори яратилиши лозим.

Эндиликда мамлакатимизда инновацияни иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизга татбиқ қилиш учун асосий эътибор қаратиладиган жиҳатлар нималардан иборат бўлмоғи лозим, деган саволга жаҳон тажрибаси ва мамлакатимиз тараққиётининг тенденцияларини таҳлил қилиб шундай хулосага келдикки, ҳозир биз айнан инновацион тараққиётга устуворлик бериб, тўғри йўни танлаб олдик. Буни янада ривожлантириш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Биринчи галда, инновацияга мўлжалланган маблағларни фундаментал тадқиқотларга йўналтириш лозим бўлади. Бунда асосий эътибор, инсонлар саломатлиги ва билимини оширишга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ. Чунки мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиёти соғлом инсонлар билангина таъминланади ва мос равишда, иқтисодий тараққиётимизнинг мақсади ҳам инсонлар саломатлигини таъминлашга қаратилган бўлиши лозим. Шу йўналишдаги яна бир жиҳат, табиатни муҳофаза қилиш, атроф-муҳитнинг софлигини сақлашга қаратилмоғи лозим. Чунки ушбу масала ҳам одамларнинг муносиб яшashi учун асосий омиллардан биридир.

Иккинчидан, одамларнинг яшаш даражаси ва сифатини оширишга, фан ва техника ютуқлари билан шуғулланиш имкониятларини очиб боришига қаратилган инновацион тадбирларни инсонлар ҳаётининг узвий ажралмас қисми сифатида шакллантиришга қаратилиши ҳам мақсадга мувофиқ. Бу албатта, ҳозирги ёшларимизнинг китобдан узоқлашиб турган бир паллада ушбу масалани амалга ошириш ўта мураккаб бўлиши табиий. Аммо ушбу йўлдан қайтариш ва фанга интилиш йўлига ўтишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш ҳаётий заруриятга айланиб бормоқда. Шу мақсадда мамлакатимизда анча ишлар бошланди, китобхонликка қаратилган тадбирлар ўз таъсирини кўрсатмоқда. Бу ишларнинг бардавонлигини таъминлаш масаласи ҳам ўта жиддий тадбирлар сирасига киради.

Учинчидан, мамлакатимиз тараққиёти учун устувор ҳисобланган тармоқларни ҳам ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида инновацияларни жорий қилиш эвазига амалга оширишга ҳаракат қилинмоғи лозим. Масалан, туризмни ривожлантириш бугунги кунда ўз-ўзидан содир бўладиган жараён эмас. Бунинг учун ҳам хорижий туристларни (меҳмонларни) мамлакатимизга жалб қилишдан тортиб, уларни кутиб олиш, сайр қилдириш, яшashi ва барча жараёнларда хавфсизлигини таъминлаш ва муносиб кузатиб қўйишгача бўлган босқичларда инновацион ёндашувлар бўлиши, ушбу жараён тизимли равишда такомиллашиб бориши лозим.

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “XXI аср” газетаси. 2017 йил 23 декабрь. 52-сон. – Б. 1-6.

Тўртинчидан, мамлакатимизнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бугунги кунда кўплаб янги иш ўринларини яратиш, хорижда юрган юртдошларимизни мамлакатимизда фаолият кўрсатишини таъминлашга қаратилган инновацион ишланмаларни амалга ошириш лозим бўлмоқда. Улар сафида интеллектуал салоҳиятли инсонлар ҳам мавжуд, аммо улар “кун кўриш” учун малакасиз оддий меҳнат билан хорижий давлатларда банд бўлиб юрмоқда. Буларни юртимизга чақириб олишимиз лозим бўлади. Булардан ташқари бизнинг фуқароларимиздан хорижда тегишли бойликка эга бўлган, бизнесда ҳам, фан ва техника ютуқларида ҳам ўз ўрнини топган фуқароларимиз ҳам йўқ эмас. Уларни ҳам мамлакатимизга жалб қилиш масаласини устувор вазифалар сирасига киритиш мақсадга мувофиқдир.

Бешинчидан, инновация, инвестиция, инсон капитали, уларни ишлатишдан олинadиган самара бевосита мамлакатимизнинг ялпи ички маҳсулотини (ЯИМ) ва экспорт салоҳиятини оширишга қаратилмоғи лозим. Чунки мамлакат ЯИМ ва унинг экспорт салоҳиятининг оширилиши ҳам шу давлатнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб ҳисобланади. Бу борада ҳам маълум тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо ушбу жараёни ривожлантириш учун эндиликда фақат тайёр маҳсулотларни экспорт қилиш билан ҳам узоққа бориш қийин. Ривожланишнинг янги босқичида инновацион маҳсулотлар экспортига катта аҳамият бериш, экспорт қилинган маҳсулотларда инновацион маҳсулотларнинг улушини муттасил ошириб бориш мақсадга мувофиқ.

Олтинчидан, инновацион тараққиётни таъминлаш учун жаҳонда бу борада ўз ўрнига эга бўлишимиз учун ахборотлаштирилган жамиятни барпо этишга ҳаракат қилишимиз ва унга эришишимизни тақозо қилади. Чунки ахборотлар ҳамма нарсани тезкор ва сифатли ҳал қилишнинг муҳим омилларидан биридир. Ҳозирги пайтда инсонларнинг бошқариш салоҳиятини ошириш учун фақат ахборотларни кучайтиришга катта аҳамият бериш лозимлигини тақозо қилади. Чунки топшириқлар ҳозирги пайтда ахборот воситалари орқали берилади, ижро ҳам шу йўл билан таъминланади ва уларнинг ҳисоботи ҳам айнан ахборот воситаларига таянган ҳолда амалга оширилади. Пировардида назорат ҳам айнан шу усулда бажарилади. Буни ушбу расмдан ҳам кўриш мумкин (1-расм).

1-расм.

**Ахборотнинг топшириқни беришдан тортиб ижросини назорат қилишгача бўлган босқичларнинг кетма-кетлиги**



Ушбу ҳолат ахборотлаштирилган жамият қиёфасини белгилайди. Бу ҳам ўз навбатида инновацияни ҳамда жараёнга инновацион ёндашувни талаб қилади.

Еттинчидан, инновацион фаолият билан шуғулланadиган юридик ва жисмоний шахсларга маълум муддатга (камида 5 йил) турли солиқ имтиёзларини беришни тақозо қилади. Чунки мамлакатимизнинг иқтисодиётини ривожлантиришга қаратилган инновациялар ушбу имтиёзни 10-15 баробар қоплаб юбориш имкониятини беради.

Саккизинчидан, мамлакатимизнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг яна бир инновацион йўли харажатларни камайитиришга қаратилган бўлиши лозим. Харажатларнинг камайиши маҳсулот таннархини ва мос равишда нархининг камайишига олиб келади ва бу сотилишини жадаллаштириш эвазига маблағлар қайтимини тезлаштиради. Бунга эришиш учун инновацияларнинг энергия тежамкорлигини таъминлашга қаратилиши мақсадга мувофиқ.

Тўққизинчидан, маҳсулотлар таннархининг таркибида фанга кетган харажатлар ҳиссасини кўпайитиришга, яъни илмийлик даражасининг ошишига эришиш лозим. Дунё миқё-

сида қайси компания ёки корхона фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда фаолият кўрсатган бўлса, ўша субъектлар жуда юқори самарадорликка эришдилар. Булар жумласига *IBM, Microsoft* каби компанияларни киритиш мумкин. Агар давлатларни оладиган бўлсак, инновацияларни жорий қилиш эвазига ривожланишда Хитой, Ҳиндистон, Бразилия каби мамлакатларни мисол тариқасида келтириш мумкин.

Кўриниб турибдики, мамлакатимиз келажагини таъминлаш бугунги кунда фақат инновацион ривожланиш орқали амалга ошириш мумкин экан. Бунинг учун эса нималарга аҳамият берилиши мумкинлиги аниқ кўрсатилиб берилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // “XXI аср” газетаси. 2017 йил 23 декабрь. 52-сон. – Б. 1-6.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида” Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3832-сон Қарори.
4. 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 декабрда “Ўзбекистон Республикаси давлат бошқарувида рақамли иқтисодиёт, электрон ҳукумат ҳамда ахборот тизимларини жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлида имзолаган “Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-916-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини Инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони билан тасдиқланган “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегияси”.

#### **РЕЗЮМЕ**

Мақолада инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг мамлакатимиз келажагини таъминлашдаги ўрни қараб чиқилган. Унда инновацион иқтисодиётнинг мазмуни, тараққиётнинг устувор йўналишлари, бу борадаги бошқа танлаб олинган масалалар ва уларнинг аҳамияти очиб берилган. Аҳолининг фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун инновацион иқтисодиётни қайси йўналишларда ривожлантириш йўллари ҳам кўрсатиб берилган.

#### **РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается роль развития инновационной экономики в обеспечении будущего нашей страны. В ней изложены сущность инновационной экономики, приоритетные направления развития, другие выбранные проблемы в этом аспекте и их значение. Также показаны пути развития инновационной экономики для улучшения благосостояния, качества и уровня жизни населения.

#### **SUMMARY**

The article discusses the role of developing an innovative economy in ensuring the future of our country. It outlines the essence of an innovative economy, priority development directions, other selected problems in this aspect and their significance. Also are shown the ways of developing an innovative economy to improve the welfare, quality and standard of living of the population.

*Наширға и.ф.д. А.Очилов тавсия этган*

### ИЛМ-ФАН, МАЪРИФАТ ВА ЭЗГУЛИККА БАХШИДА УМР



*“Олимлар халқ орасидаги Аллоҳнинг омонатини халққа  
етказувчи кишилардир”*

*Ҳадисдан*

Маълумки, тарих фани кишилик жамияти ўтмишини, барча соҳаларидаги тараққиётни ўрганадиган, инсоният ҳақидаги билимлар мажмуидир. Мазкур фан ўтмишни тадқиқот йўли билан аниқлайди ва инсоният яратган барча моддий ва маданий меросини теран ўрганиб, келажак авлодга етказди.

Фанларнинг гултожи – тарих илмида қалам тебратган ва ҳозирда ҳам самарали меҳнат қилаётганлар анчагина. Ўтмишда ҳам, ҳозирги даврда ҳам тарих илмини эъзозлаб, жонбозлик кўрсатаётган заҳматкаш олимлар бу мураккаб ва сир-синаотларга бой уммонда ҳалол меҳнат қилиб келмоқдалар.

Тарихни муқаддас деб ҳисоблаб, бу фанга ўзининг бутун ҳаёти ва иқтидорини бахшида этган олимлар ҳаттоки мустабид тузум даври мафқурасининг қабоҳатли тазйиқларига қарамасдан фидойилик кўрсатишган.

Мутафаккирларнинг таъкидича, Олим жамият хизматкори бўлиб, унинг олимлиги ҳам, бошқа табақа вакилига қараганда устунлиги ҳам жамият туфайлидир ва у жамият учун яшаши керак. Ҳақиқий олимнинг асосий йўли изланиш, текшириш ва тажрибаларини такомиллаштириш, ҳаётга кенг тарғиб этишдан иборатдир.

Ватан ва миллат равнақи, юрт тинчлиги учун ўз ҳузур-ҳаловатидан кечиб, халқ манфаатлари учун бутун куч-ғайратини сарф қилиб яшаган инсонлар барча даврларда ҳам жамоатчилик ўртасида катта обрў қозонишган.

Ўзининг улуғ ишлари, эзгу амаллари билан инсонлар ҳаётида чуқур жой олган, бир умр ўчмас из қолдирган, ибратли фазилатлари билан уларнинг меҳрини қозониб, эъзозга ва эътиборга сазовор бўлаётган фидойи инсонлар анчагина. Айниқса, юртимиз миллий мустақиллик даврида бой ўтмиш тарихимизни ҳаққоний ва холисона ўрганиш ва кенг тарғиб қилиш учун қулай шароитлар яратилди.

Бугун номи чуқур эҳтиром билан қаламга олинаётган комил инсон, беназир устоз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Убайдулла Уватов ана шундай эл-юрт маънавиятини ошириш йўлида тинмай меҳнат қилиб келаётган, ёш авлод тарбиясига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган, илм-фан соҳасида самарали фаолият кўрсатаётган забардаст олимлардан биридир.

Таниқли манбашунос, таржимон ва арабшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Убайдулла Уватов 1940 йил 23 февралда Қашқадарё вилояти Ғузор тумани Пачкамар ҳудудидаги Чучук ота қишлоғида таваллуд топди. У 1956-1958 йилларда ўз туманидаги мудофаа мактабида котиб, ўрта мактабда она тили ва адабиёти фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишлади.



Убайдулла Уватов 1958-1969 йилларда Ўрта Осиё Давлат университети - САГУ (ҳозирги ЎзМУ) Шарқ факультетида араб филологияси бўйича таҳсил олди. Талабалик йиллари, яъни 1962-1963 йилларда Мисрда Асвон тўғони қурилишида таржимонлик қилган. 1964-1965 йилларда Шарқ факультетида ўқитувчилик қилган.

1965-1966 йилларда Тошкент шаҳридаги 154-мактаб ўқитувчилик қилган. 1966-1967 йилларда Ироққа араб тили таржимони бўлиб кетган. 1967-1970 йилларда ЎзРФА Беруний номидаги Шарқшунослик институтида аспирантурада таҳсил олган. Сўнгра 1975 йилгача мазкур институтда кичик илмий ходим бўлиб ишлаган. 1975-1978 йилларда яна Ироқда араб тили бўйича таржимонлик қилган. 1978 йилдан университетнинг Шарқ факультетида ўқитувчиликни давом эттирган.

У 1982-1985 йилларда Ливияда араб тили бўйича таржимонлик қилган ва сўнгра яна Шарқ факультетида ўқитувчи бўлиб ишлаган.

Убайдулла Уватов 1991 йил январдан 1992 йил апрелгача Президент девонида маслаҳатчи, шўъба бўлим мудири, 1992-1995 йилларда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси раисининг 1-ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.

Сўнгра 1995-1997 йилларда ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида етакчи илмий ходим, 1997-1999 йилларда Халқаро Амир Темур фонди раисининг 1-ўринбосари, 1999-2000 йилларда Халқаро “Олтин мерос” фонди бошқаруви раисининг 1-ўринбосари, 2000-2014 йилларда Тошкент Ислон университетида бош илмий ходим, манбалар хазинаси бўлими бошлиғи, 2008 йилдан Имом Бухорий Халқаро маркази директори лавозимларида ҳам ишлади.

Олим 2017 йилдан Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказида директорлик қилмоқда ҳамда Ўзбекистон Халқаро Ислон академияси “Жаҳон цивилизациясини ўрганиш ИСЕСКО” кафедрасида профессор сифатида ёшларга сабоқ бермоқда.

Профессор Убайдулла Уватовнинг илмий-тадқиқот, маънавий-маърифий соҳадаги фаолиятини қуйидагича туркумлаш мумкин: педагогик, жамоатчилик фаолияти ва маънавий-маърифий ишлар; темуршунослик; Имом Бухорий илмий мероси ва ҳадисшунослик; Ўзбекистон буюк алломалари илмий мероси тадқиқи; Ноёб асарларни таржима қилиш ва нашрга тайёрлаш.

Буюк давлат арбоби ва музаффар саркарда Соҳибқирон Амир Темур, Ўзбекистон ҳудудида етишиб чиққан Абдуллоҳ Марвазий, Имом Бухорий, Имом ал-Доримий, Имом ат-Термизий, Ал-Ҳаким ат-Термизий, Абу-л Муъин ан-Насафий Имом Мотуридий, Абу-л Аббос ал-Мустаффирий ан-Насафий, Маҳмуд аз-Замашарий, Абу Мутий Макхул ан-Насафий, Фахр ал-Ислон ал-Паздавий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Қосим Ибн ал-Ҳусайн, Рашидуддин ал-Вотвот, Ал-Ҳаким ас-Самарқандий, насафийлар, кешийлар каби кўплаб буюк алломаларнинг ҳаёти ва илмий-маънавий мероси Убайдулла Уватовнинг энг асосий илмий йўналиши ҳисобланади. Олим ҳаммаси бўлиб, 30 нафардан ортиқ алломаларнинг ҳаёти ва мероси ҳақида асарлар яратган.

Устоз доимо пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг қуйидаги: “Илм саҳрода дўст, ҳаёт чорраҳаларида таянч, ёлғиз дамларда йўлдош, бахтиёр дақиқаларда раҳбар, қайғули онларда мадаккор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир,”– деган ҳикматларини қақайта-қайта такрорлайди.

Олимнинг темуршуносликка қўшган ҳиссасига тўхталадиган бўлсак, 1974 йилда араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг Соҳибқирон Амир Темур фаолиятига бағишланган тарихий асари – “Ажойиб ул-мақдур фи тарихи Таймур” (Темур тарихида тақдир ажойиботлари) асосида филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ёқлади. 2002 йилда эса “Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожиди тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий)” мавзусида тарих фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертацияни муваффақиятли ҳимоя қилди. Республика Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги ОАК олимга профессор илмий унвонини тасдиқлади (2008)

Убайдулла Уватов узоқ йиллардан буён Ватанимиздан чиққан кўплаб таниқли аллома ва мутаффакирлар ҳаёти ва улар қолдирган бой илмий меросни жамоатчиликка танитиб, бу меросни кенг халқ оммасининг маънавий мулкига айлантириш борасида салмоқли ишларни муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Зеро, Мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк аллома ва адибларимиз, азиз авлиёларимизнинг бебаҳо мероси, энгилмас саркарда арбобларимиз жасоратини ёшларимиз онгига сингдириш, уларда миллий ва ифтихор туйғуларини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз керак”, деган даъватини рўёбга чиқариш бўйича жонбозлик кўрсатмоқда

Олим IX–XII асрларда юртимиздан етишиб чиққан таниқли алломалар қолдирган бой илмий-маънавий мероси устида нодир қўлёзма манбалар асосида чуқур илмий тадқиқотлар олиб борган, етук манбашунос олим сифатида ватанимизда ва хорижда ҳам танилган. “Ўрта Осиё олимлари қомуси” (Т., 2007), “Ўзбекистон алломалар юрти” (Т., 2010), “Буюк юрт алломалари” (Т., 2017) каби салмоқли тўпламлар ҳам олимнинг кўп йиллик машаққатли меҳнати натижаси ҳам дейиш мумкин.

Устоз Тошкент шаҳридаги Ҳазрати Имом, Самарқанд шаҳридаги Имом Бухорий, Сурхон воҳасидаги термизийлар, Қарши шаҳридаги Хожа Убайдуллоҳ бин Жарроҳ, Муборак туманидаги Абдуллоҳ Марвазий, Ғузор туманидаги Мири Жанда, Китоб туманидаги Хожа Имганагий, Қарши туманидаги Абу-л Муъин ан-Насафий мажмуаларини таъмирлаш ва ободонлаштиришда ҳам бош маслаҳатчи сифатида фаол қатнашди. У кўплаб халқаро, республика илмий анжуманлар иштирокчиси. Анчагина фан номзодлари ва фан докторларига илмий раҳбарлик қилиб ўз илмий мактабини яратди.

Убайдулла Уватовнинг Амир Темур даври тарихига қизиқиши талабалик йилларидаёқ пайдо бўлган дейиш мумкин. У юқори курс талабалик даврида Мисрдаги Асвон тўғонида таржимонлик пайтида курсдоши А.Ҳасанов (ҳозирда тарих фанлари доктори, профессор) билан бирга таниқли араб муаррихи Ибн Арабшоҳнинг “Ажойиб ал-мақдур ...” китоби фотонусхасини олиб келишга муваффақ бўлган эди.

Юқорида таъкидланганидек, Убайдулла Уватов аспирантура ниҳоясига етгач, бу ноёб асар бўйича 1974 йилда филология фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертация ҳимоя қилди. Мазкур диссертация ҳимоясини ўша қабоҳатли совет давридаги чинакамига илмий жасорат деб айтиш мумкин. Чунки бу пайтда академик И.Мўминовнинг “Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли” номли рисоласидан (1968) сўнг юртимизда темуршунослик бўйича илмий-тадқиқот олиб бориш қатъиян тақиқланиб, бирорта ҳам асар эълон қилинмаган эди.

Ушбу тадқиқот мустақилликдан сўнг, 1992 йилда кирилл алифбосида, 2018 йилда латин алифбосида 2 та китоб шаклида нашр этилди. Бу таржима ўзбек темуршунослигига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди, десак асло муболаға бўлмас.

Ибн Арабшоҳнинг мазкур қимматли асари профессор Убайдулла Уватовнинг ёзишича, бошидан охиригача араб тилидаги энг мураккаб усул - қатъий сажъ усулида битилган бўлиб, таржимаси ниҳоятда қийин кечган. “Ажойиб ал-мақдур”да ҳали тадқиқотчилар диққатидан четда қолган илмий, тарихий, жуғрофий, маданий аҳамиятга молик талайгина маълумотларнинг мавжудлиги турли соҳа мутахассислари, жумладан, тарихчилар, географлар, санъатшунослар, тилшунослар томонидан янада чуқурроқ ўрганилишни тақозо этади (Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ал-мақдур... к.1. Т., 1992.Б.7).

Дарҳақиқат, “Ажойиб ал-мақдур...” тарих, этнография, фалсафа, педагогика ва бошқа ижтимоий гуманитар йўналишларида алоҳида ва чуқур илмий тадқиқ этишни талаб қилади. Шу боисдан олим ушбу асар таржимасини қайта кўриб чиқиб, яна асарни мукамал нашри устида тинимсиз ишламоқда. Агар устоз яратган ва таржима қилган асарларни жамласак, тарозининг бир палласини мазкур “Ажойиб ал-мақдур...”нинг таржимаси эгаллайди, албатта.

Убайдулла Уватов темуршунослик бўйича куйидаги асарларни яратган: Ибн Арабшах о Тимуре. – Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Вып.1. – Т., 1970. – С. 105-108; Сведения Ибн Арабшаха о Мавераннахре // Вопросы истории, экономики и культуры народов Средней Азии и стран зарубежного Востока. Вып. 2. – Т., 1975. – С. 98-105. Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихи. Ажойиб ал-мақдур фи тарихи Таймур (Темур тарихида тақдир ажойиботлари). Сўз боши, араб тилидан таржима ва изоҳларни Убайдулла Уватов тайёрлаган. Масъул муҳаррир А.Ўринбоев. К. 1, 2. – Т.: Меҳнат, 1992 (2018 йилда лотин алифбосида босилиб чикди); Амир Темур ва темурийлар ҳақидаги араб манбалари. – “Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни” мавзусидаги халқаро конференция тезислари. 1996 йил 23-26-октябрь. – Т.: Ўзбекистон, – Б. 92-93; Амир Темур ва темурийлар даври маданий ҳаёти ҳақида. – Темурийлар бунёдкорлиги давр манбаларида. – Т.: Халқ мероси, 1996. – Б. 158-165; Амир Темур ва мамлуклар. Шарқшунослик. – Т., 1996 йил 6-сон. – Б. 60-70; Ибн Арабшоҳ. Амир Темур тарихидан. Убайдулла Уватов таржимаси. – Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – Б. 24-35; Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида. – Т.: Шарқ, 1997, – 160 б.; Темур тузуклари “Маккадамикан?” – “Соҳибқирон юлдузи”, 1997, 17-19-сонлар; Соҳибқирон Амир Темурнинг 1399 йилда Султонияга бориши сабаблари – Амир Темур сабоқлари. Халқаро конференция материаллари. – Т.: Шарқ, 1998. – Б. 40-44; Ибн Арабшоҳ. – ЎЗМЭ, 4-ж. – Т., 2002. – Б. 50. Соҳибқирон араб муаррихлари нигоҳида // Темурийлар даври маданий ёдгорликлари анжумани материаллари 1-к. – Т.: 2003. – Б. 34-42.

Домла қарийб 60 йилдан зиёд вақт ичида Ватанимизда яшаб ўтган буюк алломаларнинг илмий меросини халқимизга, хусусан, ёш авлод ўртасида тарғиб-ташвиқ қилишда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. У юртимиз аллома ва мутафаккирлари мероси ва ҳадис илмини ўрганиш бўйича ўз илмий мактабига асос солди.

Мамлакатимизда устознинг қадами етмаган гўша бўлмаса керак. Жумладан, олим ота юрти – Қашқадарё вилоятига ҳам тез-тез ташриф буюриб, Қарши давлат университети, Қарши муҳандислик иқтисодиёти институти, Тошкент ахборот технологиялари университетининг Қарши филиалида, корхона, муассаса, ташкилот ва маҳаллалардаги маърифий тадбирларда ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Матбуот ва ОАВ ларда ҳам туркум мазмунли чиқишлар қилмоқда. Устозни қашқадарёликлар фахримиз ва ифтихоримиз деб билишади.

2008 йилда Қарши давлат университетиде “Насаф ва Кеш алломалари меросини ўрганиш илмий маркази”ни ташкил этишга, қатор илмий-амалий анжуманлар ўтказишга ва тўпламлар нашр этилишига бош-қош бўлди.

Эл ардоқлаган олим айни пайтда Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ЎЗРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қошидаги Илмий даражалар берувчи кенгашлар ҳамда кўплаб илмий журналлар таҳрир хайъатлари аъзосидир. Устоз кўп йиллар Ўзбекистон маърифатпарварлари жамиятига ҳам раҳбарлик қилди. Устознинг илм-фан соҳасидаги ва жамоатчилик ўртасидаги кенг қамровли самарали фаолияти давлатимиз томонидан муносиб тақдирланиб, “Меҳнат шухрати” орденига (2009) ва “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонларига сазовор бўлди.

Ибрат бўлишга арзийдиган уммон умровли, етук сиймо профессор Убайдулла Уватовнинг намунали ва мустаҳкам оила соҳиби сифатидаги фазилатлари ҳам ғоятда ибратлидир. Устознинг солиҳ фарзандлари жамиятимиздан муносиб ўрин эгаллашиб, турли соҳаларда ҳалол меҳнат қилишиб, эл-юрт қорига ярамоқдалар.

Олимнинг кенг қамровли таржимонлик, илм-фан, маърифат ва жамоатчилик соҳасидаги самарали фаолияти ҳақида кўплаб рисоалар яратса арзийди, албатта.

Инсон ҳаёт кечирар экан, ўзининг амалий фаолиятида кўплаб яхшиликлар қилади, шогирдлар тарбиялайди, жамият, миллат, қавму қариндошлари учун ўз меҳнатини ва ёрдамини асло аямайди. Устоз тўй-тантана, айниқса, маъракаларга қолдирмай боради. Олисида бўлса ҳам, инсонлардан кўнгили сўрайди, ғам-ташвишига шерик бўлади.

Заҳматкаш олим, фидойи устоз Убайдулла Уватов ўзининг сермазмун ва самарали ҳаёти, гўзал инсонийлик хулқи ва амаллари билан ҳаётда ўчмас из қолдиришга лойиқ Ҳазрати инсон десак асло муболаға бўлмас.

Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ўз Ҳадиси шарифларида устозлар мақомини таърифлаб шундай марҳамат қилганлар: “Албатта, Аллоҳ таоло, унинг фаришталари, Осмонлар-у ерлар аҳли, ҳатто инидаги чумоли ва ҳатто денгиздаги балиқ ҳам инсонларга яхши таълим берувчи инсонларга саловат айтадилар”. “Кишиларнинг яхшиси халққа фойдалироғидир”

Одамийлик мулки соҳиби профессор Убайдулла Уватов улуг ва табаррук ёшда бўлишига қарамай ҳамон куч-ғайрат билан самарали меҳнат қилаётгани, кўплаб шогирдлар тайёрлаш ва ёшларга таълим бериш йўлида жонбозлик кўрсатиб келаётгани барчага ибрат ва таҳсинларга сазовор дейиш мумкин.

Ҳадис илмининг султони Имом Бухорий ҳазратларининг “Одамларнинг нажоти фақат билим ва ундан бошқаси бўлмагай”, “Ҳар бир нарса учун бир йўл бор. Жаннат йўли эса илм биландир”, “Гарчи Хитойда бўлса ҳам илмга интилинглари, чунки илм олишга ҳаракат қилиш ҳар бир мўминга фарздир” каломларига қатъий амал қилаётган серғайрат Устозга янада бардавом умр, тансиҳатлик, машаққатли, лекин шарафли бўлган илм-фан ва маърифат соҳасидаги эзгулик ва комилликка йўғрилган самарали фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Табаррук 80 ёшни қаршилаётган беназир Устозга Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларининг, буюк мутафаккир ва алломаларнинг руҳлари доимо мададкор бўлсин деб эзгу тилаклар ҳам билдирамыз. Зеро, буюк аллома Юсуф Хос Ҳожиб мадҳ этганидек:

*Яна бир ҳикмат бор: Ҳазрати одам –  
Билим, ақлу идрок сабаб муҳтарам.*

Қарши давлат унверситети профессори

**О. Бўриев**

Шу университет доценти,  
фалсафа фанлари номзоди

**П. Сайдуллаев**

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий журналида  
мақола чоп этиш учун қўйиладиган  
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнггида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва катта қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши шарт.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ҳамда электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола [qarduxj@umail.uz](mailto:qarduxj@umail.uz) электрон почта орқали жўнатилади.
12. Кўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.
13. Қўшимча ахборотларни [www.xabarlar.qarshidu.uz](http://www.xabarlar.qarshidu.uz) веб-саҳифаси ёки +998973853373 телефон рақами орқали олиш мумкин.

## МУНДАРИЖА

### ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА

Аликулов Э.О., Халикова М. Условия связности графики многозначных отображений.....	3
Эшқараева Н.Г., Одилов Ж.Қ. Кохонен нейрон тўрида кластеризация ва унинг татбиқлари.....	6
Мейлиев Л., Куйлиев Б., Джураева К., Дорошенко И., Кадилов А. Кванто-химическое моделирование возможных конформеров молекулы пропанола .....	11

### КИМЁ

Шодиева Г., Қурбонов М.Ж., Чулиева М.М. Дифенилтиокарбазон молекуласи ароматик ҳалқасининг нитролаш реакцияларини ўрганиш.....	15
Эшдавлатова Г.Э., Турасуннат Ш.К., Қурбонова Ф.Ж., Камолов Л.С. Бензодиоксан-1,4 ни β-бромэтилфталимид иштирокида амидоалкиллаш реакциясини ўрганиш.....	22
Ахмедов О.Ж., Турасуннат Ш.К., Камалов Л.С. Низкомолекулярные метаболиты грибов. и II.Гарциановой кислоты из <i>Trichoderma Harzianum</i> Uzcif-55.....	28

### БИОЛОГИЯ

Ёзиев Л.Х., Убайдуллаев Ш.Р., Байсунов Б.Х. Рост и развитие древесных растений в условиях Южного Узбекистана.....	35
Шеркулова Ж.П., Исомиддинов З. Ш., Мустафаев И. М., Иминова М. М., Тешабоева Ш. А. Ўзбекистонда <i>Phellinus</i> Quel. Нупеночаetaceae) туркуми турларининг тарқалиши.....	43
Азимов И.Т., Хўжаназаров Ў.Э., Азимов Б.И., Ишмўминов Б.Б. Оҳангарон дарёси хавзасида тарқалган эфемерзорлар трансформацияси ва ҳозирги экологик ҳолати.....	48
Есимбетов А.Т., Зарипов А.А., Сиддиқов Г.У., Усманов П.Б. Действие флавоноида норвогонина на сократительную активность гладкой мускулатуры кровеносных сосудов.....	51
Рахимов А.Л., Ёзиев Л.Х., Дусчанова Г.М. Структурные особенности вегетативных органов <i>Hibiscus syriacus</i> L. (сем. Malvaceae Juss.), произрастающего в условиях Кашкадарьинской области.....	59
Қурбанов. А. Ш., Искандарова Ш. А. Қишлоқларда яшовчи ўсмир ёшлар саломатлиги ва жисмоний ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	65

### ТАРИХ

Бўриев О., Жумаев Т. Амир Темур даври нумизматикаси ва унинг лисонияти.....	69
Вайсова Н.А. Новинки зарубежной историографии о согдийцах на Великом Шёлковом пути.....	72
Каримов. Б. XIX асрда Қарши шахрининг хунармандчилик соҳалари тавсифи .....	75
Ботиров С. Англия шарқшунослигининг асосий йўналишлари.....	79
Юлдашев Б.Э. Бухоро темир йўлининг қурилишига таъсир кўрсатган омиллар.....	85
Саматова Ф.Н. Қашқадарё воҳаси ўзбекларининг гўдақ туғилишигача бўлган даври қадимий эътиқодлари.....	90

<b>Равшанова Г.П.</b> Қашқадарё воҳасида мунтазам куролли ҳаракат таъминоти (1921-1926).....	93
<b>ФАЛСАФА</b>	
<b>Саломова Ҳ.Ю.</b> Миқдор – меъёрнинг таркиби сифатида.....	99
<b>Жамолов Д.</b> Цивилизация ҳақидаги фалсафий фикрлар тараққиёти.....	103
<b>Бобоқулова Х.</b> Мустақиллик арафасида Ўзбекистон фалсафий тафаккурининг ижтимоий ҳолати.....	107
<b>Амридинова Д.Т.</b> Ёшлар тарбиясида жаҳидчилик маънавий меросининг аҳамияти.....	113
<b>Холиқов Ю.О.</b> Ёшларда бағрикенглик маданиятини шакллантиришда таълимнинг роли.....	115
<b>Эшматов М.</b> Аналитик фалсафанинг вужудга келиши муаммолари.....	119
<b>СИЁСАТШУНОСЛИК</b>	
<b>Азимов Ҳ.Я.</b> Кашмир муаммоси: тарих ва бугун.....	123
<b>Жумаева Ш.</b> Глобаллашув шароитида коррупция ҳодисаси.....	127
<b>Қудратов А.М.</b> Волонтерлик (кўнгиллилик) ҳаракатининг шаклланиши ва ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари.....	130
<b>Очилова Г.А., Омонов Б.Н.</b> Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик сиёсати.....	136
<b>ФИЛОЛОГИЯ</b>	
<b>Равшанова Г.Қ.</b> Абдулла Орипов ҳажвиётида конфликт ва тасвирий воситалар.....	141
<b>Суярова Н.</b> Ўзбек формал тилшунослигида метафоранинг ўрни.....	144
<b>Набиева М.</b> Белги англатувчи терминларнинг лисоний тизимдаги ўрни.....	148
<b>Тўраева У.Э.</b> Шеърят тили рўйхатли луғатини тузиш тамойиллари.....	153
<b>Норходжаева Х.Ш.</b> Терминларнинг маънодошлик хусусиятлари.....	156
<b>ПЕДАГОГИКА</b>	
<b>Қахрамонова Х.</b> Имитацион ролга асосланган ахборот моделлаштиришнинг педагогик аспектлари.....	161
<b>Примов Р.Т.</b> Ёш авлод тарбиясида мусиқа санъатининг ўрни.....	164
<b>Мўминова Н., Жумаева Ш.Т., Жумаева К.Т., Шаропова М.</b> 5-синф ўқувчиларига “Турдош ва атоқли отлар” мавзусини ўргатишнинг назарий аспектлари.....	169
<b>ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ</b>	
<b>Қўзиёв Р.Қ., Қўзиёв Ж.М., Халилова Н.Ж.</b> Ангрэн ҳавзаси суғориладиган тупроқларининг унумдорлиги ва уни яхшилаш йўллари.....	173
<b>ИҚТИСОД</b>	
<b>Усманова З.М.</b> К вопросам использования трудовых ресурсов на предприятии.....	177
<b>Nurimbetov R.I., Zikriyev A.S.</b> Estimating costs of the construction project is rising dynamically. is it because of health and safety regulation not well organized?.....	180
<b>Пардаев М.Қ.</b> Инновацион иқтисодиётни ривожлантиришнинг мамлакатимиз келажагини таъминлашдаги ўрни.....	187
<b>ТАДҚИҚОТЛАР ВА АХБОРОТЛАР</b>	
<b>Бўриёв О., Саъдуллаев П.</b> Илм-фан, маърифат ва эзгуликка бахшида умр.....	192

**Илмий-назарий, услубий журнал**

Мусаххилар: Д.Шодмонова  
Ё.Ҳамраева  
Б.Турсунбоев  
Саҳифаловчи Я.Жумаев  
Навбатчи Т.Жумаев  
Техник муҳаррир М.Раҳматов

**Муассис: Қарши давлат университети**

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан  
17.09.2010 йилда № 14–061 рақамли гувоҳнома билан  
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 05.03.2020 йилда берилди.  
Босишга 20.03.2020 йилда рухсат этилди.  
26.03.2020 йилда босилди.  
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.  
Times New Roman гарнитураси.  
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.  
Буюртма рақами: № 10.  
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

**Индекс: 4071**